

Карел Чапек

Самандарлар билан жанг

РОМАН

Тошкент
Ғафур Ғуллом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1979

ББК 84. 4 Чеш
Ч 21

Русчадан
АЛИМУЛЛА ҲАБИБУЛЛАЕВ
таржимаси

Ч $\frac{70304 - 45}{М 352 (04) - 79}$ 105—79—3704020000

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 й
(Тарж.)

Биринчи китоб
ANDRIAS SCHEUGHZEI

1. КАПИТАН ВАН ТОХ — ҒАЛАТИ ОДАМ

Агар сиз харитадан Танамаса оролини қидирадиган бўлсангиз, уни яқ экуатордан, Суматра оролининг бир оз ғарб-роғидан топишингиз мумкин. Шу орол соҳилига ҳозиргина лангар ташлаб турган «Кандон-Бандунг» кемасининг капитани И. ван Тохдан бу оролнинг қанақа жойлигини сўрасангиз, у аввалига яхшилаб сўкинар, кейин эса бутун Зонд архипелагидаги энг расво, Танабаладан ҳам баттар, нари борса, Пини ёки Баньяк каби нохуш бир ер эканини гапириб берган бўларди. У ерда яшаб келаётган яккаю ягона одам (агар уни одам деб бўлса), албатта анави ўғри, мажусий, ҳайвонсифатликда ҳақиқий кубу, ҳатто чинакам оқ танлиларни ҳам йўлда қолдириб кетадиган ярим кубу, ярим португал савдо агенти эканини билиб оласиз. Бундан ташқари у сизга ҳақиқатан ҳам дунёда энг расво нарса, сэр, мана шу лаънати Танамасадаги касофат ҳаётдир, деган бўларди. Шундан кейин капитандан: модомики шундай экан, нега энди бутун умрини шу ерда ўтказмоқчи бўлган одамдай лаънати лангарини Танамаса соҳилларига ташлаб турганини сўрардингиз? Шунда у жаҳл билан пишиллаб: «Кандон-Бандунг» бу ерга фақат ана шу лаънати кокос ёнғоғининг мағзи ёки хурмо мойи деб келмаган бўлса керак, деганга ўхшаш бирор гап айтиб, тўнғиллаб қўярди. Бунинг устига сиз ундан, сэр, бунинг сизга мутлақо дахли йўқ. Менинг ўз юмушим бор, сиз ҳам, сэр, марҳамат

қилиб, ўз ишингиздан қолманг, деган гапларини эшитардингиз. Шундан сўнг ёши бир жойга бориб қолган бўлишига қарамай тенгдошларига нисбатан ҳали анчагина бардам кўринадиган бу одам кема капитанларига хос бўлган узундан-узоқ ва болохонадор сўкишларни ёғдириб ташлайди.

Агар сиз хиралик қилиб сўраб-суриштиравермай, капитан И. ван Тохни ўзича жавраб, сўкинишга қўйиб бераверсангиз, ундан янада кўпроқ нарсаларни билиб оласиз. Унинг юрагини бўшатиб олишга муштоқлиги афт-башарасидан шундоққина сезилиб туради. Капитанни ўз ҳолига қўйсангиз бас, ундаги қаҳр-ғазаб сиртига ўзи йўл топиб чиқади. «Биласизми, сэр, — дейди у ҳаяжонланиб, — бизнинг Амстердамдаги муттахамлар, лаънати еб-тўймас очофатлар қўққисдан нимани ўйлаб топишибди денг марваридни, ошнам, марваридни! Бирор жойдан марварид қидириб кўринг. Ҳозирги пайтда марварид ва шунга ўхшаш нарсалар деган жойда ҳамманинг эси огадиган бўлиб қолди, дейишяпти». Капитан шу гапни айтади-да, ғазаб билан тупуриб қўяди. «Марварид»га пул сарфлашларининг сабаби менга аён. Чунки, азизим, сизларнинг доим уруш қилгиларингиз келиб туради. Бироқ ўз пулларингиздан хавотирдасиз, гап ана шунда. Буни эса сэр, «кризис», дейдилар. Капитан ван Тох бир зумгина жим туриб, сизга иқтисодий масалалардан гап очса бўладими, йўқми — шуни ўйлаб кўради. Ҳозир шундан бошқа мавзуда суҳбатлашиш расм бўлмай қолган-да. Бироқ бу ердаги, лаънати Танама-са соҳилларидаги ҳаво бунақанги суҳбатлар учун ҳаддан ташқари иссиқлик қилади. Ҳатто гаплашгани ҳам эринасиз. Шунда капитан ван Тох қўл силтаб, гўлдирайди: «Марварид — айтишгагина осон! Цейлонда, сэр, аллақачон беш йиллигини олдиндан қиртишлаб бўлишган, Формозада эса марварид қидиришни бутунлай тақиқлаб қўйишди. Улар бўлса: «Капитан ван Тох, янги конлар қидириб топишга ҳаракат қилинг. Ўша лаънати майда оролларни қараб кўринг, у ерларда чиғаноқлар қалашиб ётган саёзликлар бў-

лиши мумкин, дейишади. Капитан ҳаворанг рўмолчасига қаттиқ овоз чиқазиб бурнини қоқади. «Европалик бу каламушларнинг хаёлида гўё бу ердан ҳалигача ҳеч ким билмайдиган бирор нарса топиб бўладигандай. Ана аҳмоқлигу худонинг ўзи кечирсин! Марварид ярқираб турмаганмикиң, деб ҳар бир батакнинг оғзига мўралаб кўришни буюрмаганларига ҳам шукур! Янги конлармиш-а! Падангда янги исловатхона бор, ҳа, буниси рост, аммо янги қонлар-чи?.. Цейлондан лаънати Клиппертон оролларигача бўлган жойларни ўз иштонимдай биламан, сэр. Агар кимда-ким бу ерлардан пул ишлаб олиш мумкин бўлган бирор нарса топмоқчи бўлса, бош устига, марҳамат қилсин! Мен бу сувларда ўттиз йилдан бери сузаман, амстердамлик овсорлар эса менинг бу ерда янгилик кашф этишимни истаб қолишибди». Бундай ҳақоратомуз талаб ҳақида ўйлаганида капитан ван Тох бўғилиб ўлгудай бўларди. «Майли, бу ерга она суги оғзидан кетмаган биронта тирмазакини юбориб кўришсин у шунақанги бир янгилик кашф қилсинки, ҳаммалари бақрайиб қолишсин. Бироқ бу ерларни капитан И. ван Тохдай биладиган одамдан бунақанги нарсаларни талаб қилиш!.. Европада, ҳали ҳам ҳар қалай бирор нима кашф қилса бўлади, лекин бу ерларда жуда ҳам мушкул масала, шундай эмасми, сэр?! Бу ерларга фақат жиғилдон дардида бирон нарса искаб топгани, ҳатто олибсоғарлик қилгани келишадди. Борди-ю, бу лаънати тропикнинг биронта жойида икки бараварига пуллашнинг иложи бўлган у-бу қолгандаям аллақачон атрофини бир талай агентлар ўраб олишган, етти давлатнинг пароходларига ягири чиққан рўмолчаларини силкитиб, уларни тўхтатишга уринишган бўларди. Ана шунақа, сэр, рухсатингиз билан мен сизга айтсам, бу ерларни қиролича ҳазрати олияларининг мустамлакалар министридан кўра яхшироқ биламан». Капитан ван Тох ғазабини босишга ҳаракат қилади, озми-кўпми диққатбозликдан кейин бунга эришади ҳам. «Хув анави икки ярамас дангасани кўряпсизми? Улар цейлонлик марварид қидирувчилар, худонинг ўзи кечирсину бу сингалезлар худо

қандай яратган бўлса, шундайлигича қолишган: шуларни яратиб нима ҳам қилар экан ҳайронман. Энди уларни ўзим билан олиб юрибман. «Агентлик» «Батя» ёки «Божхона» деган ёзувлари бўлмаган бирор қирғоқ учраб қолди дегунча, уларни чиганоқ қидириш учун сувга тушираман. Анави текинхўр, паканароғи саксон метр чуқурликка бемалол шўнғий олади; Принц ороллари яқинида тўқсон метр чуқурликдан киноаппарат дастасини топиб чиққан, бироқ марварид қаёқда дейсиз! Урвоғи ҳам йўқ. Сингалезлар бекорчи халқ бўлади. Менинг ҳунарим, сэр, гўё хурмо мойи сотиб оладигандай бўлиб юриб, янгидан-янги марварид чиганоқларининг конларини қидириб топишдан иборат. Балки ҳали инсон оёғи етмаган қитъа топиб беришимни ҳам истаб қолишар? Йўқ, сэр, бу иш савдо флотининг ҳалол капитани шаънига тўғри келмайди. И. ван Тох қандайдир бир ярамас авантюрист эмас, сэр . . . » Денгиз бепоён: вақт океани эса чексиз-чегарасиз; денгизга тупурганинг билан суви кўшаймайди, биродар: тақдирингни қанча лаънатлама, у пинагини бузмайди. . . Мана шундай узундан-узоқ муқаддима ва иккинчи даражали гаплардан сўнг Голланд кемаси «Қандон-Бандунг» нинг капитани И. ван Тох хўрсиниб, лаънатлар ёғдириб, Танамасадаги ярим кубу, ярим португал метис пияниста билан савдо-сотиқ ишлари бўйича стамлашиш учун қайиққа ўтирганининг гувоҳи бўламиз.

— Кечирасиз, капитан, — деди ниҳоят ярим кубу, ярим португал метис. — Бу ерда, Танамаса сувларида ҳеч қанақа чиганоқ йўқ. Мана шу ифлос батаклар,¹ — дейди у қаттиқ жирканиб, — ҳатто медузаларни ҳам ямламай ютишади; улар қуруқликдан кўра кўпроқ сувда яшашади; бу ернинг аёлларидан шунақаям балиқ ҳиди келадики, эси сўраманг. Шундай қилиб, нима демоқчи эдим? Ҳа, айтгандай, аёллар ҳақида сўраётганингиз . . .

— Бу ердаги қирғоқларда батаклар сувга тушмайдиган бирор жой борми? — деб сўради капитан.

¹ Суматра оролининг ғарбий қисмида яшайдиган халқ (*таржимон*).

Ярим кубу, ярим португал метис бош чайқади.

— Йўқ сэр. Девл-Бэйдан бошқа ҳамма ерда тушишади. Бироқ у жой сизга тўғри келмайди.

— Нега энди?

— Чунки . . . у ерларга ҳеч кимнинг бориши мумкин эмас, сэр. Яна қуяйми, капитан?

— Раҳмат. Нима, бу ерда акулалар борми?

— Акулалар ва . . . умуман, — гўлдиради метис, — ёмон жой, сэр. У ерга бировнинг боришини батаклар ёқтиришмайди.

— Нега?

— У ерда иблислар бор, сэр . . . Денгиз иблислари.

— Денгиз иблисининг ўзи нима? Балиқми?

— Йўқ, балиқ эмас, — деди метис аниқ жавобдан қочиб. — Шунчаки иблис, сэр. Сувда яшайдиган иблис. Батаклар уларни «тапа», дейишади. Тапа. Иблисларнинг у ерда ўз шаҳарлари борга ўхшайди. Қуяйми?

— Ўша денгиз иблисининг кўриниши қанақа?

Ярим кубу, ярим португал елкасини қисди.

— Худди иблиснинг ўзи, сэр . . . Бир марта кўзим тушганди. Тўғрироғи, фақат бошинигина кўрдим. Кейн Гаарлемдан қайиқда қайтиб келаётган эдим. Қаршимда бирданига сувдан бошини чиқариб қолса бўладими . . .

— Хўш, қанақа экан? Нимага ўхшаркан?

— Қалласи худди батакларникига ўхшайди, сэр, фақат тап-тақир.

— Балки чиндан ҳам батакдир?

— Йўқ, сэр. У ерларда биронта ҳам батак сувга яқин йўламайди. Бунинг устига у жонзот . . . *пастки қовоқларини* пирпиратарди, сэр. — Даҳшатдан метиснинг эти жимирлаб кетди. — Пастки қовоқлари эса кўзларини бутунлай беркитиб турарди. Ҳа, у тапа эди.

Капитан И. ван Тох пальма ароғи тўла стаканни йўғон бармоқлари орасида бир оз айлантириб турди.

— Мабодо кайфингиз йўқмиди? Балки ўшанда тоза отиб олган бўлсангиз керак?

— Шундай бўлган эди, сэр. Акс ҳолда у томонларга бормаган бўлардим. Бу . . . иблисларни биронта одам безовта қилишини батаклар ёқтиришмайди.

Капитан ван Тох бош чайқаб қўйди.

— Дунёда ҳеч қанақа иблис йўқ. Борди-ю, бўлганида ҳам улар европаликларга ўхшаган бўлади. У айтаётганинг қандайдир балиқ ёки шунга ўхшаган бирор нарса бўлса керак.

— Балиқнинг, — дудуқланиб гўлдиради ярим кубу, ярим португал метис, — балиқнинг қўли бўлмайди, сэр. Мен батак эмасман, сэр. Бадъонгдаги мактабда таҳсил кўрганман . . . диннинг ўн таълимоти ва бошқа аниқ фанлар ёдимда бўлса керак, деб ўйлайман, ўқимишли одам иблис билан бошқа биронта жониворни бир-биридан ажрата олади. Ишонмасангиз батаклардан сўраб кўринг, сэр.

— Бу ёввойилар бидъати, — деб кулимсиради капитан ўқимишли одамлардек баландпарвозлик билан. — Илмий нуқтаи назардан, бу бир бемаънилик. Иблиснинг сувда яшани мумкин эмас. У ерда нима ҳам қиларди. Ерлик аҳолининг бемаъни гапига ишониб бўлмайди, биродар. Кимдир у ерни «Иблис кўрфази» деб атабди, ўшандан бери батаклар у ердан кўрқиб қолишган. Ана шунақа, — деди капитан гўштдор кафти билан столга уриб, — у ерда ҳеч нима йўқ, йигит; илмий нуқтан назардан худди шундай.

— Ҳа, сэр, — маъқуллади Бадъонгдаги мактабда ўқиган метис, — аммо эс-ҳуши жойида одам Девл-Бэйга оёқ босмаслиги керак.

Капитан И. ван Тох қизариб кетди.

— Нима? — деб бақирди у. — Сен исқирт кубу, мени ўша иблисларингдан кўрқади, деб ўйлаяпсанми? Қўрамиз ҳали!

Ўзининг бутун бошли икки юз фунтлик баҳайбат гавдасини сгулдан кўтараркан, қўшиб қўйди:

— У ёқда мўмай фойда келтирадиган ишлар кутиб турганда сен билан вақтни беҳудага ўтқазиб нима қилдим. Бироқ ёдингда бўлсин: голланд мустамлакаларида иблис-

лар бўлмайди; француз ерларида бўлса бордир. У ердаги сувларда аҳтимол бордир. Энди менга бу лаънати қишлоқнинг оқсоқолини чақириб бер.

Оқсоқол ҳам бирпасда топила қолди; у метиснинг дўкончаси олдида шакарқамиш чайнаб ўтирарди . . .

— Гап бундай, биродар, — мурожаат қилди капитан ван Тох оқсоқолга малайя тилида (унга голландча ёки инглизча гапирса ҳам бўлаверарди. Чунки ҳурматли кекса батак бир оғиз ҳам малайяча билмас эди, шунинг учун ярим кубу, ярим португал метис капитаннинг гапларини батак тилига таржима қилиб берди. Бироқ капитан нима учундир малайя тилида гапиришни маъқул кўрди). — Менга бир нечта бақувват, жасур йигитлардан керак, овга олиб кетаман. Тушуняпсанми, овга.

Метис таржима қилди, қария эса тушунгандек бош иргаб қўйди. Шундан кейин оқсоқол халойиққа мурожаат қилиб, афтидан, муваффақиятли нутқ сўзлади.

— Оқсоқолнинг айтишича, — деди метис — бутун қишлоқ жаноб капитан билан у истаган ерга боришга тайёр.

— Уларга айт, биз Девл-Бэйга чиганоқ йиққани борамиз.

Ҳаяжонли мубоҳаса чорак соатча давом этди. Унда бутун қишлоқ аҳли, кўпроқ кампирлар иштирок этишди. Шундан кейин метис капитанга юзланди:

— Улар, сэр, Девл-Бэйга бориб бўлмайди, дейишяпти.

— Нега бориб бўлмас экан?

Метис елкасини қисди.

— Чунки у ерда тапа-тапа, яъни иблислар бор, сэр.

Капитаннинг юзи қизариб, бўзарди.

— Уларга айт, агар боришмася . . . тишларини қоқиб оламан . . . қулоқларини суғураман . . . Ўзларини осаман . . . қишлоқларига ўт қўяман . . . Тушундйгми?

Метис айтилган гапларнинг ҳаммасини бекаму кўст таржима қилиб берди. Шундан кейин яна узоқ ва ҳаяжонли кенгаш давом этди. Метис ниҳоят шундай деди:

— Улар, сэр, Падангга бориб, жаноб бизга тадҳид

қиялпти, деб полицияга шикоят қиламиз, дейишяпти. Бу ҳақда қонуннинг махсус моддаси бормиш. Оқсоқолнинг айтишича, бу ишни шундай қолдиришмасмиш.

Капитан И. ван Тохнинг башараси энди кўкариб кетгандек бўлди.

— Унга айт бўлмасал — деб ўшқирди капитан, — у . . .

Шундан кейин капитан тўхтовсиз ўн бир минут гапирди.

Метис бисотида бор сўзларни ишлатиб таржима қилиб берди. Узоқ давом этган, аммо эндиликда жиддий тус олган янги мунозаралардан сўнг у капитанга шундай деди:

— Агар жаноб жаримани бевосита маҳаллий ҳукуматга тўласа, судга шикоят қилмаймиз, дейишяпти, сэр. Улар, — метис иккиланиб қолди, — икки юз рупия талаб қилишяпти. Аммо, менимча, бу кўпроққа ўхшайди. Беш рупия таклиф қилиб кўринг.

Капитаннинг юзидаги кўкиш доғлар тўпланиб-тўпланиб тўқ жигарранг тусга кирди. Аввалига у дунёдаги бутун батак зотини қириб ташлаш нияти борлигини айтди, кейин ўз даъвосини кетларига уч юз мартадан тепишгача камайтириш, пировардида оқсоқолнинг терисига хашак тикиб, Амстердамдаги колониал музейга тулум қилиб олиб кетишини айтди. Батаклар ҳам жарима ҳақини икки юз рупиядан ғилдиракли темир насосгача туширишди. Охири капитан жарима сифатида оқсоқолга бензин зажигалкасини тортиқ қилсин, деб туриб олишди.

— Бераверинг, сэр, — кўндирмоқчи бўлди ярим кубу, ярим португал метис, — омборимда бунақа зажигалкадан, пилиги бўлмаса ҳам учтаси бор . . .

Шундай қилиб, Танамасада осойишталик қайта қарор топди. Бироқ капитан И. ван Тох энди қиморга оқ ирқнинг обрўси тикилганини биларди.

Куннинг иккинчи ярмида Голландиянинг «Кандон-Бандунг» кемасидан бир қайиқ сузиб кетди. Унда капитан И ван Тох, швед Иенсен, исландиялик Гудмундсон, фин Гиллсмайнен ва икки нафар сингалез марварид қидирув-

чилар бор эди. Қайиқ тўппа-тўғри Девл-Бэй кўрфазига қараб йўл олди.

Соат учларга бориб сувнинг пасайиши ниҳоясига етди. Бу пайтда капитан қирғоқда турарди. Қайиқдагилар эса соҳилдан юз метрча нарида акулалар йўқмикан, деб кузатиб юришарди. Икки сингалез шўнғувчилари эса қўлида пичоқ тутган ҳолда буйруқни кутишарди.

— Қани, сеп бошла, — деди капитан уларнинг новчасига. Яланғоч сингалез сувга сакради-да, бир неча қадам югуриб бориб шўнғиди. Капитан соатига қараб турди.

Тўрт минуту йигирма секунддан кейин, олтамиш метрча чапроқда сувдан бронза тусли йилтироқ бош кўринди; сингалез кўрқувдан оёқ-қўли қалтираб, бир қўлида пичоқ, бир қўлида чиғаноқ, шоша-пиша қояга тармаша бошлади.

Капитан хўмрайди.

— Нима гап ўзи? — деди у ғазаб билан.

Сингалез ҳамон қояга тармашар экан, кўрқувдан тили айланмасди.

— Нима бўлди? — дея қичқирди капитан.

— Соҳиб, соҳиб . . . — дея олди сингалез ҳансираганича кумга қулаб. — Соҳиб, соҳиб . . .

— Акулаларми?

— Жинлар, — деди инқиллаб сингалез, — жинлар, жаноб. Минг-минглаб иблислар!

У муштларини кўзига ишқади.

— Бутун ҳаммаёқ иблисларга тўла, жаноб!

— Чиғаноқни бер-чи, — деди капитан ва пичоқ билан уни очиб кўрди; чиғаноқ ичида мошдек ялтироқ марварид лонаси ётарди. — Бошқа ҳеч нарса тополмадингми?

Сингалез бўйнидаги халтачадан яна учта чиғаноқ чиқариб берди.

— У ерда чиғаноқлар тикилиб ётибди. Бироқ уларни иблислар пойлаб юрибди. Чиғаноқларни кўчириб олаётганимда улар мени кузатиб турди . . .

Кўрққанидан унинг жингалак сочлари тикка бўлиб кетганди.

— Соҳиб, соҳиб, бу ер бўлмайди!..

Капитан чиганоқларни ёриб кўрди. Уларнинг иккитаси бўш эди, учинчисидан эса симоб томчисидек дум-думалок, катталиги нўхатдек марварид чиқди. Капитан ван Тох бир марварид донасига, бир ерда чўзилиб ётган сингалезга қаради.

— Менга қара, — деди у қатъиятсизлик билан. — Яна бир марта шўнгиб кўрмайсанми, а?

Сингалез овоз чиқармай бош чайқади.

Капитан И. ван Тохнинг тили қичиб, бошлаб сўкмоқчи бўлди-ю, бироқ шу топда ўзининг ҳам негадир оҳиста, мулойим гапираётганини пайқаб қолди.

— Қўрқма, биродар. Ўзи кўриниши қанақа экан... иблисларнинг?

— Худди ёш болаларнинг ўзгинаси, — пичирлади сингалез. — Орқаларида думи бор, жаноб, бўйи эса мана бундоққина. — У қўли билан ердан юз йигирма сантиметрча баландликни кўрсатди. — Улар атрофимни ўраб олиб, қилаётган ишимни кузатиб туришди. . . Улар шунақанги кўпки . . .

Сингалезнинг аъзойи бадани қалтирарди.

— Соҳиб, соҳиб, бу ердан кетайлик! . .

Капитан ван Тох ўйлаб қолди.

— Нима, улар кўзларини пирпиратганида пастки қовоқлари очилиб-юмилдими-а?

— Билмадим, жаноб, — дея гўлдиради сингалез. — Сув тагида . . . улардан ўн мингтача бор!

Капитан иккинчи сингалезга қаради: униси юз эллик метрча нарида елкаларини қучганича совуққонлик билан буйруқ кутарди; айтгандай, одам яланғоч бўлгач, қўлларини елкаларидан бошқа қаерга ҳам қўярди? Капитан унга ишора қилган эди, кичкина сингалез сувга шўнғиди. Орадан уч минути эллик секунд ўтгач, сингалез сув бетига чиқиб, қалтираётган қўллари билан қояга тармаша бошлади.

— Чик, — деб қичқирди унга капитан, бироқ тузукроқ

қарагач, жон-жаҳди билан тармашаётган қўллар томон тошдан-тошга сакраб югурди; шундай улкан гавданинг бунчалар чаққон ҳаракат қила оlishига ақл бовар қилмасди. Ниҳоят, у сингалезнинг қўлидан тутиб, пишиллаганича уни сувдан тортиб олди. Кейин уни тош устига ётқизиб, ўзининг пешонасидаги терни артди. Сингалез қимир этмай ётарди; бир болдири тошга теккан бўлса керак, суягигача шилиниб кетган эди, бошқа ҳеч бир ери зарарланмабди. Капитан унинг қоғоғини очиб, бир томонга ғилайиб кетган кўзининг фақат оқинигина кўрди. Ёнида чиганоқ ҳам, пичоқ ҳам йўқ эди.

Шу орада қайиқдагилар ҳам қирғоққа яқин келишди.

— Сэр, — дея бақирди швед Иенсен, — бу ерда акулалар бор экан! Овни давом эттираверасизми?

— Йўқ — деди капитан, — келиб иккаласини ҳам олиб кетинглар.

— Буни қаранг, сэр, — деди Иенсен кемага қайтиб келишаётганида. — Шу ерга келганда сув бирдан саёзлашиб қолди-я. Бу бир текисдаги саёзлик нақ қирғоққача давом эгаркан, — деди эшкакни сувга ниқтаб кўрсатаркан, — гўё сув остида қандайдир тўғон бордай-а?

Митти сингалез кемага етгандагина ўзига келди у иягини тиззасига тираб ўтираркан, бутун аъзойи бадани қалтирарди. Капитан одамларни нари ҳайдаб, ўзи унинг қарши-сига оёқларини кериб ўтириб олди.

— Қани, бир бошдан айтиб бер-чи, — деди у. — Нималарни кўрдинг?

— Жинларни, соҳиб, — деди шивирлаб митти сингалез. Энди унинг кўзлари ҳам пирпираб, бутун бадани жунжикиб кетди.

Капитан ван Тох тупуриб қўйди.

— Хўш . . . кўриниши қанақа ўзи уларнинг?

— Худди . . . худди . . .

Сингалезнинг кўзлари яна бир томонга ғилая бошлади. Капитан И. ван Тох уни ўзига келтириш учун ҳаддан таш-

қари чаққонлик билан кафтининг олд-орқаси билан икки тарсаки туширди . . .

— Thanks¹, соҳиб, — деди шивирлаб митти сингalez, унинг кўз қорачиги яна жойига келди.

— Тузукмисан, энди?

— Ҳа, соҳиб.

— Чиғаноқ бор эканми?

— Ҳа, соҳиб.

Капитан И. ван Тох эринмасдан, икир-чикирларигача суриштирган ҳолда қип-қизил тухматдан иборат терговини давом эттирди. Ҳа, у ерда иблислар бор экан. Қанча экан? Минг-минглаб. Бўйи ўн яшар боланинг бўйидек келади, ўзи қоп-қора. Улар сувда сузиб, сув тагида эса икки сёқлаб юришаркан. Икки оёқлаб, соҳиб, худди сиз билан мендек, бироқ юрганларида у ёқдан-бу ёққа чайқалиб, лапанглаб юришаркан . . . Ҳа, соҳиб, уларнинг ҳам одамларниқига ўхшаш қўллари бор . . . Йўқ, тирноқ-пирноқ деган нарса йўқ, кўпроқ болаларнинг қўлига ўхшайди. Йўқ, соҳиб, уларнинг шохи ҳам, жуни ҳам йўқ. Ҳа, думлари бор—худди балиқниқига ўхшаш, фақат сузгичлари йўқ. Бошлари эса катта, дум-думалоқ, худди батақларниқига ўхшаш. Йўқ, улар гапирмас, фақат оғизларини чапилатишаётганга ўхшарди . . . Сингalez тахминан ўн олти метрлик сув тагида чиғаноқ кўчириб оларкан, орқасига муздек, жажжи қўллар тегаётганини сезиб қолди. У ўгирилиб қараса, атрофини ўшаларнинг бир неча юзтачаси ўраб олибди. Бир неча юзтачаси, соҳиб; улар сузиб юриб ёки тошларнинг устида туриб олиб, сингalezнинг қилаётган ишини кузатишди. У пичоғи билан чиғаноқларни ташлаб, сув бетига сузиб чиқишга шошилди. Шунда у устида сузиб юрган иблисларга урилиб кетди, кейин нима бўлганини эса билмайди. Гап ана шундай, соҳиб.

¹ Техник жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда текстдаги курсив, разрядка ва айрим хорижий сўзлар сингдириб юборилди. (Редактор.)

Капитан И. ван Тох қалтираб турган мигти гаввосга ўйчан тикилиб қолди. «Бу болакай энди ҳеч нимага ярамайди, — деди у ўзича, — уни Падангдан уйига, Цейлонга жўнатиб юбораман». Шундан кейин у жаврай-жаврай, пишиллаганича ўз каютасига қараб кетди. У ерга кириб, қозғоз халтадаги икки марварид донасини стол устига туширди. Биттаси мошдек, иккинчиси эса нўхат катталигида бўлиб, кумушсимон пушти рангда товланарди. Голланд кемасининг капитани бурнини тортиб, шкафчадан ирланд вискисини олди.

Кеч соат олтиларга бориб капитан яна қайиқ тайёрлашларини буюрди. У яна қишлоққа ўша ярим кубу, ярим португал метиснинг хузурига йўл олди. «Ароқ», деди капитан. Унинг оғзидан чиққан бирдан-бир сўз шу бўлди. Капитан томи новнусха тунука билан ёпилган айвонда, йўғон бармоқлари орасида қалин стаканни ушлаб ўтирарди. Кетма-кет ичар, тупурар, кўзини қисиб олганча бароқ қошлари остидан тупроғи ўйнаб ётган ифмос ҳовлидаги пальмалар тагида алланарсаларни териб еб юрган қилтириқ товуқларни кузатар эди. Метис гап бошлашдан қўрқиб, унинг стаканига ароқ қуйиб бериб ўтираверди. Капитаннинг кўзлари аста-секин қонга тўлиб, бармоқлари ўзига бўйсунмай қўйди. У ўрнидан туриб шимини кўтариб, тузатиб олганда қош қорайиб қолган эди.

— Ухламоқчимисиз, капитан? — сўради мулоиймлик билан ярим шайтон, ярим иблис метис.

Капитан бармоғини бўшлиққа ниқтаб:
— Шу пайтгача мен билмаган ўша иблисларни, — деди у, — бир кўриб қўйсам, дейман. Ҳой, бу ерда лаънати ши-моли-ғарб қайси томонда?

— Анави томонда, — деди метис. — Қаёққа бормоқ-чисиз, сэр?

— Жаҳаннамга, — деди капитан И. ван Тох. — Девл-Бэйга бориб келмоқчиман.

Шу куни оқшомдан бошлаб капитан И. ван Тох ғалати қилиқлар чиқара бошлади. У қишлоққа тонготарга яқин қайтиб келди-да, бировга бир оғиз ҳам гапирмай, ўз кема-сига томон йўл олди. У ерга бориб каютасида кечгача қамалиб ўтирди. Аммо унинг бу қилиғи ҳозирча ҳеч кимга эриш туюлмади. Сабаби, Танамаса оролидаги ажойиб нознеъматларнинг баъзи бир хилларидан (кокос ёнғоғининг мағзи, қалампир, камфара, каучук, хурмо мойи, тамаки ва ишчи кучлари) «Кандон-Бандунг» га юкламоқчи эдилар. Капитанга кечқурун барча моллар ортиб бўлинганини хабар қилишганида у пишиллаганча:

— Қайиқ ҳозирланг. Қишлоққа бормоқчиман, — деди.

Капитан бу сафар ҳам тонготар пайтида қайтиб келди. Швед Иенсен унинг кемага кўтарилишига ёрдам бераркан, шунчаки ҳурмат юзасидан:

— Демак, бугун йўлга тушар эканмиз-да, капитан, — деб қўйди.

Капитан унга биров кетига тепгандек ялт этиб қаради.

— Сенга нима? — деб жеркиб берди у. — Ўзингнинг лаънати ишларингдан қолма.

«Кандон-Бандунг» кун бўйи Танамаса ороли соҳилидан ярим миля узоқда лангар ташлаганича қаққайиб тураверди. Кечқурун капитан каютасидан чиқа солиб:

— Қайиқ ҳозирланг. Қишлоққа бораман, — деди.

Нимжон грек Запатис бири кўр, иккинчиси ғилай кўзи билан унга тикилди.

— Йигитлар, — деди у қиқирлаб, — қариямиз ё бирорта қизга илакишиб қолган, ёки тамомила ақлдан озган.

Швед Иенсен хўмрайганча :

— Сенга нима? — деб Запатисни жеркиб ташлади. — Ўзингнинг лаънати ишингни билсанг-чи.

Шундан кейин у исландиялик Гудмундсон билан кичкинагина бир қайиққа ўтириб, Девл-Бэй томон сузиб кетди. Улар қоялар орқасига ўтиб тўхташди-да, у ёғи нима бўларкин, деб жимгина кутиб туришди. Капитан соҳил бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юриб турарди; гўё кимнидир кутиб турганга

Ўшарди; аҳён-аҳёнда тўхтарди-да, ғалати овоз чиқариб «тс-те-тс», деб пўписа қилиб қўярди.

— Анавини қара, — Гудмундсон шафақнинг заррин яллиғидан кўзни қамаштирадиган даражада ярқираб турган денгиз томонни кўрсатди.

Иенсен икки, уч, тўрт, ҳатто олтита тигдай ўткир сузгичларнинг Девл-Бэй томонга сузиб кетаётганини кўрди:

— Ё тавба! — деди Иенсен. — Бу ерда акулаларнинг кўплигини-чи!

Сузгичлардан бири баъзи-баъзида ғойиб бўлиб қолар, шунда тўлқинлар узра акуланинг думи жилпанглар, кейин ўша жойда сув чайқалиб-кўпикланиб кетар эди. Капитан И. ван Тох қирғоқда бирдан жазаваси тутиб, безовта бўлиб қолди. У мушт кўрсатиб акулаларни сўкарди. Атрофга қисқа тропик оқшом чўка бошлади, орол осмонида ой балқиди; Иенсен эшкак эшиб, қирғоққа бир фэрлонгча яқин келди. Капитан қояда ўтирганча зўр бериб «тс-тс-тс», деб пўписа қиларди. Атрофида нимадир қимирлаб юрар, бироқ нималигини пайқаб бўлмасди.

«Тюленга ўхшайди, — ўйлади Иенсен, — бироқ тюленларнинг судралиши бошқача бўларди -ку.»

«Ҳалиги нарсалар» қоялар орасидаги сувдан сузиб чиқиб, соҳил бўйлаб пингвинлардек лапанглаб боришарди. Иенсен билдирмай капитанга яқин борди. Ҳа, ҳа, капитан алланималар демоқда эди, лекин нима деяётганини худо биларди. Малайяча ёки тамилчасига гапираётган бўлса керак. У худди тюленларга (бироқ улар Иенсен ўйлаганидек тюленлар эмасди) бирор нарса ташлаётгандек қўлини силкиб-силкиб қўяр, хитойчами, малайячами, аллақандай бир тилда бидирларди. Шу пайт Иенсеннинг қўлидаги эшкаги сирғалиб, шалоपлаганча сувга тушди. Капитан бошини кўтариб, қадини ростлади-да, сув томонга ўттиз қадамча юриб борди; ўт чақнади, қасур-қасур овоз эшитилди; капитан браунингдан қайиққа қарата ўқ ёғдирди. Худди шу пайтда кўрфаз шовқин-суронга, шалоплаган овозларга тўлди, минглаб тюленлар сувга шўнғигандек шапир-шупур

бўлиб кетди. Иенсен билан Гудмундсон эшкакларига зўр бериб, қайиқларини яқин орадаги тепалик ортига шунақанги тез ҳайдаб қолишдики, ҳатто қулоқлари остида шамол ҳуштак чалиб юборди. Кемага қайтишгач, улар ҳеч кимга лом-мим дейишмади. Шимолликлар тилларини тийишга уста! Капитан эрталабга яқин қайтиб келди; унинг қовоғидан қор ёғар, дарғазаб эди; ундан садо чиқмади. Иенсен унинг кемага кўтарилишига ёрдамлашаркан, икки жуфт мовий кўзларнинг совуқ ва синчков нигоҳи тўқнашди.

— Иенсен, — деди капитан.

— Лаббай, сэр.

— Бугун жўнаймиз.

— Шундай, сэр.

— Сурабайда ҳисоб-китоб қиламиз.

— Шундай, сэр.

Шу билан гап тугади. Ўша куннинг ўзидаёқ «Кандон-Бандунг» Падангга етиб борди. Капитан И. ван Тох Падангдан ўзининг Амстердамдаги бошқармасига бир минг икки юз фунт-стерлингга суғурта қилинган посилка жўнатди. Шу билан бир вақтда телеграф орқали бир йиллик дам олишга рухсат сўради: бунда саломатлигининг заифлашгани ва ҳоказоларни важ-карсон қилиб кўрсатди. Шундан кейин капитан қидирган одамини топгунга қадар, Паданг бўйлаб санқиб юраверди. У қидирган одам борнеолик ёввойи даяк бўлиб, у баъзан акула овининг ўзига хос манзараларидан баҳраманд бўлишни истовчи англиз туристларига ёллашиб ҳам турарди; даяк ҳали ҳам эскича усулда ов қиларди; унда узун пичоқдан бошқа қурол бўлмасди. У кўринишдан одам-хўрга ўхшарди, бироқ кўрсатадиган томошасининг баҳоси қатъий эди: битта акула овига овқатидан ташқари беш фунт тўлаш керак эди. Унинг башарасига қарашга одам кўрқарди; иккала қўли, кўкраги ва сонларини акула териси шилиб юборган, бурни ва қулоқлари акула тишларидан чавақланиб кетганди. Унинг исми Шарк¹ эди.

¹ Акула (инглизча Shark).

Капитан И. ван Тох шу даяк билан Танамаса оролига қараб йўл олди.

2. ПАН ГОЛОМБЕК ВА ПАН ВАЛЕНТА

Матбуот касодга учраган ёз палласи эди. Ҳеч қандай, мутлақо ҳеч қандай воқеа рўй бермас, сиёсатсозлик йиғиштирилган, европача вазиятдан ном-ниҳон йўқ эди. Бироқ шундай бўлса-да, соя-салқин ерларда диққати ошиб ётган, иссиқ ҳаводан, табиат манзараларидан, қишлоқ сукунатидан, умуман, ҳордиқ пайтидаги оддий ва соғлом ҳаётдан қутурган газетхонлар (ҳар куни ҳафсалаларининг пир бўлишига қарамасдан) газеталарда лоақал бирорта янги гап, масалан, қотилликми, урушми, зилзилами, хуллас, бирон қизиқроқ олди-қочди воқеа чиқиб қолишидан умидвор эдилар. Газетхонлар газеталардан бу хилдаги хабарларни топиша олмаса, уни силкитиб, ҳеч нарса, мутлақо ҳеч нарса босилмаётгани, ўқишга арзимаслиги, бундан кейин зинҳор обуна бўлмасликларини газаб билан гапира бошлардилар.

Айни замонда, газета редакциясида беш-олти киши шумшайиб ўтирарди. Чунки бу пайтда бошқа ходимлар отпускага чиқиб кетишган бўларди. Бу ўтирганлар ҳам газеталарни жон-жаҳди билан ёғимлаб, ҳозирги газеталарда ҳеч вақо, мутлақо ҳеч вақо йўқлигидан нолишарди. Ҳарф терув цехидан метранпаж келиб: «Жаноблар, жаноблар, шу пайтгача эртанги сон учун бош мақола йўғ-а . . . » деб шикоят қиларди.

— Унда ҳалигини . . . Болгариянинг иқтисодий аҳволи ҳақидаги мақолани бера қолинг, — деди унга етим қўзидек шумшайиб ўтирганлардан бири.

Метранпаж чуқур хўрсиниб қўйди.

— Лекин уни ким ҳам ўқирди дейсиз, пан редактор? Бу сонда ҳам ўқишга арзигулик ҳеч нарса бўлмас экан-да.

Олти етим қўзи гўё ўқишга арзигулик бирор нарса ўша ердан топиладигандек шифтга қарашди.

— Эҳ, бирон ҳодиса рўй берганида эди, — деди улардан бири ноаниқ бир овозда.

— Ёки бўлмаса . . . бирорта . . . қизиқроқ репортажми, — гапини бўлди иккинчиси.

— Нима ҳақда?

— Билмадим.

— Ёки тўқиб ташласакмикин . . . бирорта янги витаминми, — дея гўлдиради учинчиси.

— Ёз палласида-я? — эътироз билдирди тўртинчиси. — Витаминлардан ўқимишли одамлар фойдаланади, биродар. Бу усул кузда асқотади . . .

— Тавба, ҳавонинг иссиқлигини-чи! . . — деб эснайди бешинчиси. —

— Хўш, қанақа мақола?

— Шунчаки бирор нарса. Анали эскимос Вельцлга ўхшашлар ҳақида. Совуқ урган бармоқлар, абадий музлик ва ҳоказолар.

— Бу гап айтишгагина осон, — деди олтинчиси, — бироқ қани ўшанақа мақола?

Шундай қилиб редакция умидсизликдан жим бўлиб қолди.

— Якшанба куни Иевичкага боргандим, — дея гап бошлади метранпаж ийманибгина.

— Хўш, нима бўлибди? . .

— У ерга қандайдир капитан Вантох деган одам дам олгани келибди. Ўзи ҳам асли ўша ерлик экан, иевичкалик.

— Қанақа Вантох?

— Семиз бир одам. Айтишларига қараганда, ўша Вантох кема капитани эмиш. Қаердадир марварид кони топибди, дейишяпти.

Пан Голомбек пан Валентага қараб қўйди.

— Қаердан топибди?

— Суматрадан . . . Целебасадан ҳам . . . Умуман, ўша атрофлардан. Ўша ерларда ўттиз йил яшаган эмиш.

— Биродар, мана бу бошқа гап! — дея хитоб қилди

пан Валента. — Мана бундан биринчи сорт репортаж уюштириш мумкин. Қани, кетдикми, Голомбек.

— Нима қипти, борсак бораверамиз-да, — деб Голомбек ўтирган столдан пастга тушди.

— Сиз сўраган одам ҳув анави жаноб, — деди Иевич-кадаги меҳмонхонанинг эгаси.

Боғчадаги стол ортида оёқларини кериб, оқ фуражкали семиз бир киши ўтирарди. У пиво ичиб, хаёл сурганча йўғон кўрсаткич бармоғи билан столга қинғир-қийшиқ чизиклар чизиб ўтирарди. Иккала йўловчи унга яқин боришди.

— Редактор Валента.

— Редактор Голомбек.

Семиз жаноб бошини кўтарди.

— What? Нима?

— Мен редактор Валентаман.

— Мен эсам редактор Голомбек.

Семиз жаноб керилиб ўрнидан турди.

— Captain van Tox Very glad¹. Қани, ўтиринглар, йигитлар.

Иккала журналист жон деб ўтириб, олдиларига блокнотларини қўйишди.

— Йигитлар, нима ичасиз?

— Содали малина шарбатидан, — деди пан Валента.

— Содали шарбат дейсизми? — ишонқирамай сўради капитан. — Нега энди! Хўжайин, пиводан олиб кел. Хўш, нима ишларинг бор эди менда? — деди капитан столга тирсагини қўйиб.

— Шу ерда туғилганингиз ростми, пан Вантох?

— Ia². Тўғри.

— Марҳамат қилиб айтинг-чи, қандай қилиб денгизга тушиб қолгансиз?

¹ Жуда хурсандман (инглизча).

² Ҳа (немисча) Бундан кейинги ўринларда ушбу немисча сўз ўзбек тилида берилди (редактор).

— Гамбург орқали.
— Қачондан бери капитанлик лавозимдасыз?
— Йигирма йилдан бери, йигит. Хужжатларим манави ерда,— деди капитан ён чўнтагини виқор билан уриб қўяркан.— Кўрсатишим мумкин.

Пан Голомбек капитаннинг хужжатларини бир кўргиси келди-ю, яна ўзини тийди.

— Шу йигирма йил давомида, пан капитан, жуда кўп нарсаларни кўрган бўлсангиз керак-а?

— Ҳа. Анча-мунча.

— Аниқроғи?

— Ява, Борнео, Филиппин, Фижи ороллари. Соломонов ороллари. Каролин, Самоа. Damned Clipperton Island. A lot of damned islands¹. Хўш нима эди?

— Йўқ, ўзим шунчаки . . . жуда қизиқ-да, ахир. Биласизми, сиздан кўпроқ нарсаларни билиб олсак, деймизда.

— Ҳа . . . Бундан чиқди, шунчаки ўзимиз денг, а?— Капитан мовий кўзларини унга тикди.— Демак, сиз ҳалиги . . . нимаиди? Полициядан? . . . Полициядан, а?

— Йўқ, пан капитан, биз газетаданмиз.

— Шунақа денг? Газетадан. Репортёрлармисиз? Ундай бўлса ёзинг: Captain I. van Toch, «Кандон-Бандунг» кемасининг капитани . . .

— Қайси кеманинг?

— «Кандон-Бандунг», Сурабай порти. Келишимдан мақсад—vacances . . . нима дейиларди?

— Отпусका.

— Ҳа, жин урсин, отпуска. Янги келганлар ҳақидаги хроникада худди шундай деб кўрсатинг. Энди эса, йигитлар, блокнотларингизни яшириб қўйинг. Your health!²

¹ Лангати Клиппертон ороллари. Бир талай лангати ороллар. (инглизча):

² Сизнинг саломатлигингизга! (Инглизча.)

— Пан Вантох, биз . . . ҳаётингиздан бирор лавҳа гапириб беришингизни илтимос қилгани келган эдик.

— Нима кераги бор?

— Газетага ёзамиз. Газетхонлар учун узоқ ороллар, асли невичкалик чех ватандошимизнинг кўрган-билганлари ҳақида ўқиш жуда қизиқарли бўларди.

Капитан бош ирғаб қўйди.

— Тўғри айтасиз. Мен, дўстлар, бутун Иевичкада яккаю ягона certain. Ҳазил гап эмас! Айтишларига қараганда, яна битта капитан бор эмиш . . . карусель қайиқларининг капитани, бироқ менимча,— деди у овозига сирли тус бериб,— у ҳақиқий капитан эмас. Ҳамма гап тоннажда, тушуняпсизми?

— Пароходингизнинг тоннажи қанча?

— Ўн икки минг тонна, йигит!

— Демак, сиз эътиборли капитан экансиз-да?

— Ҳа, эътиборли,— деди виқор билан капитан.— Пулларингиз борми, йигитлар?

Иккала журналист бир оз бўшашиб, кўз уриштириб олишди.

— Бор, лекин камроқ. Нима, сизга пул керакми, капитан?

— Ҳа. Керак.

— Биласизми, агар бизга қўл келадиган воқеалардан гапириб берсангиз, биз ундан очерк қиламиз, сиз эса пул оласиз.

— Қанча?

— Хўш, айтайлик . . . Эҳтимол, минг,— дея каттаков ваъда қилиб юборди пан Голембек.

— Фунт-стерлингдами?

— Йўқ, фақат кронда.

Капитан ван Тох бош чайқади.

— Бунақаси кетмайди. Бунча пул ўзимда ҳам бор.— У чўнтагидан банкнотларнинг қалин бир пачкасини чиқарди.— See?

¹ Кўрдингми? (Инглизча).

Кейин у столга тирсагини қўйиб, иккала журналист томон энгашди.

— Мен сизларга, жаноблар, а big business таклиф қилган бўлардим. Нима дейиларди?

— Катта фойда.

— Ҳа. Катта фойда. Бироқ сиз менга ўн беш . . . йўқ, тўхтанг, ўн беш эмас, ўн олти миллион крон беришингиз керак. Хўш, маъқулми?

Меҳмонлар яна қўрқа-писа кўз уриштириб олишди. Журналистлар бунақа жиннилар, кашфиётчилар ҳамда муттаҳамларнинг ажойиб тоифаларига тез-тез дуч келиб туришади.

— Тўхтанглар,— деди капитан,— ҳозир мен-сизларга бир нарса кўрсатаман.

У йўгон бармоқлари билан нимчасининг чўнтагини ковлаб, ниманидир олди-да, столга қўйди. Бу ҳар бири олча данагидай келадиган чўғдек марварид доналари эди.

— Бу неча пул тураркин? — шивирлади пан Валента.

— О, Lots of money¹, йигитлар. Бироқ мен буларни сотгани эмас, шунчаки . . . намуна сифатида кўрсатиш учун олиб юрибман. Хўш, нима дейсиз, келишдикми? — деди капитан бесўнақай панжасини стол оша узатаркан.

Пан Голombек хўрсиниб қўйди.

— Пан Вантох, шунча пулни . . .

— Halt!² — деди капитан.— Тушуниб турибман, сен мени танимайсан. Бироқ капитан ван Тох ҳақида Сурабайдан, Батавиядан, Падангдан ёки истаган ерингдан сўраб кўр. Бор, сўраб кўр; ҳаммалари ҳам — ja, captain van Toch, he is as good as his word³, дейишади.

— Пан Вантох, сизга ишонамиз,— дея эътироз билдирди Голombек,— бироқ бизда . . .

— Бас,— деди капитан.— Биламан, сен ўзинг билма-

¹ Бир талай пул (инглизча).

² Тўхта! (Немисча).

³ Капитан ван Тох сўзининг устидан чиқади (инглизча).

ган нарсага пул сарфламоқчи эмассан; баракалла, ақлинг бор экан, йигит. Сен пулларни пароход учун тўлайсан, кўрдингми? Пароход сотиб оласан, shipowner¹ бўласан, бу пароходда ўзинг сузишинг мумкин. Ишни қандай олиб боришимни ўз кўзинг билан кўриш учун бирга сузишинг мумкин. Аммо орттирган пулимизни fifty-fifty² қиламиз. Ҳалол бизнес, шундай эмасми?

— Бироқ, пан Вантох,— деди ниҳоят пан Голомбек бир оз ийманиб,— бизда бунақанги пул йўқ-да...

— Ҳа, унда бошқа гап,— деди капитан.— Sorгу. У ҳолда, жаноблар, менинг олдимга нега келганингизга тушунолмайд қолдим.

— Бирор нарса гапириб берармикансиз, деб келган эдик, капитан. Ахир, тажрибангиз жуда катта бўлса керак?

— Ҳа, худди шундай. Лаънати тажрибадан анча-мунча бор...

— Ҳеч кемангиз ҳалокатга учраганми?

— What? А-а, ship-wreching? Зинҳор. Гапингни қара-ю! Берадиган кеманг яхши бўлса, унга бало ҳам урмайди. Амстердамдан мен ҳақимда references³ сўрашинг мумкин. Бориб суриштириб кўр.

— Ерлик аҳоли ҳақида нима дейишингиз мумкин? Уларга дуч келганмисиз?

Капитан ван Тох бош чайқади.

— Бу ўқимишли одамнинг иши эмас. Буни сизларга айтмайман.

— Унда бизга бошқа бирор нарса ҳақида гапириб беринг.

— Ҳо, гапириб беринг эмиш... — капитан шубҳа билан гўлдиради.— Кейин сиз бу маълумотни бирорта компанияга сотинг, улар эса ўша ерга ўз кемаларини юборишсин-а?! Шунини бир билиб қўй, my lad⁴, одамлар — уч-

¹ Кема эгаси (инглизча).

² «Арра» қилиш (инглизча).

³ Тасвьянома (инглизча).

⁴ Йигит (инглизча).

чига чиққан муттаҳам. Коломбодаги банкирлар эса энг уччига чиққани.

— Коломбода тез-тез бўлиб турасизми?

— Ҳа, тез-тез бўлиб тураман. Бангкокда ҳам, Манилада ҳам . . . Менга қаранг, йигитлар,— деди капитан тўсатдан.— Мен бир кемани биламан. Жуда ҳам ҳашаматли, нархиям унча қиммат эмас. Роттердамда турибди. Борсангиз, кўрасиз. Роттердам бу ердан узоқ эмас,— дея у беш-малдоғи билан елкаси оша ишора қилди.— Ҳозирги пайтда, йигитлар, кемалар жуда ҳам арзонлашиб кетган. Темир-терсақдек гап. Қурилганига эндигина олти йил бўлган, двигатели Дизелники. Кўриб келмайсизларми?

— Иложимиз йўқ, пан Вантох . . .

— Ғалати одамлар экансиз,— капитан хўрсиниб қўйди ва бурнини зангори рўмолчасига қаттиқ қоқди.— Бу ўрталарда кема сотиб олмоқчи булган бирорта одамни билмайсизми?

— Шу ерда, Иевичкадами?

— Ҳа, шу ерда ёки шу яқин атрофда. Мен бу мўмай даромадни бу ерга to my country¹ оқиб келишини истардим.

— Бу жуда оқилона иш, капитан . . .

— Ҳа. Бошқалар эса уччига чиққан муттаҳам. Пуллари ҳам йўқ. Модомики, newsreper² дан экансиз, бу ернинг кўзга кўринган шахсларини биларсиз; ҳар хил банкирлар ва ship-owners нима эди, кема хўжалари эди шекилли?

— Кема эгаларими? Биз унақаларни билмаймиз, пан Вантох.

— Афсус,— деди капитан.

Пан Голомбек ниманидир эслаб қолди.

— Сиз балки пан Бондини билмасангиз керак-а?

— Бонди? Бонди? — эшлашга ҳаракат қилиб кўрди капитан ван Тох.— Шошма. Бу фамилия қулоғимга чалингандай. Ҳа, Лондонда Бонд-стрит деган кўча бор, бадавлат

¹ Ватанимга (инглизча).

² Газета (инглизча).

одамларнинг ҳаммаси ўша ерда! Ўша пан Бондининг Бонд-стритда бирорта идораси йўқми?

— Йўқ, у Прагада яшайди. Асли ўзи шу ерлик, Иевичкадан.

— Лаънат-ей! — қувонч-ла хитоб қилди капитан. — Тўғри айтасан, йигит! Бозорда унинг атторлик дўкони бўл-гувчи эди. Бонди . . . исми нима эди? . . . Макс! Макс Бонди. Нима, у ҳозир Прагада савдо қиладимиз?

— Йўқ, у, эҳтимол, отаси бўлса керак. Ҳозирги Бонди-ни Г. Х. деб аташади. Президент Г. Х. Бонди, капитан.

— Г. Х. ?— капитан бош чайқаб қўйди. — Г. Х. ? Бу ерда ҳеч қанақа Г. Х. бўлмаган. Густль Бондини ҳисобга олмаганда, бироқ у сира президентлик қилмаган. Густль кичкинагина, сепкилдор, яҳудий бола эди. Йўқ, унинг ўша бола бўлиши мумкин эмас.

— Бу ўша бўлса керак, пан Вантох. Ахир уни кўрмаганингизга ҳам неча йил, неча замонлар бўлган!

— Ҳа, тўғри гап. Кўп йиллар бўлди! . . . — маъқуллади капитан. — Қирқ йил, биродар. Демак, турган гап, Густль кап-катта бўлиб қолган бўлса керак. У нима иш қилади?

— У МЕАС бошқармасининг раиси, биласизми, бу қозон ва шунга ўхшаш буюмлар ишлаб чиқарувчи йирик заводлар уюшмаси. Бундан ташқари у яна йигирмага яқин компания ва трестларнинг бошлиғи. Жуда катта одам, пан Вантох. Уни саноатимизнинг капитани дейишади.

— Капитан? . . . — ҳайрон бўлди капитан Вантох. — Бундан чиқди, Иевичкадан чиққан капитан фақат мен эмас эканман-да. Жин урсин, демак, Густль ҳам капитан! У билан учрашиш керак экан. Унинг пули кўпми?

— Уҳ-ҳў! Бир дунё. Унда, чамаси, бир неча юз миллион бор, пан Вантох. У биздаги энг бадавлат одам.

Капитан ван Тох ўта жиддийлашди.

— У ҳам капитан, дегин! Хўп, раҳмат, йигит. Унда ўша Бондининг олдига ўзим бораман. Ҳа, Густль Бонди. I клов¹. У кичкинагина бир яҳудий бола . . . Энди бўлса

¹ Билаган (инглизча).

капитан Г. Х. Бонди. Ҳа, ҳа, вақтнинг ўтишини қара!
у маънос хўрсиниб қўйди.

— Пан капитан, бизга энди рухсат . . . поездга кечик-майлик тагин . . .

— Сизларни пристангача кузатиб қўяман, — деб капитан лангарини кўтарди.— Мени йўқлаб келганингиздан гоёт хурсандман, жаноблар. Сурабайда бир редактор ошнам бор; ажойиб йигит, ја, а good friend of mine¹. Ўзиям ўлгудай ичади. Истасангиз, Сурабайдаги ўша газетага ишга жойлаб қўяман. Кераги йўқми? Майли, ўзингиз биласиз.

Капитан поезд қўзгаланида каттакон зангори рўмолчасини оҳиста, лекин тантанавор силкиб қўйди. Шунда унинг ёнидан кўриниши бошқачароқ каттагина марварид донаси қумга тушди. Кейин уни ҳеч ким, ҳеч қачон топиб олгани йўқ.

3. Г. Х. БОНДИ ВА УНИНГ ҲАМШАҲАРИ

Маълумки, кишининг мартабаси қанчалик улуғ бўлса, эшигидаги лавҳа шунчалик қисқа бўлади. Кекса Макс Бонди учун эса дўконнинг пештоқига, эшик-деразаларининг ҳар иккала ёнига бу ернинг Макс Бондига тегишли эканини катта-катта ҳарфлар билан ёзиб қўйиш керак эди. Бу ёзувлар ушбу дўконда хилма-хил атторлик, мануфактура моллари — келинлар учун сеп, газлама, сочиқлар, салфеткалар, дастурхонлар, чойшаблар, чит, батист, олий сифатли мовут, шоҳи пардалар, бамбрекенлар, шокилалар, тикувчиликда ишлатиладиган ҳар хил нарсалар сотилишини билдириб турмаса бўлмасди. Ҳатто дўконнинг 1885 йилдан бери ишлаши ҳам ёзиб қўйилганди. Саноат капитани, МЕАС компаниясининг президенти, савдо маслаҳатчиси, биржа комитетининг аъзоси, саноатчилар уюшмаси раисининг ўринбасари, Consulado de La Republica Ecuador² сон-саноқ-

¹ Яқин, дўстим (инглизча).

² Эквадор республикасининг элчиси (испанча).

сиз идораларнинг аъзоси ва ҳоказо, ва ҳоказолар бўлмиш унинг ўғли Г. Х. Бондининг уйига кираверишда кичкинагина, қора шиша лавҳа осилган, унга зарҳал ҳарфлар билан:

БОНДИ

деб ёзиб қўйилган эди.

Ундан бошқа сўз йўқ, фақат шунинг ўзи. Бошқалар эшикларига истаганларича: «Женерал Моторс» фирмасининг вакили Юлиус Бонди», ёки «Медицина доктори Эрван Бонди», ёки «С. Бонди ва К^о» деб ёзишаверсин, бироқ биттагина Бонди бор — у изоҳ ва тушунтиришларсиз шунчаки Бонди. (Менимча, Рим папасининг эшигига ҳам шунчаки Пий деб ёзилгандир. Унинг бирорта титули ҳам, ҳатто тартиб номери ҳам бўлмаса керак. Худонинг эса на осмонда, на ерда умуман лавҳаси йўқ, унинг ўша ерларда яшашини ҳар ким ўзи билиши керак. Дарвоқе, бу гапларнинг ишга ҳеч қандай алоқаси йўқ, шунчаки, йўл-йўлакай айтиб ўтилди.)

Денгизчиларнинг оқ фуражкасини кийиб олган бир жаноб жазирама кунларнинг бирида худди мана шу шиша лавҳа қаршисига келиб тўхтади. У йўгон бўйнини зангори рўмолчаси билан артаркан, ичида: «Манавини уй деса бўлади»,— деди-да, ботинқирамаган бир аҳволда қўнғироқнинг мис тугмасига қўл чўзди.

Эшик очилиб, хизматчи Повондра кўринди. У тўладан келган жанобга бошдан-оёқ — бошмоқларидан то фуражкасининг тилла позументигача кўз югуртириб чиққач, сиполик билан:

— Хўш, хизмат?— деди.

— Менга қара, биродар,— деди жаноб, — пан Бонди деган одам шу ерда турадимми?

— Нима ишингиз бор эди? — деди совуққина қилиб пан Повондра.

— Сиз билан сурабайлик капитан ван Тох гаплашмоқ-

чи, денг. Ҳа,— деди ва бирдан ёдига тушиб қолди,— мана-ви менинг карточкам.

Шундай деб у пан Повондрага лангар сурати тасвирланган ва қуйидагилар ёзилган ташриф карточкасини узатди:



Пан Повондра бошини қуйи солиб, ўйга толди. Пан Бонди уйда йўқлар, десинми? Афсуски, пан Бондининг зарур мажлислари бор, деса-чи? Шунақанги меҳмонлар борки. уларнинг келганини дарҳол хўжайинга етказиш керак, айримларига эса эпчил швейцар ўзи жавоб-муомала қилиб юборса ҳам бўлаверади. Пан Повондра бундай ҳолларда унга раҳнамолик қиладиган туйғусининг ушбу сафар панд бериб қўйганини алам билан сезиб турарди. Бу семиз жаноб чақирилмаган меҳмонларнинг одатдаги тоифасига унчалик ўхшамасди. Эҳтимол, бирор савдо агенти ёки жамияти хайриянинг вакили ҳам эмасдир. Капитан ван Тох эса пишиллаганча тепакалини рўмолчаси билан артар экан, оч мовий кўзлари беғаразгина пирпирар, буни кўрган пан Повондра барча масъулиятни ўз зиммасига олишга бирдан аҳд қилиб қолди.

¹ Капитан И. ван Тох, О [ст.] И [ндия] ва Т [инч океан] п [эроходчилик] қо[мпанияси], «Кандон-Бандунг» кемаси, Сурабая, Денгизчилар клуби. (Инглизча.)

— Кириг, марҳамат,— деди у.— Келганингизни пан маслаҳатчига маълум қиламан.

Капитан И. ван Тох вестибюлни томоша қилиб, зангори рўмолчаси билан пешонасини артишга тушди. Гуслнинг уй жиҳозларини қара-я, худди Роттердамдан Батавияга қатнайдиған пароход солонининг ўзи дейсан. Ўзиям бир дунё пул кетгандир. Бир пайтлар кичкинагина, сепкилдор яҳудий болакай эди, капитан ҳайрон бўлди.

Шу аснода Г. Х. Бонди ўз кабинетида капитаннинг ташриф карточкасини ўйчан кўздан кечирарди.

— Унга нима керак экан?— деди у шубҳа билан.

— Афв этинг, билмайман,— деб гўлдиради Повондра эҳтиром билан.

Пан Бонди ташриф карточкасини ҳамон қўлида ўйнаб ўтирарди. Кема лангари, Капитан И. ван Тох, Сурабая,— бу Сурабаясининг ўзи қаерда экан? Қаердадир Ява томонларда эди шекилли? Пан Бонди аллақандай узоқ ўлкалар нафасини туйгандек бўлди. «Кандон-Бандунг» эшитилишда гонг¹ садосига ўхшайди. Сурабая . Бугун аксига олгандек тропик кун бўлаётганини қара-я Сурабая . . .

— Майли, уни бу ёққа чақиринг-чи,— буюрди пан Бонди.

Остонада капитан фуражкеси кийган гавдали бир одам пайдо бўлиб, честь берди. Г. Х. Бонди унга пешвоз чиқди.

— Very glad to meet you, captain. Please come in!²

— Салом! Яхшимисиз, пан Бонди! — қувонч-ла хитоб қилди капитан.

— Чехмисиз? — деди ҳайрон бўлиб пан Бонди.

— Ҳа, чех. Ахир биз танишмиз-ку, пан Бонди. Мен Иевичкаданман. Дўкондар Вантох — do you remember?³

— Ҳа, ҳа! — Г. Х. Бонди қаттиқ севинди, шу билан бирга бир оз ҳафсаласи ҳам пир бўлди (демак, у Голландия-

¹ Мисдан ясалган, чертиб чалинадиған лапаксимон музыка асбоби.

² Сиз билан танишганимдан гоьтда хурсандман. Марҳамат, кириг!
(Инглизча.)

³ Эсингиздами? (Инглизча.)

лик эмас экан-да!)—Майдондаги дўкандор Вантох-да, бўл-масам-чи, худди ўша! Бироқ сиз ҳечам ўзгармабсиз, пан Вантох. Худди илгаригидексиз-а! Хўш, ун савдоси қандай кетяпти?

— Thanks, — деди капитан мулойимлик билан, — отамиз аллақачонлароқ оламдан ўтганлар . . .

— Ўлганми? Шунақа денг. Айтгандай, нималар деяпман ўзи, сиз ахир унинг ўғлисиз-ку . . .

— Ўзининг кутилмаган топқирлигидан пан Бондининг кўзлари чақнаб кетди.

— Менга қаранг, азизим, сиз ўша болалигимизда, Иевичкада мен билан муштлашиб юрган Вантохмисиз?

— Худди ўша,— виқор билан тасдиқлади капитан.— Шу қилмишим учун мени уйдан Морава оролига жўнатиб юборишганди.

— Ҳа, икковимиз тез-тез муштлашиб турардик. Бироқ сиз кучлироқ эдингиз,— дея тан олди Бонди спортчиларга хос лоқайдлик билан.

— Ҳа, мен кучлироқ эдим. Сиз ахир рамақижон бир бола эдингиз, пан Бонди. Ўзи ҳам роса адабингизни берардим-а. Росаям калтак ердингиз.

— Калтак ердим, тўғри, — ҳаяжон билан эслади Г. Х. Бонди.— Ўтирсангиз-чи, ҳамшаҳар! Мени эслаб яхши иш қилибсиз. Қандай шамоллар учирди?

Капитан ван Тох виқор билан ўтириб, фуражкасини ерга қўйди.

— Отпускамни шу ерда ўтказяпман, пан Бонди. Ана шунақа!

— Эсингиздами, — хотирлашга тушди пан Бонди, — менга қараб: «Жид, жид, за тобою чёрт бежит! . . » деб қичқирардингиз?

— Ҳа,— деди капитан ва мароқ билан рўмолчасига бурун қоқди. — Ҳа, ҳа! Яхши замонлар эди. Шунақанги тез ўтиб кетганидан кейин ундан нима фойда! Энди иккимиз ҳам қариялармиз, иккимиз ҳам капитанмиз.

— Айтмоқчи, сиз капитансиз-а? — пан Бондининг эси-

га тушиб қолди.— Ким ўйлабди дейсиз! Captain of long distances¹, шунақа дейишадими, ахир?

—Yah, sir. A Highseager. East India and Pacific lines, sir².

— Ажойиб касб,— хўрсиниб қўйди пан Бонди.— Сиз билан касбимни жон деб алмашардим, капитан. Ўзингиз ҳақингизда гапириб беришингиз керак.

— О, албатта,— деди капитан жонланиб.— Менинг сизга айтадиган гапларим бор, пан Бонди. Жуда ажойиб гаплар, йигит.

Капитан ван Тох атрофга олазарак бўла бошлади.

— Бирон нарса қидиряпсизми, капитан?

— Ҳа, пивога хушинг қалай, пан Бонди? Сурабаядан уйимга етиб келгунимча томоғим қақраб кетди.

Капитан шимининг кенг чўнтақларини титкилаб, мовий дастрўмол, нимадир солинган бўз тўрвача, тамаки халта, пичоқ, компас ва бир пачка банкнот чиқарди.

— Бирортасини пивога юборсам дегандим,— деди у.— Мени бу каютага бошлаб келган ўша стюардни бўлса ҳам майли.

Пан Бонди қўнғироқ чалди.

— Овора бўлманг, капитан. Ҳозирча сигара чекиб турунг.

Капитан қизил зарҳал қоғоз белбоғли сигарадан олиб ҳидлаб кўрди.

— Тамакиси Ломбокники. У ердагилар ғирт муттаҳам, унақа-бунақа одамлар эмас.

Шундан кейин у пан Бондини доғда қолдириб, қимматбаҳо сигарани баҳайбат кафтларига қўйиб эзғилади-да, майдаланган тамаки билан трубкасини тўлдирди.

— Ҳа, Ломбок. Ёки Сумба.

Остонада жимгина Повондра пайдо бўлди.

¹ Узоқ масофалар капитани (инглизча).

² Ҳа, сэр. Очиқ денгизда сузаман. Ост-Индия ва Тинч океан линиялари бўйлаб, сэр (инглизча).

— Пиво келтиринг, — буюрди Бонди.

Повондра қошини чимирди.

— Пиво дейсизми? Қанча?

— Бир галлон,¹ — тўнғиллади капитан. У ёниб турган гугурт чўпини гиламга ташлаб оёғи билан эзғилади. — Аденда, биродар, жуда иссиқ эди. Мен сизга бир янгилик топиб келганман, пан Бонди. Зонд архипелаги, тушунап-сизми? У ерда, сэр, афсонавор бир иш қилиш мумкин. Бизнес. Балки яхшиси бир бошдан айтиб бера қолганим маъқулдир бу . . . нима дейиларди — story миди?

— Ҳикоями?

— Ҳа. Кичкинагина ҳикоя. Оддийгина.

Капитан ўзининг бўталоқниқига ўхшаш кўзларини шифтга тикди.

— Нимадан бошласам экан?

(Яна қандайдир савдо ишларидир, — ўйлади Г. Х. Бонди, — эй худо, бу қандай жазо! Менга ўзининг Тасманияга тикув машиналари, Фиджига буғ қозонлари ва тўғнағичлар етказиб бера олишини уқтиради. Афсонавор савдо эмиш! Мен сенга шунинг учун ҳам керакман. Жин урсин! Мен дўкондор эмасман. Хаёлпарастман. Бир шоиртабиат одамман. Менга денгиз саёҳи Синдбод, Сурабая ёки Феникс ороллари ҳақида гапир. Сени магнит қоя тортганми, Нуҳ қуши ошиёнига элтганми? Балки марварид, долчин, мурч олиб қайтгандирсан? Қани, дўстим, лийдиёнгини бошлай-вер!)

— Қалтакесакдан бошлай қолай, — деди капитан.

— Қанақа калтакесак? — деди ҳайрон бўлиб савдо маслаҳатчиси Бонди.

— Ҳа, шу чаёнлардан, дейлик. Оти нимаиди — lizardsmи?

— Қалтакесакларми?

— Ҳа, жин ургур калтакесаклар. У ерда шунақанги калтакесаклар борки, пан Бонди.

— Қаерда?

¹ Галлон - 4,54 литрга тенг ҳажм бирлиги.

— Бир оролда-да. Мен буни айта олмайман, биродар. Бу мутлақо махфий сир, worth of millions¹.

Капитан ван Тох дастрўмоли билан пешонасини артди.

— Пиво қани, а?

— Ҳозир олиб келишади, капитан.

— Ҳа. Майли. Биласизми, пан Бонди, бу калтакесаклар жуда ювош, ажойиб ҳайвонлар. Мен уларни биродар, яхши биладан! — Капитан завқ билан столни уриб қўйди.— Уларни иблис деганлар бекор айтибди! a damned lie, sir². Унинг ўрнига, сизни ёки мени, мен капитан ван Тохни иблис деса тўғрироқ бўлади! Хўп деяверинг.

Г. Х. Бондини ваҳима босди. «Делириум, — дея ўйлади у.— Лаънати Повондра қаёқда қолдийкин-а?»

— Бунақанги калтакесаклар у ерда минглаб топилади. Аммо уларни роса ейишяпти-да, ҳалиги. . . нима эди. . . ҳалиги. . . нима дейишарди. . . sharks . . .

— Акулаларми?

— Ҳа, акулалар. Мана шунинг учун ҳам бу калтакесаклар кам учрайди: фақат бир ерда — мен номини айтишим мумкин бўлмаган ўша кўрфазда бор, холос.

— Демак, бу калтакесаклар денгизда яшашар экан-да?

— Ҳа, денгизда. Фақат кечалари қирғоққа чиқишади, шунда ҳам қисқа муддатга. . .

— Кўриниши қандай? — пан Бонди лаънати Повондра келгунича вақтдан ютиш илинжида эли.

— Хўш, катталиги тюленча бор, орқа панжасини қўйиб тик турса, бўйи мана бундоқ келади, — деб кўрсатди капитан.— Уларни чиройли деб бўлмайди. Устида ҳеч қандай тери-пери йўқ.

— Тангачаларми?

— Ҳа, териси йўқ. Улар қип-яланғоч, пан Бонди, худди бақа ёки самандарнинг ўзи. Олд панжалари эса худди ёш боланинг қўлига ўхшайди, бармоқлари эса тўрттадан.

¹ Баҳси миллион-миллион (инглизча).

² Ғирт ёлғон, сэр! (инглизча).

Жониворлар-е! — деб қўшиб қўйди капитан ачингансимон.

— Зехни жуда ўткир ва ювош ҳайвонлар, пан Бонди.

Капитан чўққайиб ўтирганча, тебрана бошлади.

— У калтакесаклар мана бунақа қилиб лапанглаб юришади.

Капитан чўққайиб ўтирганча ўзининг вазмин гавдасини амал-тақал тебратишга уринарди; у қўлини худди икки оёқлаб турган итнинг олд панжаларига ўхшатиб бир оз олдинга чўзиб турарди; оч мовий кўзларини пан Бондидан узмай унга илтижо-ла боқарди. Г. Х. Бонди ҳаяжонга тушиб, негадир хижолат бўла бошлади. Шу аснода бир кўза пиво кўтарганча пан Повондра пайдо бўлди. Капитаннинг бу ғалати ҳолатини кўриб, қошини чимириб қўйди.

— Пивони қўйиб кетаверинг, — деди Г. Х. Бонди шоша-пиша.

Капитан ҳансираб ўрнидан турди.

— Бу жониворлар мана шунақа, пан Бонди. Your health, — деб пиводан симирди. — Пивонг яхши экан, йигит. Бинобарин, шундай уйинг бўлганидан кейин. . .

Капитан шундай деб мўйловини артди.

— Бу калтакесакларни қандай топдингиз, капитан?

— Менинг ҳикоям ҳам худди мана шу ҳақда бўлади, пан Бонди. Танамасада марварид қидиришимга тўғри келиб қолди. . . — Капитан бирдан жим бўлиб қолди. — Ёки яна бошқа бирор жойдан. . . Ҳа, бу бошқа бир орол эди. Буниси ҳозирча сир, биродар. Одамлар ўтакетган муттахам, пан Бонди. Шунинг учун тилинга эҳтиёт бўлишинг керак. Шундай қилиб, бу икки бадбахт сингалез сув остида марварид кўчираётганларида. . .

— Чиғаноқларми?

— Ҳа, шунақа, чиғаноқлар; улар тошларга ёпишган бўлади, шунинг учун уларни пичоқ билан кўчириб олишга тўғри келади. Шундай қилиб, калтакесаклар сингалезларни кузатиб турган экан, сингалезлар эса уларни денгиз иблиси, деб ўйлашибди. Бу сингалез билан батак дегани ўта-

кетган оми халқ бўлар экан. Менга сувнинг тагида иблислар бор экан, дейишди. Ҳа.

Капитан рўмолчага яхшилаб бурун қоқди.

— Биласанми, биродар, шундан кейин хотиржам бўлиб бўпсан. Билмадим, фақат биз, чехлар шунақа синчков халқ бўлармиканмиз, қаердаки, бирон ҳамшаҳаримни учратмай, синчковлик билан дуч келган жойга бурнини тикиб юрган бўлади. Бу, менимча, биз чехлар, ҳеч нарсага ишонишни истамаслигимиздандир. Шундай қилиб, қариб қуюлмаган бу каллани ана ўша иблисларни яқинроқдан кузатиш фикри сира тарк этмай қўйди. Тўғри, ичиб олган эдим, бу лаънати иблислар бутун фикру зикримни банд этиб олганидан, роса ичгандим. Экваторда, биродар, кўнглингга келган ишни қиласан. Шундай қилиб, кечқурун ўша Девл-Бэйга йўл олдим.

Пан Бонди қоялар, инсон қадами етмаган ўрмон билан ўралган тропик кўрфазларни кўз олдига келтиришга ҳаракат қилди.

— Хўш, кейин-чи?

— Шундай қилиб, мен ўша ерда ўтириб олиб «тс-тс-тс», деб иблисларни чақира бошладим. Хўш, шу десанг, зум ўтмай ўша калтакесаклардан бири денгиздан чиқиб, орқа оёқларида турганча жилпанглай бошлади. Улар ҳам менга қараб «тс-тс-тс», дейди. Қайфим бўлмаганида эҳтимол, уни отиб ташлармидим; аммо мен, биродар, инглизлардек кайфим тарақ эди, унга нуқул: бери кел-чи, берироқ, тара-воу¹, сенга зиён етказмайман, дейман.

— У билан чех тилида гаплашдингизми?

— Йўқ, малайя тилида гапирдим. У ерларда, дўстим, кўпроқ малайя тилида гаплашилади. Хуллас, у жим тураверди. Фақат мана бундай қилиб оғирлигини у оёғидан-бу оёғига солиб жилпанглар, гўё уялаётган ёш болага ўхшарди. Атрофда эса бунақа калтакесаклардан бир неча юзгаси сувдан бошини чиқариб қараб турарди. Мен ҳам (тўғри,

¹ Тапа - бола (инглизча).

кайфим бор эди) ўша калтакесакларга ўхшаб чўққайиб ўтириб жилпанглай бошладим. Мендан қўрқишмасин, дедимда. Шундан кейин сувдан яна битта калтакесак чиқди. Бўйи ўн яшар боланинг бўйидек келади. У ҳам шундай лапанглай бошлади. Олдинги панжасида чиганоқ бор эди. — Капитан пиво симириб олди. — Сизнинг саломатлигингизга, пан Бонди. Ростдан ҳам гирт маст эдим. Шундай қилиб, мен унга: ҳа, айёр, сенга чиганоқни очиб беришимни истайсан шекилли, а? Кел, мен сенга уни пичоқ билан очиб берай, дедим. У бўлса ҳали ҳам нима қилишини билмай турарди. Шунда мен яна кимдандир уялаётган қиз боладек нозланиб жилпанглай бошладим. Ниҳоят, у менга яқинроқ келди. Мен бўлсам, секингина қўлимни чўзиб, панжасидан чиганоқни олдим. Очигини айтганда, иккаламиз ҳам бир-биримиздан қўрқиб турардик. Бироқ сен, Бонди, ўзинг ўйлаб кўр, мен чиндан ҳам маст эдим. Пичоғимни чиқариб чиганоқни очдим, марварид бормикан, деб пайпаслаб кўрдим. Аммо бунақа чиганоқларда яшайдиган иргамчик шилишмиқ модда — шиллиқ моллюскадан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Ма, ол, дедим, тс-тс-тс, истасанг ейишинг мумкин. Шундай деб очилган чиганоқни олдига ташладим. Унинг ялашини бир кўрсанг эди! Эҳтимол, бу ўша калтакесаклар учун мазали tit-bit бўлса керак, нима дейиларди?

— Лаззатли таом.

— Ҳа, лаззатли таом. Ҳа, у бечоралар бармоқлари билан қаттиқ қобиқни очиша олмайди. Уларга қийин. . . — Капитан пиводан хўплади. — Кейин, биродар, мен яхшилаб ўйлаб кўрдим. Сингалезларнинг чиганоқларни кўчириб олишгаётганини кўриб, ейишга оляпти, деб ўйлашган бўлса керак. Шунинг учун сингалезларнинг чиганоқларни қандай очишини кўрмоқчи бўлишган. Сингалезлар сувда калтакесакнинг ўзгинаси бўлиб кетади. Аммо калтакесак сингалез ёки батакдан ақллироқ, чунки у бирор нарсани ўрганишга интилади. Батаклар ўрилик қилишдан бошқани билмайди, — деди алам билан капитан ван Тох. — Мен қирғоқда туриб, калтакесаклардек жилпанглаб, тс-тс-тс, деб чақир-

ганимда улар мени балки каттакоқ самандар, деб ўйлашгандир. Шунинг учун ҳам чиганоқларини очтириш учун менга яқин келишдан қўрқишмади. Улар ана шунақа ақлли ва ювош ҳайвонлар.

Капитан ван Тох бир оз қизариб гапида давом этди

— Улар билан яқинроқдан танишаётганимда, пан Бонди, бутунлай ечиниб оладиган бўлдим. Уларга ўхшаш, яъни қип яланғоч бўлиш учун шундай қилдим-да. Кўкрагимда, яна. . . у ер-бу еримда жун борлиги уларга ғалати туюлди. Ҳа.

Капитан офтобда қорайган бўйинини рўмолчаси билан артиб қўйди.

— Ҳикоям чўзилиб кетмадими, пан Бонди?

Г. Х. Бонди маҳлиё бўлиб қолганди.

— Йўқ, зинҳор. Давом этинг, капитан.

— Хўп бўлади. Шундай қилиб, калтакесак чиганоқни ялаб олаётганда уни кўриб бошқалари ҳам қирғоққа чиқишди. Баъзиларининг панжасида чиганоқ бор эди. Бу чиганоқларни болаларникига ўхшаш кичкина, бунинг устига бошмолдоғи йўқ, қўллари билан cliff¹ лардан қандай кўчириб олишганига ҳайрон қолади киши. Аввалига уялишди. Кейин қўлларида чиганоқларни олгунимча жим туришди. Тўғри буларнинг ҳаммаси марваридли чиганоқлар эмасди. Уларнинг орасида бўлар-бўлмас устрицалар ва шунга ўхшаш нарсалар ҳам бор эди; мен бундайларни сувга улоқтириб юбордим ва уларга: «Э, йўқ, болалар, булар ҳеч нарсага арзимайди, буларни мен ёриб ўтирмайман», дедим. Бироқ қўлимга марваридли чиганоқлар тушиб қолса, уларни очиб, марварид бормикан, деб пайпаслаб қидириб кўрардим. Чиганоқларни эса ялаш учун уларнинг олдида ташлардим. Шу аснода атрофимда бу lizard лардан бир неча юзтаси йигилиб, чиганоқларни очишимни томоша қилиб туришарди. Баъзилари эса чиганоқни ерда

¹ Сув ости қоялари (инглизча).

ётган аллақандай нарса билан очмоқчи бўларди. Мана шунисига, биродар жуда ҳайрон қолдим. Ҳайвон зоти асбоб ишлатишни билмайди. Начора, ҳайвон ҳайвон-да, табиат қонунининг ўзи шунақа. Тўғри, бир пайтлар Байтензоргда пичоқ билан тўп яъни консерва банкини очишни биладиган маймунни кўрганман. Бироқ, сэр, маймун қанақасига ҳайвон бўлсин! Шунчаки англашилмовчилик, холос. Уларнинг қилаётган ишини кўриб, чиндан ҳам қойил қолдим. — Капитан пивосини ичиб тугатди. Ўша кеча бу shell лардан ўн саккизта марварид донаси топдим, пан Бонди. Марваридлар ҳар хил: майдалари ҳам бор, олча данагидек келадигани учта, пан Бонди. Олча данагидек. — Капитан ван Тох виқор билан бош силкиб қўйди. — Эрталаб кемага қайтгач, ўзимга-ўзим: капитан ван Тох, сизга шундай туолди, холос, яхшигина ичиб олган эдилар, ҳазрати олийлари дедим. Аммо халтачамда ўн саккизта марварид донаси пайдо бўлиб қолган экан, бу иккиланишдан нима фойда? —

— Бу умримда эшитган ҳикояларимнинг энг яхшиси бўлди, — деб шивирлаб қўйди пан Бонди.

— Кўрдингми, биродар? — деди капитан севиниб. — Кундузи яхшилаб ўйлаб, мен бу калтакесакларни қўлга ўргатаман. Улар менга pearl-shells¹ олиб чиқиб беришади деган қарорга келдим. Девл-Бэйда бунақа чиганоқлар тикилиб ётган бўлса керак. Хуллас, кечқурун яна ўша ёққа йўл олдим, бу сафар бир оз барвақтроқ эди. Қуёш ботгандан кейин у ердан, бу ердан, қўйинг-чи, сўтун кўрфаздан калтакесаклар бошини чиқариб турарди. Мен эсам қирғоқда ўтириб олиб, тс-тс-тс, деб чақиравердим. Бир пайт қарасам, акула келяпти, яъни сувдан фақатгина сузгичи чиқиб турибди. Кейин эса сув шалошлаб кетди, шу билан битта калтакесак йўқ бўлди-қўйди. Ўшанда Девл-Бэйда кун ботиш пайти ўн иккита акула санадим. Пан Бонди, бу ярамаслар бир оқшомнинг ўзида йигирмадан

¹ Марваридли чиганоқлар (инглизча).

ортиқ калтакесакларимни еб кетишди! — дея хитоб қилди капитан шиддат билан бурун қоқаркан. — Ҳа, ҳа, йигирмадан ортиқ! Турган гап, бундай ожиз калтакесаклар митти қўлчалари билан ўзларини акулдан ҳимоя қилиш элмайди. Уларнинг аҳволини кўриб хўрлигим келиб кетди. Бу манзарани ўзинг бир кўрсанг эди, биродар. . .

Капитан ўйга толди.

— Мен жониворларни жуда яхши кўраман, — деди у ниҳоят мовий кўзларини Г. Х. Бондига тикканча. Билмадим сиз бунга қандай қарайсиз, капитан Бонди.

Пан Бонди бош ирғаб қўйди.

— Жуда соз, — деди капитан ван Тох севиниб. — Бу тара-boys жуда ажойиб, ақлли жонивор-да, ўзиям. Уларга бирор нарса гапираётгангда худди эгасининг гапига қўлоқ солаётган ит каби эътибор билан термилиб туради. Болаларникидақа қўлларини айтмайсизми. . . Биласанми, биродар, кекса бўйдоқларданман, бола-чақам йўқ. . . Ҳа, кекса одамга ёлғизлик огир. . . — деб гўлдиради капитан ҳаяжонини босиб. — Бу калтакесаклар жуда ювош, нимасини айтасан. . . қани энди уларга акулалар тегмаса! . . . Биласанми, мен уларга, яъни акулаларга тош отган эдим, буни кўриб улар ҳам тош ога бешлашди. Кўриб ҳайрон қоласан, пан Бонди! Тўғри улар узоққа етолмайди, уларнинг қўли жуда калта. Лекин шунинг ўзи ҳам, биродар, кишини лол қолдиради. Шунақанги ишлар қўлингиздан келар экан, у ҳолда пичоғим билан чиганоқларни очиб кўриг-чи, болакайлар, дедим. Шундай деб пичоқни ерга қўйдим. Улар аввалига уялиб туришди. Бир оздан кейин калтакесаклардан бири пичоқ учини зўр бериб чиганоқ палласи орасига санчишга урина бошлади. Буни ажратиш керак, ажратиш, тушундингми, дедим. Пичоқни мана бундай қилиб бурайсан вассалом, у бечора бўлса боядан бери уриниб ётибди. . . Чиганоқ бирдан қирсиллаб очилиб кетди. Мана, кўрдингми, дедим. Бу жуда осон. Бу иш қандайдир оташпараст батак ёки сингалезнинг қўлидан келгандан кейин, нега энди калтакесак қилолмас экан, тўғ-

рими? Мен, калтакесакларга бу ишни уларга ўхшаш жониворларнинг бажара олиши бир афсона marvel¹ ва ажабланарли ҳол эканини айтиб ўтирмадим, албатта. Бироқ сизга айтишим мумкинки, мен ўшанда... ўшанда батамом thunderstruck эдим.

— Лол қолгандингиз, — тўғрилади пан Бонди.

— Ja, richtig². Лол қолгандим. Бу нарса бутун фикру зикримни банд этиб, у ерда кемам билан яна бир кунга қолиб кетдим. Кечқурун яна ўша ерга, Девл-Бэйга бордим. Акулалар калтакесакларимни қандай қийратаётганини кузатдим. Ўша кеча бу аҳволга чек қўйишга қасамёд қилдим. Уларга ҳам ваъда бердим, пан Бонди. «Калтакесак, — дедим мен, — капитан И. ван Тох шу ерда, мана шу улкан юлдузлар остида сизларга албатта ёрдам қилади, деб ваъда бераман».

4. КАПИТАН ВАН ТОХНИНГ ТИЖОРАТ МУАССАСАСИ

Капитан ван Тох эҳтирос билан гапирганидан, ҳатто бўйин тукларигача тикрайиб кетганди.

— Ҳа, сэр, мен шундай деб қасам ичдим. Ўшандан бери, биродар, бир дақиқа ҳам оромим йўқ, Палангга келиб отпус-ка олдим. Амстердамдаги хўжайинларга ўша жониворларим олиб чиқиб берган бир юз эллик етти дона марвариднинг ҳаммасини жўнатдим. Кейин қидириб юриб бир йигитни топдим: у даяк shark-killer³ эди, акулаларни сувда пичоқ билан ўлдира оларди. Ашаддий ўғри ва қотил эди бу даяк. Уни олиб, кичкинагина трап⁴ да яна Танамасага қайтиб келдим-да, унга, fella⁵, шу ерда акулаларни пичоқлаб ўлдирасан дедим. Калтакесакларим тинч яшашни учун у ердаги акулаларнинг биронтасини ҳам қолдирмай қийрат-

¹ Мўъжиза (инглизча).

² Тўғри (немисча диалект).

³ Акула овчиси (инглизча).

⁴ Пароходча (инглизча).

⁵ Ошна (инглизча).

моқчи бўлдим. Бу даяк шунақанги тап тортмас қароқчи мажусийлардан эдики, tara-boys ни у писанд қилмасди. Бу ердаги нарса иблисми, иблис эмасми, унга барибир эди. Шу вақт ичида мен оролда lizards устида observations ва experiments¹ олиб бордим. Ҳа, айтмоқчи, мен бу воқеаларнинг кундагисини кунда кема журналига ёзиб борган эдим.

Капитан кўкрак чўнтагидан қалингина ён дафтарчасини олиб варақлай бошлади.

— Бугун нечанчи число? А-ҳа, йигирма бешинчи июль. Унда, мисол учун йигирма бешинчи июни олайлик. Демак, бу ўтган йили бўлган эди. Ҳа, мана ўша ери. «Даяк бир акулани ўлдирди. lizards бу ўлик махлуққа жуда қаттиқ қизиқишади. Тоби. . .» Бу кичкинагина калтакесакнинг номи. Унинг зеҳни жуда ўткир эди, — деб тушунтирди капитан. — Уларга ном қўйишга тўғри келди, тушуняпсанми? Мана шу дафтарчага ёзиш учун-да. Демак: «Тоби пичоқ билан етказилган жароҳатга бармоғини санчиб кўрди. Кечқурун улар гулхан ёқишим учун шох-шаббалар йиғиб беришди». Ҳай, булар бекорчи гаплар, — дея гулдирлади капитан. — Бошқа бирор кунни кидириб кўрай-чи. — Айтайлик йигирманчи июнь-а?» Lizards қуришни давом эттиришди». .. ҳалиги. . . нима эди. . . jetty ми?

— Тўғонми?

— Ҳа, тўғон. Шунақа бир dam². Улар ўшанда Девл-Бэйнинг шимоли-ғарби томонига янги тўғон қуришаётган эди. Ўзи жудаям ажойиб чиқаётган эди-да, — тушунтирди капитан. — Ҳақиқий breakwater.

— Тўлқин қайтаргичми?

— Ҳа, улар ўша томонга ўтиб, тухум қўйишади. Шунинг учун ҳам у ернинг тўлқинлардан холи бўлишини ис-тайдилар, тушундингми? Бундай тўғон қуришни уларнинг

¹ Кузатиш ва тажрибалар (инглизча).

² Тўғон (инглизча).

ўзлари ўйлаб топишибди. Яна шуниси ҳам борки, Амстердамдаги Waterstaat¹ нинг бирорта маъмури ёки инженери сув ости тўғони учун бундай пишиқ-пухта план тузиб бера олмайди. Бу зўр маҳорат билан қилинган иш; фақат сув бутун ишларнинг пачавасини чиқаради. Қалтакесаклар қирқоқ яқинида сув остига хандақлар қазийди-да, ўша ерда яшайди. Улар жудаям ақлли жониворлар, сэр, худди beaver ларга ўхшайди.

— Қундузларгами?

— Ҳа, ана шу катта каламушлар дарёларга тўғон қураолишади. Бу калтакесаклар эса Девл-Бэйда талайгина тўғон ва тўғончалар қуриб ташлашган. Бу тўғон шунақаям бир текисда қурилганки, унинг олдида шаҳаринг нима бўпти. Қўй-чи, охири бутун Девл-Бэйни тўғон билан тўсишни ўйлаб қолишди. Ана шунақа. «Тошларни ричаглар ёрдамида суришни ўрганиб олишди,— ўқишда давом этди капитан.— Қалтакесаклардан бири — Альберт шундай қилаётганида икки бармоғидан ажралди». «Йигирма биринчи число. Даяк Альбертни еб қўйди. Шундан кейин ўзининг ҳам мазаси қочиб қолди. Ўн беш томчи афюн. У бошқа бундай қилмасликка сўз берди. Қун бўйи ёмғир ёғди. . . Ўттинчи июнь. Lizard лар ўз тўғонларини қуришмоқда. Тобининг ишлагиси келмаяпти. . .» Унинг ақллилигини айтмайсанми? — деди капитан завқ билан.— Ақллилар ишлашни ёқтиришмайди. Бу Тоби деганим нуқул шўхлик қилиб, бирорта ҳунар кўрсатади. Начора, калтакесаклар ҳам ҳар хил бўлишади. «Учинчи июль. Сержант пичоқ олди». Сержант — катта, бақувват калтакесак. Шу билан бирга чаққон ҳам, сэр. «Еттинчи июль. Сержант пичоқ билан cuttle-fish — ни ўлдирди». Бу, биласанми, қора-қўнғир ахлат чиқарадиган балиқ, эшитганмисан?

— Каракатицами?

— Ҳа, худди ўзи. «Йигирманчи июль. Сержант пичоқ билан каттакон jelly-fishни ўлдирди.» Бу шунақанги бир

¹ Сув ости иншоотлари бошқармаси (инглизча).

малълунки, танаси билқиллаб туради. Қаерингга тегса, ўша снингги қичитқон ўтдек ачиштиради. Иргамчик ҳайвон. Бу ёгига диққат қил, пан Бонди. «Ўттизинчи июль.— Танига чизиб қўйганман.— Сержант пичоқ билан кичикроқ бир акулани ўлдирди. Вазни етмиш фунт келади». Қўрдингми, пан Бонди!— Тантанавор хитоб қилди капитан И. ван. **Тох.**— Буни аниқ-таниқ ёзиб қўйганман. Бу жуда улуғвор **кўрсат**. **Ўтган йилнинг** худди ўн учинчи июлида,— деб туриб капитан ён дафтариини ёнди.— Пан Бонди, мен ҳеч бир уялиб-истиб ўтирмасдан шуни айтишим керакки, ўша ерда — Девл-Бэй қирғогида тиз чўкиб, азбаройи қувончим ичимга ситмай кетганидан бўкириб йиғлаб юбордим. Энди мен қалтакесакларимнинг бўш келмасликларига ишонардим. Сержант бу иш учун мендан ажойиб янги бир гарпун олди. Акула овламоқчи бўлсанг, биродар, гарпундан яхшиси йўқ. Шунинг учун ҳам мен унга: be a man¹ сержант, қалтакесакларга ўзларини ҳимоя қила билишлари мумкинлигини **кўрсатиб** қўй, дедим. Шу билан, биродар,— деб хитоб қилди капитан хаяжондан сакраб туриб столга мушт тушираркан,— уч кундан кейин сув бетида каттақон акула жасади қалқиб юарди, full of gashes — нимаям дейиларди?

— Ҳаммаёғи илма-тешик бўлиб кетганми?

— Ҳа, гарпун зарбидан ҳаммаёғи илма-тешик бўлиб кетган.— Капитан пивони жуда ютоқиб симирганидан томоғи қултиллаб кетди.— Мана шунақа, пан Бонди. Ана шундай кейингина мен қалтакесаклар билан шартномага ўхшаш бир нарса туздим. Агар улар менга чиғаноқ келтириб бериб туришса, мен уларга ўзларини ҳимоя қилишлари учун гарпун ва knives, яъни пичоқлар етказиб беришга сўз бергандек бўлдим, тушундингми? Бу ҳалол бизнесменликда, жаноб. Начора, одам ҳатто жониворлар билан ҳам ҳалол иш тутиши керак. Шундан кейин мен уларга бир нечи тахта, иккита темир wheelbarrows бердим.

— Замбилгалтаклар. Аравачалар.

¹ Мардлинингги кўрсат (инглизча).

— Ҳа, замбилгалтаклар. Улар бу замбилгалтакларда тўтқишга тош ташишди. Биласанми, у бечоралар ҳамма нарсани танжаларида ташишар экан. Шундай қилиб, гапнинг қисқаси, улар мендан анча-мунча нарсалар олишди. Мен уларни мутлақо лақиллатишни истамадим. Тўхтачи, йигит, мен сенга бир нарса кўрсатай.

Капитан ван Тох бир қўли билан қорвини кўтариб туриб иккинчи қўли билан чўнтагидан бўз халтача чиқарди.

— Мана улар,— деб у халтачани столга ағдарди. Тўрвадан мингга яқин катта-кичик марварид доналари тўкилди. Уларнинг орасида наша уругидек келадиганлари, нўхатдеклари, ундан каттароқлари олчадек келадиган йириклари, томчидек дум-думалоқлари, қиррадорлари, кумуш рангилари, мовий, бадан рангилари, сарғимтир, пушти ва қора рангда товланадиганлари ҳам бор эди. Г. Х. Бонди буларни кўриб ағрайиб қолди. У ҳовлиққанча марварид доналарини саралар, бармогининг учи билан столда думалатиб кўрар, икки қўллаб сидириб тўплар эди.

— Чиройлилигини,— дея шивирлади у завқ билан.— Капитан, бу эртақнинг ўзи-ку/ . . .

— Ҳа,— деди капитан бепарволик билан.— Чиройли, мен улар билан бирга бўлган ўша йили ўттизга яқин акула ўлдиришди. Ҳаммасини мана бу ерга ёзиб қўйганман,— деб капитан кўкрак чўнтагига уриб қўйди.— Ўзиям уларга қанча-қанча пичоқлар, бешта гарпун бердим. Ўша пичоқларнинг ҳар бири менга Америка пулида деярли икки долларданга тушган эди. Жудаям яхши пичоқлар эди, йигит пўлати шунақа ҳам тоза эдики, унақа-бунақа rust га бўш келмасди.

— Зангами?

— Ҳа. Сабаби у пичоқлар сув остида, денгизда ишла-тишга мўлжалланган эди-да. Жулласи калом, батаклар ҳам мени бир талай пулга туширишди.

— Қанақа батаклар?

— Ўша оролдаги ерлик халқ-да, уларнинг ақидасига кўра, гўё калтакесаклар иблислар эмиш, улардан жуда

кўрқишади. Уларнинг иблислари билан гаплашаётганим-ни кўришгач, мени ўлдирмоқчи бўлишди. Қишлоқларидан иблисларни қувиш учун соатлаб кўнғироқ чалишди. Чунонам шовқин-сурон кўтаришдики, асти қўявер. Кейин эса ҳар куни эрташиб бонг учун ҳақ талаб қилишди, кўрсатган хизматлари эвазига, билдингми? Нима, ҳам қила олардинг, батак зоти ўзи шунақа уччига чиққан муттаҳам бўлади. Аммо калтакесаклар билан, сэр, ҳалол муомала қилинса бойиб олиш мумкин. Бу зўр иш бўлади, пан Бонди.

Г. Х. Бондига бу воқеалар гўё тушда бўлаётгандай эди

— Улардан марварид сотиб олишни айтяпсизми?

— Ҳа. Бироқ Девл-Бэйда энди сира марварид қолмади. Бошқа оролларда эса ҳеч қандай калтакесак йўқ. Бутук гап шунда, йигит.

Капитан ван Тох ғолибларча лунжини шиширди.

— Мен бош қотирган зўр иш худди мана шунинг ўзи. Менга қара,— деди у йўғон бармогини бўшлиққа ниқгаб,— мен ўз ҳимоямга олганимдан бери калтакесаклар анча-мунча кўпайиб қолди! Энди улар ўзларини мудофаа қила олишади. Тушундингми-а? Бора-бора улар янада кўпайишади! Хўш, бунга нима дейсан, пан Бонди? Ахир бу ажойиб муассаса эмасми?

— Мен ҳали ҳам тушунганим йўқ,— деди ишонқирамай Г. Х. Бонди. Сиз капитан, ўзи нималарни наварда тунтяпсиз?

— Айтайлик, калтакесакларни бошқа ерлардаги марваридли оролларга олиб борсак,— деди капитан ниҳоят мақсадга кўчиб.— Мен калтакесакларни очиқ денгизнинг чуқур ерларидан ўзлари сузиб ўта олмасликларини пайқадим. Улар унча-мунча суза олишади, сув остида ҳам эз-моз юришади, бироқ катта чуқурликдаги босим уларга оғирлик қилади. Таналари ҳаддан ташқари юмшоқ, билдингми? Аммо менинг резервуарли, яъни бассейнли кемам бўлганидами, уларни истаган жойимга олиб борардим, тушундингми? Улар ўша ерларда марварид қидиришарди. Мен бўлсам уларга пичоқ, гарпун ҳамда бошқа керакли нар-

саларни ётказиб турардим. Бу бечоралар Девл - Бейда шунақаям туғиб ташлашганки . . . ҳалиги нима эди?

— Болалашган.

— Ҳа, шунақаям болалашганки, ейишларига ҳатто овқат ҳам қолмади. Улар майда балиқлар, моллюскалар ҳамда денгиз қўнғизлари билан овқатланишади. Аммо картошка, сухари ва бошқа ҳар хил нарсаларни ҳам еяверишади. Кемадаги ҳовузларда уларни шунақанги нарсалар билан боқиш мумкин бўларди. Хилватроқ, қулайроқ жойларда калтакесакларимни сувга қўйиб юборардим, улар учун фермалар қуардим. Сабаби, бу жониворлар оч қолмасин, дейман-да. Улар жуда ажойиб, ақлли жониворлар, пан Бонди. Қўрганингдан кейин ўзинг ҳам: хэлло, капитан, жониворларинг ишга яраркан, дейсан. Ҳа. Марварид десаг, ҳозир ҳамманинг эси оғиб қолади, пан Бонди. Мен ўйлаб топган каттакон бизнес мана шу.

Г. Х. Бонди бир қарорга кела олмай гаранг эди.

— Минг афсус, капитан, — дея гап бошлади у, — бироқ мен, очиги, бир нарса . . .

Капитан И. ван Тохнинг мовий кўзлари намланди.

— Чакки қиласан, биродар! Мана бу марваридларнинг ҳаммасини сенга ўша кема учун гаров сифатида қолдириб кетган бўлардим. Мен ўзим кема сотиб ола олмайман. Мен Роттердамда маъқул бўладиган бир кемани биламан. Дизель моторли . . .

— Нега бу ишни Голландиядагилардан бирортасига таклиф қилиб кўрмадингиз?

Капитан бош чайқаб қўйди.

— Мен у одамларни яхши биламан, биродар. Бу гапларни уларга айтиб бўлмайди. . . Шу билан бирга, мен бу кемада бошқа нарсалар, турли хил goods¹ ҳам олиб бориб, уларни ўша оролларда пуллашим мумкин бўларди. Ҳа, шундай қилишим мумкин эди. У ерларда танишларим жуда

¹ Товарлар (инглизча.)

кўп, пан Бонди. Шу билан бирга кемамда калтакесакларин учун шунақанги ҳовузлар ҳам бўларди. . .

— Ҳм, бу ҳақда ўйлаб кўрса бўлади,— деди Г. Х. Бонди овозини бир оз баландлатиб.— Гап шундаки, худди шу. . . Ҳа-да, саноатимиз учун худди мана шундай янги бозорларни қидиришимиз керак. Иттифоқо, шу кунларда бу хусусда бир неча шахслар билан гаплашган эдим. . . Мен бир-иккита пароход сотиб олсам, дегандим. Бири Жанубий Америкага, бошқаси Шарқ мамлакатларига қатнаса. . .

Капитанга жон кирди.

— Гап деган мана бундоқ бўлади-да, пан Бонди! Ҳозир кемалар жуда арзонлашиб кетган. Бир гавань кема сотиб олишинг ҳам мумкин. . .

Капитан ван Тох технологиядан ҳамда қаердан қанақа нархга vessels, boats ва tank-steamers¹ сотиб олиш мумкинлиги ҳақида гапира кетди. Г. Х. Бонди капитаннинг гапларига кўпда қулоқ солмасди, уни зоҳиран кузатарди. Г. Х. Бонди одам танирди. У капитан ван Тохнинг калтакесаклари ҳақидаги гапларига зиғирча ҳам ишонмади, бироқ бу шахснинг ўзини эътиборга лойиқ кимса, деб билди. Ҳалол одамлиги шундоққина кўриниб турарди. Бунинг устига у ерларнинг шароитини яхши билади. Телбалиги ҳам бор. Бироқ ёқимтой-да, қурғур. Г. Х. Бонди хаёлотга берилиб, юраги орзиқиб кетди. Марварид ва қаҳва ортган кемалар, Арабистоннинг зиравор ва турли хил хушбўй ноз-неъматларига тўла кемалар! Шу топда Г. Х. Бонди қалбида ҳар хил муҳим, муваффақиятли қарорлардан олдин пайдо бўладиган ғалати, мавҳум ҳаяжон ҳис қилди. Бу ҳолатни сўз билан қуйидагича тасвирлаш мумкин эди: «Сабабини ўзим ҳам билмаган ҳолда мен бу ишга розиман». Аммо бу пайт капитан ван Тох: «Биродар, булар ажойиб кемалар», деб залварли панжаси ёрдамида awning-deck ва quarter-deck² кемаларининг қиёфасини тасвирлаш билан овора эди.

¹ Қорабллар, пароходлар, ёқилғи ташийдиган кемалар (инглизча).

² Соябонли палуба ва шканецли кемалар (инглизча).

— Гап бундай, капитан ван Тох,— деди тўсатдан Ғ. Ҳ. Бонди,— менга икки ҳафталардан кейин келиб учрашинг. Параход ҳақида ўйлашиб кўрамиз.

Капитан ван Тох бу гапда анчагина маъно борлигини сездди. Севинганидан қизариб, шундай дея олди, холос:

— Қалтакесақлар-чи? Мен уларни пароходимда олиб юришимга имконият бўладими?

— Албатта. Фақат, илтимос. . . булар ҳақида бировга гапира кўрманг. Одамлар сизни жинни бўлиб қолибди, деб ўйлашлари мумкин. . . Шу билан бирга мени ҳам шундай деб ўйлашлари мумкин.

— Марваридларни сизда қолдираверайми?

— Қолдиринг.

— Ҳа, фақат иккитагина чиройлироғидан танлаб оламан, баъзи одамларга юборишим керак.

— Кимга?

— Шунчаки, икки редакторга, йигит. Ҳа, айтмоқчи, шошма-чи!

— Нима гап?

— Исмлари нима эди жин ургурларнинг?

Капитан доводи раб, мовий кўзларини пирпиратди.

— Эсим қурсен, биродар. . . У икки редакторнинг исмини унутиб қўйибман. . .

5. КАПИТАН И. ВАН ТОХ ВА УНИНГ ЎРГАТИЛГАН КАЛТАКЕСАҚЛАРИ

— Шу одам Иенсен бўлмаса, шу ерда тил тортмай ўлай,— дея хитоб қилди Марсель соҳилида турган одам.

Швед Иенсен бошини кўтариб қаради.

— Тўхта,— деди у,— ўзим танимагунимча жим тур.

У қўли билан кўзини тўсди.

— «Чайка»ми? Йўқ. «Ҳиндистон» қироличаси»ми? Йўқ. «Пернамбуко»ми? Йўқ. Ҳа, топдим! «Ванкувер». Беш йилча бурун «Ванкувер»да, Осакалайн кемачилиги, Фрэнкода

кўрганман. Исминг эса Дингль, ўзинг бир дайдисан, ирландиялик.

У киши тиржайиб шведнинг ёнига келиб ўтирди.

— Right¹, Иенсен. Бундан ташқари, текин бўлса ҳар қандай ароқни ҳам ичавераман. Ҳозир қаердасан?

Иенсен ишора қилди:

— Марсель — Сайгон линиясида қатнаёпман. Сен-чи?

— Оғпускадаман, — деди мақтаниб Дингль. — Болаларим нечта бўлганини билгани уйга кетяпман.

Иенсен бошини маънодор чайқаб қўйди.

— Демак, яна думингни тугишибди-да. Шундайми? Иш пайтида ичганинг ва шунга ўхшаш қилиқларинг учун. Агар сен ҳам, биродар, менга ўхшаб УМСА²га қатнаб турганингда эди. . .

Динглини ваҳима босди.

— Бу ерда ҳам УМСА борми?

— Бугун шанба-жу, ахир, — тўнғиллади Иенсен. — Айтмоқчи, қаерларда сузиб юрганинг?

— Бир кемада-да, — деди аниқ жавобдан қочиб Дингль. — Жанубдаги ҳар хил оролларда юрибман.

— Капитан ким эди?

— Ван Тох деган бир одам. Голландияликми, ҳар ҳолда ўша томондан.

Швед Иенсен ўйга толди.

— Капитан ван Тох. . . Бир неча йил бурун мен ҳам у билан бирга сузганман. Кемаси — «Кандон-Бандунг» эди. Қатнайдиغان йўли шайтондан иблисгача. Семиз, кал бош бир одам. Таъсирчан чиқсин, деб ҳатто малайчасига ҳам сўкинади. Уни яхши биламан.

— Ўша пайтда ҳам шунақа тентакмиди?

— Кекса Тох — all right³, биродар.

— Ўшанда ҳам ўзи билан калтакесаклар олиб юрармиди?

¹ Тўғри (инглизча)

² У М С А — ёш христианлар ассоциацияси. Америкадаги «маърифат тарқатувчи» реакцион-диний ташкилот.

³ Бу ерда тилла одам маъносида. (Инглизча.)

— Йўқ . . . — Иенсен эслашга ҳаракат қилди: — Шунга ўхшаш гаплар ҳам қулоғимга чалинган эди. . . Сингапурда қандайдир бир лофчининг бу хусусдаги ваҳимали гапни эшитган эдим.

Ирландиялик ранжигандек бўлди.

— Сен ўйлагандай беҳуда гаплар эмас, Иенсен. Калтакесаклар тўғрисидаги гаплар аини ҳақиқат.

— Сингапурда мен гаплашган одам ҳам буларнинг тўғрилигини айтиб, қасам ичган эди,— дея тўнғиллади швед.— Барибир бунинг учун у одам калтак еди,— деб қўшиб қўйди у голибона бир оҳангда.

— Бирпас жим турсанг-чи, нима гаплигини айтиб берай,— деди Дингель.— Бу гапларни менчалик биладиган одам бормикин? Мен у маразларни ўз кўзим билан кўрганман.

— Мен ҳам кўрганман,— ғўлдиради Иенсен.— Кўриниши деярли қоп-қора, бўйи бир метру олтмиш сантиметрча келади, думи бор. Икки оёқлаб юради. Биладан уларни.

— Жуда жирканч,— деди сесканиб Дингель.— ҳаммаёғини сўгал босиб кетганини айтмайсанми? Худо ҳаққи, мен уларга қўл ҳам урмаган бўлардим. Эҳтимол, улар заҳарлидир!

— Нега заҳарли бўлар экан? — деди швед мингиллаб.— Мен, биродар, бир пайтлар одам ташийдиган кемада хизмат қилганман. Юқори палуба ҳам, қуйи палуба ҳам лик тўла одам бўларди. Хотинлар ва шунга ўхшаш кимсалар. Рақс тушишарди, карта ўйнашарди. Мен ўша кемада ғўлаҳлик қилардим, билдингми? Қани энди айт-чи, овсар, қайси бири заҳарлироқ?

Дингель тупуриб қўйди.

— Тимсоҳ бўлса бошқа гап эди. Мен ҳам бир вақтлар Банжермасиндан ҳайвонот боғига илонлар ташивганман. Шундақам сассиқ эдики улар, асти қўяверасан. Аммо бу калтакесаклар. . . Иенсен, улар жуда галати жониворлар. Кундузи-ку, майли-я, ҳовузларда ётишади. Кечаси чиқиб тап-тап, тап-тап қилиб юргани юрган. . . Бутун кема саҳ-

нида гуж-гуж бўлиб кетишади. Улар орқа оёқларида тик туриб, кетингдан қараб қолишади. . . — ирландиялик чўқиниб қўйди.— Тагин одамга қараб, тс-тс-тс, деб пўписа ҳам қилишади. Худди Гонконгдаги шилқимларнинг ўзгинаси, дейсан. Худонинг ўзи кечирсину, менимча, бу ишга ҳаром аралашган. Иш топиш осон бўлганида бир соат ҳам у ерда турмаган бўлардим, Иенсен, бир соат ҳам.

— Ҳа, ҳа,— деди Иенсен,— шунинг учун ҳам онангни кўргани кетаётган экансан-да? .

— Қисман шундай. . . бу нарсаларга тоқат қилиб юриш учун роса ичишга тўғри келди. Бироқ бу жиҳатдан капитаннинг қаттиққўллиги ўзингга маълум! Бу махлўқлардан бирини тепиб юборганимда кўтарилган жанжални кўрсанг эди. Ҳа-да, тепдим, тепганда ҳам, биродар, шундай роҳатланиб тепдимки! Ҳатто умуртқа суягини синдириб юбордим. Шунда қариянинг важоҳатини бир кўрсанг эди! Кўкариб кетди. Ёқамдан хиппа бўғиб олди. Штурман Грегорини келиб қолмаганида мени сувга улоқтириб юборарди. Грегорини биласанми?

Швед бош ирғаб қўйди.

— Унга шунинг ўзи ҳам етарли, сэр,— деди штурман ва бошимдан бир пақир сув қўйиб юборди. Шундай қилиб, Қокопога келганимизда жавобимни беришди, — Дингль тупурган эди, тупуги ҳавода узун камон ясаб ерга тушди.— Қария учун бу маразлар одамдан қадрлироқ. Биласанми, капитан уларни гапиришга ўргатган! Худо ҳаққи, шундай! Улар билан бир жойга қамалиб олиб, соатлаб гаплашиб ўтирарди. Менимча, уларни циркда томоша кўрсатиш учун ўргатаётган бўлса керак. Қизиғи шундаки, капитан уларни яна сувга қўйиб юборади. Бирорта расво оролча яқинида тўхтаб, қайиқда соҳил бўйлаб санқиб юради, ўша ердаги сувнинг чуқурлигини ўлчайди, кейин эса кеманинг ҳовузлар жойлашган ерига кириб ичкаридан қулфлаб олади. Кема бортидаги туйнукни очиб, маразларини сувга тушириб юборади. Улар бўлса, биродар, туйнукдан ўргатилган тюленлардек ўн-ўн иккитачаси бирин-кетин сакраб чиқади...

Тунда эса кекса Тох аллақандай яшиқларни қайиққа ортиб, соҳилга жўнайди. Бу яшиқларда нима борлигини ҳеч ким билмайди. Шундан кейин яна йўлга тушамиз. Кекса Тохнинг ишлари мана шунақа, Иенс. Ғалати, жуда ҳам ғалати! — Динггнинг кўзларида даҳшат аломатлари пайдо бўлди. — Ё қодир худо, мени нақадар ваҳима босганини билсанг эди, Иенс! Мен ичавердим, биродар, ўлгудай ичдим. Кечаси бутун кема бўйлаб калтакесаклар пилдираб юриб, орқа оёқларида тик турганча, тс-тс, деб товуш чиқазганида баъзан ўзимча; «ия, биродар, учиб қолибсан-ку», деб қўярдим. Ёдингдами, Иенсен, бир вақтлар Фрискода шундай бўлган эдим? Бироқ унда қаерга қарамай, кўзимга ўргимчаклар кўринарди. Sailor hospital¹ нинг врачлари бу касалликни «Делириум», дейишди. Аммо кейин бақалоқ Бингдан ўша махлуқларни кўрдингми, деб сўрасам, ҳа, кўрдим, деганди. Бир калтакесакнинг эшик тутқичидан ушлаб, капитаннинг каютасига кириб кетганини ўз кўзим билан кўрдим, деган эди. Бироқ ҳайронман. . . Бу Жо ҳам роса ичадиганлардан. Бунга нима дейсан, Иенс, Бинг ҳам делириумга мубтало бўлмаганмикин? А?

Иенсен елкасини қисиб қўя қолди.

— Немис Петерснинг айтишича, гўё у капитанни Менихки ороллари соҳилига олиб бориб қўйганмиш-да, кекса Тох яшиқларни нима қилар экан, деб қоя ортига яшириниб қараб турганмиш. Унинг айтишича, биродар, калтакесаклар чолдан искана олиб, яшиқларни очишга киришибди. Биласанми, яшиқларда нима бор экан? Пичоқлар бор экан, дўстим, пичоқлар. Яшиқларга узун-узун пичоқлар, гарпунлар ва бошқа шунга ўхшаган нарсалар жойланган экан. Очиғини айтсам, Петерснинг гапларига ишонмайман, кўзойнаги бурнининг учига қўндирилган, бироқ шундай бўлса-да, қизиқ бу гап. Тўғрими?

Иенсеннинг чакка томирлари бўртиб кетди.

— Менимча,— деди у тўнғиллаб,— ўша немиснинг ало-

¹ Денгизчилар касалхонаси (инглизча).

қаси бўлмаган ишларга тумшугини тиқиб юрибди. Билдингми? Сенга айтсам, унга бундай маслаҳат бермасдим.

— Ундай бўлса, ўзига ёзиб юбора қол,— деди кулиме-сираб ирландиялик.— Турар жойини «Жаҳаннам» деб аниқ ёзсанг, бориб қолар. Биласанми, мен нимадан ҳайрон бўляпман? Кекса Тох калтакесакларини қолдириб кетган жойларга вақт-вақти билан бориб, улардан хабар олиб туради. Худо ҳаққи, Иенс. Кечқурун қайиқда ўзини қиргоққа олиб бориб қўйишларини буюради. У ердан эрталабга яқин қайтиб келади. Қани, энди ўзинг айт-чи, Иенс, у ерга кимни деб боради? Яна шуни ҳам айт-чи, унинг Европага юбориб турган посилкаларида нима бор? Мана шуидоқ кичкинагина посилкаларини минг фунтга сугурта қилдиради.

— Сен буни қаёқдан биласан? — деди швед янада бат-тароқ хўмрайиб.

— Биладан-да,— деди Дингль очиқ жавобдан қочиб.— Сенингча, кекса Тох бу калтакесакларни қаердан олиб келяпти? Албатта, Девл-Бэйдан, иблис кўрфаздан, Иенс. У ерда бир танишим бор. Ўзи савдо агенти, ўқимишли одам. У менга айтдики, биродар, улар мутлақо ўргатилган калтакесаклар эмас экан. Қаёқда ўргатилган, дейсан! Уларни шунчаки жониворлар, деб ёш болаларни алдайверсин. Бизга эса, биродар, бунақанги майнабозчиликлари кетмайди.— Дингль маънодор қилиб кўз қисиб қўйди.— Мана шунақа гаплар, Иенсен. . . Сен бўлсанг, *captain van Toch all right!* . . . — дейсан.

— Яна бир марта қайтар-чи!— ўдағайлади барзанги швед.

— Кекса Тох *all right* бўлганида иблисларни дунё бўйлаб олиб юрмаган. . . ва уларни пўстиндаги бургадай эркин қўйиб юбормаган бўларди. У билан бирга сузганимдан бери, Иенс, минг-минглаб иблисларни ташидим. Кекса Тох хиёнат қиляпти, биродар. Иблислар у билан қандай ҳисоб-китоб қилаётганларини ҳам яхши биладан. Унга лаълу жавоҳирлар ва шунга ўхшаган нарсалар териб беришяпти. Хотиржам бўлавер, Тох бу ишларни бекордан-бекорга қилмайди.

Иенс Иенсен қизариб кетди.

— Сенга нима? — деб қичқирди у столга бир мушт уриб. — Ўзингнинг лаънати ишларингдан қолма!

Митти Дингль кўрққанидан сакраб тушди.

— Сенга нима бўлди? — деди у гўлдираб. — Нега энди бирданига. . . Мен ахир кўрганганимни айтяпман-ку! Истасанг, буларнинг ҳаммаси хаёлимда бўлганди, дейишим ҳам мумкин. Фақат сени деб, Иенсен. . . Майли, буни ҳатто алаҳлаш дейишим мумкин. Иенсен, ўзинг биласан-ку, Фрискода ҳам бир шундай бўлгандим. «Аҳволи чатоқ», дейишганди ўшанда sailor hospital нинг врачлари. Худо ҳаққи, биродар, назаримда, калтакесаклар ёки иблисларни кўргандай бўлдим. Аслида эса ҳеч нарса йўқ эди.

— Бор эди, Пат,— деди маъюслик билан швед,— мен уларни кўрганман.

— Йўқ, Иенс,— деди ишонтирмоқчи бўлиб Дингль.— Сен шунчаки делириумга мубтало бўлгансан. Кекса Тох — all right, бироқ. . . дунё бўйлаб иблисларни ташиб юрмагани маъқул эди. Биласанми? Уйимга борганимда унга атаб ибодат қилдираман. Ёлғон гапиряпган бўлсам, шу ерда тил тортмай ўлай.

— Эътиқодимизга кўра, бундай қилиш мумкин эмас. Бирорта бегона одамга атаб ибодат қилинса, нафи тегармикин, сен нима дейсан, Пат?

— Текканда қандоқ!. . — дея хитоб қилди ирландиялик.— Ибодатнинг нафи тегишини юртимда бир неча марта эшитганман. . . Ҳатто оғир, мушкул аҳволга тушиб қолганда ҳам! Иблисларга қарши умуман. . . ва ҳоказолар, тушунапсанми?

— У ҳолда мен ҳам католик черковига бориб, капитан ван Тохга атаб ибодат қилдираман,— деди Иенс Иенсен.— Бироқ шу ернинг ўзидаёқ, Марселдаёқ, менимча, ҳув анави катта соборда улгуржи тартибда ибодат қилдириш арзонроқ тушса керак.

— Эҳтимол шундайдир, бироқ ирландча ибодат яхшироқ! Биз томонларда, биродар, шунақанги монахлар борки,

улар ҳар қандай жодугарни ҳам йўлда қолдириб кетишади.
Хулди қаландар, мажусийларнинг ўзи дейсан.

— Менга қара, Пат,— деди Иенсен,— ибодат учун сенга
ўн икки франк берардим, бироқ озгина ишратпарастлигинг
бор-да, ичиб қўясан. . .

— Бунақа гуноҳга ботмайман, Иенс. Шошма-чи, ишонч
ҳосил қилишинг учун бу ўн икки франкка тилхат ёзиб бе-
риб қўя қолай, майлими?

— Шундай қилсак ҳам бўлади,— деди ҳамма ишда тар-
тибни ёқтирадиган швед.

Дингль бир варақ қоғоз ва қалам топиб келиб, деярли
бутун столни эгаллаб олди.

— Нима деб ёзай?

Иенс Иенсен унинг елкаси оша қоғозга қаради.

— Аввал тепасига «Тилхат» деб ёз.

Дингль қаламни хўллаб, шошилмасдан, тилини чиқаз-
ган кўйи шундай ёзди:

Тилхот

Ушбу тилхот билан мени
тастхлаймонки Иенс
Енсендан Каптан ван Тох-
нинг ибодати учун ўн
икки 12 франк пул олди
Пат Дингль

— Тўғри бўлдимиз? — деди Дингль қатъиятсизлик билан.— Бу қоғоз қайси биримизда қолади?

— Сенда-да, албатта, эшакка ўхшаган,— деди швед ўйлаб ҳам ўтирмай.— Бу қоғоз бировдан олинган пулни эсдан чиқазмаслик учун керак.

Дингль бу ўн икки франкни Гаврда ичиб тугатди-да, Ирландияга жўнаш ўрнига Жибутига йўл олди. Хулласи калом, ибодат қилинмади, воқеаларнинг табиий йўналиши ҳам қандайдир олий кучларнинг аралашуви оқибатида ҳеч бир ўзгармади.

6. ҚЎРФАЗДАГИ ЯХТА

Мистер Эйб Леб кўзларини қисган кўйи қуёшнинг ботиб бораётганини кузатарди. У негадир шу топда бу манзаранинг нақадар гўзаллигини жажжи Лига, яъни мисс Лили Валлейга таъриф-тавсиф қилишни жуда-жуда истарди. Бироқ у ҳужжатларига кўра Лилиан Новак, дўстлари учун эса — малласоч Ли, оқбадан Лилия, узуноёқ Лилиан ва яна ким биледи, уни ўн етти ёшида бундан ташқари яна нима деб аташар экан,— қизиган қум устида чўмилиш пайтида киядиган пахмоқ либосига ўраниб олиб, мизғиётган кучукчадек кулала тушиб ухлаб ётарди. Шунинг учун ҳам Эйб унга табиатнинг гўзаллиги ҳақида ҳеч нима демади, бунинг ўрнига у оёқ бармоқлари орасидаги қумларни тушириш учун уларни қимирлатиб, хўрсиниб қўйди. Қирғоққа яқин ерда «Глория Пикфорд» яхтаси лангар ташлаб турарди. Отаси Леб бу яхтани Эйб университет имтиҳонларини муваффақиятли топширгани учун тортиқ қилган эди. Азамат ота Леб, яъни Жесс Леб, кино саноатининг магнати ва ҳоказолардан эди. «Эйб, ўртоқларинг — йигит-қизлардан олиб, дунёни айланиб чиқ», — деди қария. Эйбнинг отаси Жесс — зўр одам-да! Мана, сермавж денгиз сатҳида

«Глория Пикфорд» яхтаси қилт этмай турибди, қирғоқда, қизиган қум устида эса жажжи Ли ухлаб ётибди. Эйб ўзининг бахтли эканини ўйлаб юраги орзиқиб кетди. Боёқиш худди ёш боладек ухлаб ётибди. Мистер Эйбнинг кўнглида Лини бирорта хавф-хатардан қутқариб қолишдек енгиб бўлмас иштиёқ пайдо бўлди. «Очигини айтганда, чиндан ҳам унга уйланиш керак эди», деб ўйлади ёш мистер Леб. Шунда унинг қалби тотли, айни вақтда азоб бергувчи туйғулар исканжасида қолди, натижада ундаги жасорат ва журъатсизлик қоришиб кетди. Она Леб аҳтимол бунга рози бўлмас, Леб ота эса қўлларини ёйиб: «Ақлдан озибсан, Эйб», деб қўя қолади. Ота-она буни тушунишармиди. Шундай қилиб, мистер Эйб бир оз хўрсиниб, чўмилиш либосининг этаги билан Лининг оппоққина тўпигини ёпиб қўйди. «Оғимнинг жулларини-чи,— ўйлади у хижолат чекиб.— Шу ҳам оёқ бўлди-ю!»

Тавба, бу ерларнинг гўзаллигини қаранг-а, бирам чиройлики!. . Афсус, Ли буни кўрамапти-да. Мистер Эйб қизнинг кўхлик сонларига завқ билан тикиларкан, аллақандай ноаниқ тасаввурлар аралаш санъат ҳақида ўйлаб кетди. Ахир, Ли ҳам артистка-да. Киноартистка. Тўғри, у ҳали биронта ҳам кинофильмда иштирок этмаган. Бироқ барча даврлар кино юлдузи бўлишга қатъий қарор қилган. Ли бирор нарсага аҳд қилдими, унга албатта эришади. Худди мана шуни Леб тушунмайди. Артистка — бу. . . қисқаси, артистка бошқа қизларга ўхшамайди. Бунинг устига, бошқа қизларнинг Лидан ҳеч бир афзаллиги йўқ, деб ўйларди Эйб. Масалан, анави, яхтадаги Жэдини олайлик, шундай бойвуччаки. . . бироқ Фред унинг каюта-сига кириб юришини биламан. Ҳар куни кечаси киради-я, буни қаранг! Унда мен билан Лига ўхшаб. . . фақат, Ли унақалардан эмас. Фред-бейсболистнинг омадини берсин, — дея олижаноблик билан фикр юритарди Эйб.— У менинг университетдаги ўртоғим. Бироқ ҳар кеча. . . Йўқ, бойвучча қиз ўзини бундай тутмаслиги керак. . . Яъни Жэди-дек нуфузли бир хонадоннинг қизи. Ахир Жэди ҳатто

артистка ҳам эмас-ку. (Баъзан бу қизлар нималар ҳақида шивирлашмайди, дейсиз! — бирдан эслаб қолди Эйб.— Бундай пайтда кўзлари чақнаб, ўзлари шунақанги хингиллашадик, асти қўяверасиз. Фред иккаламиз бунақа нарсалар ҳақида зинҳор оғиз очмаймиз) (Лининг коктейлни бунчалик кўп ичиши яхши эмас, кейин ўзи нима деяётганини билмай қолади) (Масалан, бугун жудаям ҳаддидан ошиб кетди. . .) (Мен уларнинг Жэди билан қайси бирларининг оёқлари чиройли экани ҳақида тортишиб қолишганини назарда тутаётиман. Турган гапки, Лининг оёқлари чиройли. Мен биламан-ку, ахир.) (Фред бунақанги оёқларнинг бемаъни конкурсини бекор ўйлаб чиқарди. Буни ўзининг яқин кишилари даврасида эмас, қаердадир Палм-бичда ўтказса яхши бўларди. Қизлар ҳам юбкаларини бунчалик юқори кўтармасликлари керак эди. Чунки бу билан улар фақат оёқларини кўрсатиб қўя қолмадилар. . . Лоақал Ли шу ишни қилмаса бўларди. Айниқса, Фреднинг олдида. Жэдидек бойвучча ҳам буни бекор қилди.) (Мен бўлсам капитанин ҳакамликка чақриб чакки иш қилибман. Бу — фирт бемаънилик бўлибди. Капитан шунақаям қизариб кетдики. . . ҳатто мўйловларигача тикрайиб кетди. . . «Кечирасиз, сэр», деди-ю, эшикни ёпиб олди. Бу кўнгилсиз иш. Ниҳоятда кўнгилсиз иш. Капитан ҳам бу даражада қўполлик қилмаслиги керак эди. Қолаверса, бу ахир менинг яхтам, шундай эмасми?) (Рост, капитан ўзи билан қизлардан ола келмаган, у бечорага бунақанги нарсаларга қараш осон дейсизми? Яъни, шунча вақт бўйдоқ юриш осон дейсизми?) (Фред Жэдининг оёғи чиройлироқ, деганида Ли нега йиғлади экан? Кейин у Фредни ахлоқсиз экан, деди, бутун сайри ҳавони расво қилди. . . Бечора Ли! . .) (Энди қизлар бир-бирлари билан аразлашиб юришибди. Фред билан бир гаплашиб олмоқчи эдим. Жэди уни кучук болани чақриб олгандек чақриб олди. Шунда ҳам Фред менинг энг яқин дўстим. У Жэдини яхши кўрганидан кейин, албатта, унинг оёқларини чиройли дейишга мажбур-да. Бироқ нега энди бунчалик қатъий қилиб айтиши керак эди,

билмайман. Ли бечорага нисбатан у одобсизлик қилди. Ли Фредни қанқайган тўнка, деб тўғри айтди. Фирт тўнка!) (Очиғини айтганда, мен бу саёҳатни бутунлай ўзгача тасаввур қилган эдим. Фред қаёқданам менинг гапимга кўна қолди!)

Мистер Эйб энди ўзини садафдек оқ денгиз қизиқтирмай кўйганини, гапгин бир қиёфада чиганоқли қум ўйнаб ўтирганини пайқаб қолди. У хафа, таъби тирриқ эди. «Кўпроқ жойларни, ҳар хил нарсаларни кўришга ҳаракат қил», деган эди Леб ота. Биз нимани ҳам кўрдик? Мистер Эйб эслашга ҳаракат қилди, бироқ унинг хотирасида фақат биргина манзара — Жэди билан Лининг ўз оёқларини мақтаётганлари жонланди. Фред бўлса, ўша кенг яғринли Фред, уларнинг олдида чўққайиб ўтирибди. Эйбнинг қовоқтумшуғи баттар осилиб кетди. Бу маржон ороли қандай аталарди ўзи? Тараива, деганди капитан. Тараива ёки Тахуара, ёки Тараихатуара-тахуара. Уйига қайтгач, кекса Жессга: «Дада, биз ҳатто Тараихатуара-тахуарада ҳам бўлдик», дейман. У нима деркип? (Нега энди ўшанда капитани чақирдим-а, ижирғанди мистер Эйб.) (Лига айтиб кўйиш керак, бундан кейин бундай ишлар қилмасин. Тавба, нега мен уни шунчалик яхши кўраман? Уйқудан тургач, гаплашиб кўраман. Турмуш қуришимиз мумкин, дейман. . . Мистер Эйбнинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. Тавба, нега бундай бўляпти — ишқданми ёки изтиробданми? Ёки бу чексиз изтироблар уни севганиданми? .

Жажжи Лининг кўкка бўялган, ярқироқ, нозик чиганоқларга ўхшаган қовоқлари пирпирай бошлади.

— Эйб,— деди у уйқусираган овозда,— биласанми, халқимга нима келди? Бу ерда, мана шу оролда, аж-жо-йиб фильм ишлашимиз мумкин.

Мистер Эйб ўзининг лаънати сержун оёқларини тезроқ қумга кўмишга тиришарди.

— Ажойиб фикр, дўндиғим. Қанақа фильм?

Ли чуқур, мовий кўзларини очди.

— Масалан. . . Айтайлик, мен бу оролда Робинзон

бўлсам. Аёл киши Робинзон! Мутлақо теша тегмаган фикр, шундай эмасми?

— Ҳа-а,— деди мистер Эйб қатъийятсизлик билан.— Бу оролга қандай қилиб тушиб қолган бўласан?

— Жуда зўр бир йўли бор!. — деди у ёқимли бир овозда.— Яхтамитз тўфон пайтида ҳалокатга учраб, ҳаммамиз— сен, Жэди, капитан фарқ бўлиб кетган бўласизлар.

— Фред-чи? У ахир жуда ҳам яхши сузади-ку.

Сизлиқ пешона тиришиб кетди.

— Унда Фредни акула еб қўя қолсин. Ажойиб кадр чиқади-да, ўзиям! — Ли чапак чалиб юборди.— Фреднинг қомати жуда келишган, шундай эмасми?

Мистер Эйб хўрсиниб қўйди.

— Хўш, кейин-чи?

— Мени эса тўлқин ҳушсиз бир аҳволда қирғоққа чиқазиб ташлаган бўлсин. Эгнимда ўша, сенга ўтган куни маъқул бўлган зангори йўл-йўл пижама бўлади.— Ярим юмуқ киприклар орасидан ташланган нигоҳ унинг аёллик ноз-истиғносини рўйирост намоиш қилиб турарди.— Аниқроғи, бу фильм рангли бўлиши керак, Эйб. Зангори ранг сочларимга жуда ҳам мос тушганини ҳамма гапириб юради.

— Сени бу ердан ким топиб олган бўлади? — деди мистер Эйб устомонлик билан.

Жажжи Ли ўйга толди.

— Ҳеч ким. Бу ерда одамлар юрса, мен қандай қилиб Робинзон бўлай,— деб жавоб берди кутилмаган мантиқ билан.— Мана шу жиҳатдан ҳам бу роль жуда ажойиб бўлади. Бутун фильм давомида бир ўзим роль ижро этган бўлардим. Ўзинг ўйлагин-а — Лили Валлей бош ва яккаю ягона роль ижроси!

— Унда бутун фильм давомида нима иш қилган бўлардинг?

Жажжи Ли тирсагига таянди.

— Ҳаммасини ўйлаб қўйганман. Чўмилардим, қояга чиқиб ашула айтардим.

— Пижамада-я?

— Пижамасиз,— деди Ли.— Нима, муваффақият қозонишимга шубҳанг борми?

— Бироқ ҳамиша яланғоч юра олмайсан-ку,— дея тўнғиллади Эйб норози бир оҳангда.

— Нега энди юра олмас эканман? — деди жажжи Ли соддадиллик билан ҳайрон бўлиб.— Нима қилибди?

Мистер Эйб аллақандай мужмал бир гап қилди.

— Кейин эса,— деди Ли фикрини давом эттириб,— шошма, ҳа, ҳа, билдим. Кейин мени горилла ўғирлаб кетади. Билдингми? Даҳшатли, қоп-қора, сержун горилла.

Мистер Эйб қизариб кетди. Лаънати оёқларини иложи борица қумга чуқурроқ кўмиб ташлашга ҳаракат қилди.

— Бироқ бу ерда гориллалар йўқ-ку,— эътироз билдирди у ишонтира олмайдиган бир оҳангда.

— Бор. Бу ерда ҳар хил ҳайвон бор. Сен бу масалага санъаткор сифатида қарашинг керак, Эйб. Горилла билан теримнинг туси жуда ҳам мос тушади-да. Сен Жэдининг оёғидаги жунларига аҳамият бермаганмисан?

— Йўқ,— деди Эйб мавзудан норози оҳангда.

— Оёқлари жуда хунук,— деди Ли ўз болдирларига мамнуният билан тикилиб.— Горилла мени қўлида кўтариб кетаётганида қуюқ ўрмон орасидан ёш, гўзал бир ёввойи одам чиқиб қолиб, уни ўлдиради.

— У қандай кийинган бўлади?

— Ўқ-ёй тақиб олган бўлади,— деди Ли ҳеч бир иккиланмай,— бошида эса гулдан чамбарак. Ана ўша ёввойи одам мени асир олиб, одамхўрлар қароргоҳига олиб келади.

— Бу ерда ҳеч қандай одамхўрлар йўқ-ку,— деди Эйб Тахуара оролчасини муҳофаза қилмоқчи бўлиб.

— Бор. Одамхўрлар мени ўз санамларига қурбон қилмоқчи бўлишади. Шунда улар гавайя кўшиқларини ижро этишади. Негрларнинг «Парадиз» ресторанида қандай кўшиқлар айтишини биласанми? Бироқ ўша ёш йигит мени севиб қолиши мумкин,— шивирлади жажжи Ли ҳаяжондан кўзларини катта-катта очиб,— ва. . . сўнгра яна бир ёввойи

одам мени севиб қолади, айтайлик, ўша одамхўрларнинг бошлиғи. . . Кейин эса бир оқ танли. . .

— Бу ерда оқ танли нима қилади! — аниқлаб олиш мақсадида сўради Эйб.

— Уни ҳам асир олишган бўлсин. Масалан, ёввойи одамлар қўлига тушиб қолган машҳур тенор бўла қолсин. Бу фильмда у қўшиқ айтувчи сифатида керак бўлади.

— У қандай кийинган бўлади?

Ли оёқ бармоқларига қараб қўйди.

— У. . . худди одамхўрлардек қип-яланғоч бўлади.

Мистер Эйб бош чайқаб қўйди.

— Бўлмайди, дўндиқчам. Машҳур тенорларнинг бари ўта семиз бўлишади.

— Афсус, — деди Ли хафа бўлиб. — У ҳолда бу ролни Фред ўйнаши мумкин, тенор эса фақат қўшиқ айтади. Ҳозир фильмларга уларнинг қандай овоз беришларини биласанми?

— Ахир Фредни акула еб қўйган эди-ку?

Лининг жаҳли чиқиб кетди.

— Бунчалик расво реалист бўлиш ҳам ярамайди, Эйб! Сен билан санъат ҳақида умуман гаплашиб бўлмайди. Одамхўрларнинг йўлбошчиси эса мени жавоҳирларга кўмиб ташлаган бўларди. . .

— Жавоҳирларни қаердан оларди?

— Бу ерда жавоҳирлар тўлиб ётибди, — деди комил ишонч билан Ли. Фред эса рашк қилиб, денгиз тўлқинлари урилиб турган қояда у билан муштлашган бўларди. Жуда ҳам ажойиб чиқади-да, Фреднинг сояси осмон фонига тушиб турса! Ажойиб фикр, шундай эмасми? Шу пайт иккаласи ҳам денгизга қулаб тушади. . . — Лининг чеҳраси ёришиб кетди. — Ана шу ерда акула эпизоди асқатади. Фред мен билан роль ўйнаса Жэдига роса алам қиларди-да. Мен бўлсам ўша келишган ёввойи одамга турмушга чиқардим. — Малласоч Ли сакраб туриб кетди. — Биз шу ерда, қирғоқда. . . куннинг ботиб бориши фониди. . . қип-яланғоч ҳолда. . . турган бўлардик. . . ва диафрагма аста-секин беки-

либ борарди.— Ли устидаги чўмилганда киядиган халатини ечиб ташлади.— Энди мен чўмилишга кетдим.

— Халатинг қолиб кетяпти-ку,— гўлдиради Эйб, кейин биров қараб турмаганмикин, деб яхта томонга назар ташлади. Бироқ Ли аллақачон сакраб-сакраб қумлоқдан кўрфаз томон кетиб бўлган эди.

«... Аслини олганда, бу қиз кўйлақда чиройли кўринади», деди бирдан йигит қалбида пайдо бўлмиш совуқ ва шафқатсиз танқид садоси. Эйб ўзига муносиб севги қувончига эга эмаслигидан изтироб чекар ва ўзини ярим жиноятчи деб биларди, бироқ... Ли кўйлақ ва туфличалар кийганида, ҳар ҳолда... Чиндан ҳам анча чиройли кўринарди.

«Сен уни бинойидек қиз демоқчисан, тўғрими?» — эътироз билдирди Эйб ўзидаги ёқимсиз, совуқ овозга.

«Ҳа, албатта, шундай ҳам демоқчиман. Анча чиройли ҳам. Нега у сувни бунчалик кўпол шапиллатади? Нега унинг қуймичлари бунчалик лапанглайди? Нега ундай, нега бундай...»

«Бас қил,— деди Эйб ваҳимага тушиб.— Ли дунёдаги қизларнинг орасида энг гўзали! Уни ўлгудай яхши кўраман...»

«Унинг ҳеч бир фазилати бўлмасаям-а?» — деди совуқ танқидий садо.

Эйб ўгирилиб кўрфазда турган яхтага қаради. Нақадар гўзал, яхта бортларининг бежиримлигини-чи! Фреднинг йўқлиги чакки бўлди-да. У билан яхтанинг гўзаллиги ҳақида гаплашган бўлардик.

Бу орада Ли тиззасигача сувга тушиб олиб, қўллари ни ботиб бораётган қуёш томон чўзганича қўшиқ айттарди:

«Тезроқ сувга туша қолсайди, жин ургур! — дерди ўзича Эйб хуноб бўлиб.— Унинг халатга ўралиб олиб, кўзларини юмганича кулала тушиб ётиши ҳар ҳолда жуда чиройли эди. Жажжи Ли қанчалар ёқимтой. — Эйб шундай дея ҳаяжон билан хўрсинди-да, қизнинг халати енгидан

ўниб қўйди.— Ҳа, уни жудаям яхши кўраман. Шундай севаманки, ҳатто бу севгидан азобдаман.

Бирдан кўрфаз томондан чинқирган овоз эшитилди. Эйб ўша томонга дурустроқ қараш учун тиззалаб олди. Ли қўлларини силкиб, чинқириб, қоқила-суқила сув сачратганча қирғоқ томон югуриб келарди. . . Эйб ўрнидан сакраб туриб, қиз томон шошилди.

— Нима бўлди, Ли?

(Унинг бесўнақай югуришини кўр,— дерди совуқ танқидий садо.— Шаталоқ отишини қара. Қўлларини ёйиб келишини-чи жуда хунук кўриняпти. Унинг қичқаришини қара.)

— Ли, сенга нима бўлди? — қичқирди Эйб ёрдамга шошиларкан.

— Эйб, Эйб. . . — дея гўлдиради Ли ва шалоп этиб сувга йиқилди. Кейин қўл ва муздек танаси билан йигитга ёпишди.— Эйб, анави ерда қандайдир бир махлуқ!

— У ерда ҳеч нарса йўқ, — дея тасалли берди Эйб. — Балки биронта балиқдир.

— Боши жуда даҳшатли!. . — қиз ўкириб йиғлаб, ҳўл бурни билан Эйбнинг кўксига ёпишиб олди.

Эйб оталарча тасалли бериш ниятида Лининг елкасига уриб-уриб қўймоқчи эди-ю, бироқ кафти қизнинг ҳўл баданига шаппилаб тегишини ўйлаб фикридан қайтди.

— Қани, қарагин, у ерда ҳеч нарса йўқ,— деб гўлдиради йигит.

Ли ўгирилиб кўрфазга қаради.

— Жуда ҳам кўрқинчли нарса,— дея шивирлади қиз ва яна бирдан чинқириб юборди.— Ҳув. . . ҳув. . . ана. . . Кўрдингми?

Аллақандай улкан калла катта оғзини дам очиб, дам юмиб қирғоқ томон яқинлашиб келарди. Ли жон ҳолатда қичқириб қоча бошлади.

Эйб нима қилишини билмай қолди. Ли кўрқмасин учун унинг кетидан югурсинми? Ёки бу ҳайвоннинг кўрқинчли эмаслигини қизга намойиш қилиш учун шу ерда қолсинми?

Турган гапки, у иккинчи йўлни танлади. Бир неча қадам ташлаб сув тўпигигача келадиган жойга борди-да, қўллари ни мушт қилиб, махлуқнинг кўзига тикилди. Сувдаги қора бош ҳам тўхтаб қолди, у ғалати қилиб тебраниб:

— Тс-тс-тс. . . — деди.

Эйбни бир оз ваҳима босди, бироқ сир бой бермаслик керак эди.

— Нима гап? — деди у қатъий оҳангда сувдаги бошга қараб.

— Тс-тс. . . — дея жавоб берди бош.

— Эйб, Эйб, Эйб. . . — деди чийиллаб жажжи Ли.

— Кетяпман! — деди Эйб ва аста (бировнинг хаёлига бошқа бирон фикр келмасин учун) севгилиси томон йўл олди. Йўлда тўхтаб, орқасига бир қараб қўйди.

Қирғоқда, тўлқинлар ўзининг сон-саноқсиз мўрт безакларини қумга чиқазиб ташлайдиган ерда аллақандай юмалоқ бош бир қора ҳайвон орқа оёқларида жилпанглаб турарди. Эйб юраги ўйнаб, турган ерида қотиб қолди.

— Тс-тс-тс. . . — деди ҳайвон.

— Эйб! — дея бақирди ақлдан озай деб қолган Ли.

Эйб ҳайвондан кўзини узмай бир-бир босиб орқасига чекиниб борарди. Ҳайвон эса жойидан қимирламай Эйбни кузатарди.

Эйб, ниҳоят, қўрқувдан нафаси оғзига тиқилганча энтикиб, юзтубан йиғлаб ётган жажжи қизнинг ёнига етиб келди.

— Бу тюленга ўхшаш бир нарса, — деди Эйб ўзи ҳам ишонқирамаган бир аҳволда. — Яхтага қайтсак бўларди, Ли.

Ли ҳали ҳам титраб турарди.

— Бу ҳайвонларнинг умуман қўрқадиган ери йўқ, — дея таъкидларди Эйб.

У тиз чўкиб Лининг тепасига энгашмоқчи бўлди-ю, бироқ ўзида қиз билан ҳайвон ўртасида рицарона бир тўсиқ бўлиш мажбурияти сезиб, ундай қилмади. «Қани эди биргина трусикда бўлмасам, — деб ўйларди у, — лоақал қа-

ламтарошим бўлса ҳам майли эди. . . ёки бирорта таёқ топилса эди. . .»

Қош қорая бошлади. Ҳайвон уларга яна ўттиз қадамча яқинлашиб, тўхтади. Ундан кейин денгиздан беш-олти, саккизта шу хилдаги жониворлар чиқиб, пилдираганча Эйб Лини кўриқлаб турган жойга яқинлашиб кела бошладилар.

— Ли, қарама. . . — деб шивирлади Эйб, бироқ бу гапнинг ҳожати йўқ эди. Чунки у ётишда Лининг содир бўлаётган воқеаларга сира қарагиси йўқ эди.

Денгиздан янгидан-янги қора ҳайвонлар чиқиб келиб, улкан ярим доира ясаб, олга силжишарди. «Улар олтмиш-тагача етди, — хаёлан ҳисоблаб кўрди Эйб. — Мана бу оқариб турган нарса — Лининг чўмилган пайти киядиган халати. У ҳозиргина ўшанга ўралиб ухлаб ётган эди. . . Шу орада ҳайвонлар қумда оқариб турган нарсанинг тепасига келиб тўхташди.

Шунда Эйб қилиниши лозим бўлган ва айни чоқда арслонлар уймаланиши ётган цирк майдонига хонимнинг тушиб қолган қўлқопини олиб бергани кирган Шиллернинг рицарларидек бемаъни бир иш қилди. Илож қанча, бажарилиши лозим бўлган, айни чоқда шунақанги бемаъни ишлар ҳам бўладики, бунақанги ишларни эркаклар рўзи қиёматгача ҳам бажараверинишади. Мистер Эйб Леб ўйлаб-нетиб турмай, бошини баланд кўтарганча, муштини тугиб жажжи Лининг халатини олиб бериш учун ҳайвонлар орасига кириб борди.

Ҳайвонлар бир оз чекинишди, бироқ қочиб кетишмади. Эйб халатни олиб, тореадор¹лардек билагига ташлади-да, тўхтади.

— Эйб! . . . — орқадан аламли фарёд эшитилди.

Мистер Эйб ўзини чексиз куч ва жасоратга тўлиб боряп-гандек ҳис қилди.

— Хўш, нима гап? — деб у ҳайвонлар томон бир қадам ташлади. — Нима керак ўзи сенларга?

¹ Испанияда буқа билан жанг қиладиган кишилар. (Тарж.)

— Тс-тс,— деб пўписа қилди бир ҳайвон, кейин эса қандайдир кексаларга хос чийилдоқ овозда: — Пийчоқ,— деб акиллади.

— Пийчоқ!. . — дейишди унга жавобан сал нарироқдаги чийилдоқ овозлар: — Пийчоқ! Пийчоқ!

— Э-Эйб! . .

— Қўрқма, Ли! — қичқирди Эйб.

— Ли!. . — акиллаган овоз эшитилди.— Ли! Ли! Э-Эйб! . .

Эйб ўзини худди туш кўраётгандек ҳис қилди.

— Нима гап?

— Пийчоқ!

— Эй-Эйб! — Лининг ноласи эшитилди.— Бу ёққа кел!

— Ҳозир. . . Пичоқ демоқчимисиз? Менда ҳеч қанақа пичоқ йўқ. . . Мен сизларга ҳеч нима қилмайман. Сизларга яна нима керак?

— Тс-тс,— деб пўписа қилди-да, лапанглаганча унга яқинлашиб кела бошлади.

Эйб билагигадаги халатни маҳкам тутган кўйи оёқларини кенг ёйиб, орқага чекинмай тураверди.

— Тс-тс,— деди у.— Сенга нима керак?

Ҳайвон олд панжасини унга қараб чўзгандек туюлди, бу ҳаракати Эйбга ёқмади.

— Нима? — деди у қўрслик билан.

— Пийчоқ! — дея акиллади ҳайвон ва панжасидан сув томчисига ўхшаш оқимтир бир нарсани тушириб юборди. Думалашига қараганда у сув томчиси эмасди.

— Эйб! — деди энтикиб Ли.— Мени бу ерда ёлғиз қолдирма!

Мистер Эйб энди ҳеч қандай қўрқувни ҳис этмай қўйганди.

— Қоч йўлдан! — деди у халатни ҳайвонга қарата силкитиб.

Ҳайвон шоша-пиша, беўхшов ҳаракатлар билан чекинди. Энди Эйб бу ердан шон-шарафлар билан кетади; лекин унинг жасурлигини Ли бир кўриб қўйсин, шундан кейин у ҳайвон

панжасидан тушириб юборган оқимтир нарсани кўриш учун энгашиди. Булар хирагина ялтировчи силлиқ соққачалар эди. Қоронғи туша бошлагани учун мистер Эйб уларни кўзига яқинроқ олиб борди.

— Эйб! — чийиллади ўз ҳолига қолган Ли. — Эйб, Эйб! . .

— Кетяпман, ҳозир! — дея қичқирди мистер Эйб. — Ли, сенга бир нарса олиб келяпман!

Мистер Эйб халатни боши узра силкитиб қувонч-ла югуриб борарди. Ли чўққайганча титраб, гужанак бўлиб ўтирарди.

— Эйб, — деб ингради у тишлари такиллаб. — Бу нима қилганинг . . . Бу нима қилганинг . . .

Эйб унинг қаршисида тантанавор тиз чўкди.

— Лилли Валлей, денгиз худолари иззатингни бажо келтирмоқ учун тритонлар¹ қиёфасида ҳозир бўлишибди. Зухро юлдузи денгиз кўпигидан пайдо бўлганидан бери бирорта ҳам артистка уларга сенчалик таассурот қолдирмаган экан, шунини сенга айтиб қўйишни буюришди. Айтган офаринлари белгиси сифатида сенга. . . — Эйб унга қўлини узатди, — учта дур бериб кетишди. Қара!

— Бўлмаган гапларни қўйсанг-чи, Эйб! — деди Ли инграб. — Рост айтяпман, Ли! Қарасанг-чи, бу чинакам дур!

— Қани кўрсат-чи, — деди Ли инқиллаб учта оқимтир соққани титроқ қўлларига оларкан. — Эйб, — деб шивирлади, у, — бу ахир марварид-ку! Буларни қумдан топиб олдингми?

— Дўндиқчам, қумда марварид бўлмайди!

— Бўлади, — деди Ли. — Марваридни шу ерда ювишади. Кўрдингми, бу ерда марварид кўп бўлади, дегандим!

— Марварид донаси сув остидаги баъзи чиганоқларда ўсади, — деди Эйб деярли тўла ишонч билан. — Худо ҳаққи, Ли, буни сенга тритонлар олиб келишибди. Улар чўмилаётганингни кўриб туришган экан. — Марваридларни

¹ Қалтакесаққа ўхшаган ҳам ерда, ҳам сувда яшайдиган жонивор.

сенга ўзлари топширишмоқчи бўлишибди-ю, бироқ сен қўрқиб кетдинг. . .

— Улар шунақаям бадбашараки!— дея хитоб қилди Ли.— Эйб, булар ажойиб марваридлар экан!— Мен марваридни жуда ҳам яхши кўраман!

(Мана энди у гўзаллашиб кетди,— деди танқидий нидо.— Бу ерда у чўккалаган кўйи кафтида марварид билан тураркан, хўш . . шунчаки яхши кўринади, холос!)

— Эйб, буни менга чиндан ҳам ўша. . . ўша ҳайвонлар келтиришибдими?

— Улар ҳайвонлар эмас, дўндиғим. Улар денгиз худолари, уларни тритонлар, дейишади.

Ли зиғирча бўлса ҳам ажабланмади.

— Улар жуда яхши ҳайвонлар экан, тўғрими? Бирам ювошки. Уларга бир амаллаб миннатдорчилигимни билдиришим керак, а, Эйб!

— Улардан дарров қўрқмайдиган бўлиб қолдингми? Ли сесканиб кетди.

— Қўрқаман. . . Эйб, илтимос, мени бу ердан олиб кет.

— Унда қулоқ сол,— деди Эйб.— Қайиғимизга етиб олишимиз керак. Юр, қўрқмасанг бўлди!

— Лекин ахир. . . ахир улар йўлимизда туришибди-ку. . .— деди Ли тишини такиллаб.— Эйб, мени бу ерда ёлғиз қолдириб, ўзинг уларнинг олдига бормоқчи эмасми-сан? Мени ташлаб кетишни ҳатто хаёлингга ҳам келтирма!

— Сени қўлимда кўтариб кетаман,— деди Эйб қаҳрамонларча.

— Ҳа, шундай қилганинг яхши,— шивирлади Ли.

— Фақат халатингни кийиб ол,— гўлдиради Эйб.

— Ҳозир.

Мисс Ли икки қўллаб ўзининг ажойиб малла сочларини тузатди.

— Жудаям ҳурпайиб кетибман-а? Эйб, помаданг йўқми? Эйб унинг елкасига халатини ташлаб қўйди.

— Юр, кетдик, Ли.

— Қўрқаман. . .— пичирлади қиз.

Мистер Эй буни кўтариб олди. Ли сиртдан қушдек енгил кўринарди. «Тавба, у сен ўйлаганингдан оғирроқ экан, тўғрими? — деди Эйга ёқимсиз танқидий садо.— Мана энди иккала қўлинг ҳам банд. Анави ҳайвонлар тўсатдан ҳужум қилиб қолса нима бўлади?»

— Югурсанг бўлмайдими? — деди Ли.

— Бўлади. . . — деди Эйб ҳансираб, оёғини зўрға кўтариб босар экан.

Деярли қоронғи тушиб қолган эди. Эйб ҳайвонларнинг доиравий қуршовига яқин келди.

— Тезроқ, бўл, Эйб, югур, югур! . . — пичирлади Ли.

Ҳайвонлар ғалати тўлқинсимон ҳаракатлар қилиб чайқалар, таналарининг юқори қисми билан жилпанглашар эди.

— Югур, тезроқ югурсанг-чи! — деб ингради Ли оёқларини асабий силкита-силкита. Шунда унинг кумушранг лок суртилган тирноқлари Эйбнинг бўйнига ботиб борарди.

— Ли, жин ургур, қўлингни олсанг-чи! — деди Эйб инграб.

— Пийчоқ! — дея акиллади ёнгинасида кимдир! — Тс-тс! Пийчоқ! Ли! Пийчоқ! Пийчоқ! Пийчоқ! Ли!

Бироқ энди даҳшатли доира ортда қолганди. Эйб оёқларининг ҳўл қумга ботиб бораётганини сизди.

— Мени энди ерга қўйсанг бўлади. — деб шивирлади Ли, Эйбнинг оёқ-қўллари обдан ҳолдан тойганида.

Эйб ҳаллослаганча пешонасидаги терни билагига артди.

— Қайиққа бор! Тезроқ! — деб буюрди жажжи Ли.

Доиравий соялар энди Лига яқинлашиб кела бошлади.

— Тс-тс-тс! Пийчоқ! Пийчоқ! Пийчоқ! Ли!

Бироқ Ли бақирмади. Қочмади ҳам. У қўлини осмонга кўтарган эди, халати елкасидан сирғалиб тушди. Яланғоч Ли чайқалиб турган сояларга қўллариини силкиб бўса тақдим этаётгандек бўларди. Унинг титроқ лаблари бир оз қийшайди. Бу балки мафтункор табассум белгисидир.

— Жудаям ёқимтой экансизлар,— деди титроқ овоз. Оппоқ қўллар эса яна чайқалиб турган соялар томон чўзилди.

— Кел, ёрдамлашиб юбор, Ли,— деди бир оз дагаллик билан Эйб қайиқни сув томон суриб борар экан.

Ли энгашиб ердаги халатини олди.

— Яхши қолинглар, қадрдонларим!

Сояларнинг сувни шапиллатишлари энди қулоққа эниқ эшитилиб турарди.

— Тезроқ қимирласанг-чи, Эйб,— шивирлади қайиққа чиқаётиб Ли,— улар яна яқин келишяпти.

Мистер Эйб Леб бор кучи билан қайиқни сувга туширишга ҳаракат қиларди. Бу камлик қилгандек, Ли ҳам чиқиб олиб сояларга қўл силташ билан овора эди.

— Бошқа томонга ўт, Эйб, улар мени кўриша олмаяпти.

— Пийчоқ! Тс-тс-тс! Эйб!

Пийчоқ! Тс, пийчоқ!

— Тс-тс!

— Пийчоқ!

Қайиқ ниҳоят тўлқинлар узра чайқала бошлади. Мистер Эйб қайиққа чиқиб олиб, эшкакка зўр берди. Бир эшкаги қандайдир шилимшиқ танага урилиб кетди.

Ли нафасини ростлаб олди.

— Улар бирам ювошки, тўғрими? Улар олдида ўзимни жуда яхши тутдим-а!

Мистер Эйб бор кучи билан яхта томон эшкак эшарди.

— Халатингни кийиб ол, Ли,— деди у қуруққина қилиб.

— Менимча, жуда катта муваффақият қозондим,— таъкидлади мисс Ли.— Манави марваридларни айтмайсанми, Эйб. Нима дейсан, булар қанча тураркин?

Мистер Эйб бир зум эшкак эшишдан тўхтади.

— Менимча, сен уларга бу аҳволда кўринмаслигинг керак эди. . .

Мисс Ли ранжигандек бўлди.

— Нима қилибди? Сенинг артист эмаслигинг шундан ҳам маълум. Эшкагингни эш, халатда совуқ қотяпман.

7. КҶРФАЗДАГИ ЯХТА

Давоми

«Глория Пикфорд» яхтасида бу оқшом бошқа биронта фавқуллодда ҳодиса содир бўлмади, бироқ илмий тортишув кучайиб кетди. Капитан бу ҳайвонларни сут эмизувчилардан, деб таъкидлади, Фред эса калтакесакларнинг бир тури экани аниқ, деб эътироз билдирди (Эйб инсоф юзасидан унинг фикрига қўшилди). Денгизда калтакесаклар бўлмади, дерди капитан фикрида қаттиқ туриб, шундай бўлса-да, университетдан келган ёш жентльменлар унинг эътирозларига қулоқ солишмасди. Калтакесаклар, ҳар ҳолда, анча-мунча шов-шувга сабаб бўлди. Жажжи Ли эса булар, тритонлар, бунинг устига жуда ажойиб ҳайвонлар дер, улар қаршисида ўзининг жуда катта муваффақиятга эришганидан мамнун бўлар эди. Шунинг учун у (Эйбга жуда маъқул бўлган йўл-йўл зангори пижамасида) кўзлари чақнаб, марваридлару денгиз худолари ҳақида хаёл сурарди. Жэди эса булар шунчаки сафсата, ёлғон-яшиқ гаплар бўлиб, бошдан-оёқ Ли билан Эйбнинг уйдирмаси эканига шубҳа қилмасди. Шу сабабли у Фредга бу аҳмоқона гапларни бас қилиш керак, деган маънода газабнок кўз қисиб қўйди. Эйбнинг фикрича, Ли унинг, яъни Эйбнинг, калтакесаклар олдига қўрқмай бориб, қизнинг халатини олиб келганини эга олса бўларди. Шунинг учун Эйб қайиқни сувга тушираётганида Ли калтакесакларни усталик билан чалгитиб турганини учинчи марта сўзлаб бериб, тўртинчи мартасига оғиз жуфтлаганида капитан билан Фреднинг қулоғига ҳеч нима кирмай қўйган, калтакесак ва сут эмизувчилар ҳақидаги қизгин баҳсга берилиб кетишган эди. (Гўё у ерда нима ишлар бўлгани шунчалик катта аҳамиятга эгадек, деб ўйларди Эйб.) Ниҳоят, Жэди бир эснаб қўйиб, ухлагани

кетаётганини айтди-да, Фредга маънодор қараб қўйди. Фред эса худди шу пайт дунёни сув босишига қадар аллақан-дай қадимий калтакесаклар бўлганини эслаб қолди. Жин ургурларни нима деб аташарди: диплозаврларми, бигозаврми — ёки шунга ўхшаш бир нарса деб аташар, улар орқа оёқларида юришар эди, бунақа ғалати илмий суратни, сэр, Фред катта бир китобда ўз кўзи билан кўрган. Бу ажойиб бир китоб эди, сэр, сиз ҳам кўриб чиқсангиз, чакки бўлмасди.

— Эйб,— деди Ли.— Фильм олиш учун менда ажойиб бир фикр тугилди.

— Яъни, қандай?

— Лол қолдирадиган янги бир нарса. Фараз қилайлик, яхтамиз чўкиб кетган бўлсин, ёлғиз мен бу оролда жон сақлаб қолай. Робинзондек ҳаёт кечираман.

— Нима ишлар қилардингиз? — шубҳа аралаш суриштирди капитан.

— Чўмилиб юрардим,— деди Ли,— денгиз худолари мени севиб қолиб, марваридлар келтириб беришарди. Биласанми, жуда зўр чиқади. Бу — манзарали ва айни вақтда илмий-тарбиявий фильм бўлади, нима дейсан? «Тижорат байроғи»¹га ўхшаш фильм бўлади.

— Ли тўғри айтяпти,— деди Фред қатъий оҳангда. — Эртага бу калтакесакларни суратга олсак яхши бўларди.

— Яъни, сут эмизувчиларни,— деб унинг гапини тўғрилади капитан.

— Яъни, мени,— деди Ли, менинг денгиз худолари орасида туришимни.

— Фақат чўмилиш кийимида. . . — шоша-пиша сўз қистирди Эйб.

— Мен, яхшиси, оқ чўмилиш либосимни кийиб оламан,— деди Ли.— Грета эса, сочимни яхшилаб тараб қўйсин. Бугун жудаям алламбало бўлиб ҳурпайиб кетдим. .

¹ Америка режиссёри Уильям ван Дик (1899-1944)нинг 1931 йилда экранлаштирган оммабоп фильми.

— Кинога ким олади?

— Эйб-да. Унинг ҳам бундоқ фойдаси тегсин ахир. Жэди эса қоронғи тушгач, ёритиб туради.

— Фред-чи?

— Фред қўлида ўқ-ей, бошига гулчамбар тақиб три-тонлар мени ўғирлаб кетишмоқчи бўлганида уларни ўлдиради.

— Бағоят миннатдорман, — дея ишшайди Фред. — Бироқ мен револьверни афзал кўраман. Айтгандай капитан-чи?

Капитан мўйловини диккайтириб:

— Безовта бўлманг. Нима қилишим кераклигини ўзим биламан, — деди.

— Яъни, нима қилишингиз керак?

— Экипаждан уч киши, яхши қуролланган бўлади, сэр.

Жажжи Ли завқ-шавқ билан:

— Сизнингча, бу иш шунақа хатарли бўладими, капитан? — деди.

— Мен бир нарса деёлмайман, қўзичоғим, — деб гудраниб қўйди капитан, — бироқ мен мистер Жесс Дебдан жуда бўлмаганда, мистер Эйб тўғрисида кўрсатма олганман.

Эркаклар экспедициянинг техник деталлари билан шуғулланишга киришиб кетишди. Эйб жажжи Лига кўзини қисиб, ётадиган вақт бўлгани ва шу кабиларни англаган бўлди. Ли итоаткорона йўлга тушди.

— Биласанми, Эйб, — деди у ўз каютасида, — менимча, бу жуда ажойиб фильм бўлади?

— Тўғри айтасан, дўндиқчам, — дея маъқуллади мистер Эйб қизни ўпмоқчи бўлиб. — Бугун мумкин эмас, Эйб, — деди Ли ундан узоқлашиб, — менинг диққат-эътиборимни бир жойга тўплашим ниҳоят зарур эканини тушунишинг керак.

Мисс Ли эртасига кунни диққат-эътибор билан ўтказди. Бунинг оқибатида бечора оқсоч Гретанинг иши бошидан ошиб кетди: ҳар хил тузлар ва исли-упорли эритмалар қўшиб ванна тайёрлаш, «Фақат малла сочилилар учун» деган

шампунъ билан бош ювиш, массаж, педикюр, маникюр, сочни жингалак қилиш, турмаклаш, дазмол босиш ҳамда кўйлақларни кийиб кўриш, қайта тузатиб тикиш, грим қилиш ва бошқа бир талай ҳозирликлар унинг зиммасида эди. Бу тўс-тўполонга тушиб қолган Жэди ҳам Лига ёрдамлашарди. (Мушкул дақиқаларда, масалан, кийиниш масалалари ҳал қилинаётган дамларда аёллар бир-бирларига мисли кўрилмаган даражада садоқат кўрсатишади.) Мисс Лининг каютаси тўс-тўпалон бир пайтда эркаклар бир жойга йиғилиб олишиб, столни кулдонлар ва виски шишаларига тўлдириб ташлашди: улар стратегик планни ишлаб чиқаришга киришган эдилар. Қимнинг қаерда туриши, агар бирор кор-ҳол юз бергудек бўлса, қимнинг вазифаси нималардан иборат бўлиши келишиб олинди. Бунда қўмондонлик қилиш масаласи муҳокама этилар экан, капитаннинг обрўси бир неча марта таҳқирланди. Кундузи кўрфаз қирғоғига киноаппарат, кичкинагина пулемёт, озиқ-овқат ҳамда ҳар хил идишлар солинган сават, милтиқлар, граммофон ва бошқа қурол аслаҳалар ташиб олинди ва ҳаммаси пальма япроқлари билан яхшилаб ниқоблаб кўйилди. Кун ботмасидан туриб экипаждан уч нафар қуролли киши ва бош қўмондон сифатида яхта капитани ўз ўринларини эгаллашди. Шундан кейин мисс Лили Валлейга зарур бўлиб қолади, деб қирғоққа катта бир сандиқда майда-чуйдалар олиб келишди. Уларнинг кетидан Фред билан мисс Жэди етиб келди. Сўнгра бутун тропик гўзалликларини намойиш қилиб, кун бота бошлади.

Шу орада мистер Эйб мисс Лининг каютасини ўнинчи марта тақиллатди.

— Дўндиқчам, энди чиндан ҳам вақт бўлди!

— Мана, ҳозир! — деди Ли.— Илтимос қиламан, бирпас асабимни қўзғатмай тур. Кийиниб олишим керакми ахир?

Бу пайт капитан эгаллаб турилган жойларини кўздан кечирар эди. Ҳув анави ерда, кўрфазнинг текис сатҳида бир текис чайқалувчи сув денгизини, сокин жимирловчи

кўлтиқ сувидан ажратиб турибди. Гўё ўша ердаги сув остидан қандайдир тўғон ёки тўлқинқайтаргич ўтгандай-а, деб ўйлади капитан, эҳтимол, бу қумлоқ саёзлик ёки маржон қоялардир, бироқ сунъий иншоотга кўпроқ ўхшаб кетади. Ғалати жой экан!

Кўрфаз сувининг тинч сатҳида, у ер-бу ерда қоп-қора бошлар кўриниб, қирғоқ томон кела бошлади. Капитан лабини қимтиб, таҳликада револьверига ёпишиди. Аёлларнинг кемада қолгани маъқул эди, деган фикр келди шунда унинг хаёлига! . . . Жэди қалтираб Фредга маҳкам ёпишиб олди. «Бирам бақувватки,— деб ўйлади қиз,— худойим-ей, нэмунча уни яхши кўрмасам!»

Ниҳоят, яхта олдидан охириги қайиқ сузиб кетди. Бу қайиқда оқ чўмилиш трикеси ва шаффоф пеньюарда мисс Лили Валлей ўтирарди. Афтидан, тўлқинлар уни мана шу кийимларда кема ҳалоқатига учраган кимса сифатида қирғоққа чиқариб ташлаши керак. Қайиқда ундан ташқари мисс Грета билан мистер Эйб ҳам бор эди.

— Нега эшкак эшишингнинг мазаси йўқ, Эйб? — деди ўпкалаб Ли.

Мистер Эйб қирғоққа яқинлашиб келаётган қора бошларга қараб қўйди-ю, ҳеч нима демади.

— Тс-тс!

— Тс!

Мистер Эйб қайиқни қумга сургаб чиқариб қўйгач, Ли билан мисс Гретага қирғоққа тушишга ёрдам берди.

— Аппаратга тезроқ югур,— пичирларди артистка,— «бошла», дейишим биланоқ суратга ола бошлайсан.

— Аллақачон ҳеч нарса кўринмайдиган бўлиб қолди-ку,— эътироз билдирди Эйб.

— У ҳолда Жэди прожекторларни ёқсин, Грета! .

Мистер Эйб аппарат олдига бориб, ўз жойини эгаллаганича, артистка жон бераётган оққуш каби қумга чўзилиб ётиб олди, мисс Грета эса пеньюари бурмаларини тузатиб қўйди.

— Оёқларим бир оз кўринадиган бўлсин,— дея шивир

лади кема ҳалокатига учраган қиз. Бўлдими? Қани энди
жўна! Эйб, бошла!

Эйб аппарат дастасини айлантира бошлади.

— Жэди, чироқ!

Бироқ ҳеч қандай чироқ ёнмади. Сувдан қилпиллама
шарпалар чиқиб Лига яқинлаша бошлади. Грета бақириб
юбормаслик учун оғзини қўли билан беркитиб олди.

— Ли, — дея қичқирди мистер Эйб, — Ли, қоч!

— Пийчоқ! Тс-тс-тс! Ли! Ли! Эйб!

Кимдир револьверини шиқирлатиб отишга тайёрлаб
қўйди.

— Жин ургурлар, отманглар! — шивирлади капитан.

— Ли! — деди Эйб жон ҳолатда, кинога олишни ҳам
йиғиштириб қўйиб. — Жэди, чироқ!

Ли нозланиб аста-секин ўрнидан туради-да, қўлини
кўкка чўзади. Енгил пеньюар елкасидан сирғалиб ерга
тушди. Энди қумда оқ бадан Лили одатда кема ҳалокатига
учраганлар бир оздан кейин ўзига келгани каби, у ҳам
ўзига келиб қўлларини кўкка чўзган кўйи турарди. Мис-
тер Эйб жон-жаҳди билан аппарат дастасини айлантирарди.

— Жин ургур, Жэди, чироқни ёқсанг-чи!

— Тс-тс-тс!

— Пийчоқ!

— Пийчоқ!

-- Э-Эйб!

Қора шарпалар оқбадан Лининг атрофида қилпиллаб
айланишарди. Тўхтанг, тўхтанг, шу ҳам роль ўйнаш бўл-
дими! Ли энди қўлини юқорига чўзмас, аксинча, ниманидир
ўзидан нари суриб чийилларди:

— Эйб, Эйб, у менга тегиб кетди.

Худди шу пайт чироқ ёниб кўзни қамаштирди. Эйб
шиддат билан киноаппарат дастасини айлантира бошлади.
Фред билан капитан қўлларида револьвер, қўрққанидан
қумда тишларини тақирлатиб ўтирган Ли томонга югуриб
келишди. Худди шу пайт ёруғликда ўнлаб, юзлаб узун қора
шарпаларнинг денгиз томон жадаллик билан қоқилиб-су-

қилиб югуриб борянгани кўринди. Шу пайт икки матрос қочиб бораётган бир шарпага тўр ташлади. Грета ҳушидан кетиб йиқилди. Шу лаҳзада икки-уч марта отилган ўқ овози эшитилди. Денгиз суви чайқала бошлади, икки матрос қилпиллаётган алланарсанинг устига ташланди ва Жэдининг кўлидаги чироқ ўчиб қолди.

Капитан чўнтак фонарини ёқди.

— Дўндиқчам, бирор ерингиз лат емадими?

— Оёғимдан ушлаб олди, — деб чинқирди қизча. — Фред жуда ҳам кўрқдим!

Шу лаҳзада мистер Эйб ҳам ўз фонарини кўтариб югуриб келди.

— Жуда ҳам зўр чиқди, Ли! — деб қичқирарди Эйб. — Фақат Жэди чироқни барвақтроқ ёқиши лозим эди.

— Ўзи ёнмади, — дея гўдранди Жэди, — ўзи ёнмай қолди, тўғрими, Фред?

— У кўрқиб кетди, — деб унинг ёнини олди Фред. — Рост айтяпман, у атайлаб бундай қилгани йўқ, тўғрими, Жэди?

Жэди хафа бўлди. Бироқ шу пайт икки матрос турда катта балиққа ўхшаб типирчилаб турган алланарсани кўтариб келиб қолишди.

— Мана, капитан, тирик.

— Башарамизга аллақандай заҳарли нарса сачратди, ярамас, қўлларим ҳаммаси нўрсилдоқ бўлиб кетди, сэр. Роса ачишяпти.

— Менга ҳам сачради, — деди мисс Ли инграб. — Чиронингни тушириб қара-чи, Эйб, қавармантими?

— Дўндиқчам, ҳеч нарса қилманпти! — деб кўйди Эйб, у қизчанинг зўр бериб силаётган тиззасидан сал юқорироқ ерини ўпиб олишдан ўзини аранг тутиб турарди.

— У ҳайвон бирам совуқ эканки! — деб шикоят қилди Ли.

— Марваридингизни тушириб қўйибсиз, хоним! — деди матрослардан бири Лига қумдан топиб олган соққани узатаркан.

— Вой, худо-о, Эйб! — хитоб қилди мисс Ли.— Улар менга яна марварид олиб келишибди. Болалар, келинг, марварид қидирамиз! У бечоралар менга балки бир талай марварид олиб келишгандир. Хўш, Фред, улар жуда ажойиб жониворлар эканми? Мана, яна марварид!

— Мана, яна!

Учала фонарнинг нур доиралари ерни ёритди.

— Битта каттасини топиб олдим!

— У меники! — деди Ли.

— Фред! — деб совуққина чақирди мисс Жэди.

— Ҳозир,— деди қумда тиззалаб юрган Фред.

— Фред, мен яхтага кетгим келяпти!

— Бирор одам олиб бориб қўяди! — деди ўз иши билан банд бўлган Фред.— Ана бўлмаса, эрмак ҳам топилди қолди.

Уч эркак ва мисс Ли улкан йилтироқ қуртларга ўхшаб қум титкилашда давом этишди.

— Мана яна учта марварид! — деди капитан.

— Қани, кўрсатинг-чи! — деб қичқириб юборди Ли капитан томонга тиззалаб борар экан.

Шу пайт магний чақнаб киноаппарат шигиллай бошлади.

— Мана энди суратга тушиб қолдиларинг, — деди Жэди алам билан.— Газеталар учун ажойиб сурат чиқади да. Америкаликлар Компанияси Марварид Қидирмоқда! Денгиз калтакесаклари Одамларга Марварид ташламоқда.

Фред қумга ўтириб олди

— Худо ҳаққи, Жэди тўғри айтяпти! Болалар, бу суратларни газетага юборишимиз керак! Ли ҳам ўтирди.

— Жэди, Жэди, жонгинам, бизни яна суратга ол, фақат олд томондан!

— Бу сенга тўғри келмайди, азизим! — эътироз билдирди Жэди.

— Болалар,— деди мистер Эйб,— келинглар, яхшиси, марварид қидирайлик, чунки энди сув кўтарила бошлайди.

Сув четида қоронғиликда қора шарпа қилпиллай бош-лади. Ли чинқириб юборди:

— Ана. . . ҳув анув томонда.

Учала фонарь нурини ўша томонга қаратишди. Бу тиз-залаб олиб, қоронғида марварид қидираётган Грета экан.

Ли капитаннинг йигирма битта марварид донаси йиғил-ган фуражкасини тиззасида ушлаб турарди. Эйб рюмка-ларга ичимлик қуяр, Жэди эса граммофондаги пластинка-ларни алмаштирарди. Юлдузлар томчи-томчи, осмон ором билмас денгиз узра қорапарда ёйган.

— Хўш, сарлавҳани нима деб қўямиз? — деб шанғил-лади Фред.

— «Милуокалик саноатчининг қизи фильм учун қали-мий калтакесаклар қолдиғини суратга оляпти!»

— «Дунё тўфонигача бўлган судралувчилар ёшлик ва гўзаллик олдида бош эгадилар»,— шоирона таклиф ки-ритди Эйб.

— «Глория Пикфорд» яхтаси номаълум махлуқларни кашф этди»,— дея маслахат берди капитан.— Ёки «Та-хуара ороли сирлари».

— Буниси кичик сарлавҳага ярайди,— деди Фред.— Сарлавҳа кўпроқ нарсани билдириб туриши керак.

— Балки «Фред — бейсболист махлуқлар билан жанг-да» деб агармиз,— деди Жэди.— Фред уларга ҳужум қи-лишни жуда ўхшатди. Ишқилиб, плёнкада яхши чиққан бўлсин-да.

Капитан томоқ қириб қўйди.

— Аслида у ерга биринчи бўлиб мен ташландим, мисс Жэди. Бироқ бу ҳақда гапирмасак ҳам бўлади. Менмича, жаноблар, бу сарлавҳа илмий бўлмағи лозим. Ҳушёрлик билан ва. . . қисқаси, илмий, яъни: «Тинч океандаги бир оролнинг Предлювиаль ҳайвонот дунёси».

— Предлидувиаль, денг, — тўғрилади Фред.— Йўғ-е, предвидуаль эди ишқилли, жин урсин, нима эди? Антилю-виаль. Антедувиаль. Йўқ, бўлмайди, ҳар қандай одам

ҳам талаффуз қила олиши учун бирорта жўнроқ сарлавҳа топиш керак. Ҳой, Жэди, сен ахир бунақа ишларга устасан-ку! .

— Антедилювиаль,— деди Жэди.

Фред бош чайқади.

— Жэди, бу жуда чўзиқ. Ўша махлуқлар думи билан бирга олганда ҳам бундан калтароқ. Сарлавҳа деган қисқа бўлиши керак. Бироқ Жэди жудаям ажойиб қиз, шундай эмасми? Қаранг, капитан, у чинданам жуда ажойиб-а?

— Ҳа,— маъқуллади капитан,— ажойиб қиз.

— Сиз жуда яхши йигитсиз, капитан,— деди унга тан бериб ёш атлет.— Болалар, капитанизмнинг отасига балли! Бироқ предлювиаль ҳайвонот дунёси — бемаъни гап! Бу газетага сарлавҳа эмас. Яхшиси, «Севишганлар марварид оролида» ёки шунга ўхшаш бошқа бир ном топайлик.

— «Тритонлар Оқбадан Лилняни марваридга кўмиб ташлашди!»— деб қичқирди Эйб.— «Посейдон салтанатининг хирожи!», «Янги Афродита».

— Бемаъни гап! . . — жаҳл билан норозилик билдирди Фред.— Ҳеч қачон ҳеч қанақа тритонлар бўлмаган. Бу, дўстим, илмий жиҳатдан тасдиқланган. Шу билан бирга, Афродита ҳам бўлмаган. Тўғрими, Жэди? . «Инсонларнинг қадимий калтакесаклар билан жанги! Жасур капитан афсонавий махлуқларга ҳужум қилмоқда!» Билдингми, сарлавҳада жозиба бўлиши керак!

— Фаввулудда воқеа! . . — дея қичқирди Эйб.— «Киноартисткага денгиз махлуқлари ҳужум қилди! Ҳозирги замон абли ибтидоий калтакесакларни бўйсундирди! Қирилиб кетган судралувчилар малла сочларни яхши кўради!»

— Эйб,— деди Ли.— Менда бир фикр туғилди. . .

— Қандай фикр?

— Фильм олиш учун. Жуда зўр чиқади, Эйб. Мен денгиз соҳилида чўмилиб юрибман деб фараз қилайлик.

— Ли, оқ трико сенга жудаям ярашаркан! . . — деди Эйб шоша-пиша.

— Ростданми? . . — Шундай қилиб, тритонлар мени севиб қолишади ва денгиз тубига олиб тушиб кетишади. Кейин мен уларнинг қироличаси бўламан.

— Денгиз тубидами?

— Ҳа, сув остида. Уларнинг сирли салтанатида, билдингми? Ахир у ерда уларнинг шаҳарлари ва умуман ҳамма нарсаси бор.

— Дўндикчам, ахир сувга чўкиб кетасан-ку!

— Қўрқма, сузишни биламан,— дея бепарвогина эътироз билдирди Ли. — Ҳаво олгани ҳар куни бир марта сув бетига сузиб чиқардим.— Ли қўлларининг бир текис ҳаракати билан кўкрак керишдан иборат бўлган нафас олиш машқини бажариб кўрсатди.— Тахминан мана бундай қилиб, билдингми? Қирғоқда эса менга. . . айтайлик, ёш балиқчи ошиқ бўлиб қолади. Мен ҳам уни севиб қоламан. Жудаям қаттиқ севиб қоламан! . . — дея хўрсинди қизча.— Биласанми, у шунақаям чиройли ва кучли бўладики. . . Тритонлар эса уни чўктиришмоқчи бўлишади. Бироқ мен уни қутқариб қоламан. Биз унинг кулбасига қочиб кетамиз. Тритонлар эса бизни ўраб олишади. . . Ана шундан кейингина ёрдамга сизлар етиб келасиз.

— Ли,— деди Фред жиддий бир оҳангда,— бу шунақаям бемаъники, худо ҳаққи, суратга олса арзийди. Агар кекса Жесс бундан зўр бир фильм ярата олмаса, отимни бошқа қўяман.

Фред ҳақ бўлиб чиқди. Вақти соати келиб «Жесс Леб Пикчер» киностудиясининг маҳсулоти сифатида бош ролни Лили Валлей ижро этган зўр бир фильм майдонга келди. Фильмда Лидан бошқа қадимий калтакесаклар кўринишига кириб олган олти юз наред¹ бир Нептун² ва ўн икки минг статист³ иштирок эди. Бироқ бу пайтга қадар жуда кўп

¹ Кичик ролларни ижро этувчи артист.

² Денгиз худоси.

³ Саҳнада гапсиз иштирок этувчилар.

сувлар оқиб кетди, жуда кўп воқеалар содир бўлди, чунончи:

1. Ушлаб олиб келиб Лининг каютасидаги ваннага солиб қўйилган махлуқ икки кунгача бутун жамоатчиликнинг диққат марказида бўлди; учинчи кун у қимирламай қўйди, мисс Ли эса бечора зерикяпти, деб ўйлади; тўртинчи кунига бориб сасий бошлади ва бузилиб қолгани учун ташлаб юборишга тўғри келди.

2. Кўрфаз қирғоғида олинган кадрлардан фақат икки-тагинаси яроқли чиқди. Биринчисида Ли қўрққанидан чўққайганча атрофини ўраб олган махлуқларга қўл силтади. Бу кадр ҳаммага маъқул бўлди. Иккинчи суратда эса уч эркак ва бир қиз тумшуқлари ерга теккундек бир аҳволда эмаклаб боришарди; бу кадр орқа томондан олингани сабабли улар аллақандай худога сининаётган кишиларни эслатарди. Бу кадрдан воз кечишга тўғри келди.

3. Мўлжалланган газета сарлавҳаларига келганда, юзлаб Америка ва бошқа давлатларнинг газеталари, ҳафталик ва ойлик матбуот уларнинг деярли ҳаммасидан (шу жумладан, «Антедилювиаль ҳайвонот дунёси» деган сарлавҳадан ҳам) фойдаланди; бу сарлавҳалар остида бўлиб ўтган воқеалар ипидан - игнасигача, сон-саноксиз расмлар билан тасвирлаб берилди: бир суратда жажжи Ли калтакесаклар орасида; яна бир суратда Ли чўмилиш костюмида; бошқа бир суратда ваннадаги калтакесак, мисс Жэди, мистер Эйб Леб, Фред-бейсоболист, яхта капитани, «Глория Пикфорд» яхтаси, Тараива ороли, қора бахмалдаги марварид донаси—ҳамма-ҳаммаси алоҳида расмларда тасвирлаб берилди. Шу билан жажжи Ли танилиб қолди; у газета мухбирларига варьеттада¹ роль ўйнашдан бутунлай воз кечиб, ўзини тамомила Санъатга бағишляяганини маълум қилди.

4. Бироқ ўзларининг мутахассис — олимлик обрў-эъти-

¹ Музыка, рақс ва қўшиқ бирга ижро этилувчи опереттага яқин енгил жанрли театр.

борларига суянган ҳолда, расмларда тасвирланишига қараб, гап мутлақо ибтидоий калтакесаклар ҳақида эмас, балки самандарларнинг қандайдир бир тури тўғрисида бораётганини даъво қилувчилар ҳам топилиб қолди. Улардан ҳам йирикроқ мутахассислар ҳатто самандарларнинг бу тури фанга маълум эмас, демак, улар йўқ нарса, дейишди. Матбуотда бу хусусдаги тортишувлар узоқ давом этиб, уларга профессор Ж. У. Гопкинс (Иэль университети) чек қўйди. У эълон қилинган суратларни ўрганиб, булар уйдирма гаплар (hoax) ёки кино найранги, деган хулосага келди; бу ерда тасвирланган жонивор яширин жабрали баҳайбат самандар (*Cryptobranchus japonicus*, *Sieboldia maxima*, *Tritomegas Sieboldii* ёки *Megalobatrachus sieboldii*) ни бир оз эслатса-да, булар беўхшов уйдирмалардан бошқа нарса эмас, деди. Бу баёнотдан кейин масаланинг илмий томони узоқ вақтгача ҳал қилинган ҳисоблаб юрилди.

5. Ниҳоят, тегишли муддат ўтиши билан мистер Эйб Леб мисс Жэдига уйланди. Унинг энг қадрдон дўсти Фред-Бейсболнист етук сиёсатдонлар, артистлар ва бошқа доираларнинг кўпгина вакиллари иштирокида катта дабдаба билан ўтказилган тўйида куёв жўралик қилди.

8. ANDRIAS SCHEUCHZERI

Инсон ҳамма нарсага қизиқади, бу қизиқишнинг чеку чегараси йўқ. Одамлар фан соҳасида энг мўътабар киши ҳисобланган профессор Ж. У. Гопкинс (Иэль университети) нинг бу сирли мавжудотлар тўғрисидаги гаплар ғайри илмий сафсата ва ғирт уйдирма деганига қаноатланиб қўя қолмади. Илмий ахборот ва газеталарда Тинч океанининг турли ерларида баҳайбат самандарни эслатувчи, илгари учратилмаган аллақандай махлуқлар пайдо бўлгани ҳақидаги хабарлар тез-тез босилиб турадиган бўлиб қолди. Озми-кўпми ишончли маълумотларга қараганда, бу махлуқларни Соломон оролларида, Шоутен оролида, Кампингамарангида, Бутарита ва Тапетеузада, Нукуфетау орол-

чаларида, Фунафутуда, Нуканоно ва Фукаофуда,
ҳатто Хиану, Уахука, Уапу ва Пукапукаларда ҳам учратиш
мумкин экан. Капитан ван Тохнинг иблислари (бу ай-
ниқса, Меланезияда кўп тарқалганди), мисс Лилининг
тритонлари ҳақида (булар ҳақида Полинезияда кўпроқ,
гапириларди) гап тарқаганди; газеталар (кўпроқ ёзги
мавсум бошланиб, ёзишга ҳеч нима қолмагани сабабли)
қадим замонларда зоти қуриб кетган сув ости махлуқлари
ҳақида гап боряпти, деган қарорга келди. Сув ости махлуқ-
лари ўқувчилар орасида катта шов-шувга сабаб бўлди.
Тритонлар ҳақида гапириш Қўшма штатларда одат тусига
кирди; Нью-Йоркда уч юзта энг яхши тритонид, нерейд
ва сув парилари иштирокида дабдаба билан қўйилган «По-
сейдон» пьесаси уч юз марта муваффақият билан ўйналди;
Майэми ва Калифорния пляжларида ёшлар тритон ва не-
рейдлар кўринишида тикилган энгил-бошларда чўмилишни
одат қилишди (бу кийимдаги одам устида уч шода марва-
ридан бошқа ҳеч нарса бўлмасди); Марказий ва Ўрта
Ғарб штатларида эса «Ахлоқсизликни тугатиш ҳаракати»
(АТХ) авж олиб кетди; иш оммавий чиқишларгача бориб
етди, бинобарин, бир неча негрни осиди ва бир нечасини
ўтга ташлаб куйдиришди.

Ҳиҳоят, «Миллий география ойлиги» нашрида Колумбия
университети илмий экспедициясининг ахбороти босилиб
чиқди (бу экспедиция «консервалар қироли» деб аталмиш
Ж. С. Тинкер ҳисобига уюштирилган эди) бу ахборотга
П. Л. Смит, В. Клейншмидт, Чарльз Ковар, Луи, Форжера
ва Д. Эрреро, яъни балиқ паразитлари, ҳалқасимон қуртлар,
ўсимликлар, бир ҳужайрали жониворлар, ўсимлик бити
биологияси соҳасида дунёга танилган фан арбоблари имзо
чеккан эди. Ана шу ахборотдан парчалар келтирамыз:

«. . .Экспедиция аъзолари Ракаханга оролида шу кунга-
ча маълум бўлмаган баҳайбат самандарларнинг орқа оёқ-
лари изига дуч келди. Излар беш бармоқли бўлиб, бармоқ-
ларининг узунлиги уч сантиметрдан тўрт сантиметргача.

Излар миқдорига кўра Ракаханга ороли соҳилларида бу самандарлар тўлиб ётибди. Олд оёқларининг излари йўқлигидан (ёш боласига тааллуқли бўлиши мумкин бўлган биттагина тўрт бармоқли изни ҳисобга олмаганда) экспедиция самандарлар, эҳтимол, орқа оёқларида юрса керак, деган хулосага келди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ракаханга оролида дарё ҳам, ботқоқлик ҳам учрамайди, демак, самандарлар денгизда яшайди ва эҳтимол сувда яшайдиган ўз турларининг бирдан-бир намояндалари бўлса керак. Бироқ, шуниси ҳам борки, мексика аксолотлари (*amblustoma mexicanum*) шўр сувли қўлларда яшайди. Шундай бўлсада, ҳатто В. Корнгольднинг «Ерда ҳам, сувда ҳам яшайдиган думли жониворлар (*Urodela*)», (Берлин, 1913) номли классик асарида ҳам пелагик (яъни сувда яшайдиган) самандарлар ҳақида ҳеч нима дейилмаган.

.. Уларнинг бирорта тирик нусхасини ушламоқчи ёки доақал кўрмоқчи бўлиб, кечгача вақтни беҳуда ўтказдик. Мнинг афсус ва наломатлар билан Д. Эрреро кананинг ажойиб бир янги турини топиш шарафига муяссар бўлган гўзал Ракаханга оролчасини тарк этдик. . .

Тонгарева оролида яхшигина омадимиз келди. Қирғоқда милтиқ кўтариб турардик. Қун ботганидан кейин самандарларнинг нисбатан йирик ва ўртача япасқи бошлари кўринди. . . Зум ўтмай самандарлар қумга ёйилишди; улар лапанглаб юришса ҳам орқа оёқларида анча чаққон ҳаракат қилишарди. Ўтирганларида бўйлари бир метрдан бир озгина ошарди. Улар каттакон ярим даврда бўлиб ўтириб олишгач таналарининг фақат юқори қисми билан ўзларига хос қилпиллама ҳаракатлар қила бошлашди; бу ҳаракатларидан улар худди рақс тушаётганга ўхшардилар. В. Клейншмидт тузукроқ кўриш учун ўрнидан турди. Шунда самандарлар унга қараб тикилиб қолишди; кейин чинқириб, акиллаб у томонга шитоб билан кела бошлашди. Орамиздаги масофа тахминан етти қадам қолганида уларга қарата милтиқлардан ўқ уздик. Улар қочиб бориб денгизга шўнғишди; ўша

кеча қайта кўринишмади. Қирғоқда фақат иккита самандарнинг ўлиги ётарди. Умуртқасидан жароҳатлангани эса, ўзига хос товушда гўё «ё худо, ё худо, ё худо», дейётганга ўхшарди. В. Клейншнитд унинг кўкрагини ёриб кўраётганида жон берди. . .

(Бундан бу ёғига биз, нодонлар барибир фаҳмига бормайдиган анатомияга оид тафсилотлар баён этилган; мутахассис китобхон диққатини ахборот текстига жалб қиламиз.)


Келтирилган маълумотлардан маълум бўлишича, гап ерда ҳам, сувда ҳам яшовчи думли жониворларнинг (*Urodela*) ўзига хос туркуми ҳақида боряпти. Маълумки, самандарлар оиласи ҳам шу турга киради. Улар тритонлар (*Tritones*) ва қора самандарлар (*Salamandrae*) турига бўлинади. Бу туркумга яна яширин жабрала (*Cryptobranchiata*) ва шаффоф жабрала (*Phanerobranchiata*) самандарларга бўлинadиган итбалиқсимон самандарлар (*Jchthyoidea*) оиласи ҳам киради. Тонгарев оролида учраган самандар, чамаси итбалиқсимон самандарларнинг яширин жабрала зотига мансуб бўлса керак. Кўп жиҳатлардан, айниқса, катталиги жиҳатидан улар япон баҳайбат самандарини (*megalobatrachus Sieboldii*) ёки «ботқоқ иблиси» дейиладиган америка яширин жабралигини эслатади. Бироқ улардан яхши тараққий этган сезги органлари билан, шунингдек, ҳам сувда, ҳам қуруқликда чаққон ҳаракат қилишига қулайлик тугдирувчи бир мунча узун ва бақувват оёқлари билан фарқланади.

(*Бундай кейин қийсий анатомия соҳасидаги тафсилотлар келтирилган*).

Ўлдирилган ҳайвонларнинг склетига ишлов бераётганимизда қизиқ бир нарсага дуч келдик: бу самандарларнинг склети доктор Иоганн Якоб Шейхцер томонидан энинген тош қонидаги тошда топилган ва 1726 йилда «*Homo diluvii testis*»¹ номи билан нашр этилган асариди тасвирланган

¹ «Тўфон даврида яшаган одам». (Лот.)

самандар склети изларига мутлақо мос келар экан. Бу асар билан унча таниш бўлмаган китобхонларга шу нарсани эслатиб ўтмоқчимизки, юқорида зикр этилган д-р Шейхцер ўз топилмасини тўфондан илгариги одам қолдиги деб билган.



Andrias Scheuchzeri

«Мен олимлар муҳокамасига тақдим этаётган — ёғочга чиройли қилиб ишланган сураг кўринишидаги бу тасвир, — деб ёзади у, — ҳеч бир шубҳасиз, дунё тўфонининг шоҳиди бўлган одам тасвиридир; бу тасвирнинг бош қотиришга сабаб бўладиган бирорта жиҳати йўқ; буни кўргач, инсон ҳақида ўйламайсан ҳам; бироқ ҳамма жойи инсон склети-нинг айрим қисмлари билан мос ва мутаносибдир. Бу тошга айланган одамнинг олд томонидан кўриниши; бу — рим, грек ва ҳатто миср ҳамда барча шарқ мақбараларидагидан ҳам қадимги қирилиб кетган инсониятдан «Ёдгорлик». Кейинчалик Кювье энинген излари тошга айланган самандар эканини аниқлади. Бу самандар *Cryptobranchus primævus* ёки *Andrias Scheuchzeri Tschudi* деб аталиб, аллақачон қирилиб кетган бир турнинг намунаси ҳисобланарди.

Биз остеологик¹ таққослаш орқали топган самандарнинг гўё қадимда қирилиб кетган *Andrias* самандарлари билан ўхшашлигини аниқлашга муваффақ бўлдик. Газеталарда ёзишганидек, бу сирли калтакесаклар аждоди яширин жабрали қазилма самандар *Andrias Scheuchzeri* дан бошқа нарса эмас. Ёки, уни янги ном билан аташ лозим бўлса, у *Cryptobranchus Tinckeri erectus* ёхуд полинезия Улкан самандари дейилади.

Бу галати Улкан самандарлар жуда бўлмаганда Рака-ханга, Тонгарева ороллари, манихики ороллар группаси сувларида кўплаб учрашига қарамасдан, шу пайтгача уларнинг фан эътиборидан четда қолгани қизиқ. Хатто Рандольф билан Монтгомери ўзларининг «Манихики оролларида икки йил» (1885) деган асарларида бу самандар ҳақида ҳеч нима дейишмаган. Маҳаллий аҳолининг таъкидлашича, бу ҳайвон (шуниси ҳам борки, уларни заҳарли деб билишади) у ерларда бундан олти-саккиз йиллар илгари пайдо бўлган. Уларнинг айтишича, гўё «денгиз иблислари» гапиришни билишармиш (1) ва ўзлари яшайдиган кўрфазларда сув ости шаҳарларига ўхшатиб тўсиқлар ва тўғонлар системаси бунёд этишармиш: гўё бу кўрфаз суви йил давомида худди аквариумдагидай сокин бўлармиш; гўё кундузлари кириб ётиш учун сув остида инлар ва ўнлаб метр узунликда йўлақлар қозишар эмиш; кечалари эса гўё далалардан ширин патталар ва ямслар ўғирлашар, шунингдек, одамларнинг мотиға² ва бошқа асбобларини олиб кетишар эмиш. Хуллас, одамлар уларни ёмон кўришади, ҳатто улардан қўрқишади ҳам; аҳоли кўпинча бошқа жойларга кўчиб кетишни маъқул кўрарди. Бу ерда биз беозор баҳайбат самандарлар ва уларнинг инсонга ўхшаб икки оёқлаб юриши ҳақидаги ибтидоий эртақ ва афсоналарга дуч келишимиз турган гап...

Саёҳатчиларнинг бу самандарларни Манихикидан бошқа оролларда ҳам учратдик, деган гапларига эҳтиёткорлик

¹ Остеология-анатомиянинг суяк тузилиши ҳақидаги бўлими.

² Кетмонга ўхшаш иш қуроли. (Тарж).

билан ёндашмоғимиз лозим. Шундай бўлса ҳам, капитан Круассье топган Тонгатабу ороли соҳилларидаги орқа оёқ изларини (сурати «Ля Натюр» да эълон қилинган) ҳеч бир иккиланмай Andrias Scheuchzeri ники дейиш мумкин. Бу топилма ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Чунки бу — Манихикни ороли билан Австралия — Янгизеландия райони орқасида боғланиш борлигини исботлайди. Бу районда қадимий ҳайвонот дунёсининг қолдиқлари яхши сақланган. Хусусан, «туфон»га қадар яшаган ва ҳозир ҳам Стивен оролида учрайдиган калтакесаклар (гаттерия ёки Таутару) ни эслатиб ўтмоқчимиз. Бу каби яйдоқ, кўп қисмида одам яшамайдиган, цивилизация деярли етиб келмаган оролларда бошқа жойларда аллақачон қирилиб кетган турдаги ҳайвонларнинг алоҳида нусхалари сақланиб қолган бўлиши мумкин. Мистер Ж. С. Тинкер шарофати билан қадимий калтакесак (гаттерия) қолдиқлари ёнига энди туфонгача яшаган самандарларнинг авлодлари келиб қўшилди. Машҳур доктор Иоганн Якоб Шейхер ҳозир ўзининг энинген Одам Атосининг тирик қиёфасини кўра олган бўларди. . .»

Шунча мишмишларга сабаб бўлган сирли денгиз махлуқлари масаласини батамом ҳал қилиш учун, шубҳасиз, ана шу илмий ахборотнинг ўзи кифоя қилар эди. Бахтга қарши бу ахборот билан бир пайтда голланд тадқиқотчиси Хогенхукнинг бу баҳайбат яширин жабрали самандарни *Megatriton moluccanus* деб аталган ҳақиқий самандарлар ёки тритонлар оиласига мансуб деб берган хабари пайдо бўлиб қолди. Хогенхук бу самандарларни Зонд архипелагининг Голландияга қарашли Жилоло, Меротай ва Церам оролларидан тарқаган, деди. Шундай кейин француз олими доктор Миньярнинг доклади босилиб чикди. У бу янги ҳайвоннинг ўзига хос самандар эканини тан оларкан, уларнинг ватанини Францияга тааллуқли Такароа, Рангироа ва Пароиа ороллари деб таъкидлади; шу билан бирга бу самандарларни, шунчаки *Cryptobranchus Salamandroides* деб атади. Бундан ташқари, бу самандарларни янги *Pelagidae* оиласига мансуб, деб эълон қилган ва уларнинг ватани

Жильберта ороллари деб билган Г. У. Спенснинг мақоласи босилиб чиқди; бу олим самандарнинг янги турига *Pelagotriton Spencei* деган илмий ном берди. Мистер Спенс битта жонли намунани Лондон ҳайвонот боғига келтиришга муваффақ бўлди. Самандар бу ерга келтирилгач, янгидан-янги тадқиқотларга мавзу топилди. Натижада улар *Pelagobatrachus Hookeri*, *Salamandrops maritimus*, *Abranchus giganteus*, *Amphiuma gigas* деган янги номлар орттиришди. Айрим олимлар *Pelagotriton Spencei* ни *Cryptobranchus Tinckeri*нинг айнан ўзи ва Миньяра самандари *Andrias Scheuchzeri*дан бошқа нарса эмас, деб таъкидлашди. Шу муносабат билан бу ҳайвонни биринчи бўлиб ким кашф қилгани ва бошқа том маънода илмий ҳисобланган масалалар юзасидан баҳслар авж олиб кетди. Натижада ҳар бир мамлакатнинг табиатшунослик фани ўз шахсий улкан самандарини ҳимоя қилиб, бошқа миллатлар улкан самандарини ғазаб-нафрат билан инкор қилаверди. Шу туфайли фан самандарлар ҳақидаги фавқулудда муҳим масала бўйича етарли аниқликка эриша олмади.

9. ЭНДРЬЮ ШЕЙХЦЕР

Лондон ҳайвонот боғи халқ учун ёпиқ бўлган пайшанба кунларининг бирида ҳам сувда, ҳам ерда яшовчи жониворлар павильони қоровули мистер Томас Греггс ҳовуз ва бошқа ўзига таллуқли ерларни тозалаб юарди. Навбат Америка яширин жабрала самандари, япон улкан самандари, *Andrias Scheuchzeri* ва кўлгина майда тритонлар, самандаридлар, аксолотлар, илонбалиқлар, денгиз париси, протей ва ҳоказолар қўйилган бўлимга етди. Мистер Греггс Эрни-Лори ҳақидаги қўшиқни ҳуштак қилиб куйлаб латта билан швабрани ишга солди. Шунда орқадан кимдир чийилдоқ овозда бирдан:

— Қара, ойи! — деб қолди.

Мистер Томас Греггс ўгирилиб қаради, бироқ ҳеч ким кўринмади; фақат бир яширин жабрала ҳайвон ўтириб

олиб тилини шаниллатарди. Каттакон қора самандар Андриас эса олд панжалари билан ҳовуз четига таяниб олиб гавдасини қилпиллатарди. Мистер Греккс «Менга шундай туюлгандир», деб ўйлаб, полни ҳафсала билан чангитиб супураверди.

— Қара, самандар! — деган овоз эшитилди орқадан.

Мистер Греккс шартта орқага ўгирилиб қаради; қараса қора самандар, ўша Андриас, настки қовоқларини пирпиратиб қараб турибди.

— Фу-у! Ифлослигини қара!. . — деди бирдан самандар.— Кетдик бу ердан, биродар!

Мистер Греггснинг ҳайратдан оғзи очилиб қолди.

— Нима?

— У тишламайдими? — чийиллади самандар.

— Сен, сен гапиришни биласанми? — деб гудранди мистер Греггс, қулоқларига ишонмай.

— Мен ундан қўрқаман, — деди самандар. — Ойи, у нима ейди?

— «Салом», де, — деди ҳайрон қолган мистер Греггс.

Самандар бутун танаси билан тўлганиб турарди.

— Салом!. . — дея чийиллади самандар.— Салом! Салом! Унга нон берса бўладими?

Мистер Греккс довираб чўнтагидан бир бурда нон чиқарди.

— Ма, ол. . .

Самандар нонни панжасида тутиб ғажий бошлади.

— Қара, самандар!. . — деди у хир-хир қилиб мамнуният билан.— Дада, нега у бунчалик қоп-қора?

У бирдан сувга сакради, сув бетида энди фақат унинг бошигина кўриниб турарди.

— У нега сувда турибди? Нега? Вой-бў, намуноча жирканч?

Мистер Томас Греккс ҳайратланиб бўйнини қашиб қўйди. Ҳа-а,у одамлардан эшитганини такрорляпти.

— «Греггс», дегин,— деб кўрди у.

— Греггс дегин,— деб такрорлади самандар.

— Мистер Томас Греггс.

— Мистер Томас Греггс.

— Салом, сэр!

— Салом, сэр. Салом, Салом.

Назарида самандар бемалол гаплаша олмайдигандек туюлди; бироқ Греггс унга энди нима дейишини билмасди; мистер Томас Греггс унчалик гапга чечан одамлардан эмасди.

— Ҳозирча жим тур,— деди у,— ишимни битириб олай, кейин сенга гапиришни ўргатаман.

— Ҳозирча жим тур,— деб мингиллади самандар.— Салом сэр. Қара, самандар. Сенга гапиришни ўргатаман. . .

Қоровулларнинг ўз ҳайвонларини бирор нарсага ўргатиши ҳайвонот боғи дирекциясига ёқмасди; хўш, фил-ку майли, аммо бошқа ҳайвонлар илмий мақсадлар учун шу ерда туришлари керак, циркдагидек томоша кўрсатиш учун эмас. Шунинг учун ҳам мистер Греггс ўзининг самандарлар бўлмасига боришини бошқалардан сир тутиб, бунинг учун у ерда ҳеч ким йўқ соатларни танларди. Хотини бўлмаганидан унинг ҳам ерда, ҳам сувда яшовчи жониворлар павильонида ёлғиз яшашига ҳеч ким таажжубланмасди. Ҳар кимнинг ҳам галати феъли бўлади. Бунинг устига самандарлар бўлимига одамлар камдан-кам киради. Тимсоҳ ҳали ҳам кўпчиликнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келар, бироқ Andrias Schechzeri эса кунларини деярли ёлғизликда ўтказарди.

Бир куни қош қорайиб, павильонлар ёпилаётганида ҳайвонот боғининг директори сэр Чарльз Виггэм, ҳамма ишлар жойидамикан, деб баъзи бир бўлимларни кўздан кечириб юрарди. У самандарлар бўлиmidан ўтиб бораётганида, ҳовузлардан бирида сув шапиллатиб, кимдир чийилдоқ овоз билан:

— Салом, сэр! — деди.

— Салом, — деди директор ҳайрон бўлиб. — Ким, бу?

— Кечирасиз, сэр,— деди чийилдоқ овоз.— Сиз мистер Греггс эмасмисиз?

— Ким бу? — деди директор қайтадан.

— Энди. Эндрю Шейхцер.

Сэр Чарльз ҳовузга яқинроқ келди. У ерда орқа оёқларида тек турган самандардан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

— Бу ерда гапирган ким?

— Энди, сэр,— деди самандар.— Сиз кимсиз?

— Виггэм,— деди сэр Чарльз ҳайратдан ўзини йўқотиб.

— Ғоят хурсандман,— деди Энди одоб билан.— Аҳволларингиз қалай?

— Бу нима бало! — деди бақириб сэр Чарльз.— Греггс! Ҳой, Греггс!

Самандар чўчиб бир зумда сув остига яширинди. Остонада ташвишланиб, ҳаллослаб Греггс пайдо бўлди.

— Лаббай, сэр?

— Бу нимаси, Греггс? — бақирди сэр Чарльз.

— Бирор нима бўлдими, сэр? — ташвиш билан ғўдранди мистер Греггс.

— Манави ҳайвон гапиряпти!

— Кечирасиз, сэр,— деди мистер Греггс эсанкираб.— Энди, бундай қилиш яхши эмас. Мен сизга ўз гап-сўзларингиз билан одамларнинг жонига тегмаслигингиз лозим, деб минг марта айтганман. Кечирим сўрайман, сэр,— бундан кейин бу нарса қайтарилмайди.

— Самандарни гапиришга сиз ўргатдингизми?

— Аммо. . . ўзи биринчи бўлиб бошлади, сэр,— ўзини оқламоқчи бўлди Греггс.

— Греггс, бу нарса бошқа такрорланмайди,— деб умид қиламан,— деди қатъий оҳангда сэр Чарльз.— Мен сизни кузатиб юраман.

Шу воқеадан кейин орадан бир қанча вақт ўтгач, кунлардан бир куни сэр Чарльз профессор Петров билан ҳайвонлар фаросати, шартли рефлекслар ва одамларнинг ҳай

вонлар ақлий қобилиятини муболага қилишлари ҳақида суҳбатлашиб ўтиришарди. Профессор Петров элберфельд отларининг гўё фақат санашнигина эмас, балки даражага ошириш ва илдиз чиқаришни ҳам билишига шубҳа билан қарашини гапирди; ҳатто ўрта маълумотли киши ҳам илдиз чиқаришни билмайди-ку, деди олим. Шунда сэр Чарльз Греггснинг гапирувчи самандарини эслаб қолди.

— Менда бир самандар бор. . . қатъиятсизлик билан гап бошлади у.— Бу ўша машҳур Andrias Scheuchzeri. . . хуллас, у худди тўтиқушдай гапиришни ўрганиб олибди.

— Бундай бўлиши мумкин эмас,— эътироз билдирди олим.— Самандарнинг тили танглайига ёпишган бўлади. — Юринг, кўрамиз бўлмаса, — деди сэр Чарльз. — Бугун супуриб сидирадиган кун, у ерда одам кам бўлади.

Шундан кейин улар самандарлар олдига жўнашди. Самандарлар бўлимига кираверишда сэр Чарльз тўхтади. Ичкаридан швабранинг сидирилиш товуши ва бир хил оҳангда ҳижжалаб ўқиладиган овоз эшитилиб турарди.

— Тўхтанг,— деди шивирлаб сэр Чарльз Виггэм.

— «Марсда одам борми?» — деди чўзиб бир хилдаги овоз.— Шунини ўқийми?

— Бирорта бошқасини, Энди, деди иккинчи овоз.

— «Бу йилги дўнанлар пойгасининг голиби ким — Пельгэм-Бьютими ёки Гобернадорми?»

— Пелгэм-Бьюти,— деди иккинчи овоз,— ҳар ҳолда, шунисини ўқиганингиз маъқул!

Сэр Чарльз эшикни аста очди. Мистер Томас Греггс швабра билан пол артар, денгиз суви тўлдирилган аквариумда Andrias Scheuchzeri ўтирар ва олдинги панжаси билан ушлаб турган оқшом газетасини чийилдоқ овозда шошилмай бўғинлаб ўқирди.

— Греггс,— деди сэр Чарльз.

Самандар лип этиб сувга шўнғиб кетди. Мистер Греггс кўрққанидан швабрасини тушириб юборди.

— Лаббай, сэр?

— Бу нима деган гап?

— Кечирасиз, сэр, — деди дудуқланиб бечора Греггс. — Энди супуриб юрганымда менга ўқиб беради. У супураётганида эса унга мен ўқиб бераман.

— Унга буни ким ўргатди?

— Ўзи ўрганиб олибди, сэр, сэр. . . мен. . . мен унга кўп гапирмасин, деб газеталаримни бериб қўяман. Унинг ҳадеб гапиргиси келаверади. Шунинг учун, сэр, бунақа бўладиган бўлса, ўқимишли кишилардек гапиришни ўргансин, дедим.

— Энди! — деди сэр Чарльз.

Сув бетида қоп-қора бош кўринди.

— Лаббай, сэр? — деб чийиллади у.

— Профессор Петров сени кўргани келибди.

— Ғоятда мамнунман, сэр. Мен — Энди Шейхцер.

— Исминг Andrias Scheuchzeri эканини қаердан биласан?

— Бу ерда шундай ёзилган, сэр. Андреас Шейхцер. Жильберта ороллари.

— Газеталарни тез-тез ўқиб турасанми?

— Ҳа, сэр. Ҳар куни ўқийман.

— Сени кўпроқ нима қизиқтиради?

— Суд хроникаси, югуриш, пойга, футбол. . .

— Сен футбол ўйинини сира кўрганмисан?

— Йўқ, сэр.

— Отларни-чи?

— Кўрмаганман, сэр.

— Унда нега бу нарсалар ҳақида ўқийсан?

— Газетада бўлганлиги учун, сэр.

— Сени сиёсат қизиқтирмайдими?

— Йўқ, сэр. «Нима, уруш бўладими?»

— Буни ҳеч ким билмайди, Энди.

— «Германия сув ости кемаларининг янги турини тайёрлашти, — деди ташвишланиб Энди. — Улим шарпаси бутун бошди қитъаларни даштларга айлантириб юбориши мумкин».

— Буларни ҳам газетада ўқиганмисан, а? — деб сўради сэр Чарльз.

— Ҳа, сэр. «Бу йилги дўнанилар пойгасининг ғолиби ким — Пелгэм-Бьютими ёки Гобернадорми?»

— Сен қандай ўйлайсан, Энди?

— Гобернадор ғолиб чиқади, сэр; бироқ мистер Греггининг фикрича, Пелгэм-Бьюти ғолиб чиқармиш.— Энди бош чайқаб қўйди . . . — «Инглиз товарларидан сотиб олинг», сэр. «Энг яхши сиқма белбоғлар Снайдерники. Янги олти цилиндрли танкредюниор сотиб олдингизми? Тезлиги катта, арзон ва кўркам».

— Раҳмат, Энди бўлди қил.

— Қайси киноартистка сизга кўпроқ ёқади?

Профессор Петровнинг сочлари тиккайиб, мўйлови ҳурпайди.

— Афв этинг, сэр Чарльз,— деди у мингиллаб,— кетишим керак.

— Майли, юринг, Энди, борди-ю, мен бир нечта элим жентльментларни олдингга юборсам, қарши эмасмисан? Менимча, улар сен билан жон деб гаплашишса керак.

— Жуда ҳам хурсанд бўламан, сэр,— деди чийиллаб самандар.— Хайр, сэр, Чарльз! Хайр, профессор!

Профессор Петров шошилиб ғазаб билан пишқириб, ўзича нималарнидир тўнғиллаб борарди.

— Кечирасиз, сэр Чарльз,— деди у ниҳоят,— сиз менга газета ўқимайдиган жониворлардан кўрсата олмайсизми?..

Олим жентльменлар медицина доктори Бертрэм Д. М., профессор Эбиггэм, сэр Оливер Дож; Жолиан Фоксли ва бошқалардан иборат эди. Уларнинг Андреас Шейхцер билан қилган суҳбатлари стенограммасидан парча келтирамиз:

— «Исмингиз нима»?

— Эндрыю Шейхцер.

— Ёшингиз нечада?

— Виямайман. Ёшроқ кўринишни истайсизми? Либелла корсетини тақинг.

- Бугун қанақа кун?
- Душанба. Ҳаво жуда ҳам ажойиб, сэр. Келаётган шанбада Ипсомда бўладиган пойгада Гибралтар югуради.
- Уч карра беш неча бўлади?
- Бунинг нима кераги бор?
- Санашни биласизми?
- Ҳа, сэр. Йигирма тўққизни ўн еттига кўпайтирсак, қанча бўлади?
- Сўрашни бизга қўйиб беринг, Эндрью. Англия дарёларини айтиб беринг.
- Темза.
- Яна қайси?
- Темза.
- Бошқасини билмайсизми? Англияда ким подшолик қилади?
- Қирол Георг. Худо уни ўз паноҳида асрасин!
- Яхши, Энди! Энг буюк инглиз ёзувчиси ким?
- Киплинг.
- Жуда яхши. Унинг асарларидан бирортасини ўқиганмисиз?
- Йўқ. Мей Уэст¹ни ёқтирасизми?
- Яхшиси, биз сиздан сўрайлик, Энди. Англия тарихидан нималарни биласиз?
- «Генрих саккизинчи»ни.²
- У ҳақида нима биласиз?
- Охирги йилларда чиққан энг яхши фильм. Ниҳоятда гўзал томоша. Лол қолдирувчи бир манзара.
- Сиз бу фильمنى кўрганмисиз?
- Кўрганман. Англияни томоша қилишни истайсизми? Жимит форд машинасини сотиб олинг.

¹ Мэй Уэст - 1892 йилда туғилган таниқли оперетта ва драма актрисаси. Голливуддаги кино юлдузларидан бири: «Ҳиссиёт» (1926) пьесасининг автори.

² «Генрих саккизинчи» - «Генрих VIII нинг шахсий ҳаёти» - 1933 йил. Инглиз режиссёри Александр Корт томонидан қўйилган «реакцион-монархик фильм».

- Кўпроқ нимани кўришни орзу қилардингиз, Энди?
- Кэмбриж — Оксфорд қайиқчилар мусобақасини, сэр.
- Дунё неча қисмдан иборат?
- Беш қисмдан.
- Жуда соз. Қайси қисмлар?
- Англия ва бошқа қисмлар.
- Бошқа қисмларни айтинг.
- Яъни, большевиклар ва немислар. Италия ҳам.
- Жильберта ороллари қаерга жойлашган?
- Англияда. Англия бу қитъада қўл қовуштириб ўтиролмади. Англияга ўн минг самолёт керак. Англиянинг жанубий қирғоқларини бориб кўринг.
- Тилингизни кўришга рухсат этасизми, Энди?
- Ҳа, сэр. Тишингизни «Флит» пастаси билан тозаланг, энг тежамли паста бу. Ҳамма пасталардан яхши. Англия маҳсулоти. Оғзингиздан хушбўй ҳид келиб туришини истасизми? «Флит» пастасидан фойдаланинг.

— Раҳмат. Етарли. Энди бизга шуни айтинг-чи, Энди...»

Ва ҳоказолар. Андреас Шейхцер билан ўтказилган суҳбат-стенограммаси ўн олти бетни тўлдирди ва «Нечурэл Сайнс»да босилди.

Стенограмма охирида экспертлар комиссияси ўзлари ўтказган синов — гувоҳлик натижасини қуйидаги тартибда тузиб чиқишди:

«1. Лондон ҳайвонот боғида сақланаётган Андреас Шейхцер бир оз чийиллаб бўлса-да, гапира олади; гапирганида тахминан тўрт юзга яқин сўздан фойдаланади; эшитган ва ўқиган нарсаларинигина гапирди. Ўз-ўзидан маълумки, унинг мустақил фикрлай олиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Тили етарли даражада ҳаракатланади; мавжуд вазиятда унинг товуш бирикмаларини тадқиқ қила олмадик.

2. Ушбу самандар фақат оқшом газеталаринигина ўқий олади. У ўртача инглизни қизиқтирган масалалар билан қизиқади. Бу масалаларга муносабати одатдаги анъанавий қарашларга мос келади. Унинг маънавий дунёси ҳақида

гапирадиган бўлсак, бу жиҳатдан у ҳозирги пайтда кенг омма орасида мавжуд фикр ва тасаввурлар билан чекланади.

3. Унинг зеҳнини зинҳор ортиқча баҳолаб юбормаслигимиз лозим. Сабаби, бу зеҳннинг шу кундаги ўртача инсон зеҳнидан ортиқ ери йўқ.»

Экспертларнинг донолик билан чиқарган бу хулосаларига қарамай, гапирувчи Самандар Лондон ҳайвонот боғини шов-шувнинг маркази қилиб қўйди. «Эндижон»ни об-ҳаводан тортиб, иқтисодий кризис ва сиёсий аҳволгача дуч келган мавзуда бир гаплашиб кўриш иштиёқида ёнган оломон сира холи қўймади. Энди бунинг эвазига ихлосмандларидан шунақаям кўп конфет ва шоколадлар олдики, натижада ошқозон ва ичак яллиғланиши касаллигининг оғир турига дучор бўлди. Ниҳоят, самандарлар бўлимини беркитиб қўйишга тўғри келди, бироқ кечикиб бўлинганди. Энди номи билан машҳур бўлган Андреас Шейхцер ўз шуҳратининг қурбони бўлди. Кўриниб турибдики, шон-шавкат ҳатто самандарни ҳам йўлдан оздирди.

10. ЯНГИ СТРАШЕЦАДАГИ БАЙРАМ

Бондининг хизматкори пан Повондра бу галги отпусканини ўз шаҳрида ўтказди. Эртаси диний байрам деганда пан Повондра ўзининг саккиз яшар Франтигини етаклаб кўчага чиқар экан, бутун Янги Страшеца бўйлаб пиширилаётган ёғлиқ пирогларнинг иси димоққа урилиб турарди. Кўчаларда қорилган хамирини новвойга элтишга шошилувчи аёллар, қизлар пилдираб боришарди. Икки қандолатфуруш, бир чиннифуруш, ҳар хил атторлик буюмлари сотувчи шанғи хотин молларини майдондаги дўкончаларига аллақачонлариёқ, ёйиб бўлишган эди. Бу ерда яна ҳамма ёғи брезент билан ўралган томошахона ҳам бор эди. Митти бир одам нарвончада туриб, лавҳа осарди.

Пан Повондра бу нима экан, деб тўхтаб қолди.

Ҳалиги озғин, митти одам нарвончадан тушиб ўзи ёпиш-

тирган лавҳасига мамнуният билан қараб қўйди. Шунда пан Повондра ҳайрат билан қўйидагиларни ўқиди:

**КАПИТАН И. ВАН ТОХ
ВА УНИНГ
ЎРГАТИЛГАН
САМАНДАРЛАРИ**

Пан Повондра қачонлардир пан Бондининг олдига киритиб юборган капитан фуражкасидаги гавдали, семиз одамни эслади. «Қандай кунларга қолибди, бечора, — деб ўйлади пан Повондра раҳми келиб, — ўзи кимсан шундай бир капитан бўла туриб, ана шу бемаъни ширк билан дунё бўйлаб айланиб юрибди. У бақувват ва соғлом одам эди-ку, ахир! У билан бир учрашсам эди», деб қўйди ўзича пан Повондра.

Бу орада бояги кичкинагина одам томошахонага кириверишда бошқа бир лавҳани осиб қўйди:

ТАПИРУВЧИ КАЛТАКЕСАКЛАР

!! УЛКАН ИЛМИЙ СЕНСАЦИЯ !!

КИРИШ ҲАҚИ 2 КРОН

**ОТА-ОНАЛАРИ ҲАМРОҲЛИГИДАГИ
БОЛАЛАРГА БИЛЕТНИНГ ЯРИМ БАҲОСИ**

Пан Повондра иккиланиб қолди. Икки крона, бунинг устига бола учун бир крона — бу бир оз қимматроқ, албатта. Бироқ Франтикнинг ўқиши яхши, узоқ ўлкалар ҳайвонот олами билан танишса, маълумотига нафи тегар. Пан Повондра маълумот йўлида айрим чиқимларга розилиги учун озгин одамнинг олдига келди.

— Ҳой, биродар, мен,— деди у,— капитан Вантох билан гаплашмоқчи эдим.

У одам йўл-йўл трикоси тортишиб турган кўкрагини кериб қўйди.

— Жаноб, капитан Вантох мен бўламан.

— Сиз капитан Вантох? — деди ҳайрон бўлиб пан Повондра.

— Ҳа,— деди митти одам билагидаги лангар белгисини кўрсатиб.

Пан Повондранинг кўзлари саросимадан пириллай бошлади. Нима, капитан шунақа қотиб, тараша бўлиб кетганми? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. . .

— Гап шундаки, мен капитан билан шахсан танишман,— тушунтирди у,— фамилиям Повондра.

— Унда бошқа гап,— деди митти одам.

— Бироқ бу самандарлар чиндан ҳам капитан ван Тохники. Гарантияси билан чинакам австралия калтакесаклари, жаноб. Марҳамат қилиб, ичкарига кириг. Ҳозир катта томоша бошланай деб турибди,— деди билдирлаб кираверишдаги чодир чеккасини кўтараркан.

— Юр, Франтик,— деди ота Повондра ўғлини етаклаганча ичкари кириб борар экан.

Ниҳоятда новча ва семиз аёл шоша-пиша кичкина стулга ўтириб олди. «Ғалати жуфт экан!» — таажжубланиб хаёлидан ўтказди пан Повондра уч крона пул тўлар экан. Томошахонада анчагина ёқимсиз ҳид ва темир бакдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

— Самандарларингиз каёкда қолди? — деди пан Повондра.

— Анали ваннада, — лоқайд бир оҳангда жавоб берди барзанги аёл.

— Қўрқма, Франтик, — деди ота Повондра бакка яқинлашиб.

Сом балиғи катталигидаги қоп-қора бир нарса сувда миқ этмай ётарди; фақат бўйнининг териси бир оз қимирлаб тўрарди.

— Газеталарда жуда кўп ёзишган, тўфондан илгари яшаган самандар мана шу бўлади! . — деди насихатомуз ота Повондра ҳафсаласи пир бўлганини сездирмай. (Яна бир алдандим-да, — деб хаёлидан ўтказди у, — бола бу ҳақда билмагани дуруст. Эсизгина уч крона!)

— Дада, нега у сувда ётибди? — деб сўради Франтик.

— Чунки самандарлар сувда яшашади, биласанми?

— Дада, у нима ейди?

— Балиқ ва шунга ўхшаш нарсалар, — деди ота Повондра. (Нимадир ейиши керак-ку, ахир!)

— Нега у бунчалик хунук? — суриштиришда давом этди Франтик.

Пан Повондра нима дейишини ҳам билмай қолди. Бироқ шу тобда томошахонага митти одам кириб келди.

— Шундай қилиб, қани, хонимлар ва жаноблар, марҳамат, — деб гап бошлади у хирилдоқ овоз билан.

— Самандарингиз биттагинами? — таънаомуз суриштира бошлади пан Повондра. (Лоақал иккита бўлса ҳам майли эди, — деган фикр миясидан ярқ этиб ўтди унинг, — биттасига шунча пул сарфлаб ўтирибман-а?)

— Иккинчиси ўлиб қолди, — деди митти одам. — Шундай қилиб, хонимлар ва жаноблар, қаршингизда машҳур Андриаш, Австралия оролларида келтирилган ноёб ва заҳарли калтакесак. Ўз ватанларида бўйлари одам бўйича келадиганлари ҳам учрайди, икки оёқлаб юради. Қани! — деди у сувда ётган жонсиз ва ҳаракатсиз қора нарсага ниқтаб.

Қора нарса ҳаракатга келиб аранг ўрнидан турди. Франтик орқага тисарилди, бироқ пан Повондра унинг қўлидан мақкам ушлаб: қўрқма, мен борман-ку, деб қўйди.

Энди бу мавжудот олд панжалари билан бак четига тиралиб, орқа оёқларида турарди. Бўйнидаги жабраси титраб, очик қора оғзи ҳаво симирарди. Шалвираб ётган териси шилиниб кетган, ҳамма ёғига сўгал тошган; бақаники каби юмалоқ кўзлари пастки қовоқ остига йўқолиб аллақандай ғайритабиий юмиларди.

— Жонимлар ва жаноблар, кўриб турганингиздек, — гапида давом этди митти одам хирқироқ овоз билан, — бу жонивор сувда яшайди; шунинг учун унинг жабраси ва қирғоққа чиққанда нафас олиш учун ўпкалари бор. Орқа оёқларида бештадан бармоқ, олдида эса тўрттадан бармоқлари бўлиб, турли нарсаларни ушлай олади. Ма!

Ҳайвон хипчинни қўлига олиб, уни масхарабоз ҳассасидай бир оз олдинга чиқариб тутиб турди.

— Арқонни тугун қилиб боғлашни ҳам билади, — деди митти одам ва ҳайвондан хипчинни олиб, унга ифлос бир чизимча тутқазди.

Махлуқ чизимчани бир минутча қўлида ушлаб тургандан кейин чиндан ҳам тугун қилиб боғлади.

— Шунингдек, барабан чалишни ва ўйин тушишни ҳам билади, — деб билдирлади ҳалиги одам, махлуққа болалар барабани билан чўп тутқазаркан.

Ҳайвон барабанини бир неча марта уриб, танасининг юқори қисмини қимирлатиб қўйди, шунда унинг қўлидаги гўп сувга тушиб кетди.

— Ярамас, мен-с-сени!.. — Митти одам сўқиниб сув бегидаги чўпни олди. — Бу жонивор, — дея овозини тантанавор баландлатди у, — шундай ақл ва салоҳиятга эгаки, ҳатто одам каби гапира олади.

Шундай деб у чапак чалиб қўйди.

— Guten Morgen! — чийиллади махлуқ пастки қовғини ғалати қилиб пириллатиб. — Салом! .

Пан Повондрани ваҳима босди, бироқ бу нарса Франтикка айтарли таъсир этмади.

Ҳурматли жанобларга нима дейиш керак? — деди Миттивой талабчанлик билан.

— Хуш келибсизлар, — таъзим қилди самандар, унинг жабра пардалари титраб, торайиб борарди. — Willkommen. Bon venuti¹

— Санашни биласанми?

— Биламан.

— Олти карра етти неча бўлади?

— Қирқ икки, — базўр га-ғалади самандар.

— Кўрдингми, Франтик, — деди насиҳатомуз ота-Повондра, — ҳисобни қанчалик яхши билади.

— Хонимлар ва жаноблар, — дея қичқирди Миттивой, — ўзларингиз ҳам бирор нарса сўраб кўришингиз мумкин.

— Ундан бирор нарса сўра-чи, Франтик, — деди пан Повондра.

Франтик уялганидан ганғиб қолди.

— Саккиз карра тўққиз неча бўлади? — дея олди у ниҳоят, унинг фикрича, бу нарса эҳтимол сўраш мумкин бўлган саволлар ичида энг мураккаби эди.

Самандар кўзини аста юмиб очди.

— Етмиш икки.

— Бугун қайси кун? — сўради пан Повондра.

— Шанба.

— Чиндан ҳам одамнинг ўзи-я! Бу шаҳарнинг номи нима?

Самандар оғзини очиб кўзини юмди.

— У чарчади, — деди миттивой шоша-пиша. — Жанобларга нима дейиш керак?

Самандар таъзим бажо келтирди.

— Яхши боринглар. Ғоятда миннатдорман. Омон бўлинг. Хайр.

¹ Хуш келибсиз (немисча ва италялча).

— Бу... Бу антиқа бир ҳайвон! — деди ҳайрон бўлиб пан Повондра; бироқ уч крона катта пул бўлгани учун қўшиб қўйди: — Сизларда болага кўрсатиш мумкин бўлган бошқа яна бирор нарса йўқми?

Миттивой иягини силаб ўйланиб қолди.

— Шунинг ўзи, — деди у. — Илгарилари маймунларим бўларди, бироқ улар бир ишни... тушунтирди у. — Хотинимни кўрсата қолай? У илгари дунёда энг семиз аёл эди. Марушка, бу ёққа кел!..

Марушка зўрға ўрнидан турди.

— Нима гап?

— Жанобларга бир кўрингин, Марушка?

Дунёда энг семиз хотин бошини таннозлик билан бир ёққа қийшайтирди, бир оёғини олдга чўзиб, этагини тиззасидан юқори кўтарди. Этагининг остида сон гўштидай вазмин, кўпчиган, бир нарсани пана қилиб турган қизил жун пайпоқ бор экан.

— Оёқ ҳажми юқорида — саксон тўрт сантиметр, — деди озгин одам, — бироқ ҳозирги рақобат бўйича Марушка дунёда энг семиз аёл эмас.

Пан Повондра анқайиб қолган Франтикни томошахонадан ташқарига етаклади.

— Хизматингизга тайёрман, — бакдан чийиллаган овоз эшитилди, келиб туринг! Auf wiedersehen¹.

— Хўш, қалай Франтик, — деди пан Повондра ташқарига чиқишгач. — Ҳаммасини тушундингми?

— Тушундим, — деди Франтик. — Дада, у хотиннинг пайпоғи нега қизил?

11. ОДАМСИМОН КАЛТАКЕСАКЛАР ҲАҚИДА

Ўша вақтларда гапирувчи самандарлардан бошқа бирор нарса ҳақида шунчалик кўп гапирилмагани ва ёзишмаганини гапириб ўтириш гирт эзмалик бўларди. Шунинг-

¹ Хайр (немисча).

дек, яқинлашиб келаётган уруш, иқтисодий кризис, футбол ўйинлари, витамин ва янги модалар ҳақида гапириб, ёзиб туришарди. Ҳар ҳолда, гапирувчи самандарлар ҳақида жуда кўп, шу билан бирга, илмдан жуда-узоқ гапларни ҳам ёзишди. Худди шунинг учун ҳам атоқли олимлардан профессор Владимир Угер (Брно университетидан) «Лидовые новины»¹ газетасига мақола ёзиб, Андриас Шейхцерда фараз қилинаётган аниқ талаффуз қилиш қобилияти, яъни, аниқроғи, бошқалар айтган сўзларни тўтиқушдай қайтариб айтиш қобилияти илмий нуқтаи назардан ўзига хос бўлиб, у ҳам ерда, ҳам сувда яшовчи жонивор тўғрисидаги бошқа масалаларга нисбатан ортиқча қизиқиш уйғотмайди, Андриас Шейхцер илгари сурувчи илмий жумбоқ бошқа нарсада, жумладан, унинг қаердан келиб қолганлигидадир. Унинг бутун геологик даврлар давомида ҳаёт кечириб келган ибтидоий ватани қаерда; ҳозирги пайтда улар Тинч океан экваториал қисмининг деярли барча ерларида ҳаддан ташқари кўпайиб кетгани ҳолда нега шу пайтгача номаълум бўлиб қолган? Эҳтимол, сўнгги пайтларда ҳаддан ташқари тез кўпайиб бораётгандир; кейинги пайтларда тамомила яширин, хатто ўта тасодифий шароитда, бунинг устига эътибордан четда қолган жойларда пайдо бўлган бўлса-да, кишини ҳайрон қолдираётган бу ҳаётий қудрат учинчи даврнинг ибтидоий махлуқларини қаердан олди экан? Бу қадимий самандарнинг ҳаётий шароити бирон-бир яхши томонга ўзгардимиз? Бунинг натижасида миоцен даврининг ноёб қолдиғи фавқулудда юксак тараққиётнинг юқори босқичига кўтарила оладими? У ҳолда андриас фақат миқдор жиҳатидангина кўпаймай, сифат жиҳатидан ҳам тадрижий ривожланиб бориши эҳтимолдан ҳоли эмас, бинобарин, фанмиз лоақал битта бўлса-да, ҳайвон турининг шиддатли мутация жараёнининг шоҳида бўлиш имконига эга бўлган бўларди. Андриас Шейхцернинг бир неча ўнлаб

¹ Чех либерал газетаси.

сузларни чийиллаб айтишини, баъзи одамлар фаросат белгиси, деб билган айрим қилққларни тез ўрганиб олиш қобилияти илмий нуқтаи назардан мулақо мўъжиза эмас, тараққиётнинг паст босқичида қотиб қолган ва деярли батамом қирилиб кетган, ҳам сувда, ҳам ерда яшовчиларнинг бу оиласини тўсатдан ва бутунлай жонлантирган қудратли ҳаёт лаҳзасини чинакам мўъжиза деса бўлади. Бу ерда баъзи алоҳида жиҳатлар мавжуд: Андриас Шейхцер денгизда яшайдиган бирдан-бир самандардир. Бунинг устига (шуниси аниқки) у Ҳабашистон ва Австралия оралигидаги мифик Лемурия¹да яшайдиган бирдан-бир самандардир. Табиат гўё қўлдан бой берган ҳаётини имкониятлардан бирининг ўрнини шошилишч тўлдиришга, бу ерлардаги ёддан кўтарилган ёки таъминлай олмаган бирорта турнинг тараққиётини тугаллашга интилаётган ўхшамайдими? Бу ҳам майли-я, япон баҳайбат самандарларини аллеган самандарларидан фарқлаб турувчи бутун бир океан воҳаси бўйлаб уларни боғлаб турган бирорта бўённинг бўлмаслиги қизиқ бўлар эди. Ҳатто андриас мавжуд бўлмаганида ҳам, унинг борлигини чиндан ҳам у учраган жойларда, деб тахмин қилишимизга тўғри келарди; уни шунчакки, географик ва эволюцион ўзаро боғлиқлик натижасида анчадан бўён яшашни лозим бўлган ўша бўшлиқни тўлдирди, дейишимиз мумкин. Бироқ шундай бўлса-да, — дея хулоса қилиб ёзади профессор, — Миоцен самандарининг бу эволюцион қайта жонланиши мисолида қанчалар таажжуб ила тан оламизки, сайёрамизда Тараққиёт Даҳоси ўзининг яратувчилик ишсини ҳали-бери тугатмоқчи эмас.

Бундай олимона мулоҳазалар, аслини олганда, газета учун номақбул экани ҳақидаги қатъий фикрларга қарамас-

¹ Л е м у р и я - инглиз зоологи ва зоографи Ф. Л. С к л е т а р (1829—1913) ҳозирги Ҳинд океанининг ўрнида шу кундаги Африкани Ҳиндистон ва Индонезия билан туташтириб турувчи қитъа бўлган, ер қобиғининг силжиши натижасида Лемурия деб аталган бу қуруқлик чўкиб сув остида қолиб кетган, деб тахмин қилади.

дан, мақола босилиб чиқди. Кўп ўтмай профессор, Угер ўқувчиларнинг биридан қуйидаги мазмунда хат олди:

Мухтарам жаноб!

Ўтган йили Чаславдаги Майдондан бир уй сотиб олдим. Уйни кўздан кечириб туриб, чордоқдан эски ноёб илмий китоблар солинган яшик топиб олдим. Гиблнинг 1821—1822 йилларда чиққан «Гиллос»¹ журнали, Ян Сватоплук Пресл² нинг «Сут эмизувчилар» китоби, Войтех Седлачек³ нинг «Табиатунослик ёки физика асослари», «Крок»⁴ оммабоп энциклопедик тўпламининг ўн икки томи ва Чех музейининг ўн уч йилномаси. Кювьенинг «Ер қобигининг катаклизмлари ҳақида мулоҳазалар» (1834) асарининг преславча таржимаси орасига эски бир газетадан қирқиб олиб, хатчиў сифатида солиб қўйилган парчани топиб олдим. Унда аллақандай бир ғалати калтакесаклар ҳақида хабар босилган экан. Сизнинг сирли самандарлар ҳақидаги мақолангизни ўқиб туриб, шу хатчиў эсимга тушиб қолди ва уни қидириб топдим. Бу хабар сизни қизиқтирса керак, деган фикрга бориб, табиатнинг ашадий дўсти ва Сизнинг ихлосманд ўқувчингиз сифатида уни Сизга эъжиятман.

*Камоли эҳтиром билан
И. В. Н а й м а н.*

¹ Г и б л Я н (1786—1834)-чех миллий Уйғониш даври арбобларидан; ёзувчи, таржимон, редактор; 1821—1822 йилларда «Гиллос» деган илмий журнал чиқарган.

² П р е с л Я н С в а т о п л у к (1791-1849)-чех миллий Уйғониш даврининг машҳур арбоби; энциклопедист олим, табиёт фанларининг кўзга кўринган тарғиботчиси. Преслнинг «Сут эмизувчилар; мустақил ўрганиш учун тадрижий қўлланма» асари 1834 йилда ёзилган.

³ С е д л а ч е к Й о з е ф В о й т е х (1785—1836)- чех ёзувчиси ва олими; унинг «Табиатунослик ёки нисбий ё аралаш физика ва математика асослари» (1825—1828) физика ва математика соҳасида чех тилида ёзилган биринчи йирик илмий асар ҳисобланади.

⁴ 1821 — 1840 йиллар мобайнида чоп этилган чех илмий журнали; бу нашр чех миллий Уйғониш даврининг илғор фан арбоблари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган.

Мактубга илова қилинган парчада на газетанинг номи, на қачон чиққани бор эди; имлоси ва ҳарфларига кўра ўтган асрнинг йигирманчи ва ўттизинчи йилларига мансуб, деб ўйлаш мумкин эди; қоғоз сарғайиб, хатлари шунчалик ўчиб кетгандики, ундан бирор нарса ўқиб олиш амримаҳол эди. Профессор Угер бу парчани рижимлаб ташлаб юборай деди-ю, бироқ қоғозининг илвиллаб туришидан таъсирланиб, ўқий бошлади. Бир дақиқадан кейин у: «Иблис!» — дея гўлдираб, ҳаяжон билан кўзойнагини тўғрилаб кўйди. Парчада шундай деб ёзилган эди:

Одамсимон калтакесаклар ҳақида*

Чет эл газеталарининг бирида Англия ҳарбий кемасининг аллақандай бир капитани (командири) узоқ мамлакатларга қилган сафаридан сўнг Австралия денгизидаги кичкинагина бир оролда ғалати судралувчиларни учратгани ҳақида хабар берган. Бу кичик оролда суви шўр бир кўл мавжуд бўлиб, у кўл денгиздан узоқда, етиб бориш қийин бўлган бир ерга жойлашган; капитан билан кема табиби шу ерда дам олишаётган эди; нога-

ҳон кўлдан денгиз ити ёки тюлень катталигидаги, одамлардек икки оёқлаб юрадиган калтакесакларга ўхшаш аллақандай ҳайвонлар чиқиб келишди-да, жуда ғалати мақомда, гўё рақс тушаётгандек жилпанглай бошлашди. Командир билан табиб милтиқдан ўқ узишиб бу жопиворларнинг иккитасини қулатишди. Уларнинг танаси шилимшиқ, жунсиз, тангачасиз бўлиб, самандарларни эслатиб турарди. Эртасига капитан билан табиб улар-

* Оригиналда бу газета парчаси геотик шрифт билан XIX аср бошларидаги чех имлосига амал қилингани ҳолда берилган. Профессор Угернинг кейинги мулоҳазалари лотин шрифтда ва эски чех имлоси асосида терилган. Бу орқали Чапек қаҳрамоннинг XIX аср бошларидаги фан арбоблари билан маънавий қардошлигига урғу бериб, ўзига замондош бўлган чех олимларининг эскириб қолган телеологик қарашларидан кулади.

ни олиб кетгани келишиди. Бироқ баданларидан ҳаддан ташқар қўланса ҳид тарқалаётгани учун уларни қолдириб кетишга мажбур бўлишиди. Шундан кейин матросларга қўлга тўр ташлаб, бу жониворлардан бири нечтасини тириклигин кемага олиб боришни буюришиди. Денгизчилар барча калтакесакларни (жуда кўп миқдорда) тутиб, қириб юборишди; уларнинг танаси заҳарли ҳамда қичитқи ўтдек ачиштиришини айтиб, кемага фақат иккитагинасини олиб боришди. Шундан кейин бу жониворларни Англияга тириклигин етказиб бориш мақса-

дида денгиз суви солинган бочкаларга жойлаб қўйишди. Бироқ бу иш охирига етмади. Суматра ороларига яқин қолганда калтакесаклар бочкадан чиқиб, палуба остидаги хонанинг деразаларини очган ва тунда денгизларга сакраб ғойиб бўлган. Командир билан кема жарроҳининг айтишига қараганда, бу жониворлар жуда ғалати, айёр экан; икки оёқлаб юраркан, ғалати қилиб акиллар ва оғзини чапиллатар экан. Бироқ инсонлар учун ҳеч бир хавфлимас экан. Шу жиҳатдан ҳам уларни ҳақли равишда одамсимон калтакесаклар дейишимиз мумкин.

Парча шу ерда тугайди. «Иблис!» — дея такрорлади профессор Угер ҳаяжон билан. Қимдир, қачонлардир қирқиб олиб қўйган, на номи бор, на босилиб чиққан пайти? Бу қанақа «чет эл газетаси» бўлди, «аллақандай бир командир»нинг исми нима, бу қанақанги «Англия кемаси» бўлди? Австралия денгизидаги қанақа кичик орол экан? Наҳотки ўша пайтда одамлар фикрларини бир оз аниқроқ ёки, айтишлик, илмийроқ баён қила олишмаган бўлса? Бу, ахир бебаҳо тарихий ҳужжат-ку! .

Австралия денгизидаги кичик орол, дебди, майли. Суви шўр кўл. Бу шўрхок тўсиқлар денгиздан ажратиб қўйган, бориш қийин бўлган ҳалқасимон ясси маржон орол бўлса керак: у ҳаётдан четда қолган, тараққиётнинг юқори босқичидаги қадимий ҳайвонларнинг табиий резерви учун худди мана шундай жойлар жуда қулай ҳисобланади. Албатта, бу калтакесаклар ортиқча кўпаймаган бўлса керак, сабаби, кўлда етарлича овқат топилмаган. Бу аниқ, деди ўзинча профессор. Калтакесакка ўхшаган ҳайвон, бироқ

тангаси йўқ, бунинг устига одамлардек икки оёқлаб юради, демак, ё Андриас Шейхлер ёки унинг яқин авлодларидан бўлган бошқа самандар. Айтайлик, бу бизнинг Андриас бўлсин. Айтайлик, лаънати матрослар уларни ўша кўлда қириб ташлашган, бир жуфтини тирик ҳолда кемага олиб келишган бўлсин; бу жуфтни ҳам олиб кетишнинг иложи бўлмабди, улар Суматра ороли яқинида ғойиб бўлишибди, Яъни, олий даражадаги биологик шароитлар ҳамда беҳисоб, чекланмаган микдорда озуқа мавжуд бўлган экваторнинг худди ўзида! Муҳитнинг бу хил ўзгариши миоцен самандарининг тараққиётига қаттиқ туртки бўла олдимикин? Айтайлик, у шўр сувда яшашга одатланган бўлсин; унинг келиб қолган янги жойини озуқага бой, сокин, овлоқ кўрфаз деб фараз қилайлик; унда нима бўлади? Қулай шароитга тушиб қолган самандар ажойиб ҳаётий энергия билан шиддатли ривожлана бошлайди. Худди шундай! Олим қувониб кетди. Шундан бери самандар тийиб бўлмас стихияли куч билан тараққиёт йўлидан илдам бормоқда, ҳаёт этагига жон-жаҳди билан ёпишиб олган у ҳаддан ташқари тез кўпайиб боряпти, чунки янги муҳитда унинг тухуми ва итбалиқларига ўзига хос душманлар таҳдид солмайди. У оролдан оролга ёйила боради; шуниси ҳам борки, бу ҳаракат давомида уларнинг айрим оролларни четлаб ўтгани қизиқ. Бу хусусият овқат қидириб кўчиб юрган самандарларнинг бошқа турларига ҳам хосдир. Энди шундай савол туғилади, улар нега шу пайтгача ривожланмай келди. Бу нарса Ҳабашистон билан Австралия оралигида бирорта самандарнинг маълум бўлмагани ёки ҳозиргача маълум эмаслиги билан алоқадор эмасмикин? Бу минтақада миоцен даврида самандарлар учун биологик жиҳатдан ноқулай бўлган бирорта ўзгариш юз бермаганмикан? Шундай бўлиши ҳам мумкин. Масалан, ҳатто қандайдир ўзига хос душман пайдо бўлиб, самандарларни батамом қириб ташлаган, фақатгина бир сролчада, овлоқ кўлда миоцен самандари сақлангани билан унинг тадрижий ривожланиш жараёни узилиб қолган бўлиши мумкин, бошқача айтганда бураб қўйилган, аммо

тўғрилана олмай қолган пружинанинг ахролига тушган. Табиат бу самандарга катта умид боғлаган бўлиши ҳам ажаб эмас. Балки унинг келажакда ривожланиб, маълум даражагача ривожланиб кўтарилиб бориши кутилгандир... (Профессор Угер шуларни ўйлар экан, бадани жимирлашиб кетганини сизди; ким билсин, балки бу Андриас Шейхнер миоцен даврининг одами бўлиши мумкин. . .)

Бироқ, айтгандай, шошилманг! Бу камолотга эришмаган ҳайвон тасодифан янги, ўзи учун беқиёс қулай муҳитга тушиб қолади; бураб қўйилган пружина тўғрилана бошлайди... Андриас тараққиёт сари нақадар ҳаётини шижоат ва нақадар миоценча жасорат билан илдам интилиб борапти! Ўз ривожланишида қўлдан бой берган юз минглаб, миллионлаб йиллар ўрнини шитоб билан, зўр бериб тўлдиршига интилоқда! Уни ҳозирги тараққиёти босқичига қаноат қилади, деб ўйлаш мумкинми? Биз гувоҳи бўлиб турган эволюциясининг қудратли қулоч ёйиши натижасида қандай юксакликларга эриша олишини ким билади дейсиз! Негаки, у ҳозир эволюция бўсағасида турганча юксакликка интилиш учун тайёрланыпти, холос!

Профессор Владимир Угернинг саргайиб кетган газета парчаси устида ўйлаб, кашфиётдан ҳаяжонланганча қоғозга тушираётган фикр ва мулоҳазалар шулардан иборат эди. «Буни газетага юбораман, — аҳд қилди у, — чунки илмий рақтли матбуотни ҳеч ким ўқимайди. Табиатда нақадар буюк жараёнга яқинлашиб келаётганимизни ҳамма билиб қўйсин! Мақоламни:

« Самандарларнинг келажаги борми?» деб атайман.

Бироқ «Лидовие новини» газетаси редакциясида профессор Угернинг мақоласига қараб шунчаки бош чайқаб қўйишди холос. Яна самандарлар! Менимча, самандарлар ҳақида ўқийвериш газетхонларимизнинг жони ҳалқумига келди. Бошқа нарсалар тўғрисида ёзиш керак. Устига-устак, бунақанги илмий мулоҳазалар газетага қўл келмайди.

Натижада самандарларнинг тараққиёти ва келажаги ҳақидаги мақола босилмай қолиб кетди.

12. «САМАНДАР» СИНДИКАТИ

Раис Г. Х. Бонди кўнғироқ чалиб ўрнидан турди.

— Муҳтарам жаноблар,— дея гап бошлади у,— Тинч океан Экспорт Компанияси акционерларининг фавқулодда умумий мажлисини очик деб эълон қилишга рухсат этгайсиз. Ҳозир бўлганларнинг барчасини табриклайман ва улар кўп кишилиқ мажлисимизда иштирок этганлари учун миннатдорман.

— Жаноблар,— ҳаяжон билан давом этди у,— зиммамга қайғули бир хабарни сизларга маълум қилишдек оғир бир вазифа тушди. Капитан Ян ван Тох орамизда энди йўқ. Бизнинг, агар шундай дейиш мумкин бўлса, узоқ Тинч океанидаги минглаб ороллар билан савдо алоқалари ўрнатишдек қувончли гоёмизнинг асосчиси, отаси, биринчи капитанимиз ва энг содиқ хизматчимиз оламдан ўтди. У шу йилнинг бошида «Шарка» деган пароходимиз бортида Фаннингга ороли яқинида жон берди. У ўз хизматини адо эта туриб, миясига қон қуйилиши натижасида оламдан ўтди. (Бирон-бир жанжал кўтарилган, бу турган гап,— ўйлади Бонди). Унинг ёрқин хотирасига ҳурмат белгиси сифатида ўрниларингиздан туришингизни сўрайман.

Ҳозир бўлганлар стулларини тарақлатиб ўрниларидан туришди. Улар тантанавор сукут сақлаб туришаркан, ҳаммалари: ишқилиб умумий мажлис чўзилиб кетмасин, деган ташвишда эдилар. (Бечора дўстим ван Тох, — деб Г. Х. Бонди юракдан қайғуларди, — ўлигини нима қилишди экан? Тахтага боглаб денгизга туширишган бўлса керак. Шалоп этиб тушган-қўйган! Ҳа-а, ажойиб йигит эди у, кўзлари кўм-кўк. . .)

— Миннатдорман, жаноблар,— деди Г. Х. Бонди қисқагина қўшимча қилиб,— дўстим капитан ван Тох хотирасига шунчалик ҳурмат билдирганларингиз учун раҳмат. Энди жаноб директор Волавкадан ТЭЖнинг бу йилги хўжалиқ ҳисоби яқунлари ҳақида ахборот беришини сўрайман. Рақамлар қатъий эмас, бироқ уларни йил охирига бориб

жиддий ўзгарар, деб ўйлаш ҳам керак эмас. Шундай қилиб, марҳамат/ . . .

— Муҳтарам жаноблар, — дея бидирлаб гап бошлаб кетди жаноб директор Волавка. — Марварид сотиш ишлари ўта аянчли бир аҳволда. Ўтган йили марварид йиғиш биз учун маъқул бир минг тўққиз юз йигирма бешинчи йилдагига нисбатан деярли йигирма марта кўпайди ва нархи фожиали равишда пасая бориб, бу пайсиш олтимиш беш процентга тушиб кетди. Бошқарма шунинг учун ҳам талаб зўрайгунча бу йилги марваридларни бозорга чиқармай омборда сақлашни маъқул деб топди. Афсуски, ўтган йил куздан бошлаб шу қадар арзонлашиб кетгани учунмикин, марварид расм бўлмай қолди. Шу кунларда Амстердамдаги бўлимиз омборида сотишнинг иложи бўлмаган икки юз мингдан ортиқ марварид мавжуд.

— Бу йил, аксинча, — деб бидирлашда давом этди директор Волавка, — марварид йиғиш кескин камайиб кетди. Бир қанча марварид конларининг баҳридан ўтишга тўғри келди. Сабаби, улардан келадиган даромад у ерларга қатнов харажатларини қопламай қўйди. Афтидан, икки ёки уч йил бурун очилган янги конлар маълум миқдорда тугатилди. Бошқарма шунинг учун ҳам эътиборни денгиз қаърининг бошқа маржон, чиганоқ ва булутлар каби маҳсулотларига қаратишга қарор қилди. Чиндан ҳам маржон ва бошқа зеб-зийнатлар бозорини жонлантиришга муваффақ бўлинди, бироқ ҳозирги вазият Тинч океан маржонларига қараганда итальян маржонлари фойдалироқ эканини кўрсатиб турибди.

Бошқарма, шунингдек, Тинч океан сувларида жадал суръатлар билан балиқ овлаш имкониятлари ҳақидаги масалани кўриб чиқмоқда. Асосий масала, у ердаги балиқларни Европа бозорларига етказиб келиш устида; ҳозиргача мавжуд имформацияларини маъқул деб бўлмайди.

— Бунинг аксича, — овозини бир оз кўтариб ўқишда давом этди директор, — ҳар хил қўшимча маҳсулот савдоси бўйича оборот анчагина ўсди, жумладан, Тинч океан орол-

ларига тўқимачилик маҳсулотлари, сирланган идишлар, радиопаратуралар ва қўлқоплар етказиб бериш. Бу савдони бундай буён кенгайтириш ва ривожлантириш кўзда тутилмоқда; шу йилнинг ўзидаёқ нисбатан бир озгина зарар билан бўлса-да, мутаносибликка эришди. Шу билан бирга, Компания йил охирига бориб, ўз акцияларига фойда тўлаши мумкин деб бўлмайди. Шу муносабат билан бошқарма олдиндан шуни ҳам маълум қилиб қўймоқчиким, бу сафар ҳар қандай қўшимча ҳақ ва мукофотларни бекор қилади.

Орага узоқ ва оғир жимлик чўкди. (Бу Фаннинг оролари қанақа жой бўлди экан? — ўйлади Г. Х. Бонди. Бечора Вантох чинакам денгизчилардек жон берди. Эсизгина, жуда ажойиб йигит эди-я. Ҳали ёши ҳам ҳеч нарсага борманганди. . . Мендан катта эмасди. . .) Ниҳоят, д-р Губка сўзга чиқишга ижозат сўради. Энди Тинч океан Экспорт Компанияси акционерларининг фавқулудда умумий мажлиси протоколини келтирамиз.

«Д о к т о р Г у б к а ТЭКни тарқатини кўзда тутилаётгани йўқми, деган савол берди.

Г. Х. Б о н д и бу саволга бошқарма бу борада кейинги таклифни кутиб туришга қарор қилди, деб жавоб қайтарди.

Л у и Б о н а н ф а н жойларда марварид қидиришнинг етарли суръатда ва техник жиҳатдан тўғри олиб борилаётганини кузатиб туриш учун доимий вакиллар бўлмагани ҳақида, ўпкалаб гапирарди.

Д и р е к т о р В о л а в к а н и н г айтишича, бу масала муҳокама қилиниб, кўриладиган бундай чора қорхонанинг маъмурий харажатларини жуда ҳам ошириб юборган бўларди, деб топилган. У ҳолда уч юздан ортиқ доимий ҳақ тўланадиган агентлар ишлатиш лозим бўлади; марҳамат қилиб, яна шу нарсани ҳам ўйлаб кўринг-чи, бу агентлар топилган марваридларнинг борини топшираётган ёки топширмаётганини назорат қилиб бўлмайди.

М. Х. Б р и н к е л е р самандарларнинг топган ҳамма марваридларини Компаниянинг ишончли кишиларидан

бошқаларга бермасдан, тўла топширишига ишонса бўлади-ми деб, сўради.

Г. Х. Б о н д и н и н г таъкидлашича, бу — самандарларнинг биринчи марта очиқчасига тилга олиши. Шу пайтгача Компания марварид қидириш ишлари ҳақидаги тафсилотларни очиқ гапирмаслик қоидасига риоя қилиб келарди. Унинг таъкидлаб ўтишича, худди шунинг учун ҳам бу компания оддийгина қилиб — Тинч океан Экспорт Компанияси, дейиларди.

М. Х. Б р и н к е л е р бу ерда Компаниянинг кенг жамоатчиликка аллақачон маълум бўлган манфаатларига дахлдор нарсалар ҳақида гапириш мумкин эмасми, деган савол берди.

Г. Х. Б о н д и бу нарса тақиқланмаслиги, бироқ унинг янгилик эканини айтди. У энди бу ҳақда очиқ-ойдин гапириш мумкинлигидан хурсанд эканини билдирди. Жаноб Бринкелернинг биринчи саволига у шундай жавоб берди: қўлидаги маълумотларга қараганда, марварид ва маржонлар қидириб топиш билан машғул самандарларнинг тамомила ҳалол ва ишчанлигидан шубҳаланишга ҳеч бир асос йўқ. Бироқ шу нарсани ҳам назарда тутиш керакки, биз шу пайтгача маълум бўлган марварид конлари маълум миқдорда тугаб қолган ёки яқин келажакда тугайди. Унутилмас ходимимиз капитан ван Тох худди шундай янги конларни излаб топиш йўлида, шу пайтгача қўлга кирмаган оролларга кетаётганида ҳалок бўлди. Ҳозирча унинг ўрнига қўйишимиз мумкин бўлган, шу даражада тажрибали, ишга шу қадар ҳалол ва меҳр билан қарайдиган одамимиз йўқ.

П о л к о в н и к. Д. У. Б р а й т марҳум капитан ван Тохнинг хизматларини бутунлай тан олади. Бироқ у таъкидлайдики, вафот этгани туфайли чуқур қайғу изҳор этаётганимиз бу капитан мазкур самандарларни жуда эркатлиб юборган эди. (Маъқуллаш овозлари эшитилди.) Марҳум ван Тох қилганидек, самандарларни шундай аъло навли пичоқлар ва бошқа асбоблар билан таъминлаб туришининг

ҳеч бир ҳожати йўқ эди. Уларнинг овқатига ҳам шунчалик маблағ сарфлаш зарур эмасди. Самандарларни сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни анчагина камайтириб, бу билан корхонамизнинг даромадини оширишимиз мумкин эди. (*Гулдурас қарсақлар*).

Р а и с Ў р и н б о с а р и Ж. Ж и л б е р т полковник Брайтнинг фикрига қўшилади. Бироқ шуни таъкидлайдики, капитан ван Тох ҳаётлик пайтида бу ишни амалга ошириб бўлмасди. Капитан ван Тох самандарларга муносабат борасида шахсий мажбурияти борлигини кўп қайтарарди. Ҳар хил сабабларга кўра, қариянинг талабларини эътиборсиз қолдиришнинг ҳеч бир иложи йўқ ва мақсадга мувофиқ эмасди.

К у р т Ф о н Ф р и ш шундай савол берди: самандарларни бошқачароқ, хусусан, марварид кидириб топнишдан кўра фойдалироқ ишларга жалб қилиб бўлмайдими? Уларнинг туғма ёки «қундузона» қобилиятларидан фойдаланиб, сув остида тўғон ва бошқа иншоотлар қуришда ишлатишни ўйлаб кўрсак бўларди. Улардан гаванларни чуқурлаштириш, тўлқинқайтаргичлар қуриш ва бошқа сув ости техник ишларни бажаришда фойдаланишимиз мумкин.

Г. Х. Б о н д и маълум қилишича, бошқарма бу масалани синчиклаб кўриб чиқади; бу соҳада ҳали улкан имкониятлар очилиши шубҳасиз. У Компанияга тааллуқли самандарлар сони ҳозирги пайтда, тахминан, олти миллионга еганини айтди: бир жуфт самандарнинг йилга юзга яқин итбалиқ беришини ҳисобга олсак, унда келаси йили қўл остимизда уч юз миллионга яқин самандаримиз бўлади; ўн йилдан кейин уларнинг миқдори чиндан ҳам астрономик сонга етади. Г. Х. Бонди шундай саволни ўртага ташлайди: бундай кўп миқдордаги самандарларни боқиш учун Компания нима қилиши керак? Ҳозирнинг ўзида табиий озуканинг етишмаслиги оқибатида самандар фермаларида уларга кокс ёнигининг мағзи, картошка, жўхори ва ҳоказолар бериб туришга тўғри келяпти.

Курт фон Фриш самандарларни еб бўладими, деб сўради.

Ж. Жильберт. Зинҳор еб бўлмайди. Худди шунингдек, уларнинг терилари ҳам ҳеч нарсага ярамайди.

Бонанфан уҳолда бошқарманинг қандай чора кўриш ниятида эканини сўради.

Г. Х. Бонди. (*Урнидан туради.*) Муҳтарам жаноблар! Биз бу фавқуллодда умумий мажлисни Компания-мизнинг келажақда ноқулай аҳволга тушиб қолишини ошқора маълум қилиш учун ўтказаятибмиз. Бинобарин, ифтихор билан эслатиб ўтишга руҳсаг этингки, Компаниямиз ўтган йиллар тақсимланадиган фойда миқдорини муддати қатъий узайтирилган резерв фондларидан ва турли мақсадлар учун ажратилган маблағлардан ташқари йигирмайигирма уч процентларга кўтарган эди. Ҳозир биз боши берк кўчага кириб қолдик; ўтган йилларда умидимизни оқлаб келаётган иш юритиш услубимизнинг куни битди; бирдан-бир чорамиз янги йўллар ахтариб топишдир. (*«Оффарин!» деган хитоб садолари*).

Мен, жаноблар, ажойиб капитанимиз ва содиқ дўстимиз И. ван Тохнинг орамиздан кетиши худди шу пайтга тўғри келганини тақдир тақозоси деб биламан. Марварид савдосидек, гўзал ва очигини айтсам, деярли телбанамо бу гоя унинг шахсияти билан боғлиқ эди. Мен энди бу гояни фаолиятимизнинг ниҳоясига етган боби деб биламан; бу гоя ўзининг ғайриоддий мафтункорлиги билан ажралиб турса ҳам ҳозирги давр учун маъқул эмасди. Муҳтарам жаноблар! Ҳар томонлама ривожланган улкан корхонанинг фаолияти фақат марварид билангина битмайди. Шахсан мен учун марварид билан муомала шунчаки эрмак ҳисобланарди. (*Залда жонланши*). Ҳа, жаноблар, мен ва сизларга мўмай пул келтирган эрмак эди. Бунинг устига фаолиятимизнинг дастлабки пайтларида самандарлар янгилик бўлгани учун ўз жозибаси бор эди. Уч юз миллион самандарнинг эса бунақанги жозибаси бўлмайди. (*Кулеи*.)

Мен «янги йўллар», дедим. Меҳрибон дўстим капитан

ван Тох ҳаётлик пайтида корхонага мен капитан ван Тох усули деб аталган усулдан бошқача йўналиш беришнинг сира ҳам иложи йўқ эди. (*Утирган жойидан кимдир, «Нега?! деб қўйди.»*) Чунки менинг бой диду фаросатим турли услубларни аралаштириб қўллаш имкониятини беради. Капитан ван Тохнинг услубини мен саргузашт романлар услуби, деган бўлардим. Бу Жек Лондон, Жозев Кондрат ва ҳоказолар услуби эди. Эски экзотик, колониал, деярли қахрамонона бир услуб. Инкор қилмайман, бу услубнинг ҳам ўзига хос жозибаси бор. Бироқ капитан ван Тохнинг вафотидан сўнг бизнинг бу авантюрадан иборат, болаларча эпопеяни давом эттиришга ҳақимиз йўқ. Олдимизда, жаноблар, янги боб эмас, янги концепция, янги ва шу билан бирга, мутлақо бошқача ижодий режа масаласи турибди. (*Утирган жойидан кимдир: «Худди роман ҳақида гапираётгандай гапиримиз-а!» деб қўйди.»*) Ҳа, муҳтарам жаноб, тўғри айтасиз! Савдо ишига санъаткорона қизиқишим бор. Маълумки, ижодий тасаввурсиз ҳеч қачон бирорта янгилик ўйлаб топа олмайсиз. Дунё ишларининг тўхтаб қолмаслигини нетасак, шоир бўлмоғимиз лозим. (*Қарсақлар, Г. Х. Бонди таъзим қилади.*)

Мен, жаноблар, афсус ва надоматлар билан вантохона бобнинг остига чизик тортаман: бу бобда биз ўзимиз учун авантюралик ва болаликни бошдан кечирдик. Марварид ва маржонлар ҳақидаги эртакни тугатиш пайти келди. Денгизчи-Синдбод ўлди, жаноблар. Энди бу ёғига нима қилиш керак? (*Утирган жойидан кимдир: «Биз ҳам сиздан шуни сўраймиз-да!» деб қўйди!»*) Гап бундай, жаноблар, марҳамат қилиб қўлингизга қалам олиб ёзинг. Олти миллион. Ёздингизми? Элликка кўпайтиринг. Уч юз миллион бўлади, шундай эмасми? Яна элликка кўпайтиринг. Ўн беш миллиард, шундайми? Ана энди, жаноблар, марҳамат, маслаҳат беринг, уч йилдан кейин ўн беш миллиард самандарни нима қиламиз? Улардан қандай фойдаланамиз, уларни қандай боқамиз... (*Утирган жойидан кимдир: «Бизга деса қирилиб кетмайдим!» — деди.»*) Ҳа, бироқ увол эмасми! Сиз ҳар

бир самандарнинг бирмунча иқтисодий қийматга, ишлати-
лишини кутиб ётган ишчи кучи қийматига эга эканини
ҳисобга олмайтибизми? Жаноблар, олти миллион саман-
дарни бир амаллаб эплаб олармиз. Уч юз миллион эса бир
оз мушкулроқ бўлади. Бироқ ўн беш миллиард самандар,
жаноблар, бизга ғирт бош оғриғи бўлади. Самандарлар
Компанияни еб қўяди. Ана шунақа! (*Ўтирган жойидан:*
«Сиз ҳали бунинг учун жавоб берасиз! Ҳамма шини саман-
дарлар билан қилмоқчисиз!»)

Г. Х. Бонди (*бошини кўтарди*). Мен бутун жавоб-
гарликни ўз зиммамга оламан, жаноблар! Истаган одам
Тинч океан Экспорт компанияси акцияларидан дарҳол
кутулиши мумкин. Мен тўлашга тайёрман. Ҳар бир акци-
яга... (*Ўтирган жойидан: «Қачон?»*) Тўла қиймати, мух-
тарам жаноб! (*Умумий шояқин кўтарилди. Президиум ўн*
минутга танаффус эълон қилди.)

Мажлис янгилангач, М. Х. Бринкелер сўзга чиқиш учун
руҳсат сўради. У самандарларнинг шунчалик тез суръат-
лар билан кўпайиб боришидан, бу билан эса Компаниянинг
мулки ошаётганидан мамнун эканини билдирди. Бироқ,
жаноблар, уларни бекорга урчитиш ғирт беъманилик бў-
ларди: агар ўзимизда улар учун мос иш топилмаса, акци-
онерлар гуруҳи номидан самандарларни сувда ёки сув
остида бирор иш қилмоқчи бўлган исталган одамга ишчи
кучи сифатида сотишни таклиф қиламан. (*Қарсақлар*). Са-
мандарларни боқиш бир кунда бир неча сантиметр тушар
экан: агар бир жуфт самандарни, айтайлик, юз франкка
сотадиган бўлсак ва бу ишчи самандар, фараз қилайлик,
ҳатто бир йилгача яшай оладиган бўлсин; у ҳолда ҳар қан-
дай корхона эгаси қизиқчилик юзасидан бўлса-да, бундай
капитални сотиб олади. (*Маъқуллаш хитоблари.*)

Ж. Жильберт самандарларнинг бир йилдан кўп-
роқ яшаши мумкинлигини айтди; етарли даражада узоқ
вақт кузатиш имкони бўлмагани учун уларнинг яшаш му-
ддати ҳали аниқланмаган.

М. Х. Бринкелер шундан кейин ўз проектига

тузатиш киритиб, бир жуфт самандарнинг нархини у ҳолда портгача олиб бориб бериш шарти билан уч юз франкка оширишни таклиф қилди.

С. Вейсбергер самандарларнинг, умуман, қандай ишларни бажара олишини сўради.

Директор Волавка. Туғма инстинктлари, ғайритабiiй техник фаросатларига кўра, самандарларни тўғон, дамба ва тўлқин қайтаргичларни қуришда, гаван ва каналларни чуқурлаштиришда, ўзандаги саёзлик ва балчиқни олиб ташлашда, сув алоқалари йўлини тозалашда ишлатса бўлади; улар денгиз соҳилларини мустаҳкамлаш ва тартибга солиши, қуруқлик эгаллаб ётган жойларни кенгайтириши ва шунга ўхшаш ишларни бажариши мумкин. Бунда гап юзлаб, минглаб ишчи қўли талаб этиладиган, кўламининг кенглигидан ҳатто кўз кўриб, қулоқ эшитмаган арзон ишчи кучига эга бўлмай туриб бажаришга замонавий техника ҳеч қачон журъат қила олмайдиган ишлар ҳақида бор-япти. (*Хитоблар: «Жуда тўғри!»; «Жуда сози!»*)

Доктор Губканинг тахминича, янги эгаларининг қўлида кўпайиш эҳтимоли бўлган самандарларни сотиш билан Компания уларга бўлган монополиядан маҳрум бўлиб қолади. У самандарларни сотишни эмас, балки тегишли услубда ўргатиб, сув ости иншоотлари эгаларига туғилиши мумкин бўлган болаларни Компания ихтиёрига қайтариш шарти билан ишчи колонналари сифатида кирага беришни таклиф қилди.

Директор Волавканинг айтишича, сувда миллионлаб, ҳатто миллиардлаб самандарларни, айниқса, уларнинг болалашини кузатиб бўлмайди: афсуски, ҳалитдан анчамунча самандарни ҳайвонот боғлари ва ҳайвонотхоналар учун ўғирлаб кетишди.

Полковник Д. У. Брайт. Самандарларни Компаниянинг мулки ҳисобланган инкубатор ва фермалардан бошқа ерда кўпаймаслиги учун фақат эркагини сотиш ёки кирага бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Директор Волавка. Биз самандар фермала-

рини Компаниянинг мулки деяёлмаймиз. Эгаллик қилиш ёки истисно тариқасида фойдаланиш учун бир бўлагини сотиб олишнинг иложи йўқ. Масалан, Нидерланд қироличаси жаноби олияларига тааллуқли жойлардаги сувда яшовчи самандарлар, аслини олганда, кимники бўлиши кераклиги ҳақидаги юридик масала жуда мавҳум ва жуда кўп баҳсларга сабаб бўлиши мумкин. (Залда жонланиш.) Кўп ҳолларда уларни тутиш ҳуқуқи ҳам берилмаган: биз жаноблар, Тинч океан оролларида ўз самандар фермаларимизни яширин суръатда ташкил этганмиз, десак ҳам бўлади. (Жонланиш кучаяди.)

Ж. Жильберт полковник Брайтга жавобан шундай дейди: мавжуд кузатишларга қараганда, ёлғизлатиб қўйилган эркак самандарлар бир қанча вақт ўтгач, ўз тетикликлари ва меҳнатга лаёқатларини йўқотадилар, ланж, карахт бўлиб қоладилар, жуфтларини қўмсаб, ҳалок бўладилар.

Курт фон Фриш самандарларни сотишдан олдин ахта қилиб қўйиш ёки бичишнинг иложи йўқмикин, деб сўрайди.

Ж. Жильберт. Бу иш жуда ҳам қимматга тушиб кетган бўларди; қисқаси, биз сотиб юборган самандарларнинг кейинги кўпайишига ҳалал бера олмаймиз.

С. Вейсбергер ҳайвонларни сақлаш Жамятининг аъзоси сифатида сотишга мўлжалланган самандарлар савдосини инсон ҳислари оёқ ости қилинмаган ҳолда ўтказилишини илтимос қилди.

Ж. Жильберт бу йўл-йўриқ учун миннатдорчилик билдирди; турган гапки, самандарларни тутиш, ташиш маълум шахсга топширилиб, тегишли назорат остига олинади. Бироқ биз уларни сотиб олган корхона эгаларига улар билан қандай муомала қилишларининг кафиллигини олмаймиз.

С. Вейсбергер раис ўринбосари Ж. Жильбертнинг тушунтиришларидан қаноатланганини баён қилди.

Г. Х. Бонди. Аввало, жаноблар, келажакда самандарлар монополиясини сақлаб қолиш фикридан воз кечамиз.

Афсуски, жорий қонунларга мувофиқ биз улар учун патент ололмаймиз. *(Кулеи кўтарилди.)* Ҳозирнинг самандарлар савдоси соҳасидаги имтиёзли вазиятимизни бошқача бир усул билан сақлаб қолишимиз мумкин ва лозим. Бунинг учун зарур бўлган шарт-шароит яратиш мақсадида биз ишни бошқача ва шу пайтгача бўлганидан кўра кенгроқ кўламда олиб боришимиз керак. *(«Эшитинглар!» деган хитоблар.)* Олдимда, жаноблар, тахминий шартномаларнинг бир дастаси ётибди. Бошқарма «Самандар» синдикати номи билан янги вертикал трест тузишни таклиф қилади. Синдикат аъзолигига бизнинг Компаниядан ташқари маълум бир йирик корхоналар, қудратли молиявий группалар кирган бўларди; масалан, самандарлар учун махсус металл асбоблар тайёрлайдиган битта машҳур концерн. *(Ўтирган ўрнидан кимдир: «МЕАСни назарда тутяпсизми?» деди.)* Ҳа, муҳтарам жаноб, МЕАС ҳақида гапиряпман. Бундан ташқари, самандарлар учун арзон, патентлашган озуқа тайёрловчи химия ва озиқ-овқат картели; мавжуд тажрибасига таяниб самандарлар ташиш учун махсус гигиеник резервуарлар ишлаб чиқариш ва патентлаштиришни зиммасига оладиган бир гуруҳ транспорт компаниялари; сотиб олинган жониворларни ташиш пайтида ва шунингдек, иш жойида лат ейиш ёки ўлиш ҳолларини суғурта қилиш билан шуғулланадиган суғурта жамиятлари блоки, ниҳоят, саноат, экспорт ва банклар билан боғлиқ бўлган ва бошқа жиддий мулоҳазага бўриб, атамаслигимиз лозим бўлган айрим шахслар. Бу синдикатнинг ихтиёрида дастлабки пайтларда тўрт юз миллион фунт стерлинг бўлади, дейишимнинг ўзи, жаноблар, етарли бўлса керак. *(Залда жонланиш.)* Мана шу папкада, дўстлар, шу кунларнинг буюк иқтисодий ташкилотларидан бирининг юзага келиши учун имзо чекиш ишигина қолган шартнома ётибди. Бошқарма, жаноблар, сизлардан вазифаси самандарларни рационал кўпайтириш ва эксплуатация қилишдан иборат бўлган бу улкан концернга зарур бўлган ваколатни беришингизни сўрайди. *(Қўрсаклар ва норозилик хитоблари.)*

Марҳамат қилиб, жаноблар, бундай бирлашманинг фойдасини ҳам ҳисобга олиб қўйинг. «Самандар» синдикати самандарлар билангина таъминлаб қолмай, шунингдек, самандарларнинг ҳамма меҳнат қурооллари, озуқаси, яъни, миллиардлаб қўшимча озиқлантирилаётган ҳайвонлар учун жўхори, крахмал моддалар, мол ёғи ҳамда қанд етказиб бериб туради; ундан кейин синдикат самандарларни ташиш, суғурта қилиш, ветеринария назорати ва бошқаларни ўз зиммасига олади, шу билан бирга бу ишларни жуда арзон баҳода, бу ишни монополия қилиб олишни таъминламаса ҳам, ҳар ҳолда, самандарлар савдоси билан шуғулланмоқчи бўлган ҳар қандай рақобатчи корхона устидан мутлақ устунликни таъминлаб турадиган баҳода бажара олади, қани, бирорта одам қўл уриб кўрсин-чи, жаноблар; унинг биз билан рақобати узоққа бормайди: («*Офарин!*» деган хитоблар.) Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. «Самандар» синдикати самандарлар томонидан амалга оширилаётган сув ости ишлари учун ҳамма материалларни етказиб бериб туради; зиммамизда, шунингдек, оғир саноат, цемент, тахта, ёғоч ва гишт ишлари турганининг сабаби ҳам шунда. (*Утирган жойидан кимдир: «Самандарларнинг ҳали қандай ишлаши маълум эмас-ку!» — деди.*) Жаноблар, ҳозирги пайтда ўн-икки минг самандар Сайгон портида янги док¹, пристань ва тўлқин қайтаргичлар қуриш ишлари билан банд. (*Утирган ёрнидан: «Буни бизга айтган эмасдингиз!»*) Ҳа, айтган эмасдим. Бу кенг кўламдаги биринчи тажриба. Бу тажриба жаноблар, олий даражада қаноатланарли натижалар берди. Ҳозир энди самандарларнинг келажагига шубҳаланмасдан қараса ҳам бўлаверади. (*Гулдурос қарсақлар.*)

Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. Бу билан синдикат вазифалари ҳали адо бўлмайди. Синдикат бутун дунё бўйича миллионлаб самандарлар учун иш қидиради. У денгизларни бўйсундиришнинг режа ва умумий планларини ишлаб чиқарди, улкан орзулар ва утопияни тарғиб қилади. Бутун бошли

¹ Портлардаги жема устахоналари.

қитъаларни, трансокеан авиацияси учун сунъий оролларни, океанлар ўртасида барпо этиладиган янги қуруқликларни ўзаро боғлаб турадиган янги қирғоқлар, каналлар ва тўғонларнинг проектларини беради. Инсониятнинг келажаги ҳам шунда. Жаноблар, ер юзининг бешдан тўрт қисмини сув эгаллаб ётибди; бу, шубҳасиз катта территория; планетамиздаги қуруқлик ва денгиз тақсимооти харитасига тузатиш киритиш керак. Биз дунёга денгиз ишчиларини тақдим этамиз, жаноблар. Бу энди капитан ван Тохнинг услуби бўлмайди; марварид ҳақидаги саргузашт эртакни меҳнат гимни билан алмаштирамиз. Икки йўлдан бири: ё майда дўқондор бўлиб қолаверамиз, ёки бунёдкорлик қиламиз; агар биз қитъалар ва океанлар кўламида фикр юрита олмас эканмиз — демак, ўз имкониятларимиз даражасида ўсиб, улғаймабмиз. Бу ерда бир жуфт самандарни қанчага сотиш ҳақида фикр юритдингиз. Мен миллиардлаб самандарлар, ўн миллионлаб ишчи кучи, ер қобиғининг ўзгариши, дунёни қайта яратилиши ва янги геологик даврлар миқёсида фикр юритишимизни истардим. Биз энди келажакдаги Атлантида, дунё океанларига тобора кучлироқ ҳужум қилаётган кўҳна қитъалар, инсониятнинг ўзи бунёд этадиган янги қуруқликлар ҳақида гапиришимиз мумкин. Кечирасиз, жаноблар, бу сизларга бир хом хаёлдек туюлиши мумкин. Ҳа, биз чиндан ҳам Утопия салтанатига қадам босаётимиз. Ҳа, дўстлар, биз унга аллақачоноқ кириб олганмиз! Биз учун фақат самандарлар келажаги ҳақидаги масаланинг техник томонини ўйлаб кўриш қолди. . . (Ўтирган жойдан: «Иқтисодий томонини ҳам!»)

Ҳа! Айниқса, иқтисодий томонини. Жаноблар, энди Компаниямиз миллиардлаб самандарларни ишлата олиши учун кичиклик қилади. Бунинг учун бизда на молиявий ва на сиёсий имкониятлар бор. Агар биз қуруқликлар ва денгизлар харитасини ўзгартира бошласак, бу билан, жаноблар, буюк давлатлар ҳам қизиқиб қоладилар. Бу ҳақда гапирмай қўя қолайлик; синдикатга ҳалитдан бениҳоя мойиллик билдираётган баланд мартабали шахслар ҳақида эслатиб ҳам

ўтирмаймиз. Бироқ, жаноблар, сиз ҳозир маъқуллаб ёки қарши овоз бермоқчи бўлиб турган ишнинг бениҳоя кенг кўлами эътиборингиздан четда қолмасин. (*Давомли ва ҳаяжонли қарсақлар. «Офарин!», «Жуда соз!» хитоблари.*)

Шундай бўлса ҳам, овоз беришдан олдин шу йилнинг ўзидаёқ Тинч океан Экспорт Компанияси акциялари бўйича резерв фонддан жуда бўлмаганда ўн процентдан фойда улашишни ваъда қилишга тўғри келди. Шундан кейин бошқарманинг таклифига акционерларнинг саксон етти проценти маъқуллаб овоз берди, фақат ўн уч проценти қарши чиқди. Шундай қилиб, бу таклиф қабул қилинди. «Самандар» синдикати ҳаётга қадам қўйди. (*Г. Х. Бондини табриклашди.*)

— Жуда ҳам чиройли гапирдингиз, жаноб Бонди, — дея уни мақтаб қўйди кекса Сиги Фейсбергер, — жуда ҳам чиройли. Бироқ айтинг-чи, бу фикр хаёлингизга қандай келди?

— Қандай дейсизми? — деди паришонлик билан Г. Х. Бонди, — Виждоан айтганда, жаноб Вейсбергер, мен бу ишни кекса ван Тох хотираси учун қилдим. У ўз самандарлари билан шунақаям овора бўлиб юардики. . . Агар унинг тара-boys ларини ўлишига қўйиб беришса ёки қириб ташлашса, у бечора нима деган бўларди!

— Қанақа тара-boys улар?

— Анави махлуқ, самандарлар. Энди, маълум қийматга эга бўлганидан кейин уларга жуда бўлмаса, тузукроқ муомала қиладиган бўлишади. Бу махлуқлар, жаноб Вейсбергер, бирорта фантастик ишлаб чиқаришдан бошқа ҳеч нарсага ярамайди.

— Тушунолмадим, — деди Вейсбергер. — Сиз самандарни ҳеч кўрганмисиз ўзи, жаноб Бонди? Мен, масалан, унинг нима эканини билмайман. Айтинг-чи, улар қанақа бўлади ўзи?

— Бунини, жаноб Вейсбергер, сизга айта олмайман. Самандарнинг нималигини мен қаёқдан билай? Билиб ҳам нима қиламан? Уларнинг қанақалигини билиш ҳақидаги масала билан шуғулланишга менда вақт бор дейсизми? Бу синдикатни тузганимиз учун хурсанд бўлишим керак.

САМАНДАРЛАРНИНГ ЖИНСИЙ ҲАЁТИ ҲАҚИДА

Инсон онгининг энг кўп қизиққан машғулотларидан бири — қачонлардир, узоқ келажакда дунё ва инсоният қанақа бўлишини, техника тараққиёти ҳаётда қандай мўъжизалар кўрсатишини, қандай ижтимоий масалалар ҳал қилинишини, фан, жамият тузуми ва бошқалар қанчалик илғорлаб кетишини тасаввур қилишдир. Бироқ бу утопияларнинг кўпчилиги шу мавжуд жамиятдан бирмунча афзалроқ, анча прогрессив ёки жуда бўлмаганда, техника жиҳатидан такомиллашган дунёда жинсий ҳаёт, кўпайиш, севги, никоҳ, оила, аёллар масаласи ва ҳоказолар каби тунчалар қадимий, аммо илгаригичалик кенг тарқалган тартиблар қандай аҳволда бўлиши ҳақидаги масалага бениҳоя қизиқишни назардан четда қолдириб бўлмайди. Поль Адам,¹ Г. Ж. Уэллс, Олдос Хэксли² ва бошқа кўпгина адибларимизнинг шу мавзуга оид асарларини далил келтира миз.

¹ Поль Адам (1862—1920)—Француз реакцион ёзувчиси. Унинг ижодида шаҳватпарастлик мотивлари ва ахлоқсизлик ғоялари илгари сурилган.

² Олдос Хэксли (1894 йилда туғилган)—инглиз буржуа ёзувчиси. «Янги ажойиб дунё» деган утопиясида (1932) келажак одамларини ахлоқсиз кишилар сифатида тасвирлайди.

Муаллиф шу мисолларга таяниб Ер шарининг келажига назар ташламоқчи экан, келажакда самандарларнинг жинсий тартиблари қандай кўринишга эга бўлиши масаласига ҳам тўхталиб ўтишни ўз бурчи деб билади. Бу мавзуга яна қайта мурожаат қилмаслик учун ушбу масалани шу ўринда ҳал қилиб кетиш ниятидадир.

Андриас Шейхцерининг жинсий ҳаёти, асосан, ерда ҳам, сувда ҳам яшайдиган бошқа думли жониворларнинг кўпайиш усулига мос келиши табиий, бу — тўла маънодаги қовушиш сўзи эмас, урғочиси бир неча марта тухум қўяди; тухумдан чиққан болалари итбалиққа айланиб, сувда ривожланади ва ҳоказолар; бу ҳақда исталган табиатшунослик дарслигида ўқиш мумкин. Бу борада Андриас Шейхцериди пайқалган айрим хусусиятларни айтиб ўтамиз, холос.

Г. Больтенинг ёзишича, апрель ойининг бошларида эркаклари ўзларига урғочиларини танлашади, ҳар бир жинсий давр мобайнида эркаги, одатда, бир неча кунгача бир қадам ҳам нари кетмай ўша урғочиси билан бирга бўлади. Бу даврда у мутлақо овқатланмайди. Урғочилари эса, аксинча, очофат бўлиб қолишади. Эркаги сув остида урғочисининг кетидан бошини унинг бошига жипс тутиш мақсадида қувиб юради. Бунга эришгач, у урғочисининг бурнига ёпишиб олади, бу унинг ўзидан нари кетишига йўл қўймаслик учун кўрадиган тадбири бўлса керак. Кейин шу аҳволда донг қотиб қолади. Бошлари билан юқорида айтилган кўйи ёпишиб олиб, таналари ўзаро деярли ўттиз градуслик бурчакни ташкил этади, бу кўринишда иккала ҳайвон қилт этмай сува ҳаёл суриб турганга ўхшайди. Вақт-вақти билан эркаги шунақаям тўлғона бошлайдики, бунда биқини урғочисининг биқинига тегиб кетади, шундан кейин у яна жуфтнинг бурнидан оғзини олмай оёқларини кенг қўйганича қотиб қолади. Урғочиси эса, бу орада йўлида учраган нарсаларни еб бораверади. Агар мазкур ҳолатни шундай дейиш мумкин бўлса, бу ўпишиш бирмунча кунгача давом этади. Баъзан урғочиси овқатнинг кетидан қувиб

кетгудай бўлса, эркаги жон ҳолатда унинг кетидан югуради. Ниҳоят, урғочиси ортиқча қаршилик кўрсатмай қўяди, қочишга ҳаракат ҳам қилмайди. Шу билан икки самандар бир-биридан ажралмаган икки тараша сингари сувда қилт этмай қотиб қолишади. Шунда эркагининг танаси чангак бўлиб қолади ва у сувга бир талай, бирмунча ёпишқоқ сут чиқариб юборади. Кейин ўша заҳоти урғочисини ташлаб, мутлақо ҳолдан тойган ҳолда тошлар остига кириб яширинади, бундай пайтларда унинг оёғи ёки думини кесиб олсангиз ҳам ўзини муҳофаза қила олмайди.

Урғочиси эса, шундан кейин бир қанча вақтгача қимирламайди, сўнгра у кескин эгилиб, орқа чиқарув йўлидан усти шилимшиқ, бир-бирига уланган тухумлар чиқара бошлайди. Бундай пайтлари қурбақалар каби орқа оёқни ҳам ишга соладилар. Тухумлар сони қирқ-элликлар атрофида бўлади. Улар урғочи самандарнинг танасида думалоқ-думалоқ бўлиб осилиб туради. Урғочиси хилватроқ жойга сузиб бориб, тухумларини сув ўтига ёки ҳатто шунчаки, тошларга ёпиштириб кетади. Ўн кундан кейин шу давр ичида эркаги билан қайта учрашмаган ҳолда иккинчи маротаба йигирма-ўттизтагача тухум қўяди; бу тухумлар тўғридан-тўғри унинг орқа чиқарув йўлидан пайдо бўлади шекилли. Одатда, яна етти-саккиз кундан кейин учинчи ва тўрттинчи навбатдаги тухум қўйиш жараёни юз беради, бу учинчи босқичда тухумлар сони ўн беш-йигирма атрофида бўлади. Орадан уч ҳафтача вақт ўтгач, тухумдан бутоқсимон жабрали майда ва ҳаракатчан итбалиқлар чиқади. Бир йилдан сўнг бу итбалиқлар кўпайишга қодир бўлган катта самандарларга айланади.

Энди мисс Бланш Кистемекерс қафасдаги икки урғочи ва бир эркак Андриас Шейхцери устида олиб борган кузатишларини кўриб чиқамиз. Эркаги жуфтлашиш даврида икки урғочидан фақат биттасини танлаб олди ва уни шафқатсиз равишда таъқиб қила бошлади: урғочиси сузиб ўзидан

уда қаттиқ урарди. Урғочисининг овқат ейиши унга ёқмасди, шунинг учун уни овқатдан сиқиб қўйишга ҳаракат қиларди, у урғочисининг эътиборини очикдан-очик ўзига қаратиб олиш ниятида, унга даҳшат соларди. Сут чиқарганидан кейин иккинчи урғочисини ейиш ниятида унга ҳужум қила бошлади; шундан кейин эркагини резервуардан олиб, алоҳида сақлашга тўғри келди. Шунга қарамасдан, иккинчи урғочиси ҳам, ўртача олганда, олтмиш учта уруғланган тухум қўйди. Мисс Кистермекерснинг айтишига қараганда, бутун давр мобайнида учала самандарнинг ҳам орқа чиқарув йўли яллиғланган. Демак, шундай ҳулосага келиш мумкинки деб ёзади мисс Кистермекерс, Андриасда урчиш-қовушиш ёки тухумларга сут қуюлиши йўли билан эмас, балки *жинсий муҳит* деб аташ мумкин бўлган бир жараён оқибатида юзга келади.

Кўриниб турибдики, тухумларни уруғлатиш учун ҳайвонларнинг ҳатто қисқа муддатга бўлса-да, яқинлашуви талаб этилмайди. Бу ҳол ёш тадқиқотчининг бир талай ғалати тажрибалар ўтказишига сабаб бўлди. У урғочи ва эркагини алоҳида жойлаштириб кўрди. Жуфтлашиш вақти келганида у эркагидан сутни чиқазиб олиб, урғочилари турган сувга қўйди. Шундан кейин урғочилари уруғланган тухумлар қўйишни бошлаб юборишди. Кейинги тажрибалар давомида мисс Кистемекерс сутни филтрлаб *сперматозоидлари тўтиб қолинган* суюқликни (кислотаси кам шаффоф суюқлик ҳосил бўлди) урғочилари яшаб турган резервуарга қўйди. Бунинг натижасида урғочилари тахминан элликтадан *тухум қўйишди*, шу билан бирга уларнинг кўпчилиги уруғланган бўлиб чиқди ва нормал итбалиқлар бўлиб етишишди. Худди мана шу ҳол мисс Кистемекерснинг партеногенез ва жинсий алоқа йўли билан кўпайиш ўртасидаги мустақил бўгин ҳисобланган *жинсий муҳитни* кашф қилишига олиб келди. Тухумларнинг уруғланиши, шунчаки муҳитнинг кимёвий ўзгариши оқибатида рўй беради. (Маълум усулда оксидлашга ва шу билан бирга тегишли кисло-

тани сунъий усул билан олишга ҳали ҳам муваффақ бўлиша олгани йўқ. Бу ўзгариш қандайдир бир тарзда эркагининг жинсий функциялари билан боғлиқ. Бироқ бу функцияларга, аслини олганда ҳеч бир эҳтиёж йўқ. Эркагининг урғочиси билан бирлашиши масаласига келсак, бу эҳтимол, Андриас тараққиётининг анча қадимий босқичида сувда ҳам, қуруқда ҳам яшовчи бошқа жониворлар сингари уруғланадиган замонлардан сақланиб қолган бўлеа ҳам ажаб эмас. Мисс Қистемекерсинг ҳақли равишда таъкидлашича, бу қовушиш шунчаки ўзига хос мерос қолган оталик хом хаёлидир, аслини олганда эркаги итбалиқларнинг отаси эмас, балки бирдан-бир урчитувчи куч ҳисобланган жинсий муҳитни юзага келтирувчи, ўзига хос хусусияти бўлмаган химик турткидан бошқа нарса эмас. Бир ҳовузга Андриас Шейхцери самандарларидан юз жуфтини қўйиб, бу ерда юзта алоҳида жинсий яқинлашув юз беради, деб ўйлашимиз мумкин, аслини олганда бу биргина алоқа, тўғрироғи, мазкур муҳитнинг коллектив шаҳвонийлаштирилиши ёки янада аниқроғи, Андриаснинг етилган тухумларидан итбалиқларнинг шаклланиши учун сувни маълум миқдорда оксидлашдир. Борди-ю, бизга номаълум бўлган бу кислота моддасини сунъий йўл билан ишлаб берадиган бўлсангиз, уларнинг эркаги керак ҳам бўлмай қолади.

Шундай қилиб, ажойиб Андриаснинг жинсий ҳаёти бизнингча, Буюк Хомхаёллик бўлиб чиқди. Унинг шаҳвоний эҳтироси, қўшилишга интилиши ва жинсий истибдоди, вақтинча садоқати, қўпол ва суст сурури — буларнинг ҳаммаси қатъий қилиб айтганда, ортиқча, умрини ўтаган, деярли символик бир ҳаракатдир. Бу ҳаракатлар урчитувчи жинсий муҳитнинг яратилишига сабаб бўлувчи аслида қуп-қуруқ уруғланиш жараёни билан бирга содир бўладиган, ёки айтайлик, уни безаб турадиган бир интилишдир. Эркакларнинг бу мақсадсиз, индивидуал френетик кўнгили овлашига урғочиси ғалати эътиборсизлик билан қарайди. Урғочиси бу никоҳ маросимини инстинкт тарзида, шунча-

ки, номигагина деб биладими ёки жинсий жиҳатдан урч-
тувчи муҳит билан ҳамкорлик жараёнига чинакам қовушиш
сифатида муносабатда бўладими, шундан ҳам яққол кўри-
ниб турибди. Андриаснинг урғочиси бу аҳволни яхши ту-
шунади ва унга анча ҳушёр ҳамда шаҳвоний хаёл-
парастликсиз муносабатда бўлади, дейишимиз мум-
кин.

(Мисс Кистемекерснинг тажрибаларини олим аббат
Бонтемпелли ўзининг қизиқ кузатишлари билан тўлдирди.
У Андриаснинг сутини қуритиб, янчиб, урғочилари сақ-
ланадиган сувга қўшди. Бу аҳволда ҳам урғочилари уруғ-
ланган тухумлар қўя бошлади. Эркак Андриаснинг жин-
сий органларини қуритиб янчганида ҳам, уларни спиртда
сақлаганида ҳам, қайнатиб қуйганида ҳам ўша натижани
берди. Урғочилари турган сувга эркагининг сўриб олинган
гипофиз безини ва ҳатто уруғлатиш пайтида тери ости без-
ларидан чиқадиган суюқликни қуйса ҳам унинг тажрибаси
илгаригидай тугади. Бу ҳолларнинг ҳаммасида урғочилар
қуйилаётган суюқликдан аввалига ҳеч бир таъсирланиш-
мади, бироқ аста-секин овқат қидиришни бас қилиб, ҳа-
ракатсиз донг қотиб қолишди, бир неча соатдан кейин эса
ўзларидан ловия катталигидаги қуйқум тухумлар чиқара
бошлашди.)

Кези келганда самандарлар рақси деб аталадиган ғалати
одат ҳақида ҳам эслатиб ўтиш керак (кейинги пайтларда,
айниқса, юқори доираларда одат тусига кирган ва епископ
Хирамнинг фикрича, «шу вақтгача қулоғига чалинган рақс-
лар орасида энг беқиёси «Саламандрдан» назарда тутилаёт-
гани йўқ). Самандарлар рақсининг моҳияти қуйидагича:
ой тўлишган кезлари қирғоққа Андриаслар, шунда ҳам
фақат эркаклари чиқишади (жуфтлашиш давридан бўлак
вақтларда). Улар давра бўлиб ўтириб олишиб, гавдасининг
юқори қисмини қилпиллатиб тўлғона бошлашади. Бундай
ҳаракат қилиш, умуман, йирик самандарларга хос; мазкур
рақс давомида бу ҳаракатга худди зикр тушаётган дарвиш-
лардек жон-жаҳди билан, жазаваси тутиб батамом ҳолдан

тойгунча берилиб кетишади. Айрим олимлар бу шиддат-ла гир айланиш ва депсинишни Ойга сиғиниш деб ҳисоблаб, уни диний маросимлар қаторига қўшишди, бошқалар эса аксинча, бу ҳарактларнинг рақс эканини, моҳияти жиҳатидан шахвоний рақслигини аниқладилар ва биз юқорида гапириб ўтган жинсий ҳаётни акс эттиради, деб тушунтирдилар. Андриас Шейхцерининг урчитувчи кучи эркаги ва урғочиси ўртасидаги умумий ва эгасиз воситачи ҳисобланган жинсий муҳит деб аталмиш бир нарса эканлигини айтиб ўтгандик. Бу эгасиз жинсий муносабатларни урғочилари эркакларига қараганда реалроқ ва осонроқ ўзлаштиришини ҳам айтгандик. Эркаклари ўзларига хос бўлган беихтиёр ғурур ва жанговарлик оқибатида лоақал жинсий устунлик манзарасини сақлаб қолишмоқчи бўлишади ва шунинг учун ҳам улар ошиқлар ролини ўйнашади. Худди мана шу рақслар воситасида, эркакларнинг ўзини Эрлар Гуруҳи деб билишга беихтиёр интилишидан буюк шахвоний хаёлпарастликлардан бўлак нарса эмас. Бу оммавий рақс ёрдамида самандарлар эркакларининг ажодларига хос бўлган бемаъни жинсий шахсиятпарастлиги хом хаёлини тарқатишади, деган фикр ҳам бор; эгилиб букилаётган, сармаст, френетик подалар ўзларининг тантанали никоҳ рақсларини тугаллаб, урғочилари бу орада ҳар хил балиқларни еб-ғажиб юрган ғалати бир вазиятда буюк тўй маросимига қўшилиб кетадиганлари Оммавий Эркак, Коллектив Куёв ва Буюк Уруғлатувчининг худди ўзгинасидир. Самандарларнинг бу тантанасини Эркаклик Принципи рақси деб атаган таниқли олим Чарльз Ж. Ауэлл шундай деб ёзади: «Эркакларнинг бу умумий маросимида наҳотки самандарларнинг ғалати коллективизми асоси ва манбаини кўрсатаётган бўлсак? Агар ҳайвонот дунёсидан чинакам уюшқоқликни излайдиган бўлсак, уни турнинг ҳаёти ва тараққиёти жуфти ҳалоллик асосига қурилмаган ердан тополмаймиз: ари, чумоли ва қирчумолиларини олайлик. Ариларнинг уюшқоқлигини шундай ифодаласа бўлади: «Мен, Она уяси». Самандарлар уюшқоқлиги бутунлай

бошқача ифодаланади: «Биз, Эркаклар Принципи». Уюш-
қоқлик билан баданидаги ҳар бир тешикдан жинсий му-
ҳит чиқиб турган, урғочилари оғушида сахийлик билан
ҳаётни янгиловчи Буюк Эркакларигина бунга алоқадор-
дир. Уларнинг оталиги умумий, шунинг учун ҳам бутун
борлиқлари — умумий ва бирга ҳаракатда акс этади;
урғочиси тухум қўйишни тугатиб, кейинги баҳоргача
бошқалардан алоҳида ёлғизликда яшайди. Жамоа фақат
эркакларидан ташкил топади. Умумий вазифаларни фақат
эркаклари бажаради. Дунёда урғочилари Андриасчалик
иккинчи ўринга ўтиб қолган бошқа турдаги ҳайвонлар
бўлмаса керак, улар жамоа ишига мутлақо аралашмайдилар,
бу ишларга унча қизиқмайдилар ҳам. Эркаклар
Принципли муҳитини химиявий жиҳатдан ўрганиш қийин;
биноқ ҳаётбахшлигидан денгиз сувида бир оз эригани ҳам
урғочи самандар организмга таъсир қилади. Гўё океан-
нинг ўзи эркакка айланиб, қирғоқларда миллионлаб
пуштларни уруғлантиради.

— Агар хўрознинг кеккайишини ҳисобга олмасак, —
дея давом этади Чарльз Ж. Пауэлл, — табиат ҳайвонлар-
нинг кўпчилигида ҳаётини куч устунлигини урғочиларига
берган. Эркаклари ўз ҳаловати учун, ўлдириш учун мав-
жуд бўлади; бу кибру ҳаволи ва мақтанчоқ ягоналар ур-
ғочилари насл қолдириш билан машғул бир пайтда куч-
қувватга тўлади, ўзига хос фазилатларни йўқотмайди.
Андриасда эса (қисман одамларда ҳам) бу нисбат бутунлай
бошқача: эркаклар уюшқоқлигининг ташкил этилиши ва
эрлар бирдамлиги эркакка биологик устунлик бахш этган;
шунинг учун эркаклари бу турларнинг ривожланишини
урғочиларига нисбатан анчагина юқори даражада белги-
лайди. Эҳтимол, тараққиётнинг худди мана шу — фақат эр-
какча йўналиши сабаб бўлиб, Андриасда техник, яъни эр-
какларга хос қобилият шунчалик кучли намоён бўлаётган-
дир. Андриас — оммавий меҳнатга мойил бўлган туғма
техник; бу иккиламчи эркакча жинсий аломатлар, яъни
техникавий лаёқат, бирон нарсани ташкил этишга мойил-

лик Андриасда шундоққина кўз олдимизда шу даражада тез ва муваффақиятли ривожланиб бораптики, агар жинсий детерминантларни шу қадар қудратли ҳаётий факторлар эканини билмасак, бу ўринда табиат мўъжизаси ҳақида сўзлаган бўлардик. Андриас Шейхцери — animal faber¹ ва балки яқин келажақда техника соҳасида инсонлардан ҳам ўтиб кетар, ўтганда ҳам жуда илгарилаб кетар».

¹ Эгчил мавжудот (*лот*).

Иккинчи китоб

ЦИВИЛИЗАЦИЯ БОСҚИЧЛАРИ САРИ

1. ПАН ПОВОНДРА ГАЗЕТА ЎҚИЙДИ

Баъзилар почта маркаларини йиғади, баъзилар эса биринчи чоп этилган китобларни, Г. Х. Бонди хонадонининг швейцари пан Повондра узоқ вақтларгача ҳаёт маънисига етолмай юрди; у узоқ вақтларгача қадимий мақбаралар ва халқаро сиёсат масалалари билан қизиқиб юрди. Бир куни кечқурун кутмаганда ҳаётига мазмун бағишлаши мумкин бўлган нарса маълум бўлиб қолди. Буюк кашфиётлар тўсатдан яратилади.

Ўша кеча пан Повондра газета ўқир, пани Повондрова Франтикнинг пайпоғини ямар: Франтик эса ўзини гўё Дунай дарёсининг чап ирмоқларини ёдлаётгандай кўрсатиб ўтирар эди. Хона шинам ва сокин эди.

— Жинни бўлиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас!.. — тўнғилади пан Повондра.

— Нима бўлди? — деди пани Повондрова игнага ип ўтказаркан.

— Ҳалиям ўша самандарлар, — жавоб берди ота Повондра. — Бу ерда ёзишларича, охириги кварталда улардан етмиш миллионтасини сотишибди.

— Бу жуда кўп-а? — деди пани Повондрова.

— Нимасини айтасан! Онаси, бу жуда катта гап. Етмиш миллион, ўзинг ўйлаб кўргин, — пан Повондра бош чайқаб қўйди. — Одамлар бундан балки мўмайгина пул ишлаб олишгандир. Топган ишларини қара-я! — бир өз

ўйлаб туриб яна қўшиб қўйди: — Мана бу ерда эса қанча қанча жойларда тиним билмай янги ерлар, ороллар бунёдга келтириляётганлари ҳақида гап боради. Мени айтди дерсан, энди одамлар кўнглига келганича қитъалар бунёд этаверади. Онаси, булар улкан ишлар. Бу, мен сенга айтсам, Америка очишга қараганда ҳам каттароқ янгилик.

Пан Повондра бир дақиқагина гапларини ўйлаб олди.

— Янги тарихий давр тушувляпсанми? — деди у. — Ҳа, онаси, биз буюк даврда яшляпмиз.

Орага узоқ жимлик чўкди. Тўсатдан ота Повондра трубкасини бурқситиб чекишга тутинди.

— Менсиз бу ишларнинг биронтаси ҳам амалга ошмасди.

— Қанақа ишлар?

— Самандарлар савдоси-да. «Янги аср» ҳам. Яхшилаб ўйлаб қаралса, ҳеч ким бу ишларни менчалик оёққа қўёлмасди.

Пани Повондра яиртиқ пайпоқдан кўзини узди.

— Бу нима деганинг?

— Гап шундаки, бу капитанни пан Бондининг олдига ўшанда мен қўйиб юборган эдим. Мен пан Бондига кириб айтмаганимда, капитан умр бўйи у билан учрашмаган бўларди. Мен бўлмаганимда бу ишдан ҳеч нарса чиқмасди. Ҳеч нарса!

— Капитан бошқа бирор одамни топиши мумкин эди, — деди пани Повондра.

Ота Повондранинг трубкаси даҳшат билан хўриллади.

— Сен нимани билардинг! Бунақа ишларни фақат Г. Х. Бонди дўндиради. Ахир у, кимданлигини билмайману, бошқалардан узоқроқни кўрса керак. Бошқалар бу ишни тентаклик ёки ҳийла деб билган бўлишарди. Аммо пан Бонди, эҳ-ҳе! У, азизим, ҳид билади!..

Пан Повондра ўйга толди.

— Ўша капитаннинг ўзи... нима эди... ҳа Вантох... кўринишидан оддийгина бир одам эди. Мулойим хўппасемизлардан эди. . . Бошқа швейцар бўлганда унга — ҳа, биродар, йўл бўлсин? Хўжайин уйда йўқ, ва ҳоказолар

деган бўларди. Бироқ мен кўнглимда алданарсани сезиб турардим. Кириб айтмай-чи, дедим мен ўзимча, балки пан Бондидан эшитадиганимни эшитсам керак, шундай бўлса ҳам таваккал, кириб айтаман, дедим. Мен доим швейцарда алоҳида туйғу бўлиши керак, дейман. Баъзан қандайдир бир нусха телефон қилиб баронлардек кириб келади, аслида эса уй холодильникеларини сотиш бўйича агент бўлиб чиқади. Бошқа сафар эса семиз киши кириб келади. Шунда бу ким бўлди экан, деб ўйлайсан.

— Одам таний билиш керак, — дея хулоса қилди ота Повондра. — Кўрдингми, Франтик, одамлар жамиятда оддийгина бир ўринни эгаллашига қарамай, қандай ишларга қодир. Мендан ўрнак олиб, ўз бурчингни мендек ҳамма вақт яхши бажаришга ҳаракат қил.

Пан Повондра ўзининг тантанавор ва ҳаяжон билан айтган сўзларини бош қимирлатиб тасдиқлади.

— Мен капитанни остона ҳатлаб ичкари киришига йўл қўймасдан туриб ўзимни зинама-зина зир қатнашдан қутқазишим мумкин эди. Менинг ўрнимда бошқа швейцар бўлганида эшикни ёпиб оларди. Бу қилмиши билан бутун дунё тараққиётини барбод қилган бўларди. Шу нарса эсингда бўлсин-ки, Франтик, ҳар бир одам ўз бурчини аъло бажарганида бу дунё жаннатга айланган бўларди. Бинобарин, отанг гапираётганида диққат билан қулоқ сол.

— Хўп бўлади, дадажон, — деб мингиллади Франтик бечора бир аҳволда.

Ота Повондра йўталиб қўйди.

— Онаси, менга қайчини узат-чи. Ўзимдан кейин бирор эсдалик қолдириш учун буни газетадан қирқиб олиб қўяй.

Шундай қилиб, пан Повондра газеталардан самандарлар ҳақидаги парчаларни йиғишга тушди. Биз унинг ҳафсала билан тўплаган кўпгина коллекционерлик материаллари учун миннатдор бўлишимиз керак. Чунки у бўлмаганда бу материаллар бир умрга унутилган бўларди. У самандарлар ҳақида матбуотда учраган барча нарсаларни ке-

сиб олиб қўярди. Яшириб ўтирмаймиз, бирмунча иккиланишлардан сўнг у ўзининг севган кафесида самандарлар ҳақида бирор нарса чиққан газеталарни ўмаришни бошлаб юборди. Бу камёб санъат соҳасида шунақанги маҳоратга эришдики, ҳатто обер-кельнернинг кўзи олдида ҳам газетанинг керакли саҳифасини аста суғуриб чўнтагига солиб кетаверадиган бўлиб қолди. Маълумки, ҳар қандай коллекционер ҳам коллекциясини янги нусха билан бойитиш йўлида ўғрилиққа, ҳатто қотилликка ҳам қўл уриши мумкин ва бу ишни у маънавий қиёфасига зиғирча ҳам доғ деб билмайди.

Энди унинг ҳаёти мазмунли ўта бошлади, чунки бу энди коллекционер ҳаёти эди. У оқшомлари газета парчаларини тартибга солар, уларни қайта-қайта ўқир экан, хотини унга мулоҳим тикилиб ўтирарди. Пани Повондрова ҳар бир эркакнинг қисман тентак, қисман гўдак бўлишини яхши биларди; пивохоналарда дайдиб юргандан, картабозлик қилгандан жўра, яхшиси, ўз газеталарини эрмак қилиб ўтираверсин. У ҳатто жавондан эрининг коллекцияси йиғилган қўлбола қутилари учун жой ҳам берди. Бир аёл ва уй бекасидан бундан ортиқ нимани ҳам талаб қилиб бўларди?

Ҳатто бир куни пан Повондранинг самандарларга тааллуқли барча масалалар бўйича энциклопедик билимга эгалиги Г.Х. Бондини ҳам лол қолдирди. Пан Повондра самандарлар ҳақида қаерда нима босилаётган бўлса, ҳаммасини тўплаб бораётганини ийманибгина айтди-да, кейин қутиларини кўрсатди. Г. Х. Бонди меҳрибонлик билан унинг коллекциясини мақтаб қўйди. Ҳа, фақат буюк одамларгина шунақа мурувватли бўлишади. Фақат эътиборли кишиларгина бошқаларни хушнуд эта олишади ва бунинг уларга ортиқча қийинчилиги ҳам бўлмайди; бу каби улур жаноблар, умуман, кишининг кўнглига йўл топишни билишади. Масалан, пан Бонди, самандарлар ҳақидаги архивда сақлашга ярамайдиган барча газета парчаларини «Самандар» синдикати канцеляриясидан пан Повондрага юборишни буюрди. Бундан хурсанд бўлиб, бир оз гангиб қолган По-

вондра ҳар куни дунёдаги барча тилларда ёзилган даста-даста ҳужжатлар ола бошлади; булар ичида унинг алоҳида эътиборини қозонганлари славян ва грек ҳарфларида босилган, шунингдек, яҳудий, араб, хитой, бенгал, тамил, ява, бирма, таълик ёзувларида чиққан газеталар бўлди.

— Буни қара-я,— деди у газеталарга маҳлиё бўлиб,— мен бўлмасам буларнинг ҳеч қайсиси бўлмасди!

Юқорида айтиб ўтганимиздек, пан Повондранинг коллекцияси самандарларга алоқадар барча маълумотларни сақлаб қолди. Бироқ бу маълумотларни тарихнавис олимни қизиқтирадиган даражада эди, деб бўлмасди. Энг аввало, пан Повондрада ёрдамчи тарихий фанлар бўйича билим ва архив ишлари методологиясига хос махсус маълумот етишмасди. Натижада у ўз парчалари манбаини ҳам, самасини ҳам кўрсатмади. Шунинг учун ҳам у ёки бу ҳужжатиинг қачон ва қаерда чоп этилгани бизга номаълум бўлиб қолаверди. Иккинчидан, материалларнинг ҳаддан ташқари кўнлиги тўфайли пан Повондра ўзи муҳимроқ, деб билган катта мақолаларнигина сақлаб қолган ва қисқа хабарлар ҳамда телеграф ахборотларини у шунчаки, кўнмир яшишга ташлаб юбораверган. Бунинг натижасида ўша давр ҳақида аниқ маълумотлар ва хабарлар жуда ҳам кам сақланиб қолган. Учинчидан, бу ишга пани Повондра ҳам салмоқли ҳисса қўшиб турган: пан Повондранинг қутулилари ҳаддан ташқари тўлиб-тошиб кетганида, хотини уларнинг бир қисмини аста олиб чиқиб ёқиб юборарди; бу иш йилига бир неча маротаба такрорланарди. Пани унчалик кўн учрамай-диган материалларни, масалан, малабар, тибет ёки кепт ёзувларида босилган текстларнигина омон қолдирарди; бу парчалар деярли тўлалигича сақланиб қолган; бироқ бу маълумотларда етишмовчи жойлари бўлгани учун улардан фойда йўқ. Шундай қилиб, самандарлар тарихи бўйича кўлимизда йиғилган материаллар эрамининг XVIII асрида яратилган ердан фойдаланиш ҳақидаги китоблар ёки шоира Сафонинг асарлар тўплами каби парча-пурчалиги билан ажралиб туради. Ўша буюк жараённинг турли моментларига

тааллуқли аниқ-маълумотлар бизгача тасодифан етиб келган ва биз улардаги етишмовчиликларга эътибор бермаган ҳолда бу материалларни «Цивилизация босқичлари сари» сарлавҳаси остида бирлаштиришга ҳаракат қиламиз.

2. ЦИВИЛИЗАЦИЯ БОСҚИЧЛАРИ САРИ

(Самандарлар тарихи)¹

Г. Х. Бонди Тинч океан Экспорт Компаниясининг ўша унутилмас умумий мажлисида пайғамбарларча башорат қилиб, тарихий утопия² давридаги жараёнларни бир замонлардагидек асрлаб ёки ўн йиллаб ўлчаб бўлмайти, балки кварталлар якуни сифатида чиқувчи иқтисодий обзорлар тарзида, йил чораклари сифатида ҳисоблашимиз мумкин, деди³.

Ўша даврда тарих, — агар шундай дейиш жойиз бўлса, — ниҳоятда кенг миқёсда ишлаб чиқиляётган эди; шунинг учун ҳам тарих суръати ҳаддан зиёд (тахминан беш баро-

¹ Қаранг: G Kreuzmann, Geschichte der Molche. Hanz Tietze Der Molch des XX. Jahrhunderts. Kurt Wolf, Der Molch und das deutsche Volk. Sir Herbert Owen, The Salamanders and the British Empire. Giovanni Focaja, L'evoluzione degli anfibi durante in Fascismo. Leon Bonnet, Les Urodeles et la Societe des Nations. S. Madariaga, Las Salamandras y la Civilizacion va кўпгина бошқалар.

(Г. Крейцман, Самандарлар тарихи; Ганс Тиеце, XX аср самандари; Курт Вольф, Самандарлар ва немис халқи; сэр Герберт Оуян, Самандарлар ва Британия империяси; Жованни Фокажа, Фашизм давридаги ерда ҳам сувда яшовчилар эволюцияси; Леон Бонне, Ерда ҳам сувда яшовчилар ва милаглар лигаси; С. Мадариага, Самандарлар ва цивилизация).

² Қаранг: Самандарлар билан жанг, I қисм, XII боб.

³ Фикримизнинг исботи тариқасида пан Повондра коллекциясидан биринчи парчаи келтирамиз:

САМАНДАРЛАР БОЗОРИДА

(ЧТА) «Самандар» синдикати квартал охирида эълон қилган сўнги ахборотга кўра, самандарларни сотиш ўттиз процентга кўпаяди. Уч ой мобайнида деярли етмиш миллион самандар, хусусан, Жанубий ва Марказий Америкага, Ҳинди-Хитойга ва Италия Сомалисига сотил-

бар) тезлашиб кетди. Ҳозир биз воқелигимизда яхши ёки ёмон ишларни шунчаки бир неча юз йиллаб кутиб туролмай-миз. Масалан, халқларнинг бирор жойга кўчиб ўтиши қачонлардир бир неча асрлар давом этган бўлса, транспортнинг ҳозирги тараққиёт босқичида нари борса уч йилда тугалланган бўларди; акс ҳолда бундай транспортдан фойда бўлмайди. Рим империясини бартараф қилиш, янги очилган қитъаларни мустамлакалаштириш ҳиндуларни қириш ва ҳоказо ишлар ҳам шунга боғлиқ. Агар бу ишлар молиявий жиҳатдан қудратли корхоналарга топшириладиган бўлса, улар беқиёс суръатлар билан амалга оширишлари мумкин. Бу жиҳатдан «Самандар» синдикатининг улкан ютуқлари ва унинг дунё тарихидаги буюк нуфузи, шубҳасиз, келажак авлодга йўл кўрсатажак.

Шундай қилиб, самандарлар тарихи аввал-бошданок, яхши ва оқилона уюштирилиши билан характерланади. Бу ўринда «Самандар» синдикатининг хизмати катта бўлди. Айни вақтда шуни ҳам тан олиш керакки, самандарларнинг ҳаддан ташқари кўп тарқалишига ва тараққиётига фан, филантропия, маърифат, матбуот ва бошқа омиллар ҳам озмунча таъсир кўрсатмади. Лекин худди шу «Самандар» синдикати, бу ишларга тўсқинлик қилаётган кўпгина қийинчиликларни енгишга тўғри келса-да, самандарлар учун кундан-кунга янгидан-янги соҳил ва мамлакатларни очиб

ди. Яқин орада Панама канални чуқурлаштириш ва кенгайтириш Гуаякил гаванини тозалаш, Торресов бўғозидаги саёзлик ва сув ости қояларни йўқотиш кўзда тутилмоқда. Шу ишларнинг ўзи тахминий ҳисобга кўра, тўққиз миллиард куб метр қаттиқ жинсларни олиб ташлашни талаб қилади. Мадера—Бермуда ҳаво йўлидаги талайгина авиация ороллари қурилиши келгуси баҳорда бошланиши керак. Япония қўл остидаги Мариан оролларида деңгизга тупроқ тўкиш ишлари давом этяпти; ҳозиргача бу йўл билан Тиниан ва Сайпан ороллари ўртасидаги енгил қуруқлик деб аталган саққиз юз қирқ минг акр янги ер барпо қилинди. Самандарларга бўлган эҳтижнинг ўсиб бораётгани муносабати билан уларнинг баҳоси қатъий турибди; белгилинган нарх: «лидинг» га—61, «тим» га—620. Етарлича запасимиз бор.

берди.⁴ «Самандар» синдикатининг квартал ҳисоботига қараб, самандарларнинг аста-секин ҳинд ва хитой портларига қандай қилиб кириб бораётганини кузатиш мумкин; шунингдек, мустамлакачиликнинг Африка қирғоқларини қамраб олиб, Америка қитъасига ҳатлаб ўтаётгани, бунинг устига Мексика қўлтиғида янги, энг такомиллаштирилган инкубаторлар ташкил этилаётгани ҳам шу ҳисоботлардан маълум. Мустамлакачиликнинг бу кучли тўлқинлари билан бир қаторда, турли жойларга келажакдаги экспортнинг авангардлик ролини ўйновчи кичик-кичик гуруҳ самандарлар жўнатилади. Масалан, «Самандар» синдикати голланд сув ости иншооти бошқармасига мингта олий тур самандарларни совға қилиб юборди. Марсель шаҳрига Эски Гаванни тозалаш учун шу синдикат олти юз самандар тортиқ қилди ва ҳоказолар. Қисқаси, Ер шарига одамларнинг ёйилишига нисбатан самандарлар тарқатиш иши планли равишда, кенг кўламда олиб бориларди. Агар бу иш табиатнинг ўзига қўйиб берилганида, эҳтимол, юзлаб ва минглаб йилларга чўзилиб кетармиди; чиндан ҳам табиат инсон саноати ва савдоси сингари эпчил ва тежамкўр бўлмаган Самандарларга бўлган эҳтиёж уларнинг серпуштлигига ҳам таъсир қилди шекилли; урғочиларининг ўртача

⁴ Масалан, газетадан кесиб олиб числоси кўрсатилмаган қуйидаги хабар шу хил қийинчиликлар ҳақида гувоҳлик бериб туради:

АНГЛИЯ САМАНДАРЛАРГА ЎЗ ЧЕГАРАЛАРИНИ БЕРКИТДИ

(Рейтер) Умум палата аъзоси мистер Ж. Лиденинг саволига бугун сэр Сэмюэль Мендевилль жавоб бериб: ҳазрати олийларининг ҳукумати Сувайш каналидан самандарлар ташишни таъқиқлади, деди; ҳукумат ҳатто битта ҳам самандарни Британ ороллари сувларида ёки қирғоқларида ишлашига руҳсат этмоқчи эмас. Сэр Сэмюэлни айтишича, бундай чора кўрилаётганини сабаби, биринчидан, Британия қирғоқларининг хавфсизлиги бўлса, иккинчидан, қул савдосини таъқиқловчи эски қонун ва шартномалардир.

Сэр Сэмюэль парламент аъзоси мистер Б. Расселнинг саволига жавоб бериб, бу тартиб британ доминионлари ва мустамлакаларига тааллуқли эмас, деди.

маҳсулдорлиги йилига юз эллик итбалиққача кўпайди. Самандарларнинг акулалар сабаб бўлиб доимий равишда бирмунча камайиб туришига мутлақо барҳам берилди, чунки самандарларни ваҳший балиқлардан сақлаш учун уларнинг ўзларини сув ости тўппончалари ва «дум-дум» ўқлар билан қуроллантирилди⁵.

Самандарларни тарқатиш иши ҳамма ерларда ҳам кўнгилдагидек бормасди. У ер-бу ерда консерватив доиралар инсон меҳнатига нисбатан инсофсиз конкуренция бўлади, деб янги ишчи кучини олиб киришга қаттиқ қаршилиқ кўрсатишарди⁶.

⁵ Бу мақсадларда, деярли ҳамма ерда инженер Мирко Шафранек ихтиро қилган ва Брно қуролсозлик заводида ясалган тўппончалар ишлатиларди.

⁶ Навбатдаги газета хабарига мурожаат қиламиз:

АВСТРАЛИЯДА ИШ ТАШЛАШ ҲАРАКАТЛАРИ

(Гавас) Австралия тред-юнионларининг йўлбошчиси Гарри Макнамара порт ва транспорт, шунингдек, электростанция ва бошқа корхона хизматчиларининг умумий иш ташлашини эълон қилди. Тред-юнионлар ишчи самандарларни Австралияга олиб келинишини муҳожирлик ҳақидаги қонунлар асосида қатъий чекланишини талаб қилишди. Австралия фермерлари эса, аксинча самандарлар овқатига талабнинг зўрайиши оқибатида маҳаллий жўхори, мол ёғи, хусусан, қўй ёғининг анчагина яхши кетаётгани сабабли самандарларни чекланмаган миқдорда олиб келишга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳукумаг уларни ўзаро келиштиришга

уринмоқда. «Самандар» синдика-ти ҳар бир келтирилган самандар учун тред-юниончиларга олти ишлангандан ваъда қилапти. Ҳукумаг самандарларининг сув ости ишлари билан банд бўлиши ва (ахлққ юзасидан) сувдан қирқ сантиметр юқори, яъни кўкракларидан баланд чиқмасликларини гарантланишга тайёр. Тред-юнионлар ўн икки сантиметрдан юқори чиқмасин, деб туриб олиш-япти. Шу билан бирга ҳар бир самандар учун ўн шиллингдан мавжуд рўйхат таърифи бўйича тўланишини талаб қилишяпти. Афтидан, давлат молия бошиқармаси ёрдамида ўзаро келишиб олинар.

Баъзилар самандарлар денгиз ҳайвонот дунёсининг майда турлари билан озиқлангани сабабли балиқчиликка путур етказди, деган хавотирда эдилар. Бошқа одамлар эса самандарлар ўзларига сув ости уялари ва йўллар қуриш мақсадида қирғоқни ва орол заминини кавлаб ташлашади дерди. Очигини айтганда, самандарларни эҳтиёт бўлиб ишлатиш керак дегувчилар ҳам йўқ эмас. Бироқ қадим замонлардан бери ҳар қандай янгилик, тараққиётга хизмат қилувчи ҳар бир нарса қаршилиқларга учраган ва шубҳа остига олинган. Фабрика машиналари ҳам шундай бўлган, бу аҳвол самандарларнинг ҳам бошига тушди.

Баъзи ерларда бошқа хилдаги англашилмовчиликлар ҳам юз берди⁷. Бироқ самандарлар савдосининг буюк

⁷ Пан Повондра коллекциясидан келтириляётган навбатдаги қизиқ бир ҳужжатга эътибор беирнг:



САМАНДАРЛАР 36 ТА
ЧЎКАЁТГАН КИШИНИ
ҚУТҚАРИШДИ

(ўз мухбиримиздан)

Мадрас, 3 апрель.

«Индиан Стар» линиясида қатновчи пароход Мадрас портида қирққа яқин маҳаллий аҳоли тушган қайиқни сувга ботириб юборди. Полиция катерни ишга солгунча портни тозалаётган са-

мандарлар чўкаётганларга ёрдам беришди ва ўттиз олти кишини қирғоққа эсон-омон олиб чиқишди. Битта Самандар уч аёл ва икки болани қутқазди. Кўрсатган бу жасоратлари учун самандарлар маҳаллий ҳукуматдан сув

истиқболи ва шунингдек, бу билан боғлиқ бўлган йирик эълонлардан тушадиган даромадларни тўғри баҳолай олган дунё матбуотининг ёрдами билан самандарларни қўллаш, кўп ҳолларда маъқуллаш ва уларга ўта қизиқиш, баъзан ҳатто завқ-шавқ билан қарши олинди.⁸

Ўтмас қутига солинган ташаккурнома олишди. Бироқ маҳаллий аҳоли самандарларнинг чуқаетган одий ирқ кишиларига қўл тегишиганидан ниҳоятда газабландилар. Уларнинг фикрича, «самандарлар «нопок» махлуқ, уларга яқин келиб бўлмайди». Портда маҳаллий кишилардан бир неча минг-

ги тўпланиб, самандарларни бу ердан ҳайдаб чиқаришни талаб қилдилар. Полиция тартиб ўрнатишга муваффақ бўлди; маълум бўлишча уч киши ўлган ва йигирма киши қамоққа олинган. Кечаси соат ўнларга бориб тинчлик ўрнатилди, Самандарлар ўз ишларини давом эттиришмоқда.

⁸ Қуйидаги қизиқ, афсуски қайси тилдалиги аниқланмаган ва ҳа-лига қадар таржима қилинмаган газета парчасига эътибор беринг.

Saht na kehri te Salaam Ander bwtat

Saht gwan t'lap ne Salaam Ander
bwtati og t'cheni bechri ne Simbwana
m'bengwe ogandi sũkh na moimoi op-
wana Salaam Andersri m oana gwen's.
Og di limbw, og di bwtat na Salaam
Ander kehri p we ogandi p we o'g-
wandi te ur maswali sũkh? Na, ne ur
lingo t'islami kcher oganda Salaam
Andrias sahti Bend op tonga kehri Sim-
bwana mehd, salaam!

Самандарлар савдоси асосан «Самандар» синдикати қўлида марказлашган. Синдикат самандарларни суюқ юк ташувчи махсус хусусий кемаларда ташийди. Сингапурдаги «Самандарлар уйи» савдо маркази ва самандарларнинг ўзига хос биржаси ҳисобланади.


«Газетхон бунақанги хабарларни ўз газетасининг иқтисодий бўлимида пахта, қалайи ёки буғдой нархлари ҳақидаги телеграммалар орасида ҳар куни кўриши мум-

«E.W.5 октябрь» деб белги қўйилган бу савдони батафсил ва ҳизмат-сонна баёни қуйидагича:

S-TRADE

Singapore 4. october

<i>Leading</i>	<i>63.</i>	<i>Odd Jobs</i>	<i>26.35.</i>
<i>Heavy</i>	<i>317.</i>	<i>Trash</i>	<i>0.08.</i>
<i>Team</i>	<i>648.</i>	<i>Spawn</i>	<i>80-132.</i>



кин. Сиз бу сирли рақам ва сўзлар маъносини аллақачон билиб олгандирсиз, албатта? Ҳа, тўғри, бу самандарлар савдоси ёки S—Trade дан иборат. Бироқ бу савдонинг аниқ қиёфасини китобхонларнинг кўпчилиги яхши тасаввур қилишолмайди. Балки буни савдогарлар тропик шлём кийиб ёки салла ўраб олган ҳолда айланиб юриб, қатор қўйилган молларни кўздан кечирадиган ва ниҳоят бир қадди қомати келишган, соғлом ёш самандарни кўрсатиб: «Менга мана бунисини беринг. Қанча туради?» дейдиган, минглаб самандарлар гиж-гиж бўлиб ётган бозор сифатида тасаввур қилишса керак».

Аслида самандарлар савдоси бутунлай бошқа усулда олиб борилади. Сингапурдаги S — Trade мармар қасрида сиз бирорта ҳам самандар учратмайсиз. У ерда оппоқ костюм кийган, эпчил, башанг хизматчилар юришади. Улар телефон орқали буюртма қабул қилишади: «Ҳа, сэр! Leading самандар олтмиш уч доллар туради. Қанча? Икки юзта? Хўп бўлади, сэр. Йигирмата Heavу ва бир юз саксонта Team. О key, тушундим. Порохад билан беш ҳафтада етказиб берамиз. Right? Thank you, sir!¹ Телефон қўнвиروқларидан бутун S — Trade қасри ларзага келади; бу жой бозордан кўра кўпроқ қандайдир министрлик ёки банкка ўхшайди; шу билан бирга, олд томонига Ионяча устунлар ишланган бу оппоқ, кўркам бино, Хорун-ар-Рашид замо-нидаги Бағдод бозоридан кўра кўпроқ йирик жаҳон бозорига ўхшайди.

Энди боя мисол келтирган савдо бюллетени ва унинг ўзига ҳос жиҳатлари ҳақида гапирайлик.

Л и д и н г — бу тур махсус танланган, зиёли, одатда уч яшар самандарлардан иборат. Улар самандарларнинг ишчи колонналарини назорат қилишга ёки ишбошилиқ ва-зифасини бажаришга ўргатилган бўлади. Бундай самандарлар, вазнидан қатъи назар, доналаб сотилади; уларнинг фақат зиёлилиги қадрланади. Инглиз тилида яхши гаплаша

¹ Тўғри келадими? Раҳмат, сэр! (Инглиз.)

оладиган сингапур лидинглар энг моҳир ва энг иншончили-
лари ҳисобланади. Ишбоши — самандарлар, яъни капитан
— самандарлар ҳам, Малайя оқсоқоллари, старшина-
лар деб аталадиган инженер самандарлар ҳам доналаб со-
тилади. Бироқ лидинглар ҳаммасидан юқори баҳоланади.
Шу кунларда уларнинг бир донаси олтмиш долларга яқин
туради.

Х э в и — булар гавдаси оғир атлетикага мос келувчи,
одатда икки яшар, вазни юз - юз йигирма фунтгача бўлган
самандарлардир. Улар фақат олтита-олтита қилиб (*body*
деб аталадиган) командалар тарзида сотилади.
Бу самандарлар қояларни кўпориш, улкан тошларни кў-
чириш ва шунга ўхшаш энг оғир жисмоний ишларни ба-
жаришга ўргатилган бўлади. Юқорида келтирилган бюл-
летенда «Хэви—317» деб ёзилган бу — олтита оғир вазли
самандардан иборат бўлган (*body*) командаси учун уч юз ўн
етти доллар тўланиши лозимлигини билдиради. Ҳар бир
бундай командага ишбоши ва назоратчи сифатида бир ли-
динг қўшиб берилиши шарт.

Т и м — булар вазни саксондан юз фунтгача бўлган ва
фақат дружина («тим») лар тарзида йигирматадан сотилади-
ган оддий ишчи самандарлар; улар оммавий ишларга мўл-
жалланган бўлиб, асосан, тепаликлар, дамбалар ёки шунга
ўхшаш иншоотларда ер қазииш ишларини бажаради. Бун-
дай ҳар бир тимга биттадан лидинг қўшиб берилади.

О д д - ж о б с — мустақил тоифа бу самандарлар у ёки
бу сабабларга кўра, масалан, катта ва махсус жиҳозланган
самандар фермаларида боқилмагани учун, махсус малакага
эга эмас. Булар, аниқроқ қилиб айтганда, анча қобилиятли
бўлишларига қарамай, ярим ёввойи ҳисобланади. Уларни
доналаб ёки дюжиналаб сотиб олишади ва бутун бошли
команда ёки дружиналарни юбориш ноқулай бўлган
турли ёрдамчи ва майда-чуйда ишларни бажаришда фой-
даланилади. Агар лидингни самандарлар орасида элита
десақ, одд-жобсни майда пролетариат билан тенглаштира
бўлади. Ишбилармонлар кейинги пайтда уларни кўпроқ

хом ашё сифатида сотиб олиб, ўзларича лидинг, хэви, тўм ва трэшларга ажратиб ўргатадиган бўлишиди.

Т р э ш ё к и б р а к (ташландик, чиқит) — булар сифатсиз, заиф ёки жисмоний жиҳатдан камчилиги бўлган самандарлар; уларни доналаб ёки тўда-тўда қилиб эмас, балки кўтарасига, вазнига қараб, одатда, бир неча ўн тонналаб сотишади; самандарларнинг бир кило тирик вазнидагиси ҳозир етти центдан ўн центгача туради. Сирасини айтганда, улар нимага керак ва уларни нима учун сотиб олишади—маълум эмас; эҳтимол, сувда бажарилиши керак бўлган енгил-елпи ишлар учун олишса керак. Англашилмовчиликнинг олдини олиш мақсадида самандарлар гўштининг инсон истеъмолига ярамаслигини эслатиб ўтмоқчимиз. Трэшни кўпроқ хитой савдогарлари сотиб олади; уларни қаёққа жўнатишлари бизга қоронғи.

С п а у н — шунчаки самандарлар тезаги, аниқроғи, бир ёшгача бўлган итбалиқлари. Уларни юзталаб сотиб олишади; асосан, арзонлиги ва кира харажатларининг камчиқимлигидан уларнинг бозори чаққон. Уларни олиб борган ерларида ишга яроқли бўлгунларига қадар ўргатишади. Ҳар куни сувдан чиқиб туриши шарт бўлган катта самандарларнинг акси ўлароқ, итбалиқлар доим сувда юриши керак; шунинг учун ҳам спаунни бочкаларда ташишади. Кўпинча спаунлар орасидан лидингларнинг ўта истеъдодлилари чиқиб қолади, мана шу ҳол спаунларга оид савдо битимларида ўзига хос қизиқиш уйғотиб туради. Ўта истеъдодли самандарларни кейинчалик биттасини бир неча юз доллардан сота бошлашди; Америка миллионери Деникер тўққиз тилда бемалол гаплаша оладиган самандар учун икки минг доллар тўлаб, уни махсус пароходда Майамига жўнатибди: жўнатишнинг ўзи унга деярли йигирма минг долларга тушибди. Кейинги пайтларда самандар итбалиқларини, асосан, самандарлар отхонаси деб аталадиган жой учун сотиб олишадиган бўлди. У ерда чаққон, спортчи самандарларни саралаш ва машқ қилдириш ишлари олиб борилади; уларни чиғаноқ шаклида ишланган ости ясси

қайиқларга учта-учтадан қилиб қўшишади. Чиганоққа қўшилган самандарлар пойгаси ҳозирги кунда жуда кўп расм бўлган ва бу нарса Палм-Бич, Гоголулу ҳамда Куба қизларининг сеvimли эрмаги ҳисобланади; уларни «Три-тонлар пойгаси» ёки «Зухро регатаси» дейишади. Денгиз сатҳида сузиб борувчи қушдек енгил, безатилган чиганоқда ниҳоятда чиройли чўмилиш кийимидаги пойгачи қиз уч самандарнинг ипак тизгинини тутганича учиб боради; Зухро унвони мукофот бўлиб хизмат қилади. «Консервалар қироли» деб ном олган мистер Ж. С. Тинкер ўз қизи учун Посейдон, Хенгист ва қирол Эдуарддан иборат пойгачи самандарлар тройкасини ўттиз олти минг доллардан қимматроққа сотиб олди. Натижада бутун дунё лидинг, хэви ва тимлар билан тўлиб кетди.

* * *

«Юқорида биз самандар фермалари ҳақида гипириб ўтган эдик. Китобхон буни ҳовлиларга ажратилган катта-кон питомник сифатида кўз олдига келтирмасин; бу — шунчаки бир неча километрга чўзилган яйдоқ қирғоқ, навнусха тунукалардан қурилган беш-олтита уй, холос: бу уйларнинг бири бошқарувчига, иккинчиси ветеринарга, қолганлари эса хизматчиларга берилган. Сув камайган пайтлардагина қирғоқ яқинида бир қанча бассейни кўриш мумкин; бири итбақиқлар учун, бошқа бири лидинглар ва ҳоказолар учун; самандарлар тоифасига қараб алоҳида овқатлантирилади ва ўргатилади. Бу ишнинг униси ҳам, буниси ҳам кечаси олиб борилади.

Самандарлар қоронғи тушиши билан сув остидаги инларидан қирғоққа чиқиб, ўзларининг истеъфодаги солдат ўқитувчилари атрофида тўпланишади. Биринчи дарс — тилдан; ўқитувчи самандарларга ҳар хил сўзларни таржима қилиб беради, масалан: «ковламоқ», бу сўзни у кўргазмали равишда тушунтириб беради. Кейин уларни тўрттадан сафга тизиб юришга ўргатади; шундан кейин ярим соат

гимнастика қилдиради, машғулотлар тугагач, улар сувга тушиб дам олишади. Танаффусдан кейин самандарлар ҳар хил асбоб ва қуроллардан фойдаланишга ўргатилади; шундан сўнг улар уч соат ўқитувчилари назоратида тегишли сув ости ишларини бажариб, амалий ишлар билан шуғулланишади. Дарслар тугагач, ўзлари учун жўхори унидан ёғда пиширилган сухари олишади; лидинг ва вазндор самандарларга қўшимча гўшт ҳам берилади. Дангаса ва сўзга кирмайдиганлари оч қолдириб жазолашади; жисмоний жазолар ишлатилмайди; шуниси ҳам борки, самандарлар жисмоний дардни, оғриқни сезмайдилар. Кун чиқиши билан самандарлар фермасида сукунат бошланади: одамлар уйқуга ётади, самандарлар эса денгизга тушиб, ғойиб бўлади.

Бу тартиб йилига икки марта бузилиб туради. Биринчиси — жуфтлашиш даври самандарлар бу пайт икки ҳафта ўзлари билан ўзлари овора бўладилар. Иккинчиси, фермага «Самандар» синдикатининг суюқлик ташийдиган кемалари келганида; бунда бошқарувчига қайси категориядаги самандарлардан қанча юклаш ҳақида буйруқ олиб келинади. Самандарларни кемага тунда ортишади; кема офицери, ферма бошқарувчиси ва ветеринар чироқ ёқиб қўйилган стол атрофида ўтиришади, қоровуллар ҳамда кема командаси самандарларни денгиз томонга ўтказмай туришади. Самандарлар бирин-кетин стол ёнига келиб, кўрикдан ўтишади ва уларнинг ишга яроқли-яроқсизлиги аниқланади.

Сараланган самандарлар қайиқда кемага жўнатилади. Самандарлар бу ишни ўз ихтиёрлари билан, яъни, одатдаги қатъий буйруққа бўйсунган ҳолда бажаришади; жуда кам ҳолларда, масалан, бўйнидан боғлаш каби енгил чоралар кўришга тўғри келади. Спаун, яъни итбалиқлари шунчаки тўр билан тутилади.

Самандарларни суюқлик ташийдиган кемаларда маълум жойга етказиш ишлари ҳам худди шу хилда эҳтиётлик ва покизалик билан олиб борилади. Улар турган идишдаги сув кун ора насослар ёрдамида алмаштирилади; самандар-

лар яхши боқилади. Ташиш пайтида ўн процентга яқини ҳалок бўлади. Жониворларни ҳимоя қилиш Жамияти илтимосига кўра ҳар бир кемага биттадан капеллан қўйилади. Унинг вазифаси самандарларга яхши муомала қилишларини кузатиб туриш, уларни инсонга ҳурмат ва миннатдорчилик руҳида тарбиялаш, оталарча ғамхўрлик қилувчи эгаларига итоаткор ва меҳр-оқибатли бўлишни ўргатишдан иборат. Шунини ҳам айтиш керакки, самандарларда ота деган тушунча бўлмагани учун «оталарча ғамхўрлик»нинг нима эканини тушунтириш қийин эди. Анча тараққий этган самандарлар орасида кема капелланларига «Папа самандар» деган лақаб қўйиш расм бўлди. Самандарларни ташиш пайтида уларга намойиш этиладиган, бир томондан, инсоний техника мўъжизаларини, иккинчи томондан — самандарларни келажакдаги вазифалари ва бурчларини ҳикоя қиладиган илмий-маърифий фильмлар тўла ижобий натижа берди.

Самандарлар савдосига қул савдоси деган маънони берадиган одамлар ҳам бор экан. Бу нима деган гап! Холис кузатувчилар сифатида биз шунини айтишимиз керакки, агар эски қул савдоси ана шундай яхши ташкил этилганида, покизалик жиҳатидан ҳозирги самандарлар савдосидагидек кам-кўстсиз бўлганида, биз қулларни фақат табриклаган бўлардик. Капитан ва кема командаси уларга ишониб топширилган самандарларнинг ҳаёти учун маошлари ва мукофотлари билан жавоб берганлари туфайли самандарларнинг қимматли навларига, чиндан ҳам жуда мулоим ва эҳтиёткорлик билан муомала қилинади. Резервуарларнинг бирда икки юзта биринчи нав самандарлар қаттиқ ичкетар касали билан оғриб қолганларида «С.С 14» кемасининг энг тошбағир денгизчилари ҳам чуқур қайғуга ботишганини ушбу мақола муаллифи ўз кўзи билан кўрган. Бу денгизчилар самандарларни кўргани кетаётиб йиғлаб юборай дейишди, ўзларининг чин инсонийлик ҳисларини кўринишда қўпол туюлувчи қуйидаги сўзлар билан ифодалашди: «Бу ўлаксалар бошимизга бир бало бўлди-ку!»

Четга самандарлар чиқариш ишлари кенгайгач, «ёввойи» савдо ҳам пайдо бўлиб қолди; «Самандар» синдикати марҳум капитан ван Тох узоқ ерлардаги Микронезия, меланезия ва Полинезия майда оролчаларига тарқатиб кетган самандарларнинг ҳаммасини назорат қилиш ва улардан фойдаланиш имкониятига эга эмасди. Шунинг учун кўпгина самандарлар кўрфази ўз ҳолига ташлаб қўйилганди. Натижада самандарларни мақсадга мувофиқ равишда кўпайтириш билан бир қаторда, кўп жиҳатдан бир пайтлардаги тюлень тутиш касбини эслатадиган ваҳшиёна ов ҳам кенг тус олди. Бу касб маълум даражада махфий эди. Бироқ самандарларни сақлаш борасида махсус қонун бўлмаганидан овчиларни, нари борса, у ёки бу давлатга тааллуқли ерларда тегишли руҳсатномасиз иш кўраётган киши сифатида жавобгарликка тортинарди. Аммо самандарлар бу оролларда беҳисоб болаб, вақти-вақти билан маҳаллий аҳолининг далалари ва полизларига зарар етказарди. Шунинг учун ҳам самандарлар устига уюштириладиган «ваҳший» облаваларга уларнинг миқдор жиҳатидан кўпайишини тартибга солиб туриш деган маъно берардилар.

Уша пайтлар бундай облаваларни ўз кўзи билан кўрган бир кишининг ҳикоясини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

XX АСР ДЕНГИЗ ҚАРОҚЧИЛАРИ
Э. Э. К.

Пароходимиз капитани миллий байроқни тушириб, қайиқлар ҳозирлашни буюрганида кечаси соат ўн бир эди. Атрофни сийрак кумуш туман қоплаган ойдин кеча. Биз қайиқда унча катта бўлмаган орол томон сузиб борардик: бу Феникс ороллари туркумидаги Гарднера ороли эди шеклли. Бундай ойдин кечаларда самандарлар қирғоққа чиқиб ўйин тушишади; бунақанги пайтларда уларга жуда яқин боришингиз мумкин, улар сизни сезишмайди, шу даражада ўзларининг оммавий, овозсиз рақсларига бери-

либ кетишган бўлишади. Биз йигирма киши эдик: қўли-мизда эшкак, ярим доиравий тарқоқ саф билан қирғоққа чиқдик ва сутдай ойдинда гимирлаб юрган қора тўдани ўраб боравердик.

Самандарлар рақси қолдирадиган таассуротни сўз билан тасвирлаб бериш қийин. Уч юзга яқин ҳайвон текис давра бўлиб олиб, ўртага қараган кўйи орқа оёқларида ўтиришарди; давра ўртаси бўш эди. Самандарлар қимир этишмасди: гўё қотиб қолишган, дейсиз. Бу қандайдир бир сеҳрли меҳроб атрофидаги гўладеворга ўхшарди: бироқ бу ерда меҳроб ҳам йўқ, гўла ҳам. Бирдан ҳайвонлардан бири оғиз чапиллата бошлади: «Тс-тс-тс»,-- танасининг юқори қисмини тўлқинсимон қилпиллатишга тушди; бу тебранма ҳаракат давра бўйлаб тарқала бориб, бир неча лаҳзадан кейин ҳамма самандарлар ўтирган жойларида бирорта ҳам товуш чиқармай, завқ билан, борган сари тезроқ ва ғалати тўлғона бошлашди. Ун беш минутдан кейин самандарлардан бири секинлашиб қолади; унинг кетидан иккинчиси, учинчиси яна бир неча марта тебраниб, ҳолдан тойиб тўхтаб қолади; шундан кейин яна ҳаммалари ҳайкалдек қотиб қолишди. Бир оздан кейин яна қаердандир «тс-тс-тс» деган овоз келади ва яна қандайдир самандар тўлғана бошлайди, унинг рақси бутун давра бўйлаб ёйилади. Бил-япман, менинг тасвирлашим жуда қуруқ чиқяпти; сиз бу тасвирга сутдек ойдин кечани ва гувуллаган бир маромдаги тўлқинларнинг қирғоққа урпилиш садосини қўшиб қўйинг; бу манзарада сирли бир нарса — менимча, жоду бордай эди. Мен тўхтаб қолдим, ваҳимаданми, ҳаяжонданми, билмадим, беихтиёр бир ҳисдан томогим бўғилиб қолди. «Тезроқ қимирла, орамиз очилиб кетяпти!» — деди шеригим.

Биз рақс тушаётган ҳайвонлар атрофидаги даврамизни торайтира борардик. Одамлар эшкакларни тайёр тутганча (самандарлар эшитиб қолишидан хавотирланиб эмас, кечаси бўлгани учун) паст овозда гаплашишарди. «Ўртага югур!» — деб буйруқ берди офицер. Биз тўлғаниб турган даврага отилдик; эшкаклар тап-тап этиб самандарлар ус-

тига ёғилаверди. Ана шундан кейингина самандарлар даҳшатдан ўзига келиб, ўртага ташланишди; денгиз томонга қочмоқчи бўлганлари эшкак зарбидан орқага чекинишди. Биз уларни ўртага тўпладик; улар бир-бирларини босиб-янчиб, бочкадаги сельда балиқларидек гуж бўлиб олишди. Ўн киши уларни эшкаклардан иборат тўсиқ ичида тутиб турар, қолганлар эса тўсиқ остидан, орасидан ўтиб кетмоқчи бўлганларини эшкак билан ниқтаб қайтаришар эди. Бу — устига кетма-кет, қаттиқ-қаттиқ зарбалар ёғилаётган, эзилиб тўлғанаётган қоп-қора тўшт уюми эди. Мана бир жуфт эшкакнинг ораси очилиб қолди; самандарларнинг бири ўша томонга сўрталган эди, шу заҳотиёқ гарданита тушган калтак зарбидан гангиб қолди; унинг кетидан иккинчиси, учинчиси—то ўн иккита самандар бўлгунча шундай қилаверишди. «Ёпилсин!» — деб фармон берди офицер ва эшкаклар ораси қайта жинслашди. Булли Бич билан мулат Динго гангиб қолган самандарларни оёғидан тутиб (ҳар бири иккитадан), қайиқ томонга қоп судрагандай судраб кетишди. Самандарларнинг танаси тошлар орасида қисилиб қолар, денгизчилар эса парво қилмай шиддат билан суртаб бора-верганларидан оёқлари суғурилиб қолар эди. «Парво қилма, — деб тўнғилади ёнимда турган кекса Майкл, — янгиси ўсиб чиқади. Гангиб қолган самандарлар қайиққа ташиб олингач, офицер қуруққина қилиб: «Навбатдагиларини олиб келинглар» — деди. Яна самандарлар гарданига таёқ туша бошлади. Беллами фамилияли бу офицер анча билимдон, камтар одам бўлиб, жуда зўр шахматчи эди. Бироқ бу — унинг ови, тўғрироғи, касби эди; бу ерда такаллуфга бало борми! Шундай қилиб, биз икки юздан ортиқ самандар тутдик; етмишга яқини жойида қолди; улар, афтидан, ўлиб қолганди, ташиб кетишнинг ҳожати йўқ эди.

Тутилган самандарларни пароходга олиб чиқиб, сув идишларга улоқтиришди. Пароходимиз эски нефть ташувчи кема эди; яхши тозаланмаган, идишлардан керосин ҳиди анқир, ундаги сув бетини ранг-баранг ёғлиқ парда қоплаб ётарди; ҳаво кириб турсин учун идишларнинг қолқоғи очиб қўйил-

ганди. Самандарлар ташлангач, сув худди эскиб, қўйилиб қолган угра ошга ўхшаб қолди; бу «угра»нинг баъзи-баъзи ери енгил, аянчли қимирлаб қўярди; шундан кейин самандарлар ўзига келиб олсин учун уларни тинч қўйишди. Эртаси куни узун ёғочлар кўтарган тўрт киши келиб, «су-юқ ош»ни ковлай бошлади (мутахассислар буни чиндан ҳам «суюқ ош» деб аташарди); идишларда тиқилиб ётган тана-ларни ковлаштириб, қимирламаётганлари ёки гўшти суя-гидан ажраб кетганларини қидиришар, чангақларда илиб олиб кўришар эди. «Суюқ ош тозаландими?»— деб сўради шундан кейин капитан. «Ҳа, сэр!»— «Бир оз сув қўшинг». — «Хўп бўлади, сэр» Бундай тозалашни ҳар куни қайтариш керак эди; ҳар сафар олтитадан ўнтагача, ўзларининг ай-тишларича, «бузилиб қолган товар»ни денгизга улоқти-ришга тўғри келарди, бир тўда яхшилаб боқилаётган улкан-улкан акулалар пароходимиз ортидан эргашиб келарди. Идишлардан ўта қўланса ҳид анқирди; сув вақти-вақти билан алмаштириб турилса ҳам сарғайиб, ифлосланар, иви-ган сухариларга тўлиб кетар эди; идишдаги қоп-қора тана-лар аранг нафас олиб зўрға қимирлар, баъзилари умуман ҳаракатсиз ётарди. «Тағинам буларнинг омади бор экан, — деди кекса Майкл. — Мен уларни бензолдан бўшаган те-мир бакларда олиб кетаётган пароходни кўрганман, ҳамма-си ўлиб қолган».

Олти кундан кейин Наномеа оролида яна бирталай янги товар олдик.

* * *

Самандарлар савдоси ана шу аҳволда эди; тўғри, бу яширин савдо, аниқроғи, бир кечада куртак ёзган замона-вий қароқчилик эди. Айтишларича, барча сотилаётган ва харид қилинаётган самандарларнинг чораги шу йўл билан қўлга киритилган. Самандарлар жойлашган шунақа ерлар борки, у жойларда доимий фермалар очиб қўйиш «Самандар

синдикати учун бефойда эмиш; Тинч океаннинг кичик-кичик оролларида самандарлар шунчалик кўпайиб кетганки, улар ортиқча бош оғригидан бошқа нарса эмас; маҳаллий аҳоли уларни ёмон кўради, уялар, туйнуқлар қуриб, бутун-бутун оролларни тешиб ташлашапти, дейишади; мана шунинг учун ҳам мустамлака ҳокимият ва «Самандар» синдикатининг ўзи ҳам самандарларга нисбатан қилинаётган қароқчиликларга панжа орасидан қарашади. Тўрт юзга яқин қароқчи кема фақат самандар ўғирлаш билан шуғулланади, дейишади. Бу замонавий қароқчилик ишига майда корхона эгалари билан бир қаторда, йирик-йирик пароходчилик компаниялари ҳам аралашиб туради. Уларнинг энг каттаси Тинч океан савдо компаниясидир: бу компаниянинг бошқармаси Дублинда жойлашган бўлиб, президенти муҳтарам мистер Чарльз Б. Гарриман. Бир йил бурун аҳвол бундан ҳам ёмон эди; хитойлик бандит Тенг учта кема билан нақ «Самандар» синдикати фермасига ҳужум қилди, қаршилик кўрсатилса, бутун хизматчиларни қириб ташлашдан ҳам тоймасди: ўтган йилнинг ноябрь ойида Милуэй ороли яқинида Американинг «Миннетонка» канонерка¹ си Тенг ва унинг флотилиясини чўктириб юборди. Ўшандан кейин самандар қароқчилиги ўзининг ваҳший кўринишини бир қадар йўқотган бўлса-да, тобора кенгая борди. Чунки бу борада машҳур шартнома тузишга эришилди. Мазкур шартномага риоя қилингани ҳолда бу ов ҳануз махфий суръатда олиб борилаверди: масалан, бошқа мамлакатга тааллуқли қиргоқларга ҳужум қилинган пайтда миллий байроқ тушириб қўйиладиган бўлди; самандарлар қароқчилиги ниқоби остида бошқа товарлар келтириш ва олиб кетиш тақиқланди; бу йўл билан ушланган самандарларнинг демпинг² баҳосида сотиш ва савдо битимларида уларни иккинчи сорт деб ҳисоблаш ман этилди.

¹ Кичик ҳарбий кема.

² Чет эл бозоридаги рақобатда ютиб чиқиш учун молни ўз мамлакатидagi нархдан арзон сотиш.

Яширин савдода битта самандар йигирма-йигирма икки доллардан пулланарди: буларнинг сорти паст ҳисобланса ҳам, жуда бўлмаганда, қароқчилар пароходидаги қўпол муомаладан омон қолгани учун уни чидамли тур деб билишарди. Бундай узоқ йўлларни босиб ўтилгандан кейин, ўғирланган самандарларнинг йигирма беш-ўттиз процентигина омон қолар, ана шу қолганлари энди ҳар балога чидаарди. Коммерция жаргониди буларни «Макарон» дейишарди. Кейинги пайтлар доимий савдо бюллетенларида улар ҳақида ҳам маълумотлар босиладиган бўлди.

* * *

Юқориди баён этилган облавадан икки ой кейин мен Сайгондаги «Отель де Франс»нинг вестибюлида Беллами билан шахмат ўйнаб ўтирган эдим: бу пайт энди мен, албатта, ёлланган магрос эмасдим.

— Менга қаранг, Беллами,— дедим мен унга, — сиз виждонли одамсиз, айтганларидек, жентльменсиз. Наҳотки, моҳияти жиҳатидан қабиҳ қул савдосидан фарқ қилмайдиган нарсага хизмат қилишдан жирканмасангиз?

Беллами елкасини қисиб қўйди.

— Самандарлар самандарларда,— тўғри жавобдан қочиб минғиллади у.

— Икки юз йил аввал негрлар,— негрлар-да, дейишарди.

— Нима, шундай эмасмиди, ахир? — деди Беллами. —

Шах!

Бу ўйинда мен ютқаздим. Мени бирдан шундай туйғу қамраб олдики, гўё шахмат тахтасидаги ҳар бир йўл янгилик эмас ва қачонлардир кимдир ўйнаган. Балки, бизнинг тарихимиз ҳам аллақачон кимнингдир томонидан ўйналган, Сиз бўлсак шунчаки, ўша юришларни қайтариб, доналаримизни сураётгандирмиз ва ўша мағлубиятларга интилаётгандирмиз. Эҳтимол, худди шундай виждонли ва камтарин Беллами қачонлардир Фил Суяги қирғоғидан негрларни тутиб, Гаити ёки Луизианага келтирган ва трюмларда нобуд

қилгандир. Бу Беллами ҳам ҳеч бир ёмонлик қилмоқчи эмас. Беллами ҳеч қачон, ҳеч қандай ёмонлик истамайди. Шунинг учун уни тузатиб бўлмайди.

— Қоралар ютқазишди! — деди Беллами мамнуният билан ва бутун гавдасини олдинга чўзиб ўрнидан турди.

Самандарларни бутун дунёга ёйиш ишида яхши ташкил этилган савдо, матбуотнинг кенг тарғиботи билан бир қаторда, ўша даврда бутун дунёга ёйилган техника лойиҳа-парастлигининг улкан тўлқини ҳам катта роль ўйнади. Г. Х. Бонди бундан буён инсон заковати янги қитъалар ва янги Атлантидалар микёсида фикр юритади, деб башорат қилганида ҳақ эди. Бутун Самандар Асри давомида техник фикр юритувчи намоёндалар орасида қирғоқлари темир бетондан бўлган вазмиң қитъалар қуриш керакми ёки денгиз кумини тўплаб-уюб қуруқлик тиклаш керакми, деган қизғин, самарали баҳс давом этди. Деярли ҳар кун янги, улкан проектлар дунёга келарди. Италия инженерлари бир томондан деярли бутун Ўрта ер денгизи ўрнини қамраб оладиган (Триполи, Балеар ва Додеканес ороллари ўртасида) «Буюк Италия» қуришни, бошқа томондан эса Италия Сомалисидан шарқ томонга қараб Лемурия деб аталадиган ва вақти келиб бутун Ҳинд океанини қоплаб оладиган янги қитъа барпо қилишни таклиф этдилар; чиндан ҳам самандарлар армияси ёрдамида Сомалининг Моғдиш гавани қаршисида майдони ўн уч ярим акр бўлган оролча барпо қилинди. Япония Марнан ороллари минтақасида янги катта орол ташкил этиш преектини ишлаб чиқди ва қисман амалга оширди. Шунингдек, Каролин ва Маршал оролларини икки катга оролга бирлаштирмоқчи бўлиб, олдиндан «Янги Ниппон» деган ном ҳам қўйиб қўйди; уларнинг ҳар бирида оролнинг келажак авлодига муқаддас Фудзиямуни эслатиб турсин учун сунъий вулқон ташкил этишни ҳам мўлжаллашди. Немис инженерлари Саргассов денгизида яширинча Франция Фарбий Африкасига таҳдид солиши мумкин бўлган оғир

бетон материк, яъни келажак Атлантидасини қураётганмиш, деган мишмишлар ҳам юрарди; аммо, афтидан, улар фақат фундаментинигина қуриб битиришганди. Голландияда Зелёндияни қуритишга киришишди; Франция Гваделупдаги Гранд—Тер, Бас—Тер ҳамда Ла-Дезирадларни бир бутун фаровон оролга бирлаштирди. Қўшма Штатлар 37-меридианда дастлабки (икки қаватли баҳайбат меҳмонхона, спорт стадиони, тунги парк ва беш минг ўринли кинотеатри бўлган) авиация оролини барпо этишга киришди, қисқаси, инсон фаолиятининг қанот ёзиши учун дунё океанлари чеклаб турган охириги тўсиқлар ҳам қулайдигандек эди; ажойиб техник режаларнинг қувончли даври келди; инсон мана энди бутун ер юзида керакли пайтда, тарихий заруриятга мувофиқ пайдо бўлган самандарлар шарофати билан Дунё Эгаси эканини тушуниб етди. Шуниси шубҳасизки техника асри учун шунчалик вазифалар, улардан доимий фойдаланиш учун кенг майдон тайёрлаб қўймаганида, самандарлар бунчалик мисли кўрилмаган миқёсда тарқала олмаган бўларди. Денгиз ишчиларининг келажаги, афтидан, узоқ асрлар давомида таъминлангандек эди.

Самандарлар савдосининг ўсишида уларнинг физиологияси ва шунингдек, психологиясини ўрганишга зудлик билан эътибор берган фаннинг роли ҳам катта бўлди.

Қуйида Парижда ўтказилган илмий конгресс қатнашчисининг ҳисоботини келтирамыз.

«PREMIER CONGRES D'URODELES

«Бу анжуманини қисқача қилиб «Ерда ва сувда яшовчи думли жониворлар конгресси», деб аташадди. Аслида унинг расмий номи бир оз узунроқ, чунончи, «Зоологларнинг ерда ва сувда яшовчи думли жониворларнинг психологиясини текширишга бағишланган биринчи халқаро конгресси». Бирок чинакам парижлик киши узундан-узоқ номларни ёқтирмайди; Сорбонна аудиториясида мажлис қилаётган профессор-олимлар учун бу нарса, шунчаки, «messieurs les

Urodeles», яъни «жаноби ерда ҳам сувда яшовчи думли жониворлар», холос. Ёки ундан ҳам қисқароқ ва қўполроқ қилиб «ces zoos-la»¹, дейишади.

Биз репортёрлик бурчини ўташ учун эмас, кўпроқ қизиқиш туфайли бу зоологларни бир кўриб келгани бордик. Университетнинг аксарияти кўзойнак таққан кекса донгдорларига қизиққанимиз учун эмас, балки ўша... жуда катта илмий китоблардан тортиб, кўчада айтиладиган ашулаларгача бағишланмиш, айримларнинг айтишича, газеталарнинг ёлгон-яниғидан бўлак ҳеч нарсага, арзимас, бошқаларнинг фикрича, ҳозир ҳам (жаҳон уруши ва бошқа тарихий воқеалардан кейин) ўзини табиат султони, яратувчилик тожи деб атайдиган инсондан ҳам кўп жиҳатдан истеъдодлироқ бўлган мавжудотга (нечундир, уни ҳайвон дейишга сира ботинолмаймиз?) қизиққанимиз учун бордик. Ерда ва сувда яшовчи думли жониворлар психологиясини ўрганишга бағишланган конгресс қатнашчилари — бу машҳур жаноблар биз нодонларга Андриас Шейхцернинг бадном бўлиб қолган фаҳму фаросати ҳақидаги масалалар қай аҳволдалигини аниқ ва қатъий қилиб тушунтириб беришар, деган умидда эдим; улар бизга нима ҳам дерди: ҳа, бу ўткир зеҳнли ёки жуда бўлмаганда, сиз билан биздек пивилизацияга мойил жонивор. Шунинг учун ҳам келажакда биз улар билан ёввойи ва оддий тоифаларга зинҳор-базинҳор ажратиб бўлмайдиган инсон ирқининг қалажаги билан ҳисоблашгандек ҳисоблашмоғимиз лозим. . . Айтиб қўяй, бундай жавобни ҳам, хатто бунақа саволни ҳам конгрессда эшитмадик, бунақанги масалалар билан шуғулланиш учун ҳозирги замон фани жудаям. . . ихтисослашиб кетибди.

Қани энди илмий тилда жониворнинг маънавий ҳаёти деб аталадиган масалани ўрганишга киришайлик. Минбарда газаб ўтини сочиб турган ҳуз анави новча, афсунгарни кига ўхшаган серкиллама соқолли жаноб—машҳур про-

¹ Ces Zoolodues ning қисқартирилгани—бу зоологлар (франц.).

фессор Добокс бўлади; у афтидан, бирорта мухтарам ҳам-касбининг беқарор назариясини тор-мор қилаётган бўлса керак, бироқ нутқининг бу қисмидан бирорта нарсани тушуниб олишга қодир эмасмиз. Фақат бир неча вақтдан кейингина бу газабнок афсунгар андриаснинг ранг сезиши, рангларнинг у ёки бу тусини ажрата олиши ҳақида гапирётгани маълум бўлди. Унинг гапларини тўғри тушундимми, йўқми билмайману, менда қолган таассурот бўйича андриас рангларни унча яхши ажрата олмас экан. Бироқ қозғаларини кўзойнагининг ярақлаб турган қалин шишаларига жуда яқин олиб келишига қараганда, профессор Дюбоск узоқни кўра олмайдиганга ўхшайди.

Ундан кейин доим жилмайиб турадиган япон олими д-р Окагава реактив ёй ҳақида нимадир гапирди ва андриас миясининг қандайдир бир сезгир нервни кесилганда кузатиладиган аломатлар ҳақида ҳикоя қилди; шундан кейин у агар қулоқ канали йўлини ўтайдиган органи бузиб қўйилса андриаснинг нима қилиши ҳақида гапирди. Ниҳоят, профессор Реман электр токининг андриасга қандай таъсир кўрсатишини батафсил сўзлаб берди. Бу мавзу унинг профессор Брукнер билан қаттиқ баҳслашувига сабаб бўлди. Бу профессор ушоқ, баджаҳл, ўлгудек ҳовлиқма одам экан; у андриаснинг сезги органлари одамники каби такомил топмаган, инстинктлари эса қашшоқ деб таъкидларди; соф биологик нуқтаи назардан, у ҳам одам каби насли айниган жонивор, у ҳам одамга ўхшаб ўзининг биологик кам-кўстларини биз заковот деб атайдиган хусусият ёрдамида тўлдиришга ҳаракат қилади.

Бироқ бошқа мутахассислар профессор Брукнернинг айтганларини жиддий қабул қилишмади чамаси. Эҳтимол, у сезги нервларини қирқмагани, андриаснинг миясига электр зарядлари юбормагани учун шундай қилишгандир. Брукнердан кейин профессор пан Диттен осойишта, деярли ҳурмат-эҳтиром билан агар бош миянинг ўнг томонини ёки миянинг чап ярим шаридан энса бурамаларигача олиб ташланса андриасда қандай бузилишлар зоҳир бўлишини ту-

шунтириб берди. Шундай кейин Америка профессори Деврайнт доклад қилди. . .

Айбдорман, ростини айтсам, унинг нима ҳақда гапирганини билмайман. Чунки бу пайт бутун хаёлим — агар профессор Деврайнтнинг бош миясининг ўнг томонини олиб ташлашса, унда қанақанги бузилишлар зоҳир бўларкин, деган фикр билан банд эди; электр токи таъсир эттирилса, жилмайиб турадиган д-р Окагавага қандай таъсир қиларкин, кимдир қулоқ йўлини бузса, профессор Реман ўзини қандай тутаркин? Мен, шунингдек, рангларни фарқлай олиш қобилиятим ёки ҳаракатлантирувчи реакциядаги t фактори қай аҳволдалигини ҳис этдим. Мияларимизнинг турли қисмларини ковлаштирмай, биримиз иккинчимизнинг сезги нервларимизни кесмай туриб, ўзимизнинг (яъни, одамларнинг) маънавий ҳаётимиз ҳақида (бутунлай илмий маънода) гапиришга ҳақимиз бормикин, деган шубҳа мени азобга соларди. Жиддий қилиб айтганда, ўзар маънавий ҳаётимизни ўрганиш учун қўлимизда жарроҳлар тиғи билан бир-биримизга ташланишимиз керак эди. Менга қолса, фан манфаатлари йўлида уларнинг бундан қандай таъсирланганлари ҳақида мақола чиқариш учун профессор Дюбоскнинг кўзойнагини синдиришга ёки профессор ван Диттенинг кал бошига электр токи тегизишга ҳам тайёр эдим. Очигини айтганда, бу ишларни мен кўз олдимга аниқ таниқ келтира оламан. Бу хилдаги тажрибалар вақтида андриаснинг кўнглидан нималар кечгани ҳақидаги тасаввурим нисбатан камроқ; аммо ўйлашимча — у бениҳоя тоқатли ва кўнгилчан маъжудот. Ахир, сўзга чиққан машҳур олимлардан бирортаси ҳам бечора Андриас Шейхцернинг ҳеч вақт ғазаби қайнаганини маълум қилгани йўқ-ку.

Ерда ва сувда яшовчи думли жониворларнинг Биринчи конгресси илмий жиҳатдан юксак муваффақият эканига ҳеч бир шубҳам йўқ; аммо бирор кун бўш вақт топсам, дарҳол Jardin. des Plantes¹ га бориб тўппа-тўғри Андриас

¹ Ботаника ва зоология боғи (франц.).

Шейхцернинг ҳовузи жойлашган ерга кираману унга секингина шундай дейман.

— Ҳой, самандар, борди-ю, бир кун эмас, бир кун ишинг ўнгидан келиб қолса, одамларнинг маънавий ҳаётини илмий тадқиқ этишни зинҳор-базинҳор ҳаёлингга келтирма!»

Мана шу илмий тадқиқотлар туфайли самандарларни қандайдир мўъжиза дейишни бас қилишди: фаннинг порлоқ нури остида самандарлар ўзларининг фавқулоддалик ва ғайриоддийлик шухратини бирмунча йўқотди; психологик синовлар объекти сифатида улар ниҳоятда оддий ва ҳеч кимга қизиғи йўқ хусусиятлар намоён қилишди: илмий хулосалар асосида уларнинг юксак лаёқатига афсонавий тус беришди. Фан оддий ва бир қадар чекланган мавжудот бўлмиш Росмана самандарни кашф қилди. Фақат газеталар ҳали ҳам беш хонали сонни оғзаки кўпайтира оладиган бирорта Мўъжиза — Самандарни топиб қолишар, деган гапларни баъзи-баъзида ёзиб турарди; бироқ тегишли машқ натижасида оддий одам ҳам бунга ўргана олиши мумкинлигини исбот қилинган, бу масала ҳам халқни қизиқтирмай кўйганди. Қисқаси, одамлар самандар, деганда арифмометр ёки қандайдир автомат каби оддий нарсаларни тушунадиган бўлиб қолди; самандарлар номаълум чуқурликдан нега ва нима учун чиққани ноаниқ, сирли мавжудот бўлмай қолди. Бунинг устига, одамлар ўзига хизмат қиладиган нарсаларни эмас, балки хавф солиб, зарар етказадиганларни сирли ҳисоблайди; самандарлар кўп жиҳатдан олий даражадаги фойдали мавжудот бўлгани учун уларга энди ўзларига керакли нарсаларнинг таркибий қисми сифатида қарашадиган бўлди.

Самандарлардан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш билан, хусусан, гамбурглик тадқиқотчи Вурман шуғулланарди; унинг бу масалага бағишланган турли мақола-ларидан қисқартирилган парчалар келтирамиз.

■ Bericht ■ über die somatische Veranlagung der Molche¹

«Гамбургдаги лабораториямда Тинч океanning Бахай бат самандари (Andrias Scheuchzeri Tschudi) устидā олиб борган тажрибаларим аниқ мақсадларга қаратилган эди самандарларнинг муҳит ўзгариши ва бошқа ташқи таъсирларга қаршилик кўрсата олиш даражасини ўрганиб, бу билан уларнинг турли географик минтақалар ва шароитларда амалий фойдаланишни аниқлашим керак эди.

Дастлабки бир қатор тажрибалар самандарнинг сувдан ташқарида узоғи билан қанча тура олишини аниқлаш керак эди. Тажриба ўтказилаётган жониворлар 40—50° С да қуруқ бочкаларга жойлаштирилди. Бир неча соатдан кейин уларнинг ҳолдан кетаётгани сезилди, сув сепилган эди, яна ўзига келди. Йигирма тўрт соатдан кейин қимирламай қолди; фақат қовоқларигина юмиларди; томир уриши ва ҳамма физиологик жараёнлар энг қуйи даражагача пасайиб кетди. Жониворлар қийналар, озгина қўзғалиш ҳам улар учун машаққат эди.

Уч кундан кейин каталептик донг қотиб қолиш (ксероз) ҳолати бошланди; ҳатто электрокутор ёрдамида куйдирилса ҳам уларга таъсир қилмади. Ҳаво намлиги оширилганда уларда ҳаёт аломатлари пайдо бўлди (кучли ёруғлик ту-

¹ Самандарларнинг жисмоний қобилияглари ҳақида ахборот (немис.).

ширилганда кўзларини юмдилар). Шундай қуритилган самандарни етти кундан кейин яна сувга солишган эди, бир қанча вақтдан кейин қайта ўзига келди; бундан узоқроқ қуритса, тажриба қилинаётган ҳайвонларнинг кўпчилиги ўлиб қолди. Қуёш нурига ташлаб қўйилган самандарлар бир неча соатдан кейиноқ ҳалок бўлади.

Тажриба қилинаётган бошқа ҳайвонларни қоронғида, жуда қуруқ ҳавода чиғириқ айлантиришга мажбур қилдик. Уч соатдан кейин уларнинг иш унуми пасая бошлади, бироқ яхшилаб сув сепилгач, яна илгаригидай ишлай бердилар. Тез-тез сув сепиб турилганда ўқни ўн етти, йигирма ва ҳатто бир сафар йигирма олти соат тўхтовсиз айлантира олдилар. Бир одамни текшириб кўрилганда беш соатдан кейиноқ бу механик ишдан анча-мунча чарчаши маълум бўлди. Бу тажрибалардан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, самандарлар қуруқда ишлаш учун ҳам тўла яроқли экан. Фақат бунинг икки шarti бор: қуёш нурида қолмаслиги ва вақти-вақти билан баданига сув сепиб турилиши керак.

Иккинчи бир қатор тажрибалар тропик минтақалар жонивори бўлган самандарни совуққа чидамлилиқ даражасини аниқлашга тегишли эди. Сув кескин совитилган эди, улар ичак шиллиқ пардаларининг яллиғланишидан ўла бошлади; бироқ иқлим аста-секин ўзгарса, улар анчагина совуқ муҳитга ҳам осон кўникар экан, агар овқатларидаги ёғ миқдори кўпайтирилса кунига юз эллик граммдан икки юз грамгача), саккиз ойдан кейин ҳатто 7° С даги сувда ҳам ўз гетикликларини сақлаб қолар эканлар. Агар сувнинг ҳарораги 5° С дан паст тушса совуқдан қотиб қолар эканлар (гелоз); шу аҳволда уларни муз орасида яхлатиб қўйиб, бир неча ой сақлаш мумкин экан; ях эриб, сувнинг ҳарорати 5° С дан юқори кўтарилганда, уларда яна ҳаёт аломати пайдо бўлади. 7—10 даражада эса ютақиб овқат қидира бошлайди. Шундан кўриниб турибдики, самандарлар то Шимолий Норвегия ва Исландиягача бўлган бизнинг иқлим минтақаларимиз ҳаётний шароитига жуда яхши мослаша

олар экан. Самандарлардан қутб шароитларида фойдаланиш учун яна тажрибалар ўтказиш керак бўлади.

Бунинг аксича, самандарлар сувдаги кимёвий аралашмаларга нисбатан анча сезгирдирлар: ишқорнинг жуда заиф эритмасида, саноат корхоналаридан оқиб чиқадиган сувларда, ошловчи моддаларда ва шунга ўхшашларда ўтказилган тажрибалар натижасида самандарларнинг териси парча-парча бўлиб кўчиб тушди ва тажриба ўтказилаётган жониворлар гўё жабраларидан ажралгандек ўлиб қолди. Демак, бизнинг дарёларда самандар ишлатиб бўлмайди.

Кейинги бир қатор тажрибалар ёрдамида самандарларнинг очликка қанча вақт чидай олишини аниқладик. Улар уч ҳафта ва ундан ортиқ оч юра олади, бинобарин, бунинг натижаси маълум бир ланжликдан бўлак ҳеч нарсада акс этмайди. Тажриба остидаги бир самандарни олти ой оч юришга мажбур қилдим: охириги уч ойни у қимирламай, узлуксиз ухлаб ўтказди; шундай кейин мен унинг олдига жигар қиймасини ташладим. У шу даражада заифлашиб кетган эдики, овқатга парво ҳам қилмади. Шундан кейин уни сунъий овқатлантиришга тўғри келди. Бир неча кундан кейин нормал овқатлана бошлаб, кейинги тажрибаларда фойдаланиш учун тайёр ҳолга келди.

Охириги бир қатор тажрибалар самандарларнинг регенератив¹ қобилиятига оид эди. Агар самандарнинг думи кесиб ташланса, икки ҳафтадан кейин янгиси ўсиб чиқади; бу тажрибани битта самандар устида етти қайта такрорлаб кўрдик, аммо натижаси бир хил бўлди. Самандарларнинг кесиб ташланган оёқлари худди аввалгидек ўсиб чиқди. Тажриба остидаги ҳайвонлардан бирининг тўртгала оёғи ва думини кесиб ташладик; ўттиз кундан кейин яна ўсиб чиқди. Агар самандарнинг болдир ёки елка суягини синдирсак, ўша томондаги оёғи тушиб кетиб ўрнига янгиси чиқди. Худди шунингдек, олиб ташланган кўз ёки тилнинг ўрнида ҳам янгиси шаклланади; шуниси қизиқки, мен тилни ке-

¹ Организмнинг йўқолган аъзоларини тиклаш қобилияти.

сиб ташлаган самандар гапиришни унутиб қўйди ва янгидан тил ўрганиши керак бўлди. Агар самандарнинг боши, бўйни ёки тос суяги оралиғидаги бирор ери кесилса, ҳайвон ўлиб қолади. Аксинча, самандарнинг ошқозони, ичагининг бир қисми, жигарининг учдан икки қисми ва бошқа органлари олиб ташланса ҳеч нима қилмайди; айтиш мумкинки, деярли батамом ковлаб-чавоқлаб ташланган самандар барибир яшаш қобилиятини сақлаб қолади. Бошқа бирорта жониворнинг ҳам бирон-бир жароҳатга нисбатан қаршилик кўрсатиш қобилияти самандарникичалик зўр эмас. Шу жиҳатдан у аъло даражали, деярли йўқ, қилиб бўлмайдиган ҳарбий ҳайвон бўлиши мумкин. Афсуски, бунга унинг оёқларида хулқи ва табиий қуролининг йўқлиги ҳалақит беради.

Бу баён қилинган тадбирлар билан бир қаторда, ассистентим д-р Вальтер Хинкель самандарларни фойдали хом ашё сифатида ишлатиш имкониятларини тадқиқ этди. У, хусусан, самандар организмда жуда кўп иод ва фосфор моддаси борлигини аниқлади: керак бўлиб қолганида улардан бу қимматли элементларни sanoat усули билан ажратиб олиш эҳтимолдан йироқ эмас. Самандарларнинг териси шу туришида ҳеч нарсага ярамайди, бироқ уни кукунга айлантириб, кейин катта босим остида пресшлаш мумкин; бундай усул билан олинган сунъий тери енгил ва анчагина пишиқ бўлиб, ҳўкиз териси ўрнида ишлатилиши мумкин. Самандар ёғи бемаза бўлгани учун ейишга яроқсиз, бироқ жуда паст температурадагина музлагани учун техник мойлар ишлаб чиқаришда хом ашё сифатида фойдаланиш мумкин. Жудди шунингдек, самандарларнинг гўшти ҳам еб бўлмайдиган, ҳатто заҳарли деб топилди; хомлигин истеъмол қилинганда кучли қорин оғриғи, қайт қилиш ва галлюцинацияга сабаб бўлади. Д-р Хинкель ўзида ўтказиб кўрган кўпгина тажрибалардан сўнг, агар қиймаланган гўштни қайноқ сув билан парт қилиб (пашша дориларининг айрим турларини тайёрлаш усули билан) яхшилаб ювилгач, марганцовканинг кучсиз эритмасига йигирма тўрт соат солиб қўйилса, бу зарарли оқибатлар йўқолишини аниқлади.

Шундан кейин бу гўшт қайнатиб ёки димлаб пиширилса ёмонроқ мол гўштининг мазасини беради.

Биз шу йўл билан Ганс лақабли самандарни **об қўйдик**; у ақлли, яхши ривожланган, илмий ишга юксак қобилияти билан ажралиб турувчи бир жонивор эди; у д-р Хинкель бўлимида лаборантлик қиларди. Энг нозик кимёвий анализларни унга ишониб топшириш мумкин эди. Кечқурунлари бўш қолган пайтларимизда унинг ўта қизиқувчанлигини эрмак қилиб, узоқ суҳбатлашиб ўтирар эдик. Афсуски, бош суягини очиб тажриба ўтказганимдан кейин у кўр бўлиб қолди, ахири ундан ажраб қолдик. Унинг гўшти қора ва говак-говак эди; аммо ҳеч қандай ёмон оқибатларга олиб келмади. Шубҳасиз, самандарнинг гўшти уруш вақтла мол гўштининг маъқул ва арзон ўринбосари бўлиши мумкин.

Ниҳоят, дунёда самандарлар сони бир неча юз миллионга етганидан кейин, табиийки, улар шов-шувга сабаб бўлмай қолди; янгилик пайтида унинг халқ орасида уйғотган қизиқиши фақат кинопротекстларда («Салли ва Анди, икки оқ кўнгил самандарлар»), айниқса бадовоз куплетчи ва шансонеткалар уларнинг чийилдоқ талаффузига тақлид қилиб, грамматиканинг ҳамма қондаларини бузиб, самандарларнинг жозибали комик ролларида чиқадиган кабаре эстрада-ларидагина ўзларининг охириги умрини ўтаётган эдилар. Самандарлар кенг тарқалган кундалик воқеага айлангач, уларнинг проблематикаси ҳам ўзгарди⁹. Шундай қилиб,

⁹ «Дейли стар» газетаси ташкил этган «Самандарларда қалб борми?» деган темадаги анкета бу жиҳатдан характерли маълумотлар беради. Биз кўзга кўринган бир неча кишининг бу анкетага берган жавобидан (айтгандек, асл нусха эканига кафил бўлмаган ҳолда) парчалар келтирамиз:

Қимматли сэр!

Мен ҳурматли дўстим Х. Б. Бертрам билан бирга Адендаги тўлқин қайтаргич қурилишида самандарларни узоқ вақт кузатишга муваффақ бўлдим; икки-уч марта ҳатто улар билан гәплашдик ҳам, бироқ уларда Номус, Ишонч, Ватанпарварлик, Спорт руҳи каби юксак ҳислар-

самандарларнинг буюк сенсационлиги тезда хира тортиб қолди. Унинг ўрнини қандайдир бошқа, номаълум даражада салобатли мавзу, аниқроғи Самандарлар Масаласи олди.

Ҳа бифорта ҳам ишора топа олмадик. Нима ҳам дердик, биз буни ҳақли равишда қалб, дея олаимизми, йўқми?

Содиқ полковнигингиз
Жон У. Бриттон.

Мен самандарларни ҳеч қачон кўрган эмасман; бироқ аминманки ўз мусиқасига эга бўлмаган мавжудотларда қалб ҳам йўқ.

Тосканини.

Қалб ҳақидаги масалани бир ёққа қўя турайлик; Андриасни кузатишим бўйича, унда ўзига хослик етишмайди; ҳаммалари бир-бирига ўхшаш, ҳаммалари бир хилда тиришқоқ, бир хилда қобилиятли . . . ва бир хилда бамаъни эмас, қисқаси, уларда замонавий цивилизациянинг чинакам идеали, яъни стандарт ўз аксини топган.

Андре д' Артуа.

Шубҳасиз, улар қалбга эга эмас. Бу жиҳатдан у одамга ўхшайди.

Бернард Шоу.

Саволингиз мени боши берк кўчага киритиб қўйди. Масалан, менинг хитойи итим Бибининг кичкина, бироқ ажойиб қалби бор; худди шунингдек, менинг эронӣ мушугим Сиди Хонимнинг ҳам қалби бор, яна қанақаси денг, мағрур ва шафқатсиз қалб; Бироқ самандарларчи?

Ҳа, бу боёқчилар жуда истеъдодли ва зиёли мавжудот: гапиришни, санашни билишади ва катта-катта фойдалар келтиришади. Бироқ улар шунақаям бадбашараки!

*Мадлен Рош.**

Самандарлар бўлса бўлар, фақат марксистлар бўлмаса бас!

Курт Губер.

Уларда қалб йўқ. Акс ҳолда, биз уларнинг инсон билан иқтисодий тенглик ҳуқуқини тан олишга мажбур бўлардик, бу эса ғирт бемаънилик бўлур эди.

*Генри Бонд.***

* Мадлен Рош (1885—1930)-машҳур француз драма актрисаси.

** Генри (Кульсон) Бонд - инглиз миллий пулат саноатчилари ассоциациясининг президенти.

Самандарлар Масаласининг ташаббускори — инсоният тараққиёти тарихида бир неча бор такрорланганидек — хотин киши бўлиб чиқди. Бу Лозанадаги қизлар пансионининг директори мадам Луиза Циммерман эди. У одатдан ташқари ғайрат, сўнмас жўшқинлик билан ўзининг: «Самандарларга мунтазам мактаб маълумоти беринг!» деган олижаноб шиорини дунёга ёйди. Бир томондан, самандарларнинг туғма фаросати, иккинчи томондан, агар уларни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан яхшилаб тарбияланмаса, инсон цивилизацияси учун таҳдид солиши мумкинлиги ҳақида тиним билмай таъкидласа ҳам узоқ вақтгача жамоатчилик буни тушунгиси келмади. «Рим маданияти варварлар ҳужуми натижасида йўқ бўлиб кетганидек, бизнинг цивилизация ҳам ҳозирги замон инсониятининг олий идеалларига йўл тополмайдиган, руҳан асоратда қолган мавжудотлар галаси ўртасида яккаланиб қолса мағлуб бўлиши турган гап». Луиза Циммерман Европа, Америка, шунингдек, Япония, Хитой, Туркия ва бошқа мамлакатлардаги аёллар клубларида ўқиган олтининг уч юз эллик етти нуқтаида мана шу пайгамбарона чақриқ билан чиқди. «Маданиятни сақлаб қолиш учун уни умумхалқ мулкига айлантириш керак. Атрофимизда мил-

Уларда Sex appeal деган нарса йўқ! Демак, уларда қалб ҳам йўқ.

Мэй Уэст.

Уларнинг ҳар бир мавжудотда, ҳар бир ўсимликда, ҳар бир жониворда бўлганидек қалби бор. Ҳаётнинг сирли томонлари жуда кўп.

Сандрабхарата Нат.

Уларнинг сузиш услуби ва техникаси жуда ажиб; биз улардан жуда кўп нарсаларни ўрганишимиз мумкин, хусусан, узоқ масофаларга сузишни.

*Тони Вайссмюллер.**

* Тони Вайссмюллер-Вайссмюллер Жонн (1904)-америкалик машҳур сузувчи, 1932 йили уни Голливудда кинога олишган; Тарзан ҳақидаги фильмда бош ролни ўйнаб, жаҳонга танилган.

лион-миллион бахтсиз, сунъий равишда ҳайвонлар ҳолида сақланаётган, таҳқирланган мавжудотлар хор-зор бўлиб юраркан, биз цивилизациямизнинг бахт-саодатидан ҳам, маданиятимизнинг самараларидан ҳам бемалол фойдалана олмаймиз. Ун тўққизинчи асрнинг шиори Аёлларга Озодлик бўлганидек, асримизнинг шиори: «Самандарларга муни-тазам таълим беринг!» бўлиши керак ва ҳоказо бўлар. Ўзининг уста нотиклиги, бениҳоя тиришқоқлиги натижасида мадам Луиза Циммерман бутун дунё аёлларини ишга солиб, Болье (Нишси яқини) да самандарларга биринчи гимназия очиш учун етарли маблағ йиғишга муваффақ бўлди. Бу гимназияда Марсель ва Тулонда ишлайдиган самандарларнинг итбалиқлари француз тили ва адабиёти, риторика, аристократлар одати, математика ва маданият тарихини ўрганишлари керак эди.¹⁰ Ментондаги аёл самандар-

¹⁰ Бу ҳақда (m-me Loise Zimmerman, sa vie ses idées, son oeuvre) «Мадам Луиза Циммерман, унинг ҳаёти, гоёлари, ва фаолияти» [франц. [«Алькан» нашриёти] китобида батафсилроқ ўқишингиз мумкин. Бу асардан мадам Циммерманнинг дастлабки талабаларидан бўлган бир самандарнинг эҳтиром тўла хотираларини мисол келтирмақчимиз.

У оддий, бироқ тоза ва қулай ҳовузимиз четига ўтириб олиб, бизга Лафонтеннинг масалларини ўқиб берарди; у чиндан ҳам, рутубатдан қийналар, бироқ ўз педагоглик вазифасига сидқидилдан берилгани сабабли бунга парво қилмасди. У бизни: «Менинг хитойчаларим», деб атарди. Чунки биз хитойлар каби «р» товушини айта олмасдик. Бироқ бу одатимизга у кейинча шунчалик кўникиб кетдики, ҳатто ўзи ҳам фамилиясин «Мадам Циммельман» дейдиган бўлди. Биз ит балиқлар, уни жуда яхши кўрар эдик; ўпкалари ҳали яхши ривожланмаган гўдаклар сувдан чиқа олмаганлари учун мактаб боғидаги сайида у билан бирга бўлолмаганлари учун йиғлаб қолишарди. У шунақаям беозор ва ширинсухан эдики, уни мен билган вақт давомида фақат бир мартагина жаҳли чиққан: у ҳам бўлса бизнинг ёш тарих муаллимамиз жазирама ёз кунда чўмилиш либосида ҳовузимизга тушиб, бўйнигача сувда ўтирган ҳолда нидерландларни озод қилиш учун бўлган урушни гапириб бераётган эди. Шунда қимматли мадам Циммерманнинг ундан қаттиқ жаҳли чиқди. «Ҳозироқ бориб ювнинг олинг, мадемуазель, боринг, боринг!» деб бақирди у кўзларига ёш олиб. Бу биз учун ўзимизнинг ҳар ҳолда одам эмаслигимизни тушуниб етишимизга сабаб бўлган нозик, аммо ибратли дарс бўлди; натижада буни биз

лар гимназияси ортиқча катта муваффақиятларга эришмади. Музыка, пархез таомлар ва моҳир қўллар (мадам Циммерман бу предметларга, асосан, педагогик тасаввурларга биноан зўр берарди) асосий предметлар саналувчи бу гимназия ўқувчилари фаросатининг етишмаслиги ва баъзан ёш самандар — гимназист қизларнинг тамомила эътиборсизлиги туфайли ана шу аҳвол содир бўлди. Бунинг аксича, ёш эркак самандарларнинг дастлабки очиқ имтиҳони ажойиб бир муваффақият билан ўтдики, шундан кейин (ҳайвонларни муҳофаза қилиш жамиятининг ҳаракати би-

га бунчалик қатъий ва шу билан бирга, одоб билан тушунтириб қўйгани учун маънавий волидамиздан миннатдор бўлдик.

Агар яхши ўқисак, бизга Франсуа Коппе*га ўхшаш ҳозирги замон муаллифларининг шеърларидан ўқиб берарди. «Тўғри, бу ўта замонавий,— дерди у,— аммо шундай бўлса-да, ҳозир яхши маълумот олиш учун бу ҳам зарур». Ўқув йили тугаганидан кейин оммавий кўрик уюштирилиб, унга Ниццадан жаноб префект, шунингдек, маъмуриятнинг бошқа вакиллари ва турли мақомдаги шахслар таклиф этилди. Ўпкаси бор, қобилиятли ва яхши ўзлаштирган ўқувчиларни мактаб қоровуллари ювиб-тараб, попларнинг либосига ўхшаш бир нарса кийгазишди; шундан кейин парда орқасида туриб (хонимларни кўрқитиб юбормаслик учун), Лафонтеннинг масалларини ўқишди, математик масалалар ечишди ва Каппетинглар династияси қиролларини хронологик тартибда чисолари билан санаб беришди. Сўнгра префект жаноблари узоқ ва чиройли нутқ сўзлаб, азиз директоримизга миннатдорчилик билдирди ва шу билан тантана тугади.

Мадам Циммерман бизнинг маънавий ўсишимиз учун қанчалик жон куйдирган бўлса, жисмоний тарбиямизга ҳам шунчалик ғамхўрлик қилди; бизга ҳар ойда ветеринар қараб турди, ярим йилда бир марта тортиб кўришарди. Қимматли раҳбаримиз, айниқса, жирканч, ахлоқсиз. Тунги рақслардан воз кечишимизни қаттиқ туриб уқтирарди. Бундан таъ оғир менга уят, бироқ бу гапларга қарамасдан, эр еиб қолган ўқувчилар ой тўлишганда яширинча бу ҳайвоний уятсизликка берилиб кетишарди. Умид қиламанки, бизга она ва дўст бўлган тарбиячимиз буни ҳеч қачон билмаган; бу нарса унинг буюк, олижаноб, меҳрга тўла қалбини жароҳатлаган бўларди».

* Франсуа Коппе (1842-1908)—Франция шоири, драматурги ва прозаиги; унинг кўпгина шеърлари Францияда хрестоматияга киритилган.

лан) Канада самандарлар учун денгиз политехникуми, Марселда самандарлар университети таъсис этилди; худди шу ерда самандар биринчи марта ҳуқуқшунослик доктори даражасини олди. Шу вақтдан бошлаб самандарларга тарбия бериш шиддатли ва нормал ривожланиш йўлига кирди. Тараққийпарвар педагоглар намунали циммерманча мактабларга қарши кўпгина жиддий эътирозлар билдиришди. Хусусан, ёш инсонларнинг эскиб қолган гуманитар мактаблари самандарларнинг ўсиб келаётган авлодини тарбиялаш учун ярамайди, деб таъкидлардилар; улар адабиёт ва тарих ўқитишни қатъий рад этиб, табиёт фанлари, мактаб устaxonаларида ишлаш, техник таълим, жисмоний тарбия, шунга ўхшаш амалий программаларга кўпроқ вақт ва ўрин ажратишни тавсия қилишди. Классик таълим тарафдорлари, ўз навбатида, ихтисослаштирилган мактаб деб аталган ёки «Амалий ҳаёт мактаби»ни қаттиқ танқид остига олиб, самандарларни лотин тили асосидагина инсониятнинг маданий ютуқларига яқинлаштириш мумкин, агар биз уларни шоирлардан мисоллар келтириб, цицеронча нотиқликка ўргатмасак, гапиришга ўргатишнинг ўзигина етарли эмас, деб чиқишди. Бу мавзуда узоқ ва анча жиддий баҳслар бошланиб кетди. Ниҳоят, бунинг натижасида самандарлар мактабини давлат ўз қарамоғига олди. Ёш инсонлар мактабини эса имкони борича, ислоҳ қилинган самандарлар мактаби идеалларига яқинлаштириш учун қайта ташкил этишди.

Табиийки, бошқа мамлакатларда ҳам самандарларга давлат назорати остига олиниб мажбурий мунтазам таълим берувчи мактаблар ташкил этишга даъватлар эшитила бошлади. Бутун денгиз бўйи мамлакатлари аста-секин ана шундай қарорга келди (албатта, Буюк Британия бундан мустасно), самандарлар мактабига эски классик анъаналар оғирлиги тушмаётгани сабабли психотехника, технологик тарбия мактабгача таълим ва педагогикага оид бошқа сўнгги ютуқларнинг энг янги усулларида фойдаланиш имкониятига эга эдилар. Шу тўғрисида уларда тез орада замө-

навий ва илмий нуқтаи назардан энг прогрессив таълим системаси йўлга қўйилдики, бундан инсонлар ўқийдиган мактабларнинг барча педагог ва тарбиячилари ҳақли равишда ўрнатилса арзирди.

Самандарларни мактабда ўқитиш билан бирга, уларнинг тил масаласи дунёга келди. Самандарлар дастлаб дунёда мавжуд бўлган тилларнинг қайси бирини ўрганиши керак? Самандарлар асли ўзи Тинч океан оролларида чикқан; турган гапки, улар маҳаллий халқ ва денгизчилардан ўрганган «pidgin-English» тилида гаплашишади: кўпчилиги малайяча ёки бошқа маҳаллий шевада фикр билдиришади. Сингапур бозори учун мўлжалланган самандарларни талаффузда эски грамматик формалар тушиб қоладиган, илмий содалаштирилган «basic-English» тилида гапиришга ўргатишади; бу ислоҳ қилинган, стандарт инглиз тилини шунинг учун ҳам «самандар-инглиш» дея бошлашди. Намунали Ecoles Zimmermann да самандарлар Корнель тилида гаплашишарди, бироқ мутлақо миллий нуқтаи назардан эмас, шунчаки, олий маълумотлари тақозо қилганидан шундай қилишади. Ислоҳ қилинган мактабларда аксинча тушуниш осон бўлган тил сифатида уларни эсперантога ўргатишарди. Булардан ташқари, ўша пайтда беш-олтита ҳаммабоп тиллар юзага келди; бу тиллар вавилон чалкашликларининг ўрнини босиши ва бутун дунёга — одамларга ҳам, самандарларга ҳам ягона умумий тил бериши лозим эди; албатта, бу ҳаммабоп тилларнинг қайси бири мақсадга мувофиқ жарангдорроқ ва универсалроқлиги ҳақида кўп тортишувлар бўлди. Охири масала шунга бориб тақалдики, ҳар бир миллат ўзининг ҳаммабоп тилини ¹¹ тарғиб қила бошлади.

¹¹Шуниси ҳам борки, машҳур филолог Курциус ўзининг («Linguae linguarum aperta») («Нутқнинг очиқ дарвозаси») асарида* самандарлар учун ягона одатдаги тил сифатида Вергилий давридаги бебаҳо лотин тилини қабул қилишни тавсия этди. «Лотин тилини қабул қилиш бизнинг ихтиёримизда, бу энг мукамал, грамматик қоидаларга энг бой, илмий жиҳатдан энг яхши ишлаган тил. Агар ўқимишли инсоният бу

Самандарлар мактаби давлат қўлига ўтгач, ҳамма иш осонлашди; ҳар бир мамлакатда самандарларни тегишли ҳукмрон миллатнинг тилига ўргатишарди. Самандарлар хорижий тилларни осон ва қизиқиш билан ўрганишса-да, тил қобилиятлари ўзига хос камчиликлардан холи эмасди. Бунинг сабаби қисман нутқ органларининг тузилишида бўлса, қисман руҳий феъл-атвориға боғлиқ эди; улар, масалан, узун, кўп бўғинли сўзларни қийналиб талаффуз қилишар, бир бўғинга келтириб қуриллаб қўя қолишар эди; «р» нинг ўрниға «л» дейишар, сирғалувчи товушларни «ш-ш»лаб айтишар, грамматик қўшимчаларни тушириб қолдиришар, мен билан сизнинг фарқиға бориша олмас, сўзларнинг муаннас ёки музаккарлиги билан ишлари бўлмас эди (бунга, эҳтимол, уларни жуфтлашиш пайтидагина ўз ҳолиға қўядиган жинсий бепарволиги сабабчи бўлса керак). Қисқаси, ҳар қандай тил ҳам уларнинг талаффу-

викониятни қўлдан чиқарса, бу ишни сиз *gens maritima* [денгиз қабиласи] самандарлар ўзингиз бажаринг, ўз она тилингиз сифатида *ereditam linaum latinam*] нафис лотин тили) ни қабул қилинг. Бу тил унда *orbis terrarum* [бутун дунё] гапиргани билан мўътабар, ягона тилдир. Самандарлар, агар сиз худолар ва қаҳрамонларнинг адабий тилиға қайта ҳаёт бағишласангиз, ўлмас бир иш қилган бўласиз. Чунки бу тил билан бир вақтда сиз *gens tritonum* [тритонлар қабиласи] га дунё ҳокими қадимги Рим васият қилган мулк ҳам ўтади».

Бунинг аксича Вольтерс фамилияли латвиялик бир телеграф амалдори пастор Менделиус билан бирга самандарлар учун «понтий тили» [*prontic lang*] деб аталган махсус тил ўйлаб топди; у бу тил учун бутун дунё тиллари, айниқса, африка тиллари элементларидан фойдаланади. Бу самандарлар тили [уни ҳам шундай деб аташарди], асосан, шимолий мамлакатларда, бироқ, афсуски, фақат одамлар орасида тузуккина тарқалди; Упсалда ҳатто самандарлар тили кафедраси таъсис этилди, бироқ самандарга келсак, ҳеч бири бу тилда гаплашмасди. Очигини айтганда, самандарлар орасида «*basic-English* энг кўп тарқалган тил эди. Бу тил кейинчалик самандарларнинг расмий тилиға айлантирилди.

*Бу юк чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670) нинг тилшуносликка оид машҳур асари «*Tabula linguarum resarata*») («Тилларнинг очик эшиги» (1631) га жинояли ўхшатма асар.

зида махсус ўзгаришга, ўзига хос жуда содда, бошланғич ҳолатга олиб келувчи, рационализацияга учрарди. Бу тилларнинг неологизми, талаффузи ва грамматик жиҳатдан соддалиги бир томондан порт кишилари, иккинчи томондан олий жамоа деб аталадиган одамлар орасида тез ёйила бошлади; бундан ушбу гапириш усули газеталарга ўтиб, тезда умумий тилга айланиб кетди. Одамлар нутқида кўпгина грамматик шакллар йўқолди, қўшимчалар тушиб қолди, келишиклар тугади; ажойиб ёшлар «р»ни йўққа чиқариб, «ш-ш»лашни одат қилишди. Одамлар учун шунчаки, узун ва талаффуз қилиниши қийин бўлганидан «индетерминизм» ёки «трансцендент» деган сўзларнинг фарқига борадиган ўқимишли кишилар кам учрайдиган бўлиб қолди.

Қисқаси, яхшими, ёмонми, бироқ самандарлар қайси давлат қирғоқларида яшашига қараб, ўша ерликлар тилларида гапирадиган бўлишди. Чехословак матбуотида эҳтимол, «Народни листи»* да бир мақола чиқди. Бу мақолада (ҳақли равишда) дунёда португалча, голландча ва бошқа майда миллатлар тилида гапирадиган ерда ва сувда яшовчи самандарлар нега чех тилини ўрганишмайди, деб куюниб сўралади. «Миллатимизнинг, афсуски, ўз денгиз соҳиллари йўқ, — деб тан олади мақола муаллифи, — шунинг учун ҳам бизда самандарлар йўқ. Бизнинг ўз денгизимиз йўқ экан, бу минглаб самандарлар тилларини ўрганаётган миллатларчалик дунё маданиятига ўз ҳиссамизни қўшолмай келаётирмиз, деган гап эмас, қўшганда ҳам баъзи масалаларда улардан кўпроқ қўшяпмиз. Самандарлар бизнинг маънавий ҳаётимиз билан танишса одилона иш бўларди. Бироқ ораларида бизнинг тилни биладигани бўлмагач, қандай қилиб бу маънавий ҳаётга яқинлашишсин? Қимдир ўзининг маданий бурчини тушуниб етиб, самандар ўқув юртларидан бирида чех тили ва адабиёти кафедраси таъсис этишини кутиб туролмаймиз. Шоир айтганидек: «... дунёда ҳеч кимга

* Чех реакцион буржуа газетаси; 1934 йилдан «Народни Сьедноцени» фашистик партиясининг органи сифатида чиқа бошлаган.

ишонма зинҳор, у ерда битта ҳам дўстимиз йўқдир».* Бу ишни йўлга қўйишга ўзимиз ҳаракат қилайлик,— дея даъват қиларди мақола автори.— Дунёда нимаики иш қилган бўлсак, ҳаммаси ўз кучимиз билан қилинган! Бизнинг ҳуқуқимиз ва вазифамиз — самандарлар орасида ҳам дўстлар орттиришга интилишдир; бироқ бошқа майда миллатлар самандарлар ўртасида ўз маданиятини кўз-кўз қилиш ва айни вақтда ўз саноат молларига қизиқиш уйғотиш учун миллионларнинг баҳридан ўтиб турганида, афтидан, ташқи ишлар министрлигимиз самандарлар орасида маданиятимиз ва маҳсулотимизни тарғиб қилиш ишларига етарли эътибор бермаётганга ўхшайди).

Бу мақола, асосан, Саноатчилар Иттифоқи эътиборини ўзига жалб қилди. Натижада, чехословак бадиий адабиёти намуналаридан иборат «Самандарлар учун чех тили» қисқача дарслиги чоп этилди. Бу гап эриш туюлса-да, китоб, дарҳақиқат, етти юздан ортиқ нусхада тарқалди: демак, бу ажойиб муваффақият эди¹².

* Бу ерда Чапек машҳур чех шоири Сватоплук Чехнинг [1846—1908] «Хеч кимга ишонмаймиз...» шеърдан мисралар келтирган.

¹² Шу муносабат билан пан Повондранинг коллекциясида сақланиб қолган Яромир Зейдел-Новоместский* қаламига мансуб очеркни келтирамиз:

ДЎСТИМИЗ ГАЛАПАГОС ОРОЛЛАРИДА

Кўлдан-кўп янги, чуқур таасуротлар натижасида қимматли ёзувчи холамиз Богумила Яндова-Страшешовицкая** вафот этиб, бошимизга тушган ғам-андуҳимиз бирмунча ёзилармикин, деган умидда мен ва шоира рафиқам Генриэтта Зейдлова-Хрудимская*** билан биргаликда дунё

бўйлаб сафар қилар эканмиз, афсонага айланиб кетган узоқ Галапагос оролларида бўлдик. Бизнинг фақат икки соатгина вақтимиз бор эди. Шу фурсатдан фойдаланиб, бу тақир оролар соҳили бўйлаб сайр қилдик.

— Куннинг ботиб бораётганини қар', — дедим рафиқамга. — Гўё

*, **, *** Бу ерда Чапек фамилияларига тахаллус қўшиб ишлатган XIX аср охири, XX аср бошларидаги чех ёзувчилари устидан кулади; Бундэй муаллифлар одатда сохта ватанпарварлик ва сохта халқчиллик руҳида асарлар ёзишган.

Таълим-тарбия ва тил масалалари инсоният билан ёнма-ён улғайиб, ўсиб бораётган улкан Самандар Проблемасининг фақат бир томонини ташкил этади. Бинобарин, тезда шундай савол туғилди; очигини айтганда, самандарларга қандай муомала қилиш керак, тўғрироғи, уларнинг жамият-

бутун осмон гумбази кечки шафақнинг заррин нурлари ва қирмизи қонига ғарқ бўлиб бораётганга ўхшайдими?

— Пан, чехларга ўхшаб қолдиларми?—деган овоз эшитилди орқадан соф чех тилида.

Биз ҳайрон бўлиб орқага қарадик. Ҳеч ким кўринмади. Фақат катта қора самандар қўлида китобга ўхшаган бир нарса ушлаганича теш устида ўтирарди. Сафаримиз давомида бир нечта самандарни учратгандек, бироқ улар билан авваллари сира суҳбатда бўлмагандик. Шунинг учун ҳам муҳтарам китобхон бундай тақир соҳилда самандарни кўриб, буving устига унинг ўз она тилимизда савол берганини кўриб ҳайрон қолганимизни тушинса керак.

— Қим гапиряпти?—дея китоб қилдим мен чех тилида.

— Бунга журъат қилган менмен,—деди самандар ва ҳурмат билан жойидан бир оз қўзғалиб қўйди.—Умримда биринчи марта чех тилини эшитиб ўзинми тутиб туролмадим.

— Чех тилини қасқдан биласиз?—дедим мен ажабланиб.

— Мен ҳозир худди «бўлмоқ» нотўғри феълнинг турланишини эрмак қилиб ўтирган эдим,—деб жавоб берди самандар.—Айтгандай, бу феъл ҳамма тилларда нотўғри турланади.

— Қандай қилиб, қаерда нима учун чех тилини ўргандингиз?—суриштира кетдим мен.

— Тасодифан қўлимга мана шу китоб тушиб қолди,—деди самандар қўлидаги китобни менга узатаркан. Бу «Самандарлар учун чех тили» китоби эди. Дарслик саҳифалари ундан тез-тез ва тиришқоқлик билан фойдаланганларидан гувоҳлик бериб турарди.

— Бу ерга у,—дея давом этади самандар,—илмий мазмунидаги бошқа китоблар орасида келиб қолган. Мен ўзимга «Юқори синфлар учун геометрия», «Ҳарбий тактика тарихи», «Доломотив ғорлар йўл кўрсаткичи», «Биметаллизм принциплари» китобларидан бирини танлашим мумкин эди. Бироқ мен ажралмас дўстимдек бўлиб қолган шу китобни афзал кўрдим. Мен аллақачон уни ёдлаб олганман, шунда ҳам ҳар гал қайта ўқиганимда бу китобдан янгидан-янги эрмак ва фойдали bilimлар манбаи топаман.

Мен ва рафиқам самандарнинг тўғри ва умуман, анча аниқ талаффузидан чиндан ҳам қувонганимизни ва ҳайрон қолганимизни айтдик.

— Афсуски, бу ерда мен билан чех тилида гаплаша оладиган бирорта ҳам одам топилмайди,—деди камтарлик билан бизнинг янги дўстимиз,—мен бўлсам, масалан, «эшик» сўзи жўналиш

да қандай аҳамияти бор? Дастлаб, агар шундай дейиш мумкин бўлса, Самандар Асрининг тарихдан илгариги даврида жониворларга ҳомийлик қилувчи турли Жамиятлар самандарлар билан шафқатсиз ва қўпол муомалада бўлмасликлари учун жон куйдириб ғамхўрлик қилишди; уларнинг

келишигида қандай бўлишини, «эшикками» ёки «эшикгами»ми, билмайман.

— Эшикка, — дедим мен.

— Йўғ-э, эшикга! — деди хотиним.

— Марҳамат қилиб айтинчи, — деди суҳбатдошимиз ўта қизиқувчанлик билан, — юз минорали она Прагада нима гаплар?

— Борган сари ўсиб борапти, дедим мен унинг қизиқувчанлигидан хурсанд бўлиб ва уч-тўрт оғиз сўз билан ажойиб пойтахтимизнинг гуллаб-яшнаётганини сўзлаб бердим.

— Бундай хабарларни эшитиб кўнглинг қувонади, — деди самандар ошкора мамнуният билан. — Кўприк минорасида қатл этилган панларнинг боши ҳали ҳам турибдими?*

— Йўғ-э, аллақачонлар олиб ташланган — дедим мен, очигини айтганда, бундай саволдан қийин аҳволда қолиб.

— Эҳ, аттанг! — дея хитоб қилди гўзал самандар. — Бу қандай ноёб

тарихий ёдгорлик эди-я. Унучўйлик уруш давомида қанчадан-қанча энг машҳур ёдгорликларнинг йўқ бўлиб кетиши нақадар аянчли! Агар адашмасам, чех тупроғи кўз ёши ва қонга тўлган саҳрога айланганди. Ушанда инкор сўзларида родительный падеж йўқ бўлиб кетмаганига шукур. Бу китобда йўқ бўлиб кетади, деб ёзилган. Бунга мен жуда хафа бўлиб юрган эдим.

— Демак, бизнинг тарихимизга қизиқар экансиз-да? — қувонч билан хитоб қилдим мен.

— Албатта, — деди самандар. — Айниқса, Оқ Тоғдаги мағлубият ва уч юз йиллик асоратга**. Бу китобда ўша воқеалар ҳақида жуда кўп ўқидим. Сиз, шубҳасиз, ўзингизнинг уч юз йиллик асоратингиз билан фахрлансангиз керак. Бу буюк давр эди, жаноб.

— Ҳа, оғир давр эди, — маъқуладим мен, — эрксизлик ва ғамандух йиллари эди.

— Кўрган кунингиз нола че-

*Праганинг Карлова кўприги ёнидаги Старомост минорасига Австриянинг Габсбурглар сулоласи ҳукмронлигига қарши чех кўзғолони раҳбарларидан йигирма етти кишининг боши осиб қўйилганди. Бу раҳбарлар Оқ Тоғ яқинидаги жангда мағлубиятга учрашгач, император қўшинлари томонидан қўлга олиниб, 1621 йилнинг 21 июнида қатл этилган.

**Оқ Тоғдаги жангда чех дворянлари мағлубиятга учраганларидан кейин (8 ноябрь, 1620 йил) Чехия уч юз йилга (1918 йилгача) давлат мустақиллигидан маҳрум бўлиб қолди.

ишга ғайрат билан аралашуви натижасида деярли барча ерлардаги ҳокимият самандарлар масаласида ҳам бошқа уй ҳайвонлари учун белгилаб қўйилган полиция ва ветеринария қондаларига тўла амал қилиш устидан назорат қилиб турди. Бундан ташқари, тирик ҳайвонларни ёриб текшириш

киш бўлгандир?— қизиқиш билан суриштирди дўстимиз.

— Ёвузлар асоратида азоб чекиб, нола қилардик.

— Жуда хурсандман, — деди самандар енгил тортиб. — Кито-бимда ҳам шундай ёзилган. Бунинг ҳақиқатлигидан жуда хурсандман. Бу ажойиб китоб экан, ҳатто «Урта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари учун геометрия» дан ҳам яхши. Мен жон деб чех панлари қатл этилган ўша тарихий жойларни бориб кўрган бўлардим, шунингдек, шафқатсизлик, ҳақсизлик ҳукм сурган бошқа машҳур жойларни ҳам.

— Унда биз томонларга келинг, — таклиф қилдим мен самимият билан.

— Даъватингиз учун сиздан миннатдорман, — таъзим қилди самандар. — Афсуски, хоҳлаган еримга сафарга чиқа олмайман. . .

— Биз сизни сотиб олишимиз мумкин! — қичқириб юбордим мен.

Яъни, айтмоқчиманки, миллий мурожаат ёрдамида сизга маблағ тўплашга имкон бўларди ва сиз.

— Сидқидилдан миннатдорман дея ғўлдиради дўстимиз очиқчасига ҳаяжонланиб. — Бироқ, эшитишимча, Влтава сувининг мазаси йўқ экан. Бизлар дарё сувида ичкетар касалига мубтало бўламиз. Самандар бир оз ўйлаб туриб қўшиб қўйди:

— Бунинг устига ўзимнинг севимли боғим билан жудодик менга оғир тушган бўларди.

— Оҳ, — дея хитоб қилди хотиним. Мен ҳам ашадий боғбонман! Бу ердаги ўсимликлар дунёсини кўрсатсангиз, сиздан жуда миннатдор бўлардим!

— Жон деб кўрсатардим, мухтарам пани, — деди самандар илтифот билан таъзим қилиб. — Бироқ менинг боғим сув остида жойлашганлиги сизга тўсқинлик қилмайдими?

— Сув остида?

* Чех классик шоири Франтишек Ладислав Челаковский [1799—1852]-нинг «Оз баргли гул» тўпламида босилиб чиққан шеърдан мисралар.

** Чех сентименталь-романтик шоири Карел Эуген Тупой (1813—1881)нинг таҳаллуси.

*** Прага яқинидаги бир қишлоқнинг номи. 1434 йилнинг май ойида бу ерга яқин жойда XV аср бошларидаги ўнг қанот чех революцион социал ва миллий овозлик ҳаракати таборитларни мағлубиятга олиб келган қонли руш бўлиб ўтган.

душманлари тирик самандарлар устида илмий тажрибаларни тақиқлашни талаб қилиб, жуда кўп норозиликлар ва арзномаларни имзоладилар. Бир қатор давлатларда чиндан ҳам шундай қонунлар чиқарилди¹³. Бироқ самандарларнинг билим доираси юксала борган сайин уларга нисбатан ҳайвонларга ҳомийлик қилишнинг умумий қоидаларини жорий этиш тўғри бўлармикин, деган шубҳа ҳам орта борди; қандайдир аниқ бўлмаган сабабларга кўра бу иш ноқулай

—Ҳа. Йигирма икки метр чуқурликда.

—У ерда қандай гуллар ўстиряпсиз?

—Денгиз анемонлари, — дейди дўстимиз. — Бир неча хил ноёб навларидан. Шунингдек, денгиз юлдузлари ва денгиз бодринглари, маржон буталарининг гапирмасам ҳам бўлар. «Ўз ватани учун лоақал бир қаламча ўстирган кимса бахтиёрдир»,* — дейди-ку шоир.

Афсуски, хайрлашиш пайти келиб қолди, пароходимиз йўлга чиқишга сигнал бериб турарди.

—Хўш, биз нима деб қўялик, пан...пан... — дўстимизнинг исми нималигини билмай дудуқланиб қолдим.

—Исми Бюлеслав Яблонский,** — деди самандар ийманибгина. — Менимча бу чиройли исм. Мен бу помни ўз китобимдан танлаб олганман.

—Хўш, пан Яблонский, сизнинг исмингиздан халқимизга нима деб қўяйлик?

Самандар бир зум ўйлашиб қолди.

—Ватандошларингизга айтингки, деди у қаттиқ ҳаяжон билан. — Уларга айтингки... эски славян низоларига берилиб кетишмасин, Лапана*** ва хусусан, Оқ Тоғ хотирасини яхши сақлашсин! Уларга таъзим қиламан!-у бирдан ҳаяжонини босишга ҳаракат қилиб жимиб қолди.

—Биз кайиққа ўтириб ҳаяжонланган ва ўйга толган ҳолда узоқлашдик. Дўстимиз қояда турар-ва бизга қараб қўл силкирди; У нимадир деб қичқираётганга ўхшарди.

—Нима деб қичқирапти?— деди хотиним.

—Билмадим, — дедим мен. «Пан приматор доктор Баксага*салом айтилг» деяпти шекилли.

* Бакса Карел (1863—1927) — Прагада 1919 — 1927 йилларда примато бўлган шовинист миллий партия аъзоси.

¹³ Хусусан, Германияда ҳар қандай тирик ҳайвонни ёриб текшириш, айтгандай, фақат яҳудий биологларига, қатъиян тақиқланарди.

туюларди. Шундан кейин герцогиня Хеддерсфилд васийлигида самандарларга ҳомийлик қилиш халқаро Лигаси (Salammander Protecting League) ташкил этилди. Асосан, Англия аҳолисидан икки юз мингдан ортиқ аъзоси бўлган бу Лига мақтовларга сазовор каттагина ишлар қилди. Хусусан, бу Лига денгиз соҳиларида самандарлар ўз «мажлилари ва спорт байрамлари»ни (бу ерда эҳтимол тунги рақслар назарда тутилган бўлса керак) томошатабларнинг ҳалақитисиз ўтказиши оладиган махсус майдончалар ташкил этишга муваффақ бўлди. Ҳамма ўқув юртларида, ҳатто Оксфорд университетиди ҳам ўқувчиларга самандарларга тош отмасликни уқтиришди; самандарлар мактабларида ёш итбалиқларни дарслар туфайли ортиқча қийнаб қўймаслик чоралари кўрилди ва ниҳоят, самандарлар ишлаб ҳамда яшаб турган жойларда уларни ҳар қандай безовта қилишлардан сақлаш, энг асосийси, самандарлар дунёсини одамлар дунёсидан бир оз ажратиб туриши учун баланд деворлар барпо этилди¹⁴. Бироқ тезда инсон жа-

¹⁴ Афтидан, бу ўринда айрим маънавий ниятларнинг аҳамияти ҳам катта бўлганга ўхшайди. Пан Повондранинг ҳужжатлари орасида, афтидан, бутун дунё газеталари босиб чиқарган ва герцогиня Хеддерсфилднинг ўзи имзолаган гурли тиллардаги «Мурожаатнома» жуда кўп нусхада топилди:

«Самандарларга ҳомийлик қилиш Лигаси, сиз аёлларга мурожаат қилиб, мақсади самандарларни тегишли кийим билан таъминлашдан иборат бўлган буюк ишда одоб ва хуштабағлилик юзасидан ўз меҳнатингиз билан қатнашишга чақиради. Бунинг учун узунлиги 40 см, кенлиги бел қисмида 60 см, яхшиси, резинка қўшиб тикилган юбкача жуда мос келади.

Қоматни жуда яхши безаб турувчи ва ҳаракатларга ҳалақит бермайдиган бурма қилиб тикилган (*плиссе*) юбкача тикишни тавсия қиламиз. Тропик мамлакатлар учун ювиш осон матодан, хусусан, эски кийимларингиздан қолган нарсалардан тикилган боғичли этакнинг ўзи етарли. Бу билан сиз бечора самандарларни одамлар олдида кийимсиз ишлашидан қутқарасиз. Чунки, акс ҳолда, шубҳасиз, уларнинг уялишига ва айна вақтда, ҳар қандай одобли одамнинг, айниқса, ҳар бир аёл ва онанинг таҳдирланишига сабаб бўлади».

Ҳар томонлама мулоҳаза қилиб кўрилганда, бу ташаббус ютилган натижаларни бермади: самандарларнинг бирорта ҳам юбка ёки этак

мияти ва самандарлар ўртасида одоб ҳамда инсонпарварликка асосланган алоқалар ўрнатишга интилган бу оқишга сазовор хусусий ташаббуснинг ўзи етарли эмаслиги маълум бўлиб қолди.

«Самандарларни ишлаб чиқариш жараёнига қўшиш» бирмунча осон иш эди, албатта. Аммо уларни мавжуд жамоат тартиблари доирасига киритиш эса қийин ва мураккаб эди. Тўғри, консерватив доиралар бу ўринда бирорта юридик

тақишга рози бўлганлари ҳақида маълумот йўқ; балки кийим уларни сув остида сиқиб қўяр ёки устларида турмас. Самандарлар одамлардан деворлар билан ажратиб қўйилгач, иккала томон учун ҳам уятчанлик ёки ёқимсиз таассуротларга ҳеч бир ўрин қолмади.

Самандарлар тинчлигини сақлаш зарурияти ҳақидаги мулоҳазамизда, асосан, итларни назарда тутган эдик. Самандарни қонган итнинг оғзидаги шиллиқ парда яллиғланишига қарамай итлар ҳатто сувда ҳам самандарларга тинчлик бермас ва уларни сира чиқиштирмас эдилар. Баъзан самандарлар ўзларини ҳимоя қилиши натижасида озмунча ажойиб итлар чўқморлар билан уриб ўлдирилмади. Умуман, итлар билан самандарлар ўртасида шиддатли, айтиш мумкинки, ҳалокатли адоват пайдо бўлиб, уларни бир-бирдан ажратиб турувчи деворлар барпо этилиши бу адоватни зигирча бўлса-да юмшатмади, аксинча, кучайтириб, кескинлаштириб юборди. Бу нарса жуда кўпдан одат бўлиб қолган ва фақат итларгагина хос эмас.

Айтгандай, денгиз соҳили бўйлаб кўпинча юзлаб километрларга чўзилган мумланган деворлар тарбия мақсадларида ҳам ишлатиларди: уларнинг бошдан-охирига қадар самандарлар учун фойдали ёзув ва шиорлар қоплаб олган эди.

МЕҲНАТИНГИЗ—МУВАФФАҚИЯТИНГИЗИ!

*Ҳар бир секунднинг қадрига етинг!
Бир кеча-кундуз бори йўғи 86400 секунддан иборат!
Ҳар кимнинг қадри меҳнат билан ўлчанади!
Бир метр тўғонни 57 минутда қура оласиз!
Меҳнат қилган — ҳаммага хизмат қилади!
Ишламаган тишламайди!*

Ва ҳоказолар. Агар бу хил тахтадеворларнинг бутун дунёда уч юз минг километрлик соҳил минтақаларини айлантириб ўраганини ҳисобга олсак, уларга қанчалик руҳлантирувчи ва ҳаммага фойдали ва доно гаплар сиғиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

ва ижтимоий масалалар ҳақида бирон-бир гап бўлиши мумкин эмас, деб таъкидлашарди: самандарлар, дейишарди улар, шунчаки эгасининг мулки ва эгалари улар учун, чунончи, улар етказган зарар учун жавобгардирлар. Ўзларининг шубҳасиз, зиёли бўлишларига қарамай, самандарлар ҳуқуқ объекти сифатида буюм ёки мулкдан бошқа нарса эмаслар. Шунинг учун самандарларга оид ҳар қандай махсус қонун ҳам муқаддас хусусий мулк ҳуқуқига тажовуз бўлур эди. Бошқалар бунга эътироз билдириб, самандарларни маданиятли ва маълум даражада ўз қилмишлари учун жавоб бера олишга қодир бўлган мавжудот сифатида жорий қонунларни қасддан ва шу билан бирга, турли йўллар билан бузишлари мумкин, дейишарди. Нега энди самандарнинг эгаси ўз самандарининг қилмишларига жавобгар бўлиши керак экан? Бундай тавакқалчилик, шубҳасиз, самандарларнинг иш соҳасидаги шахсий ташаббусини бўғиб қўяди. Ахир денгизда деворлар йўқ-ку, у ерда самандарларни қулфлаб, назорат остида сақлаб бўлмайди. Шунинг учун самандарлар зиммасига қонун йўли билан инсон тартибларини ҳурмат қилиш, ўзлари учун ўрнатиладиган қоидаларга бўйсуниб вазифасини юклаш лозим.¹⁵

¹⁵ Бу жиҳатдан Дурбанда бўлиб ўтган ва дунё матбуотида жуда кўп шарҳларга сабаб бўлган (пан Повондранинг газета парчаларидан маълум бўлишича) дастлабки «Самандар процесси» материаллари қизиқарлидир. А. портининг бошқармаси ишлатиш учун самандарлар отрядини сотиб олди. Вақт ўтиши билан улар кўпайиб, портга сирмай қолди ва итбалиқларининг бир неча колонияси қўшни соҳилга жойлашди. Бу соҳилнинг бир қисми помещик Б. га қарар эди, шунинг учун у порт бошқармасидан соҳилдаги (у ерда пляжи бўлганлиги сабабли) самандарларини олиб чиқиб кетишини талаб қилди. Порт бошқармаси бу нарсанинг уларга ҳеч бир алоқаси йўқлигини маълум қилиб, эътироз билдирди; самандарлар даъвогарнинг ерларига кўчиб ўтган пайтдан бошлаб, унинг хусусий мулки бўлиб қолди. Бу музокаралар одатдагидек чўзилаверди, самандарлар эса (қисман туғма инстинкт бўйича қисман таълим олишда одатланган ғайрат билан) ҳеч бир кўрсатма ва рухсатсиз янги жойда дамба ва ҳовузулар қуришини бошлайверди. Шунда мистер Б. порт бошқармасидан етказилган зарарларни тўлашни талаб қилди. Айдор мистер Б. га зарар етмагани,

Маълумки, самандарлар ҳақидаги қонунлар Францияда чоп этилди. Уларнинг энг дастлабкиси самандарларнинг урушдаги вазифаларини аниқлаб берди. Иккинчи (Деваль қонуни деб аталадигани) қонун самандарларга эгалари ёки департамент маъмуриятининг тегишли органи кўрсатган

аксинча, мулки яна ҳам мустаҳкамланганини важ-қорсон қилиб, унинг даъвосини эътиборсиз қолдирди. Кейинчалик даъвогарни ҳақ деб топишди, сабаби ҳеч ким ўз ерида қўшнинг уй ҳайвонларидан зарар кўрмаслиги керак. Шунинг учун порт бошқармаси ҳайвонлари келтирган зарарларни тўлаши керак, деган қарорга келинди. Айбдор эса самандарларни денгизда ўраб қўйишнинг иложи бўлмагани учун уларга жавобгар эмасман, деб эътироз билдирди. Судьянинг фикрича, самандарлар етказган зарарни худди товуқлар етказган зарар қаторига қўйиш керак, чунки уча олгани учун уларни ҳам тергаб бўлмайди. Порт бошқармасининг ишонч билдирган одами самандарларни қандай қилиб мистер Б. нинг қўл остидаги хусусий қирғоқларидан олиб чиқиб кетиш ёки ўзлари чиқиб кетишларига мажбур қилиш лозимлигини сўради. Судья бу билан суднинг иши йўқ, деб жавоб берди. Агар жавобгар бу кераксиз самандарларни отиб ташлашга буйруқ берса, унинг бу қилмишига ҳурматли судья қандай қараган бўларди, деб сўради ишонч билдирилган вакил. Судья эса: британ жентльмени сифатида бу ишни ўта нотўғри ва бунинг устига мистер Б. томонидан овчилик қонун-қоидаларининг бузилиши деб ҳисоблардим, деди. Жавобгар, биринчидан самандарларни даъвогарга тегишли ерлардан олиб чиқиб кетиши, иккинчидан эса дамбалар қурилиши ва қирғоқ ерларининг ўйдим-чүкүр бўлиб кетиши натижасида етказилган зарарни тўлаши керак. Шу билан бирга бу иш ўша ерларни ўз ҳолига қайтариш йўли билан амалга оширилиши лозим. Шунда айбдорнинг вакили қурилган иншоотларни олиб ташлашда самандарлардан фойдаланиши мумкинми, деб сўради. Бу гапга судья агар даъвогар бу ишга рэзи бўлмаса, зинҳор мумкин эмас, деб жавоб берди. Чунки унинг хотини самандарлардан жирканар ва улар булғатган жойда чўмилла олмас экан. Айбдор дамбаларни ва сув ости иншоотларини самандарларсиз олиб ташлашга қодир эмаслигини айтиб, эътироз билдирди. Бунга жавобан судья суднинг техник тафсилотлар масаласига аралашини истамаслиги ва аралашмаслигини билдирди; судлар нима ишни қилса бўлади-ю, нимани қилиб бўлмаслигини мулоҳаза қилиш учун эмас, балки мулкдорлик ҳуқуқларини сақлаш учун мавжуддир, деди.

Масаланинг юридик томони ана шу тахлит ҳал қилинди. А. портнинг бошқармаси бу қийин аҳволдан қутулгани маълум эмас. Бироқ бу иш шунини кўрсатадигани, самандарлар масаласини янги юридик воситалар ёрдамида тартибга солиб туришга тўғри келиб қолди.

соҳиллардагина жойлашишини белгилаб берди; учинчи қонунда самандарлар полициянинг барча фармойишларига сўзсиз бўйсундишлари керак, дейилади; бўйсунмаслик ҳолларида полиция маъмурияти уларни сувсиз ва ёруғ билан қамаш ҳамда узоқ муддатга ишдан четлатиш йўли билан жазолаш ҳуқуқига эга. Сўл партиялар ўша заҳотиёқ парламентга самандарлар учун ижтимоий қонунлар системасини ишлаб чиқишни таклиф этди: бу қонунлар уларнинг меҳнат мажбуриятини чеклаши, ишбошилар зиммасига ишчи самандарларга нисбатан маълум мажбуриятлар юклаши керак эди (масалан, баҳорги жуфтлашиш пайтида уларга икки ҳафталик ҳордиқ кунлари берилиши); бу партияларнинг ашаддий душмани бўлган энг сўл партиялар самандарларни меҳнаткашлар оммасининг душмани сифатида жамиятдан мутлақо қувиб чиқаришни талаб қилдилар; чунки самандарлар жуда кўп, бунинг устига улар капиталистларга деярли текинга ишлаб беряпти, бу билан ишчилар синфининг турмуш даражасини ҳавф остида қолдирыпти, дейишди. Бу талабни маъқуллаб Брестда иш ташлаш бошланди, Парижда эса катта намоёнлар бўлиб ўтди; натижада жуда кўп киши яраланди ва Деваль кабинети истеъфо беришга мажбур бўлди. Италияда самандарлар корхона эгалари ва ҳукумат вакилларида иборат махсус самандарлар корпорацияларига бўйсундирилди, Голландияда улар сув иншоотлари министрлигининг қарамоғида эди; қисқаси, ҳар бир давлат Самандар масаласини ўзича ҳал қиларди. Бироқ гражданилик бурчларини белгилаб, самандарларнинг соф ҳайвоний эркини чеклайдиган кўп сонли маъмурий фармойишлар, умуман, ҳамма ерда бир хил эди.

Турган гапки, самандарлар ҳақида дастлабки қонунлар эълон қилиниши биланоқ, кишилиқ жамияти самандарларга маълум вазифалар юклар экан, юридик мантиқ юзасидан унинг айрим ҳуқуқларини ҳам тан олишга мажбур, деб исботлашга уринувчилар ҳам топилди қолди. Давлат самандарлар ҳақида қонун чиқарар экан, бу билан уларни эркин, қонуний ҳуқуқга эга бўлган субъектлар деб биллади

ва ҳатто уларни ўз фуқароси сифатида тан олади; у ҳолда, самандарлар тааллуқли бўлган давлат билан улар ўртасидаги муносабатларни қандайдир бир йўл билан тартибга солиб туриш керак. Самандарларни хорижий иммигрантлар деб ҳисоблаш ҳам мумкин эди, албатта. Бироқ унда давлат барча цивилизацияга эришган мамлакатлар мўлжаллаганидек (Англия бундан мустасно) урушга сафарбарлик пайтида уларга маълум бир бурч ва вазифалар юклай олмайди. Ҳарбий ихтилоф чиқиб қолса, биз эҳтимол самандарлардан денгиз қирғоқларимизни мудофаа қилишни талаб қилармиз; у ҳолда биз уларга сайлаш, мажлис ўтказиш, турли сайлов органларига вакил юбориш ва ҳоказолар каби маълум гражданлик ҳуқуқларини бермай иложимиз йўқ.¹⁶ Самандарларга ўзига хос сув ости автономияси берилиши

¹⁶ Айрим кишилар самандарларнинг тенг ҳуқуқлигини тўғри маънода тушиниб, уларга қуруқда ҳам, сувда ҳам исталган жамоат лавозимларини эгаллаш ҳуқуқи берилишини (Ж. Курто) ёки самандарлардан барча қондаларга рия қилинган ҳолда қуролланган, ўз командирларга эга бўлган сув ости полклари тузишни (генерал Дефур), ҳатто инсон ва самандарлар орасида аралаш никоҳларга рухсат этишни (адвокат Луи Пьерро) талаб қилишди. Тўғри, табиатшунослар бундай никоҳларнинг мутлақо мумкин эмаслигини айтишди; аммо Мэтр Пьерро гап жисмоний имкониятда эмас балки ҳуқуқ принципида, деб гўё никоҳ ҳуқуқининг ислоҳи қоғоздагина қолиб кетмаслигини исботлаш учун унинг ўзи самандарга уйланишга тайёр эканини айтди. (Натижада, мэтр Пьерро никоҳ ва талоқ ишлари бўйича анчагина машҳур адвокат бўлиб олди.)

(Шу муносабат билан Америка матбуотида гўё чўмилаётган қизнинг номусига самандар тажовуз қилгани ҳақида вақти-вақти билан хабарлар эълон қилиниб турганини эслатиб ўтмоқ лозим. Шунинг учун Қўшма Штатларда самандарларни тутганларида тошбўрон қилиш, кўпроқ гулханда ёқши ҳоллари кўпайиб кетди. Олимлар самандарларнинг тана тузилиши уларнинг бу хилдаги жиноятни қилишга мутлақо имкон бермайди, дея халқнинг бу одатига қарши беҳуда эътироз билдиришарди; қизлар самандарнинг хиралик қилганини айтиб қасам ичишгач, ҳар қандай эс-ҳуши жойида америкалик учун масала равшан эди. Натижада самандарларнинг ўзбошимчилик билан ўлдиришнинг сеvimли усули, яъни ўтда куйдириш, ҳар ҳолда, бир оз чекланди-самандарларни ёқишга шанба кунлари, шунда ҳам ўт ўчирувчилар назорати остида рухсат этиладиган бўлди. Шунда негр руҳонийси Роберт Ж. Вашингтон бошчилик

ҳақида талаблар ҳам бўлди. Аммо шу ва шунга ўхшаш фикрлар ҳамма вақт мутлақо назарий бўлиб қолаверди; иш, асосан, шунинг учун ҳам бирор амалий хулосаларга олиб бормадики, самандарлар ҳеч бир ерда, ҳеч қачон ҳеч қандай сиёсий ҳуқуқларга эришолмадилар.

Шунингдек, самандарларнинг иштирокисиз ва уларда сезиларли қизиқиш уйғотмаган ҳолда чўқинтириш мумкинми, деган мавзуда жуда катта тортишувлар давом этарди. Католиклар черкови аввал-бошданоқ бу ишнинг сира иложи йўқ деган фикрда маҳкам турди, самандарлар Одамато авлодига мансуб бўлмагани, дастлабки гуноҳ натижасида пайдо бўлмагани учун уларни муқаддас чўқинтириш йўли билан гуноҳдан фориг этиш мумкин эмас, муқаддас черков самандарларнинг тангритаоло томонидан

қилган «Самандарларни ўзбошимчалик билан ўлдиришга қарши ҳаракат» юзага келди. Бу ҳаракатга деярли мутлақо негрлардан иборат юз мингдан ортиқ киши қўшилди. Америка матбуоти бу ҳаракат бузғунчилик мақсадларни кўзламоқда, деб айюҳаннос солди; иш негр кварталларига ҳужум қилишгача бориб етди. Ўзларининг черковларида ака-ука Самандарлар хотирасига ибодат қйлаётган пайтларида кўпгина негрлар ёқиб юборилди. Гордонвилл [Луизиана штати] даги негрлар ибодатхонаси ёқиб юборилганда бутун шаҳарга ўт кетгани негрларга бўлган ғазабини жуда кучайтириб юборди. Айтгандай, бу гаплар самандарлар тарихига унчалик тааллуқли эмас.

Чиндан ҳам, самандарларга тааллуқли юридик қонда ва имтиёзлардан жуда бўлмаса бир нечасини эслатиб ўтамиз: ҳар бири самандарларнинг туғилганлик ҳақидаги китобига ёзилиб, иш жойида қайд қилиб қўйилган; самандарлар у ёки бу жойда яшашлари учун маъмуриятдан рухсат олиш мажбуриятини олганлар; эгалари улар учун тўлайдиган жой солигини кейинчалик свқатларидан тегишли миқдорда ушлаб қолиш йўли билан ҳисоблашишлари керак эди [самандарлар иш ҳақиғига пул олмаганликлари туфайли шундай қилинарди]; худди шунингдек, улар ўзлари яшаб турган қирғоқ қисми учун ижара ҳақи, шаҳар кассаларига аъзолик бадали, қурилган деворларга бож, мактаб солиғи тўлашлари ва бошқа жамоат мажбуриятларини ўташлари лозим эди; ҳуллас, таъ олишимиз керакки, бу жиҳатдан улар билан бошқа граждандар каби иш тутинган, демак, улар бари бир маълум даражада теги ҳуқуққа эга бўлишган.

абадий руҳ ёки бошқа бирорта инъомга сазоворлиги масаласини муҳокама қилишни истамайди. Черков самандарларга бўлган ўз муносабатини маълум кунлардагина даҳрийлар руҳига атаб ўқиладиган махсус ибодат пайтларида уларни ҳам хотиралаш йўли билангина билдириши мумкин¹⁷. Протестант черковлари учун бу масалани ҳал қилиш осон бўлмади; тўғри улар самандарларнинг идрокини тан олишар, бинобарин, христиан таълимотини ўзлаштира олишларига ҳам шубҳалари йўқ эди. Бироқ уларни черков ўз бағрига олиб, Исонинг паноҳида, деб билишга журъат қилишолмасди. Шу сабабли улар ивмайдиган қоғозда самандарлар учун муқаддас диний китоб (қисқартирилган ҳолда) нашр қилиш ва миллионлаб нусхаларда тарқатиш билангина қапоатланиб қўя қолишди: шунингдек, самандарлар учун «basic-English» га ўхшаш basic christian каби бирор нарса, яъни асосий принципларга бирлаштирилган ва соддалаштирилган христиан таълимотини ёзиб чиқиш назарда тутилаётган эди; бироқ бу йўлда қилинаётган тажрибалар илоҳиёт соҳасида шунақанги кўп мунозаралар келтириб чиқардики, охирида бу фикрнинг баҳридан ўтишга тўғри келди¹⁸. Айрим диний мазҳаблар (айниқса америкадагилар) унчалик инжиқ эмасдилар; улар самандарлар олдига Чинакам Эътиқодни тарғиб қилиш мақсадида «Дунё бўйлаб юринг ва барча халқларга ўргатинг», деб битилган сўзларга биноан уларни чўқинтириш учун ўз миссионерларини юборишарди; бироқ самандарларни одамлардан ажратиб турган деворлар ичига кириш жуда кам миссионерларгагина nasib бўлди; ўз ваъзхонликлари билан самандарларни бекорга ишдан қолдиришмасин, деб уларни самандарлар олдига киритишмасди. Шунинг учун ҳам мум суртилган деворларнинг ҳар ер-ҳар ерида итлар қуршови ва

¹⁷ Муқаддас папа ҳазратларининг «Mirabilia Dei Opera» [«Худонинг ҳайратангез мавжудотлари»] [лотинча] энцикликасига қаранг.

¹⁸ Бу масала бўйича шунақа кўп китоблар ёзилдики, фақат улар библиографиясининг ўзи иккита катта томга арааг жо бўларди.

уларнинг ғазабноқ акиллашлари жўрлигида бекорга, би-роқ ғайрат билан илоҳий сўзларни баён этаётган ваъзхон-ларни учратиш мумкин эди.

Самандарлар орасида монизм бир оз кенг ёйилди; улар-нинг айримлари материализмга, олтин стандарт ва бошқа илмий догмаларга ишонишарди. Машҳур файласуф Георг Секвенц самандарлар учун ҳатто олий ва энг асосий дог-маси Буюк самандарга эътиқод қўйишдан иборат махсус дин ишлаб чиқди. Тўғри, бу таълимот самандарлар ўрта-сида унчалик ёйилмади; аммо одамлар орасида, қисқа мул-дат ичида Самандар маросимининг яширин ибодатхоналари ташкил этилган катта шаҳарларда жуда кўп мухлислари пайдо бўлди¹⁹.

¹⁹ Пан Повондранинг ҳужжатлари орасида гўё Б. шаҳри полиция-сининг берган маълумотлари асосида тузилган ўта порнографик брош-юра бор. Бу «илмий мақсадлар учун чиқарилган хусусий нашр» мате-риалларини бамаъни китобда ёзиб бўлмайди, шунинг учун биз ундан айрим парчаларни мисол келтирамиз, холос.

«Фалон кўча, Фалон уйга жойлашган самандар ибодатхонасининг ўртасида тўқ-қизил мрамрлар ётқизилган катта ҳовуз бор. Ҳовуз суви муаттар моддалар қўшиб иситилган ва тагидан рангини ўзгарти-риб турадиган нур билан ёритиб қўйилган; ибодатхонада бундан бўлак ёритқич йўқ. Нурлар камалаги жилдоланиб турувчи бу ҳовузга икки то-мондаги мрамр зиналардан «самандарлар қўшиғи»ни айтиб, қип-ялан-ғоч диндорлар—«самандарлар ва самандар хонимлар» тушиб келишади: бир томондан эркаклар, бир томондан аёллар; булар бари юқори доира-дан; чунончи, баронесса ..., киноактриса С., элчи Д. ва бошқа кўпги-на кўзга кўринарли шахсларни тилга олиш мумкин. Мовий прожектор сув ўртасидаги катта мрамр қояни тўсатдан ёритади; қояда «Магистр Самандар» деб аталган, каттакон кекса, қора самандар чўзилганча ҳан-сираб ётади. Бир зум жимлик чўқади, кейин магистрнинг овози эшити-лади: у диндорларни олдиндаги самандарлар рақси маросимига сидқи-дилдан, астойдил берилишга ва Буюк Самандарга таъзим қилишга ча-қиради. Шундан кейин магистр ўрнидан туриб, танасининг юқори қисмини қилпиллата бошлайди. Унинг кетидан диндор эркаклар бўйин-ларигача сувга тушиб олиб гўё «жинсий муҳит» яратиш учун тобора тез, шиддат билан чайқалиб-тўлганишади. Бу маросим пайтида «саман-дар хонимлар», «те-те-те» деб чийиллашади. Сув остидаги шуълалар бирин-кетин ўчиб, умумий ишрат базми бошланади».

Самандарлар кейинчалик деярли ҳамма жойларда бошқа бир динни қабул қилдилар, бироқ уни қаёқдан олидганини ким билади дейсиз. Бу Молохга сиғиниш эди; буни улар боши инсон бошига ўхшаш самандар қиёфасида тасаввур қилишарди; миш-мишларга қараганда, сув остида уларнинг Армстронг ёки Круппа буюртирилган улкан чўян санамлари бор экан; аммо уларнинг одатдан ташқари сирди ва шафқатсиз диний урф-одатларининг тафсилоти (гуё бу иш сув остида амалга оширилгани учун) номаълумлигича қолаверди. Молохнинг номи уларга самандарнинг табиий-илмий (molche) ёки немис тилидаги (Molch) номини эслатиб тургани учун бу дин улар орасида яхши тарқалган бўлса эҳтимол.

Баён этилганлардан кўриниб турибдики, Самандарлар Масаласи узоқ вақт давомида бир нарсага — самандарлар идрокли ва маълум даражада цивилизацияга эришган мавжудотлар сифатида у ёки бу хилдаги инсоний ҳуқуқлардан лоақал кишилик жамияти ва инсоний тартиблар миқёсида фойдалана олишга қодирми (қодир бўлса қай даражада), йўқми, деган масалага келиб тақалар эди; бу бошқача қилиб айтганда, ҳар бир давлатнинг граждандлик ҳуқуқлари доирасида ҳал қилинадиган ички масала эди. Самандарлар Масаласи жуда катта халқаро аҳамият касб этиши мумкинлиги ва самандарлар билан фақат фикр-мулоҳазали мавжудотлар каби эмас, балки ягона самандарлар коллективи ёки самандарлар миллати сифатида муомала қилишга тўғри келади, деган фикр узоқ йиллар давомида ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмади.


Биз бу тасвирларнинг тўғри эканлигига кафолат беролмаймиз, аммо шу нарса маълумки, Европанинг барча йirik шаҳарларида полиция, бир томондан, бу каби самандар секталарни қаттиқ таъқиб остига олса, иккинчи томондан шу муносабат туфайли пайдо бўлаётган зўр ижтимоий жанжалларни муҳофизат қилиш билан овора эди. Бироқ хулоса қилиб айтиш мумкинки, «Буюк Самандар» марссими ҳаддан ташқари кенг тарқалган бўлса-да, кўпича бундай махфий ишлар эртакнамо дабдабалар билан ўтказилмас, аксинча, қудрати етмайдиган кишилар орасида шунчаки, қуруқликда уюштирилар эди.

Очигини айтганда, самандарлар масаласини бу нуқтаи назардан тушунишга бўлган биринчи қадамни «Дунё бўйлаб юринг ва барча халқларни ўргатинг» деб битилган сўзларга суяниб, самандарларни чўқинтирмоқчи бўлган ўша ғалати христиан секталари бошлаб берди. Шундан эътиборан самандарларни миллатга ўхшаш бир нарса деб тилга оладиган бўлишди²⁰.


Самандарларга ҳар хил ташкилотлар муурожаатномалар юборди.²¹

²⁰ Юқорида айтилган самандарларга атаб ўқиладиган католик ибодат уларга «Dei creatura de genta Molch» (Худонинг самандарлар халқини яратиши), деб таъриф берди.

²¹ Пан Повондранинг коллекциясидан бир нечта муурожаатнома топиб олдик; қолганларини пани Повондра ёқиб юборган, чамаси; сақланиб қолганларидан фақат қуйидагиларини мисол келтирамыз.




Пацифистик манифест




Бакунинчи анархист тўдалар муурожаатномаси.



(Сув спорти билан шуғулланувчи скаутларнинг
оммавий мурожаатномаси)



(Дъеппадаги граждани реформалари фракция-
сининг мурожаатномаси)



(Акваристлар жамияти ва сув ҳайвонот дунё-
си шиқибозлари Иттифоқи табрикномаси)



(Ахлоқий уйғонши жамиятининг мувожаатномаси)



(Собиқ денгизчиларнинг ёзаро ёрдам жамияти)



(Эгирдаги сузувчилар клуби)

Самандарлар Масаласи билан вақти келиб Женевадаги Халқаро меҳнат бюроси ҳам шугуллана бошлади. У ерда икки қарама-қарши фикр пайдо бўлди. Буларнинг бир гуруҳи самандарларни меҳнатқашларнинг янги категорияси деб тан олиб, улар ҳам иш соати, иш ҳақи, дам олиш, майблик ва қарилик суғуртаси ва ҳоказо ижтимоий қонунлардан тўла фойдаланишлари керак, деган талаб билан чиқдилар.

Бошқа гуруҳдагилар эса, аксинча, самандарлар туфайли меҳнатқашларга хавfli рақобат кучаймоқда, шунинг учун самандарлар меҳнатидан фойдаланишни аксил ижтимоий ҳол сифатида умуман таъқиқлаш лозим, деб чиқди. Бу таклифга ишбошиларнинг ўзигина эмас, балки ишчи вакиллари ҳам қарши чиқди. Улар эътиборини самандарлар фақат ишчилар армияси эмас, балки ҳамма соҳада йирик истеъмолчига ҳам айланиб бораётганига қаратишарди. Кейинги вақтларда ишчиларнинг металга ишлов бериш саноати ускуналар, машиналар ва самандарлар учун чўян санамлар), ҳарбий, химия (сув ости портловчи моддалари), қозғоз (самандарлар учун дарслик), цемент, ўрмон, сунъий озуқа (Salamander Food) ва бошқа соҳаларда бандлиги мисл кўрилмаган даражада ўсгани ҳақида маълумотлар келтиришди, савдо флотининг тоннажи самандарларгача бўлган даврга нисбатан 27 процентга, кўмир қазиб чиқариш 18,6 процентга кўпайди. Бошқа — иш билан банд ишчи сопи ва одамлар фаровонлигини юксалтириш йўли билан саноатнинг бошқа соҳаларида ҳам оборот ошди. Ниҳоят, охириги пайтларда самандарлар машиналарнинг ҳар хил деталларини ўз чизмалари бўйича буюртира бошладилар: булардан сув ости двигателлари, босма станоклар, сув ости радиоперататчиклари ва ўзлари ўйлаб топган механизмларни йнгишда фойдаланардилар. Буларнинг эвазига самандарлар меҳнат унумдорлигини оширишди. Ҳозирнинг ўзидаёқ оғир саноат ва аниқ механика соҳасидаги дунё маҳсулотининг бешдан бир қисми самандарларнинг заказига боғлиқ бўлиб қолди. Самандарларни йўқотсангиз, кор-

хоналарингизнинг бешдан бир қисмини ёпишингиз лозим; натижада фаровонлик ўрнига миллионлаб одамлар ишсиз қолади.


Халқаро меҳнат бюроси, албатта, бу эътирозлар билан ҳисоблашмай иложи йўқ эди. Ниҳоят, узоқ давом этган музокаралардан сўнг шундай бир мурасага келинди. «Оқрида зикр этилган S группа (ерда ва сувда яшовчи жониворлар) сувда ва сув остида, қирғоқда эса денгиз суви энг баланд кўтарилганда ишлашлари мумкин; денгиз тубидан кўмир ва нефть чиқаришга, қуруқликда сотиш учун қоғоз, тўқимачилик маҳсулотлар ёки сув ўтларидан сунъий тери ишлаб чиқаришга уларнинг ҳақлари йўқ ва ҳ. к.». Самандарлар маҳсулотини бу хилда чеклаш ўн тўққиз моддадан иборат кодекс кўринишига келтирилди. Буларни биз батафсил гапириб ўтирмаймиз, чунки ўз-ўзидан маълумки, бу қондаларга ҳеч қаерда риоя қилинмади. Бироқ Самандарлар Масаласининг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатларини кенг, чинакамига халқаро миқёсида ҳал қилинишининг намунаси сифатида бу кодекс улкан ва қизиқ ҳужжат ҳисобланади.

Самандарларни бошқа соҳаларда, хусусан, маданий алоқалар соҳасида халқаро миқёсда тан олинмиши бирмунча суст силжирди. Махсус журналда Жон Симэн имзоси билан чиққан ва кейинчалик қайта-қайта кўчириб босилган «Багам ороллари яқинидаги денгиз тубининг геологик тузилиши» номли мақолани олим-самандарнинг илмий иши эканини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмади; бироқ илмий конгресслар, турли академиялар ва жамиятлар тадқиқотчи-самандарлардан океанография, география, гидробиология, олий математика ва бошқа аниқ фанлар юзасидан ахборот ва ишлар ола бошлаганда бу ҳолдан ҳар сафар довдираб қолишар ва ҳатто даргазаб бўлишарди; буюк доктор Мартель бу ҳолни шундай сўзлар билан ифодалади «Бу палид бизга ақл ўргатмоқчимиз?»

Япон олими д-р Оношита бир самандарнинг чуқур денгиз сувларида яшовчи *Argyropelecus hemigrammus* Cocco

балиғи итбалиқларида тухум сариғи халтасиниң ривожланиши ҳақидаги ахборотидан мисол келтиришга журъат қилгани учун олимлар жамоатчилиғи ундан юз ўғирди; натижада бу олим ўзини чавақлаб ўлдирди. Университет илмий доираси учун самандарларнинг бирорта ҳам илмий ишига эътибор бермаслик шон-шараф ва корпаратив (уюшма) фахр иши бўлиб қолди. Ниццадаги Университет марказиниң қилиқлари одамларнинг эътиборини (агар нафратини қўзғамаган бўлса) кўпроқ жалб қилди.²² Улар Тулон портидан етук олим самандар Шарль Мерсьени таклиф этишди. У ердаги тантанали йиғилишда д-р Марсье неэвклид геометрияда конусларнинг кесими назарияси ҳақида лекция ўқиб, катта муваффақият қозонди.

Тексти тўлалигича келтирилаётган қуйидаги мурожаат, эҳтимол, энг муҳими (пан Повондранинг бу парча орқасига ҳафсала билан қалин қоғоз ёпиштириб қўйганига қараганда) бўлса керак:



²² Пан Повондранинг коллекциясида бу анжуманнинг фельетон руҳида ёзилган хила юзаки тавсифи сақланиб қолган; афсуски, бунинг ҳам ярми сақланиб қолибди, қолган қисми қаёққадир йўқолган. Бу тавсиф қуйидагилардан иборат:

«Ницца, 6 май.

Бугун Promenade des Anglais даги Урта ер денгизи институти-нинг ҳашаматли ва ёруғ биносидан ишлар қизғин; икки полициячи йўл-

Ниццедаги тантанада, маълумки, бошқалар билан бир-га, Женев ташкилотининг вакили мадам Мария Диминяну ҳам бор эди. Бу ажойиб ва олижаноб хоним доктор Мерсье-

кага тўшалган узун қирмизи гилам устидан бораётган меҳмонларга одамлар орасидан йўл очиб, уларни салқин амфитеатрга чорлашмоқда. Биз бу ерда Ницца шахрининг жилмайиб юрган мэр жанобларини, цилиндр кийган жаноб префектни, мовий формадаги генерални, Фахрий легионнинг қизил беагини таққан жанобларни, маълум ёшдаги хонимларни (ўша йили сарғиш-қизил ранг расм бўлган эди), вице-адмираллар, журналистлар, профессорлар ва Мовий қирғоқда кўплаб топиладиган турли миллатларнинг олий мартабали қарияларини учратишимиз мумкин. Шу пайт кичкинагина ҳодиса юз берди: аллақандай ғалати мавжудот хурмагли меҳмонлар орасидан қўрқа-писа ўтиб кетмоқчи бўлади; у бош-оёқ, пелеринами, маскарад кийимими, бир нарсага ўраниб олган; кўзларини катта қора кўзойнак шишалари яшириб турарди: у тез, аммо қатъиятсизлик билан пилдираб одамга лиқ тўла вестибюль томон борарди.

«He vous! — деб қичқирди полициячилардан бири, — qu'est-ce que vous cherchez ici?»* Аммо шу пайт университет амалдорлари қўрқиб кетган меҳмонга шоша-пиша пешвоз чиқиб; «Cher docteur», cher docteur!»** дея хитоб қила бошлашди. Демак, Мовий қирғоқнинг касо-казолари қаршисида нутқ сўзлаши керак бўлган олим-самандар д-р Шарль Мерсье шу экан-да! У тантанавор кайфиятда ҳаяжонланиб турган омма орасидан жой олишга шошиларди.

Monsieur le Maire *** буюк шоир Monsieur Поль Моллери **** халқаро ақлий ҳамкорлик бюросининг делегати мадам Мария Диминяну, Ўрта ер денгизи институтининг ректори ва бошқа расмий кишилар трибунадан жой олишди. Трибунанинг ён томонида нотиқ учун минбар, минбарда эса. . . Э, ҳа! Бу чиндан ҳам сирланган ванна. Чўмилиш хоналаридаги оддий сирланган ванна. Институтнинг икки хизматчиси трибунага кенг ва узун чопонга ўралган тортинчоқ бир мавжудотни олиб чиқиб қўйишди. Жамоат бир оз паршонлик билан олқишлади. Д-р Шарль Мерсье, йиманибгина таъзим қилди ва қатъиятсизлик билан ўтиришга жой қидирди. «Voilà, monsieur*****», — деди шивирлаб хизматчилардан бири кошникор ваннани кўрсатаркан, — бу сизга қўйилган». Д-р Мерсье хижолат бўлиб, бу илтифотни қандай рад эгишни билмай қолди; у иложи борича эҳтиётлик билан ваннадан жой олишга ҳаракат қилди, бироқ узун пелеринасига

* Ҳой! Сизга нима керак? (Франц.)

** Қийматли доктор (Франц.)

*** Жаноб мэр (Франц.)

**** Икки француз (декадент-шоири Стефон Маллерме) (1812—1898) ва Пол Валери (1871—1945) ларнинг исми ва фамилиясининг кинолли бирикмаси.

***** Мана бу ерга, яаноб (Франц.)

нинг камтарлиги ва билимдонлигидан қаттиқ таъсирланганидан («Pauvre petit,— дея хитоб қилди у,— il est tellement laid» — «Бечоранинг бадбашаралигини қаранг!») са-

ўралиб қолиб, сувга шалоплаб тушиб кетди. Трибунадаги жанобларга тузуккина сув сачради, бироқ улар ўзларини ҳеч нима бўлмагандек тутишди; залда кимдир хоҳолаб кулиб юборди, аммо олдинги қаторда ўтирган жаноблар атрофга қараб «Тсс!» деб қўйишди. Худди шу пайтда Monsieur le maire et Deputé* ўрнидан туриб сўз олди.

«Муҳтарама хонимлар ва жаноблар, — деди у. — Мен яқин қўшниларимиз, денгиз тубида яшовчилар илмий ҳаётининг намояндаси доктор Шарль Мерсьени гўзал Ницце тупроғида табриклайганимдан гоётда хурсандман. (*Д-р Мерсье ярим белигача сувдан чиқиб, таъзим қилди.*) Дунё цивилизацияси тарихида денгиз билан қуруқлик илмий ҳамкорлик учун биринчи мартаба бир-бирига қўл чўзаяпти. Шу пайтгача инсонларнинг маданий ҳаётида энгиз бўлмас бир тўсиқ бор эди—бу ҳам бўлса дунё океани эди. Биз уни кесиб ўтишга, ўз кемаларимизда барча йўналишларда кезиб чиқишга муваффақ бўлдик, аммо унинг қарнига, муҳтарам хонимлар ва жаноблар, цивилизация кириб боролмади. Инсоният яшаб турган бир парча ер, шу пайтгача ёввойи ва улар учун сирли бир нарса бўлиб қолаётган денгиз билан ўралиб турарди; бу жуда улкан, шу билан бирга, абадий сирли синаот, бир чегара эди: бир томонда — тараққий этиб бораётган маданий ҳаёт, иккинчи томонда—абадий ва ўзгармас табиат. Бу чегара, қимматли дўстларим, энди йўқ бўлади. (*Қарсақлар.*) Биз, ҳозирги буюк даврнинг фарзандлари маънавий салтанатимизнинг қандай ўсиб бориши, унинг чегарасини ёриб ўтиб, денгиз тўлқинлари орасига кириб бораётгани, сув ости чуқурликларини фатҳ этиб, эски маданий ерга замонавий цивилизацияга эришган океанни қўшаётганини ўз кўзимиз билан кўришга муяссар бўлдик. Қандай буюк воқеа! (*«Офарин!» деган хитоблар.*) Хонимлар ва жаноблар, океан маданиятининг туғилши ер шаримизни чиндан ҳам расмона маданийлашган планетага айлантирди! Бугун биз ана шу даврнинг ажойиб намояндасини табриклаш шарафига эга бўлдик! (*Гулдирос қарсақлар.* *Д-р Мерсье ваннадан бир оз кўтарилиб таъзим баҳо келтирди.*) Қимматли доктор ва буюк олим! — мурожаат қилди шундан кейин monsieur le maire ванна четига ҳаяжонда аранг тиралганча титроқ жабраларини қимирлатиб турган доктор Мерсьега.—Денгиз тубидаги дўстларингиз ва ватандошларингизга бизнинг эзгу ниятларимиз, завқ-шавқимиз ва зўр хайрихоҳлигимизни етказинг. Сиз ва денгиздаги қўшнилариимиз шахси орқали тараққиёт ва маданиятнинг авангарди, бепоён денгиз кенглигини қадам-бақадам фатҳ этиб, океан тубида янги маданий дунё барпо этувчи авангардини табриклаймиз.

* Жаноби мэр, ҳамда депутат (Франц.).

мандарларнинг Миллатлар Лигасига қабул қилишлари учун керак бўлса ўзининг бутун жўшқин ва сергайрат ҳаётини бағишлашга қарор қилди. Сиёсий арбоблар гапга чечан, сергайрат хонимга самандарларни дунёнинг бирон-

Денгиз қаърида янги Афиналар ва янги Римларнинг қандай қад кўтараётганини кўриб турибман; у ерда янги Парижнинг сув ости Луврлари ва Сарбонлари, сув ости Триумфал аркалари ва Номальум солдатлар қабри, театр ва бульварлари буёқд этилаётганини кўриб турибман. Энди кўнглимдаги армонимни айтишга руҳат этинг: умид қиламанки, жонажон Ниццанимиз қаршисинда—ўрта ер денгизининг зангори тўлқинларида янги шонли Ницца, сизнинг Ниццанимиз қад кўтариб, Мовий қирғоғимизни ўзининг улкан сув ости проспектлари, боғлари ва променадалари билан беэза турса. Биз сизни билишни истаймиз, шу билан бирга, бизни ҳам билиштингизни истаймиз. Мен аминманки, бахт нишонаси сифатида бугун биз асас солган илмий ва ижтимоий алоқаларнинг янада яқинлашуви, халқларимизнинг умумивиссоният манфаатлари, тивчлик, равиқ ва тараққиёт йўлида маданий ва сиёсий ҳамкорлик қилишига олиб келади». (*Давомли қарсақлар*).

Шундан кейин доктор Шарль Мерсье ўрнидан туриб, қисқагина нутқ сўзлаб жаноб мэр ва Ницца депутатига миниатюрчилик издор қилмоқчи бўлди. Бир жиҳатдан жуда қаттиқ ҳаяжонга тушган бўлса, иккинчи жиҳатдан унинг гап оҳанги жуда валаги эди; мен унинг нутқидан минг азобда талаффуз қилган бир нечта сўзларинигина англаб олдим; адашмасам, бу сўзлар қуйидагилардан иборат эди: «Ғоятда хурсандман», «ўзаро маданий алоқалар» ва «Виктор Гюго». Шундан кейин ҳаяжонини яширолмаган доктор Мерсье яна вайнага яшириди.

Энди Поль Маллори сўз олди. У гапирётган гаплар нутқ эмас, балки чуқур фалсафа билан суғорилган гимн эди. «Тақдирга минг қатла шукурки, — деди у, — итсониятнинг энг ўзая афсоналаридан бири тасдиқланиб, ҳақиқатга айланган кунларин ҳам кўрдим. Бу афсонанинг ҳақиқатга айланиши ва тасдиқланиши чиндан ҳам ажиб бир иш бўлди: денгиз тубига чўккан Атлантиданинг ўрнига денгиз қаъридан кўтарилиб келаётган янги Атлантидани кўриб турибмиз. Азиз касбдошим Мерсье! Сиз, бўшлиқдаги геометриянинг шоири ва сизнинг олим дўстларингиз—денгиз тубида қаддини ростлаётган ўша Янги дунёнинг биринчи элчиларисиз. Сиз бизга Афродита Пенорождёнага бўлиб эмас, балки Паллада Анадномена* бўлиб келяпсиз. Бироқ анчагина ғабриоддий ва беқийс, анчагина сирли туялгани шуки, сулар билан бир қаторда... (*Давоми сақланиб қолмаган.*)

*П а л л а д а—Қадимги юнон уруш ва донишмандлик матбудаси. Афина—Паллада ривоятларига кўра, худо Зевснинг бошидан темир кулоҳ ва сокут кийган ҳолда чиққан; А н а д н о м е н а—денгиз кўлигидан туғилганлигини билдириб турувчи Афродитлардан бирининг номи.

бир жойида мустақил давлат, ўз территорияси бўлмаган ҳолда Миллатлар Лигасига аъзо бўлолмаслигини тушунтиришга беҳуда уринишди. Шундан кейин мадам Лиминяну, у ҳолда самандарлар бирор ердан бўш территория олиб, сув ости давлати барпо этиши керак, деган ғояни тарғиб қила бошлади. Бу ғояни шунчаки қўполлик деб атамасак ҳам, мақсадга мувофиқ эмасди; бироқ ажойиб бир йўли топилиб, шундай қарорга келишди: Миллатлар Лигасида махсус «Самандарлар Масаласини ўрганиш бўйича Комиссия» ташкил этилиб, бу комиссия ҳайъатига самандарлардан ҳам икки кишини таклиф этишадиган бўлди; бу икки вакилдан бири сифатида, д-р Шарль Мерсьени таклиф қилишди, иккинчисига, Куба оролидан бўлган, планктон ва денгиз ўсимликлари бўйича иш олиб бораётган, қандайдир дон Марио деган хўппасемиз бир олим-самандарни танлашди. Уша пайтда бу ҳол самандарларни халқаро миқёсида тан олишнинг энг олий нуқтаси бўлди²³.

Шундай қилиб, биз самандарларнинг тез суръатлар би-

²³ Пан Повондра ҳужжатларининг орасида икки самандар делегатининг комиссия мажлисига бориш учун Женева кўли ёқасидаги зиналардан Монблан соҳилига кўтарилаётган пайтини тасвирловчи газетада босилган бир неча хира суратлар сақланиб қолган. Афғидан, уларга расмий жойни худди шу кўлдан беришганга ўхшайди.

Самандарлар Масаласини ўрганивчи Женева комиссиясининг ўзига келсак, у асосан, барча қизгин сиёсий ва иқтисодий масалалардан бутунлай бош тортган ҳолда катта ва қимматли иш қилди. Бу комиссия кўп йиллар давомида кенгашиб, самандарларга ягона халқаро ном қўйиш масаласи бўйича изчил баҳсларга бағишланган бир минг уч юздан ортиқ мажлис ўтказди. Бу соҳада олағавур тўс-тўполон ҳукм суради [Эндилликда бир оз қўпол кўриниб қолган] *Salamandra, molche, Batrachus*. ва ҳоказолар билан бир қаторда, бир талай бошқа илмий номлар таклиф қилинди; самандарларни тритонлар, нептунидлар, федитлар, нерендлар, атлаитлар, океанидлар, посейдонлар, демурлар, пелаглар, литтораллар, понтийцлар, батидлар, абисслар, гидрионлар, жандемерлар (*genio de mer* — денгиз одами) сумаринлар ва ҳоказолар деб аташмоқчи бўлишди. Самандарлар масаласини ўрганиш бўйича комиссия бу барча номлар орасидан энг маъқуланин танлаб олиши керак эди; мазкур комиссия бу иш билан Самандарлар Асри интиҳосига қадар жон қўйдириб, сидқидилдан шуғулланди; бироқ шундай бўлса-да, ягона бир қарорга келмади.

лан тинимсиз юксалишининг гувоҳи бўламиз. Цивилизациянинг ўсиши билан болалашлари кескин камайиб кетган бўлса-да, (бир урғочи самандарга йилига йигирма-ўттиз итбалиқ тўғри келарди), уларнинг сонини етти миллиард деб юритишарди. Самандарлар Ер шаридаги бутун қирғоқларнинг олтмиш процентидан кўпини эгаллаб бўлишганди, улар ҳали қутб қирғоқларига етиб бормаган бўлса-да, канадалик самандарлар аллақачон Гренландия қирғоқларини эгаллай бошлаган ва ҳатто мамлакат ичида балиқчилик ҳамда балиқ мойи савдосини қўлга олиб, экспосларни тобора мамлакат ичкарасига қараб сиқиб борарди.

Самандарлар миқдор жиҳатдан кўпайиши билан бирга, маданий тараққиётга ҳам эриша борди; улар мажбурий мактаб таълими жорий қилиб, цивилизацияга эришган миллатлар қаторига кирдилар ва миллионлаб нусхада чиқиб турган юзлаб сув ости газеталари, жуда ажойиб жиҳозланган илмий институтлари ва ҳоказолари билан фахрланиш даражасига етдилар.

Турган гапки, бу маданий юксалиш доимо бир текисда ички ихтилофларсиз амалга ошмади. Тўғри, биз самандарларнинг ички ишларини жуда кам биламиз. Бироқ айрим аломатларга қараганда масалан, бурни ва боши кесилган самандарлар жасадининг топилиб туришига қараганда, денгиз остида узоқ вақтлардан буён кекса самандар билан ёш самандарлар ўртасида қизгин ва давомли ғоявий кураш ҳукм суриб келган.* Ёш самандарлар (афтидан, ҳар қандай қаршиликсиз ва чеклашларсиз) тараққиёт тарафдори эдилар; улар сув остида ҳам қуруқликдаги маданиятни тўдалигича, барча ютуқлари билан (футбол, ишқибозлик, фашизм-

* Бу ерда XIX аср охири ва XX аср бошида чех буржуазиясининг консерватив ва либерал партиялари—кекса ва ёш чехлар ўртасидаги курашга ишора қилинади; кекса чехлар «бузилган» Ғарбдан революцион ғояларнинг кириб келишидан қўрқиб, маданий снэсат соҳасида миллий хусусият тарафдори бўлиб чиқишди; ёш чехлар яхши тараққий этган капиталистик мамлакатларнинг буржуа маданиятига кўр-кўрона тақлид қилишга интилдилар.

дан тортиб, жинсий бузуқликларгача) қабул қилиш керак, деб чиқишди. Кекса самандарлар, чамаси, самандарларнинг табиий хусусиятларига консервативларча ёпишиб олган ҳолда эски-асл ҳайвоний одат ва инстинктлардан воз кечишни истамасдилар; улар, шубҳасиз, ҳар турли янгиликлар ортидан зўр бериб қувишни қораладилар. Бу ишни улар самандарлар аждоди идеалларининг инқирози, деб билишар ва ҳозирги бузилган ёшлар кўр-кўрона домига тушиб бораётган ёт таассуротлардан ташвиш чекиб, одамларга маймулларча тақлид қилиш мағрур самандарлар шаънига лойиқ ишми, деган саволни ўртага ташлардилар²⁴.

«Миоценга қайтайлик! Йўқолсин ҳар қандай инсоний-лашиш? Бузилмас самандарлик учун жангга!» ва ҳоказо баландпарвоз шиорларнинг юзага келишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Авлодлар ўртасидаги кескин ғоявий тўқнашув ва самандарлар руҳий тараққиётидаги тубдан ўзгаришга сабаб бўлган шарт-шароитлар, шубҳасиз, шулардан яққол кўриниб турибди. Афсуски, биз бу ҳақда батафсил маълумот бера олмаймиз, бироқ умид қиламизки, самандарлар бу тўқнашувлар натижаси ўлароқ қўлларидан келган барча нарсаларга эришишди.

Шундан кейин биз самандарларни юксак даражада равнақ топган даврда кўрамиз; айтгандай, бу пайтга келиб инсоний дунё ҳам мисли кўрилмаган даражада гуллаб-яшнаш даврини бошидан кечираётган эди. Қитъаларда зўр бериб янги қирғоқлар барпо этилар, собиқ саёзликларда янги қуруқликлар қад кўтарар, океан ўртасида сунъий авиация ороллари бунёд қилинар эди; бироқ буларнинг ҳаммаси кимнингдир молиявий таъминотинигина кутиб турган Ер шарининг батамом қайта қурилишидаги улкан техник про-

²⁴ Пан Повондра «Народни политика» (чех буржуа газетаси)да босилган ҳозирги ёшлар ҳақидаги мулоҳазалардан иборат икки-уч мақолани ҳам ўз коллекциясига киритган экан; бу мақолаларни, англашилмовчилик юз бериб, самандарлар цивилизацияси тарихининг тегишли бир даврига қўшиб қўйган.

ектлар олдида ҳеч гап эмас эди. Самандарлар денгиз тубида, барча қитъа қирғоқларида кечалари билан тиним билмай ишлашарди; кўринишдан, ҳаммалари мамнундек, ишлаш ва қирғоқлар остида инлар қозиш имкониятидан бошқа ҳеч нарса талаб қилмаётгандек эди.

Самандарлар, шундай қилиб, ўзларининг сув ости ҳамда ер ости шаҳарларига, денгиз қаъридаги ўз пойтахтларига, йигирма метрдан эллик метргача чуқурликдаги денгиз тубида ўз Эссен ва Бирмингемларига эга эдилар; уларнинг аҳолиси қалин фабрика кварталлари, гаванлари, транспорт магистраллари, миллионлаб аҳоли тўпланган ерлари: қисқаси, уларнинг одамлар учун у ёки бу даражада маъҳум²⁵ бўлган, бироқ техник жиҳатдан яхши ривожланган ўз дунёси бор эди. Тўғри, уларда домна печлари ва металлургия заводлари йўқ, бажарган ишлари бадалига одамлар уларни металл билан таъминлаб турадилар. Самандарлар ўз портловчи моддаларига эга эмас. Бу моддаларни самандарларга одамлар сотади. Сувнинг кўтарилиши ва пасайиши, сув ости оқимлари ҳамда турли қатламлардаги сув ҳароратининг фарқи улар учун энергия манбаи сифатида хизмат қилади. Тўғри, турбиналарни уларга одамлар берган, бироқ самандарлар улардан яхши фойдаланади, ахир цивили-

²⁵ Дейвицелик бир жаноб пан Повондрага шундай ҳикоя қилиб берган экан. У Шимолий денгизнинг Катвейка пляжида чўмилиётиб, жуда узоққа сузиб кегибди. Шунда қоровул унга бирдан қайтинг, деб бақирибди. Ўша жаноб (пан Пршигода деган комиссионер) парво қилмай сузишда давом этибди. Шу пайт қоровул қайикда унинг кетидан қувиб кетибди.

— Ҳой, жаноб!— деб бақирибди у. — Бу ерда чўмилиш мумкин эмас...

— Нега?— дебди пан Пршигода.

— Бу ерда самандарлар бор.

— Мен улардан қўрқмайман,— деб эътироз билдирибди пан Пршигода.

— Сув остида уларнинг қандайдир фабрика ёки шунга ўхшаш алланарсалари бор,— деб тўнғирлабди қоровул. — Жаноб, бу ерда ҳеч ким чўмилмайди.

— Нега энди?

— Чунки бу иш самандарларга ёқмайди.

лизация бошқа бирорта одам ўйлаб топган нарсадан фойдалана билиш, дегани эмасми? Самандарларнинг, айтайлик, ўз гоёлари йўқ экан, уларнинг ҳар ҳолда, ўз фанларига эга бўлишлари эҳтимолдан холи эмас-ку. Тўғри, уларнинг ўз музыкаси ва адабиёти йўқ. Бироқ самандарлар шу нарсаларсиз ҳам туппа-тузук яшаб туришибди. Одамлар ҳам бу ҳол жуда ажойиб ва замонавий, деган хулосага кела бошлади... шунга кўра инсон ҳам энди самандарлардан у-бу нарсалар ўрганиши мумкин — бунинг ҳеч бир ажабланарли ери йўқ: ахир самандарлар ўзлари эришган ажойиб муваффақиятлар ҳузурини кўришмаяптими? Ахир одамлар муваффақиятли ишлардан ўрناق олмаса, нимадан ўрناق олади? Инсоният тарихида шу пайтга қадар ҳозирги буюк даврдагичалик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилмаган, қурилишлар бунёд этилмаган, даромадлар олинмаган. Ҳа, нима ҳам дердик: самандарлар билан бирга улкан тараққиёт, Миқдор деб аталмиш қандайдир янги идеал дунёга келди. «Биз Самандарлар Асрининг одамларимиз»,— дейишарди ўшанда ҳақли равишда фахрланиб: кўҳна Инсон Асри ўзининг суст, майда маданий, санъат, чинакам фан ҳамда яна бир балолар каби беҳуда даҳмазалари билан Самандарлар Асрига тенглашишига йўл бўлсин! Самандарлар Асрининг чинакам онгли кишилари Буюмлар Моҳияти ҳақида фикр юртишга вақт сарфламайдиган бўлишди. Уларга бу буюмларнинг миқдори ва кўплаб ишлаб чиқарилишининг ўзи етарли. Дунёнинг келажаги ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг тинмай ошиб боришидан иборатдир: янада кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш ва янада кўпроқ истеъмол қилиш учун самандарлар янада кўпаяверсин! Содда қилиб айтганда, самандарлар— Кўплик; самандарларнинг шу кунга хос хизмати уларнинг шунчалик кўп эканидир. Мана эндигина инсон заковати тўла куч билан ишлай бошлади, чунки у жуда кенг миқёсда, ишлаб чиқариш қуввати энг юқори даражагача етказилган, капитал обороти эса рекорд даражага эришган шароитда иш кўрмоқда; қисқаси, буюк давр бошланди.

Ҳўш, чиндан ҳам ҳаммага маъқул бўлган ва гуллаб яш-

наган бахтли Янги Асрнинг бошланиши учун яна нималар етишмайди? Техника имкониятларини тинмай, номаълум даражага қадар кўтариб бориб, инсонларнинг моддий фаровонлигини ҳамда самандарларнинг ғайратини оширадиган барча ютуқларни ўзида мужжасамлаштирган кўнгилдаги Утопияни амалга ошириш учун нима ҳалақат бериши мумкин? Ростини айтсам, ҳеч нарса! Чунки бундан буён самандарлар билан иш юзасидан бўладиган муносабатлар Янги Аср гилдираги вақти келиб гижирлаб қолмаслиги учун олдиндан ташвиш тортувчи, ақл билан иш юритувчи ҳурматли давлат арбоблари томонидан олиб борилади.

Лондонда самандарлар ҳақида битим ишлаб чиқилган ва қабул қилинган денгиз бўйи давлатларининг конференцияси тўпланди. Аҳдлашувчи мўътабар томонлар ўзаро қуйидаги мажбуриятларни олдилар; бошқа давлатлар ихтиёрдаги сувларга ўз самандарларини юбормаслик; бошқа давлатларнинг самандарлари, қандай йўл билан бўлса-да, бирор давлатнинг территорияси ёки шу давлат манфаатлари доираси, деб тан олинган ерларнинг дахлсизлигини бузишларига йўл қўймаслик; бошқа денгиз бўйи мамлакатларининг самандарлари ишига зинҳор аралашмаслик; ўзларининг ва бошқаларнинг самандарлари ўртасида жанжал чиқса, Гаагадаги халқаро арбитраж қарорларига бўйсунуш; ўз самандарларини калибри ақулага қарши ишлатиладиган оддий сув ости револьвери (Safranek-gun ёки shark-gun деб аталадиган) калибридан катта бўлган ҳеч қандай қуроллар билан қуроллантирмаслик; ўз самандарларини бошқа давлат қўл остидаги самандарлар билан яқиндан алоқада бўлишига йўл қўймаслик; Женевадаги доимий денгиз комиссияси рўхсат этмасдан туриб, самандарлар ёрдамида янги қитъалар қурмаслик ҳамда ўз территорияларини кенгайтирмаслик ва ҳоказолар (ҳаммаси бўлиб ўттиз етти параграфдан иборат). Шу билан бирга, қуйидаги масалалар беқор қилинади: денгиз давлатларининг ўз самандарларига мажбурий ҳарбий таълим жорий қилмасликлари ҳақидаги инглизлар таклифи; самандарларни халқаро иттифоққа

келтириш ва улардан дунё сувларини тартибга солиш бўйича Халқаро Самандарлар Бюросига бирлаштириш ҳақидаги французлар таклифи; ҳар бир самандарга ўз фуқароси ҳисобланган давлатнинг тамғасини босиш ҳақидаги немислар таклифи; ҳар бир деңгиз бўйи мамлакатига маълум миқдордагина самандарларга эга бўлиш ҳуқуқини бериш ҳақидаги немисларнинг бошқа бир таклифи; кўп миқдорда самандарларга эга бўлган давлатларнинг янги қирғоқлар ва сув ости ерларини эгаллашига йўл қўйиш ҳақидаги италяянлар таклифи; самандарларга (туғма қора ранг бўлгани учун) халқаро мандат бериш ишини рангли ирқ вакили сифатида япон миллати ўз қўлига олиши ҳақидаги японлар таклифи²⁶.

²⁶ Бу таклиф, афтидан, кенг сиёсий тарғибот компанияси билан боғлиқ эди; биз пан Повондранинг коллекционерлик иштиёқи туфайли бу компаниянинг япон хатида ёзилган фавқулодда муҳим ҳужжатини қўлга киритдик. Мана ўша ҳужжат:

人選入案にて客見港に設
 つるは種別今者命を以て、合議先議争ひ合て同
 氏が的差院なく、彼等と懸つたして下は右に
 幸甚まは天を以て、中を問、無ろの自かられ、右に
 それを以て
 反せず、吾等の地亦も、いしお、所て其知らざる、自
 三に、うのま、分れ、右に、中下、一、か、
 した、本は、同下、その、今、右に、分、同、然して、乃、日、の、無、道
 右、の、私、に、近、ん、左、易、徳、無、く、幸、道、れ、な、か、ま、明、の、聞、に
 企つ人選入ニ………」

Бу кўпчилик таклифлар муҳокамаси ҳар хил сабабларга кўра чақирилмаган денгиз бўйи давлатларининг кейинги конференциясига қолдирилди.

«Ушбу халқаро воқеа,—деб ёзади Жюль Зауэрштоф* бу битим ҳақида «Тан» газетасида,— самандарларнинг келажаги ва инсониятнинг тинч тараққиётини кўп йиллар давомида таъминлайди. Лондон конференциясини мушкул масалаларни муваффақиятли ҳал этгани билан табриклаймиз; самандарларни Гаага суди орқали муҳофаза қилиш имкониятини берувчи низомнинг қабул қилиниши билан қутлаймиз; энди улар хотиржам ва тўла ишонч билан ўз ишларини ҳамда сув ости тараққиётларини давом эттиришлари мумкин. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, Лондон битими кўрсатмаларида ўз аксини топган Самандарлар Масаласининг сиёсий мазмундан маҳрумлиги умумтинчликнинг энг муҳим гаровларидан биридир; айниқса, самандарларни қуролсизлантириш алоҳида давлатлар ўртасидаги сув ости низолари эҳтимоллигини камайтиради. Деярли барча қитъаларда ҳукмронлик учун чегара можаролари ва низолари давом этаётган бўлса ҳам, шуниси шубҳасизки, умумтинчлик масаласида денгиз томондан ҳеч қандай муайян хавф-хатар кутилмайди. Шу билан бирга, қуруқликда тинчлик ҳар қачонгидан мустаҳкамроқ қарор топди. Ҳозир денгиз бўйи давлатлари янги қирғоқлар қуриш ишига батамом берилган, улар ўз чегараларини қуруқлик ҳисобига эмас, дунё океани ҳисобига кенгайтиришлари мумкин. Энди ҳар бир қарич ер учун темир ва газ ёрдамида жанг қилишнинг ҳам ҳожати йўқ, ҳар бир давлат ўзига керагича территория қуриб олиши учун самандарларнинг белкурак ва чўкичлари етарли; Лондон битими самандарларнинг бутун дунё ва барча миллатлар фаровонлиги йўлида қилаётган худди ана шу ишларини ҳимоя қилади. Ер шари ҳали ҳеч қачон ҳозиргидай мустаҳкам тинчликка ҳамда тинч, бироқ қудратли тарақ-

* Ж ю л ь З а у э р ш т о ф —Парижнинг бир қанча йирик буржуа газеталари ташқи сиёсат бўлими редактори Жюль Зауэрвайн назарда тутилмоқда.

қиётга яқин келмаган эди. Жуда кўп ёзишган ва гапиришган Самандарлар Масаласи билан бир қаторда, бундан буён эҳтимол, Олтин Самандар Асри ҳақида тўла ҳуқуқ билан гапирадиган бўлишади».

3. ПАН ПОВОНДРА ЯНА ГАЗЕТА ҲАҚИДИ

Вақтнинг тез ўтиши ҳеч кимда болалардагичалик яхши сезилмайди. Биз (яқиндагина) Дунайнинг чап ирмоқларида қолдириб кетган кичкинагина Франтик қани?

— Франтик яна қайси гўрга йўқолди экан-а? — деб жаврарди пан Повондра қўлидаги кечки газетани варақлай туриб.

— Ўзинг биласан-ку, қаёққа кетишини. . . — деб жавоб берди пани Повондрова тикаётган ямоғидан бош кўтармай.

— Демак, яна ўша қизнинг ёнига кетибди-да, — деди жаҳл билан ота Повондра. — Лаънати бола! Энди ўттизга кирибди-ю, бир кун ҳам кечқурун уйда ўтирмайди-я!

— Пайпоқ деганнинг ўзидан қанча-қанчасини йиртиб ташлади, булар ҳаммаси ана шу изғишники. . . — дея хўрсинди пани Повондрова зиғирча ҳам ҳақи қолмаган пайпоқлардан яна бирини ёғоч қолипга торта туриб. — Иложимиз қанча? — деди йиртиқ четлари Цейлон оролини эслатадиган пайпоқ томонга қараб ўйга толганича. — Ташлаб юборсанг ҳам ҳақинг кетмайди! — деди у танқидий мулоҳаза билан. Бироқ кейинги стратегик фикрлардан сўнг Цейлоннинг Жанубий қирғоғига қатъият билан игна санчди.

Орага ота Повондра учун нақадар қадрли бўлган оромбахш оилавий жимлик чўкди; фақат газета шитирлар ва унга тез-тез тортилаётган игнанинг овози жавоб берарди.

— Уни тутишибдимми? — деди пани Повондрова.

— Кимни?

— Анави, хотин кишини сўйиб кетган қотилни.

— Ўша қотилингга кўзим учиб тургани йўқ, — ўйчанлик билан гўлдиради пан Повондра. — Мана бу ерда Япония билан Хитой ўртасидаги муносабатларнинг кескинла-

шуви ҳақида ёзишибди. Бу жиддий масала. У ердаги ма-
салалар доимо жиддий бўлади.

— Менимча, уни энди ушлай олишмаса керак,— деди
пани Повондрова.

— Кимни?

— Ўша қотилни. Хотин кишини ўлдирган одамни кў-
пинча тутиша олмайди.

Японлар Хитойнинг Сарик дарёни тартибга солиб тур-
ганидан норози. Бунда, биродар, айёрона бир сиёсат бор.
Сарик дарё ҳар хил номаъқулчиликлар қила бсрар экан,
Хитойда сув тошиш, очарчиликлар бўлаверади. Бу эса
хитой кишисини заифлаштиради, билдингми?

— Қайчини узат, буни кесиб олиб қўяй.

— Нега?

— Бу ерда ёзишларича, Сарик дарёда икки миллион
самандар ишлаётган эмиш.

— Жуда ҳам кўп-а, тўғрими?

— Тўғри. Албатта, улар учун Америка ҳақ тўлаяпти;
ҳа, дўндиғим, шунақа. Шунинг учун микадо у ерга ўз
самандарларини туширмоқчи. Ўҳ-ҳу, буни қара-я! .

— Нима гап?

— Мана, «Пти-Паризьен» Франция бу ишга қўл қовуш-
тириб қараб тура олмайди, деб ёзибди, Тўғри-да, мен ҳам
бу ишга шунчаки қараб тура олмаган бўлардим.

— Нимага қараб тура олмаган бўлардинг?

— Италиянинг Лампедузу оролини кенгайтиришига-
да. Бу жуда ҳам муҳим стратегик позиция, тушуняпсанми?
У ҳолда италиялик Тунисга таҳдид қила бошлаган бў-
ларди. Мана бу ерда «Пти-Паризьен» нинг ёзишича, ита-
лиялик Лампедузуда ажойиб бир денгиз қалъаси қурмоқчи.
Шунга кўра, айтишларича, олтмиш минг қуролланган са-
мандарларни. . . Бу ҳазилакам гап эмас. Олтмиш минг —
бу, онаси, учта дивизия деган гап. Мени айтди, дерсан. Бир
кун келиб Ўрта ер денгизида нимадир рўй бериши аниқ.
Кел, қирқиб, олиб қўяй.

Шу орада Цейлон пани Повондрованинг миришкор қўл-

лари остида йўқола бориб, охири Родос ороли катталигига келиб қолди.

— Бу ёқда яна Англия бор, — дея ўйларди ота Повондра. — Унинг ҳам ўзига яраша ташвишлари бўлади. Умум палатадаги гап-сўзларга қараганда, Буюк Британия гуё бу сув ости иншоотлари соҳасида бошқа давлатлардан орқада қолаётган эмиш. Бошқа мустамлакачи давлатлар гуё янги қирғоқлар ва қитъалар қуриш пойгасига зўр бераётган эмиш. Британия ҳукумати эса самандарларга нисбатан ўзининг консерватив иншончсизлиги оқибатида. . . Бу — айни ҳақиқат, онаси, инглизлар ҳаддан ташқари консерватив халқ. Инглиз элчихонасидаги бир югурдакни билардим. У бизнинг чех тлаченкасини, худо ҳаққи, бир марта ҳам оғзига олмаган. Улар бу нарсани ейишмайди, дейишади. Шундай бўлгандан кейин у ҳам емайди-да. Бошқа давлатлар улардан ўзиб кетса, ҳеч бир ажабланмайман, — Пан Повондра жиддий қиёфада бош чайқаб кўйди. — Франция эса Қала яқинидаги ўз қирғоқларини кенгайтиряпти. Энди инглиз газеталари кўрфаз кичрайса, Франция бизни Ламанш орқали бомбардимон қилади, деб айюҳаннос солишяпти. Мана, кўрадиганларини кўришди! Уларнинг ўзи Дуврдаги қирғоқларини кенгайтириб, Францияни бомбардимон қилишлари мумкин эди.

— Нима, албатта, бомбардимон қилишлари шартми? — дея сўради пани Повондрова.

— Э-э, буни сен тушунмайсан. Буниси энди ҳарбий мулоҳазалар. У ерда тўсатдан бирор воқеа рўй бериб қолса, ҳеч бир ажабланмаган бўлардим. У ердаки, бошқа бирор жойдами, — барибир, ажабланарли эмас. Шуниси равшанки, энди бу самандарларини деб бутун дунёдаги вазият ўзгариб кетди, онаси, мутлақо ўзгариб кетди!

— Уруш бўлиши мумкин, деб ўйлайсанми? — деди ташвишланиб пани Повондрова. — Биласанми... Франтикдан хавотирдаман, ишқилиб... Унга боргулик қилмасин.

— Урушми? — қайта сўради ота Повондра. — Жаҳон уруши, давлатлар денгизни ўзаро бўлиб олишлари учун, ал-

батта бўлади. Бироқ биз бетараф бўлиб қоламиз. Бошқаларга қурол-яроқ ва шунга ўхшаш нарсалар етказиб бериб туриш учун кимдир бетараф бўлиб қолиши керак-да. Ана шунақа! . — деди пан Повондра.— Аммо сиз, хотинлар бунинг фаҳмига етолмайсизлар.

Пани Повондрава лабини қимтиган кўйи тез-тез чатиб, ёш пан Франтикнинг пайпоғи товонидаги Цейлон оролини тугатаёзди.

— Буни қара-я,— деди ота Повондра ўз ифтихорини аранг яшириб,— мен бўлмаганимда бу зўр гаплар ҳам бўлмасди. Мен ўшанда капитанни пан Бондининг олдига олиб кирмаганимда воқеалар мутлақо бошқача тус олган бўларди. Бошқа швейцар уни ичкарига киритмаган бўларди. Бу ишни ўз зиммамга ола қолай, дедим-да. Мана энди қара— Англия ёки Франциядек давлатларнинг бошида қанча-қанча ташвиш! Ҳали бу ишнинг оқибати нима билан тугаши номаълум. . . — Пан Повондра қаттиқ ҳаяжонда трубкасини тутата бошлади.— Ана шунақа азизим! Бу самандарлар билан газеталар ҳам тўлиб кетган. Мана яна биттаси. . . — Ота Повондра трубкасини четга қўйди.— Бу ерда ёзишларига қараганда, Цейлондаги Канкесантурай шаҳри яқинида самандарлар қандайдир бир қишлоққа ҳужум қилишибди; маҳаллий кишилар бу воқеадан сал бурунроқ бир неча самандарни ўлдиришган экан. «Полиция ва маҳаллий қўшиндан бир взвод чақиринди,— дея овоз чиқариб ўқий бошлади пан Повондра,— шундан кейин самандарлар ва одамлар ўртасида отишма бошланиб кетди. Солдатлар орасида бир неча ярадорлар бор эди. . .» — ота Повондра газетани бир ёққа қўйди.— Буниси менга ёқмаяпти, онаси.

— Нега энди? — деди таажжубланиб пани Повондрава пайпоқнинг ҳозиргина Цейлон оролини эслатиб турган ерига қайичини авайлаб, мамнуният билан бир уриб қўяркан.— Ҳеч бир ажабланадиган ери йўқ!

— Билмасам,— деди ота Повондра ҳаяжон билан ҳонада у ёқдан бу ёққа юра бошлаб.— Аммо бу менга мутлақо ёқмаяпти. Йўқ, буниси менга маъқул эмас. Одамлар билан

самандарлар ўртасидаги отишма — бу ёрига жуда ҳам ҳаддиларидан ошишяпти.

— Эҳтимол, самандарлар шунчаки ўзларини ҳимоя қилишгандир, — деди эрига тасалли бериб пани Повондрова ва пайпоқни бир чеккага қўйди.

— Ишнинг ишкали мана шунда-да, — ташвишланиб тўнғиллади пан Повондра. — Агар бу махлуқлар ўзларини ҳимоя қилишга киришсалар борми, иш чатоқ. Бу уларнинг биринчи маротаба шундай қилаётганлари, жин урсин, бу иш менга ёқмаяпти! — Пан Повондра ўйлаб қолди. — Қайдам... балки, ҳар ҳолда, ўша капитанни пан Бондининг олдига киритмаганим маъқулмиди!..

САМАНДАРЛАР БИЛАН ЖАНГ

1. КОКОС ОРОЛЛАРИДАГИ ҚИРҒИН

Пан Повондра бир нарсада хато қилаётган эди: Канкесантурай яқинидаги отишма одамлар билан самандарлар ўртасидаги биринчи тўқнашув эмасди. Тарихда бундай тўқнашув бир неча йиллар илгари — самандарларга нисбатан босқинчилик қилинган олтин асрда — Кокос оролларида рўй берганди; бироқ у ҳам бундай можароларнинг энг қадимгиси эмасди. Самандарларнинг Тинч океан портларидаги ҳатто нормал S-Trade сида ҳам бирмунча шиддатли қаршиликлар кўрсатганлари ҳақида ҳам кўпгина гап-сўзлар юрарди. Бироқ бундай майда-чуйда гаплар одатда тарих саҳифаларида акс этмайди.

Кокос оролларида (уларни Клинг ороллари ҳам дейишади) воқеа шундай бўлган эди: Гарриманнинг Тинч океан савдо компаниясига қарашли капитан Жемс Линдлей қўмондонлигидаги «Монроз» қароқчилар кемаси бу ерга «Макоронлар» типидagi самандарларнинг одатдаги овига келган эди. Кокос оролларида капитан ван Тох давридаёқ асос солиниб, кейин узоқлиги туфайли ўз ҳолига ташлаб қўйилган анчагина машҳур ва гуллаб-яшнаган самандарлар кўрфази бор эди. Капитан Линдлейни бирон бир эҳтиётсизликда айблаб бўлмайди; командасининг қирғоққа қуролсиз тушгани учун ундан ўпкалашимиз ҳам нотўғри. (Бу пайтларга келиб самандарларнинг ваҳшиёна савдоси энди бирмунча тартибга тушиб қолган эди. Тўғри, қароқ-

чилар кемаси ва командаси одатда пулемёт ҳамда, ҳатто, енгил тўплар билан — шунда ҳам, самандарларга қарши эмас, бошқа қароқчилар томонидан рўй бериши мумкин бўлган рақобатга қарши қуролланган бўлишарди. Бир куни Қаракелонг оролида ҳатто Гарриман пароходи командаси билан Дания кемаси экипажи ўртасида жанг бошланиб кетди. Дания кемаси капитани Қаракелонгни ўзининг ов қўриқхонаси деб ҳисобларди: ўшанда иккала команда ҳам бир-бировларидан ўзларининг савдо ва обрў-эътибор низолари оқибатида вужудга келган эски қасдларини олишди; улар самандарлар облавасини эсдан чиқариб, бир-бирларини тўп ва «гочкис»лардан ўққа тутишди; данияликлар қуруқликда пичоқлар билан ҳужумга ўтиб, ғалаба қозонишди; аммо шундан кейин Гарриман пароходи данияликлар кемасини боплаб бомбардимон қилиб, капитан Нильс билан биргаликда чўктириб юборди. Бу воқеа Қаракелонг воқеаси деб аталади. Бу ишга ҳатто манфаатдор давлатларнинг расмий ташкилотлари ва ҳукуматлари аралашшига мажбур бўлишди; қароқчи кемаларга бундан буён тўп, пулемёт ва қўл гранаталаридан фойдаланишни тақиқлаб қўйишди; бундан ташқари, Флибустьер компаниялари эркин конлар деб аталмиш бу жойларни ўзаро бўлиб олишди; эндиликда самандарлар яшайдиган маълум жойга маълум қароқчи кемагина келадиган бўлди; йирик ваҳшийларнинг бу жентльменча келишувига чиндан ҳам риоя қилишадиган бўлишди; ҳатто майда қароқчи фирмалар ҳам бу битимга ҳурмат билан қаради.)

Майли, энди капитан Линдлейга қайтайлик. У ўз одамларини эшқак ва таёқлар билан қуроллантириб, самандар тутиш учун Кокос оролларига юриш қилар экан, ўша даврнинг савдо ва денгиз таомилига риоя қилган. Кейинги расмий текширувлар марҳум капитаннинг мутлақо ҳақ эканини исботлади.

Ўша ойдин кечада Кокос оролларига туширилган кишиларга бу хилдаги облаваларда роса чиниққан лейтенант Эдди Мак-Карт бошчилик қиларди. Тўғри, у қирғоқда уч-

ратган самандарлар подаси жуда катта эди; афтидан, олти-етти юзтача катта ёшдаги эркак самандарлардан иборат эди; ваҳолонки, лейтенант Мак-Карт қўл остида ўн олти киши бор эди, холос; бироқ уни, жуда бўлмаганда, қароқчи кемаларнинг офицерлари ва командасига, одат бўйича, қўлга туширилган ҳар бир бош самандарга мукофот берилишини ҳисобга олиб, ўз ташаббусидан воз кечмагани учун ҳам айблаб бўлмайди. Денгиз маҳкамаси сўнгги текширувлар натижасида «қайғули ҳодиса учун лейтенант Мак-Карт жавобгар», деган хулосага келган бўлса-да, «унинг ўрнида ҳар қандай одам ҳам бу вазиятда бошқача йўл тутолмасди», деб топди. Аксинча, омади чопмаган ёш офицер самандарларни аста-секин ўраб олиш ўрнига (кучларнинг нисбати бу ишнинг тўла амалга ошириш имконини бермасди) уларни денгиздан ажратиб қўйиш, орол ичкарисига ҳайдаб кетиш ва ўша ерда эшкак ва таёқлар зарбаси билан ёлғизлатиб гангитиш учун шиддатли ҳужум қилишни маъқул кўриб, зўр иш қилган. Бахтга қарши, тарқоқ ҳолда ҳужум қилиш пайти денгизчилар сафи бузилиб, икки юзга яқин самандар сув томон ёриб ўтган. Ҳужумчилар денгиздан ажратиб қўйилган самандарларни «эпақага келтиришаётганида» орқаларидан сув ости револьверларининг қарсиллаши бошланди; кокос оролларидаги «табийий», ёввойи самандарларнинг ақулага қарши револьверлар билан қуроullanгани ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган эди; ким уларни қурол билан таъминлагани жумбоқ бўлиб қолаверди.

Бу ҳалокатдан омон қолган бирдан бир матрос Майкл Келли шундай ҳиқоя қилади:

«Ўқ овозини эшитиб, бизни самандар овлаш учун келган бошқа бирорта команда ўққа тутяпти, деб ўйладик. Лейтенант Мак-Карт орқасига ўғирлла солиб бақирди: «Бу нима қилганларнинг, тентаклар, бу ерда «Монроз» командаси бор-ку!» Шунда у биқинидан ўқ еди, лекин шу аҳволида ҳам револьверини чиқариб ўқ уза бошлади. Шундан сўнг у иккинчи маротаба томогидан ўқ еб, йиқилди. Ана

шундан кейингина ўқ узаётган самандарлар эканини ва улар бизни денгиздан ажратиб қўймоқчи эканларини билдик. Лонг Стив: «Монроз! Монроз!» — деб бақирганича эшкак кўтариб самандарларга ташланди. Қолганларимиз ҳам «Монроз», дея бақириб, бу махлуқларни кучимиз етганича эшкаклар билан ура кетдик. Беш киши жойида қолди, қолганлар денгизга ёриб ўтди. Лонг Стив қайиққа етиб олиш учун ўзини сувга ташлади, бироқ бир неча самандар унга ташланиб сувга чўктириб юборди. Чарлини ҳам чўктиришди; у бизга қараб: «Йигитлар, худо хайрингизни берсин, қутқаринглар!» — деб қичқирди. Биз эсак унга ёрдам бера олмадик. Бу чўчқалар эса орқамиздан ўқ ёндирадди; Болкин орқага ўгирилган эди, ўша заҳоти қорнидан ўқ еди ва: «Оҳ!» деганча қулади. Шунда биз орол ичкарисига кириб яширинмоқчи бўлдик; таёқ ва эшкакларимизни бу маразларни савалаганимизда синдириб бўлган эдик, энди жуфтакни ростлашга тўғри келди. Тўрт киши қолган эдик, холос. Кемага қайтолмай қоламизми, деб қирғоқдан узоқлашишга кўрқардик; буга ва қоялар панасига яшириндик; энди самандарлар шерикларимизни қандай «тинчштишаётганини» жимгина кузатиш қолганди. Самандарлар уларни мушук болаларидек чўктиришар, сузиб чиқаётганларини эса лом билан бошларига туширишарди. Мен ана шундагина оёғимнинг чиққанини, ортиқ қимирлай олмаслигимни тушундим».

Кемада қолган капитан Жемс Линдлей, афтидан, оролдаги отишмаларни эшитган эди; у шунда маҳаллий аҳоли билан ўртада бирор жанжал чиқиб қолди шекилли, дебми ёки оролда самандарларнинг бошқа овчилари ҳам бор экан, деган хаёлга борибми, хар ҳолда, пароходда қолган кема ошпази билан икки механикни олиб, қонунни бузиб бўлса ҳам, хар эҳтимолга қарши, кемага яшириб қўйган пулемётни қайиққа туширишни буюриб, командага ёрдамга шошилган. У эҳтиёткор одам бўлгани учун қирғоққа тушмади; фақат тумшунига пулемёт ўрнатилган қайиқни қирғоққа келтириб тақади-да, «қўлларини кўкрагида чалиштириб

олганча» атрофни кузатишга тушди. Бу ёрига энди матрос Келлига сўз берамиз.

«Самандарлар бизни сезиб қоладилар, деган хаёлда капитанни овоз чиқариб чақирмадик. Мистер Линдлей қўлларини чалиштирганча ўрнидан туриб: «Бу ерда нима гап?» — деб қичқирди. Шунда самандарлар унга яқин келди. Қирғоқда юзларча самандар турарди, денгиздан янги янгилари сузиб чиқиб, қайиқни ўраб олишарди. «Бу ерда нима гап?»—деди капитан. Шунда катта бир самандар унга яқинроқ келиб: «Орқангизга қайтинг!» — деди. Капитан унга қаради, бир оз жим тургач, ундан: «Сиз самандармисиз?» — деб сўради. «Ҳа, биз самандарлармиз, — деб жавоб берди у. — Орқангизга қайтинг, сэр!» — «Одамларимизни нима қилганингизни билмоқчиман», деди қариямиз. «Улар бизга ҳужум қилмасликлари керак эди, — деди самандар. — Кемангизга қайтинг, сэр!» Капитан яна бир оз жим турди-да, хотиржам бир қисфада: «Ҳай, майли. Отинг, Женкинс!»—деди. Шундай қилиб механик Женкинс самандарларга қарата пулемётдан ўқ ёғдира бошлади.

Ишни тўла-тўқис кўриб чиқиш пайтида денгиз маҳкамаси (улар фикрини айнан келтирамиз) шундай деди: «Бу жиҳатдан капитан Жемс Линдлей британ денгизчисига хос ҳаракат қилди».

«Самандарлар гуж бўлиб туришган эди, — дея ўз гувоҳлигини давом эттирди Келли, — пулемёт ўқидан ўрилган бошоқлардек ағанай берди. Баъзи самандарлар револьверларидан мистер Линдлейга қарата ўқ узишди, бироқ у қўллари кўксига қилт этмай тураверди. Шу пайт қайиқ орқасидан панжасида консерва банкасига ўхшаш нарса кўтарган қоп-қора самандар чиқиб келди. У иккинчи панжаси билан банкadan ниманидир суғуриб олиб, қайиқ остига — сувга ташлади. Биз бешгача санаб улгурмасимиздан шунақаям кучли портлаш эшитилдики, ҳатто оёқларимиз остидаги ер ҳам ларзага келди».

(Текширув олиб бораётган маъмурлар Майкл Келлининг таърифига асосланиб, бу ерда гап Сингалурни мустаҳ-

камлаш ишлари пайти самандарлар сув ости қояларини портлатишда қўллаган «В-3» портловчи моддаси ҳақида боришти, деган хулосага келди. Бироқ бу портлатгичлар қандай қилиб Сингапурдаги самандарлардан Кокос оролларига келиб қолгани жумбоқ бўлиб қолаверди; баъзилар бу моддаларни уларга одамлар олиб келиб беришган дейишса, бошқалар: самандарлар орасида ўша пайтлардаёқ ҳатто узоқ масофалар билан ҳам аллақандай алоқалар бўлган, деган фикрда эдилар. Ушанда жамоатчилик ҳукуматдан самандарларнинг қўлига бундай хавфли портловчи моддаларнинг берилишини тақиқлашни талаб қилди. Бироқ тегишли идораларнинг баёнотига кўра, ҳозирча «таъсир кучи юқори аммо нисбатан хавфсиз модда бўлган «В-3»ни бирорта бошқа нарса билан алмаштириш имконияти йўқ» экан; шу билан иш тугади.)

«Қайиқ осмонни фалакка учиб, — дея ўз гувоҳликларини давом эттирди Келли, — майда-майда бўлиб кетди. Тирик қолган самандарлар портлаш юз берган жойга ташланишди. Мистер Линдлейнинг тирик қолган-қолмаганини кўра олмадик, бироқ учала ўртоғимиз — Донован, Бэрк ва Кеннеди шартга ўрниларидан туриб, капитан яна самандарлар қўлига тушиб қолмасин, деб ёрдамга югуришди. Мен ҳам улар билан бирга югурмоқчи эдим, тўпим чиққан эди. Уни жойига тушириш учун икки қўлим билан товонимдан тортиб ўтирдим. Шунинг учун у ерда нима бўлганини билолмай қолдим. Бироқ у томонга қараганимда, Кеннедининг қумда юз тубан ётганини, Донован билан Бэркдан эса ном-нишон қолмаганини сездим; фақат сув остида бир нарса ҳали ҳам питирлаб турарди».

Кейин матрос Келли орол ичкарасига яширинди; Келли бу ерда маҳаллий кишилар қишлоғига дуч келди; улар Келлига қандайдир галати муносабатда бўлишди; унга ҳатто жой бергилари ҳам келмади; афтидан, самандарлардан қўрқиб қашган бўлса керак. Бу воқеадан етти ҳафта кейин бир балиқчи кема Кокос ороллари яқинида лангар ташлага-

нида шип-шийдам бўлиб қолган «Монроз»ни топди-да, Келлини ҳам ола кетди.

Бир неча ҳафтадан сўнг Кокос оролларига Британия аъло ҳазратларининг «Файрболл» канонеркаси яқин келиб, лангар ташлади ва қоронғи тушишини кутди. Бу гал ҳам олдинги сафардагидек сутдай ойдин кеча эди: самандарлар денгиздан чиқиб қум устида давра ясаб ўтириб олишди-да, ўзларининг тантанали рақсларини бошлашди. Шунда ҳазрати олийларининг канонеркаси уларга қарата биринчи снарядни улоқтирди. Самандарларнинг бир-иккита соғ қолгани бир оз жим тургач, ўзларини сувга ташлашди; худди шу лаҳзада олти тўп даҳшатда гумбурлади, шундан кейин соғ қолган баъзи ярадор самандарларгина сув томон сурғалишга тушди. Шунда иккинчи ва учинчи гумбурлаш эшитилди.

Охири «Фейрболл» ярим миля орқага чекинган кўйи, қиргоқ бўйлаб секин ҳаракат қиларкан, сувни ўққа тута бошлади. Замбараклар гумбурлаши олти соат давом этди, бунинг устига саккиз юзга яқин снаряд отилди. Сўнгра канонерка оролдан узоқлашди. Келинг ороллари атрофидаги денгиз сатҳи эса икки кун давомида минглаб абжағи чиққан самандарларнинг жасади билан тўлиб-тошиб ётди.

Ўша кечанинг ўзида «Ван-Дейк» деган голланд ҳарбий кемаси Гунон-Апи оролида тўпланган самандарларга қарата уч марта ўқ узди; Япониянинг «Хакодате» крейсери самандарларнинг Айлинглаплап оролчасига учта снаряд ташлади; французларнинг «Бешамель» ҳарбий кемаси замбаракларнинг уч зарби билан Равайвай оролида рақс тушаётган самандарларни тумтарақай қилиб юборди. Бу самандарларни ороҳлантириш эди. Қилинган меҳнат бекорга кетмади. Бу хилдаги можаролар (Кокос оролларидаги тўқнашувни «Keeling-killing»¹ деб аташди) бошқа такрорланмади. Бу ёғига тартибга солинган самандарлар савдоси билан бир қаторда, ваҳшийларча савдо ҳам бамай-

¹ Қилинг қирғини (ингл.)

лихотир ва зўр дабдаба билан яна давом этавериши мумкин эди.

2. НОРМАНДИЯДАГИ ТЎҚНАШУВ¹

Бундан бир оз кейинроқ Нормандияда рўй берган тўқнашув бошқача характерга эга бўлди. У ердаги самандарлар, асосан, Шербурда ишлайдиганлар ҳамда чекка қирғоқларда яшовчилари олмахўрликни яхши кўриб қолишди; бироқ эгалари одатдаги самандар овқатига олма қўйишга рози бўлмагач (бундай қилинса қурилиш ишларининг қиммати сметада кўрсатилганидан ошиб кетарди), самандарлар қўшни мевазорларга ўғриликка туша бошлашди. Шунда деҳқонлар префектурага бориб шикоят қилишди; ниҳоят самандарларни «самандарлар зонаси» деб аталмиш ерлардан ташқари қирғоқларда бекордан-бекор лақиллаб юришлари қатъиян тақиқлаб қўйилди; бироқ бундан ҳеч бир фойда чиқмади: мевалар илгаригидай шилиб кетилаверди, тovuқ-хоналарда тухум қолмади, ҳар куни эрталаб деҳқонлар топиб оладиган қўриқчи итлар ўлигининг сони борган сари ортиб бораверди. Шундан кейин деҳқонлар эски милтиқларини қўлга олиб, боғларини ўзлари қўриқлашадиган, талончилик қилаётган самандарларни отиб ташлайдиган бўлишди. Қўйинг-чи, буларнинг ҳаммаси бир жойдаги можаро доирасида қолиб кетиши ҳам мумкин эди-ю, бироқ бундан ташқари, солиқларнинг ошиши ҳамда ўқ-дориларнинг қимматлатувидан газабланган норманд деҳқонлари самандарларга қарши ўлим адовати билан бош кўтариб, улар устига тўда-тўда бўлиб қуроли облавалар уюштира бошлашди. Самандарларни ҳатто ишлаб турган

¹ Бу бобга 1933 йил охири, 1934 йил бошларидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархи тушиб кетгани муносабати билан Францияда бўлган деҳқонлар ғалаёни реал асос қилиб олинди.

жойида ҳам оммавий равишда қириб ташлай бошлаганларидан сўнг, Шербур сув қурилиши эгалари ҳукуматга шикоят қилишди, натижада префект деҳқонлардаги занг босган «қарсилдоқларни» йиғиштириб олишга фармон берди. Деҳқонлар, албатта, бунга қаршилик кўрсатишди. Иш жандармерия билан жиддий тўқнашувларгача бориб етди; қайсар нормандлар самандарлардан ташқари жандармларни ҳам ота бошладилар. Нормандияга жандармларнинг ёрдамчи кучи келтирилди; улар қишлоқларда уйма-уй юриб тинтувлар ўтказа бошлашди.

Худди шу пайтда кўнгилсиз бир воқеа рўй берди: Кутанс яқинидаги қишлоқ болалари гўё шубҳали мақсадлар билан товуқхона томон писиб келаётган самандарга ҳужум қилиб, уни ўраб олишган ва омборхона деворига қисиб, ништ-парчалари билан уришган. Яраланган самандар қўл силкиб, тухумга ўхшаган бир нарса улоқтирган, портлаш юз бериб, самандар бурда-бурда бўлган, болалардан утчаси ҳам унинг қисматига шерик бўлишган: улардан бири — ўн бир яшар Кажюс, иккинчиси — ўн олти яшар Марсель Берар ва учинчиси — ўн беш яшар Луи Кермадек исмли бола экан. Бундан ташқари, бешта бола оғир яраланган. Бу хабар тезда бугун ўлкага ёйилди: милтиқ, паншаха ва занжирлар билан қуролланган етти юзга яқин одам Нормандиянинг турли томонларидан автобусларда йиғилишиб келиб, Бас-Кутанс кўрфазидаги самандарлар қароргоҳига ҳужум қилишди. Жандармлар ғазабнок оломонни четга суриб чиқаргунларича йигирмага яқин самандар ўлдирилди. Шербурдан чақирилган сапёрлар Бас-Кутанс кўрфазини тиконли симлар билан ўраб ташлашди; бироқ самандарлар тунда денгиздан чиқиб, қўл гранаталари ёрдамида сим тўсиқларни вайрон қилиб, район ичкарасига кириб боришди. Шундан кейин зудлик билан бир неча пиёдалар ротаси сафарбар қилинди: улар бир зумда пулемётлар ўрнатилган ҳарбий юк машиналарида етиб келишиб, самандарларни одамлардан ажратиб қўйишди. Бу орада деҳқонлар солиқлар бошқармаси ва жандарм участкаларини

вайрон қилишди; бир оддий солиқ йиғувчини эса «Йўқолсин самандарлар!» деб ёзилган фонус устунига осиб қўйишди. Газеталар, айниқса, немис газеталари Нормандиядаги революция ҳақида тинмай ёзарди: шунга қарамасдан, Париж ҳукумати қатъий раддия эълон қилди.

Деҳқонлар ва самандарларнинг ўзаро қонли тўқнашувлари Кальвадос, Пикардия ва Па-де-Кале қирғоқлари бўйлаб ёйилгунча Шербурдан Нормандиянинг ғарбий қирғоғига қараб эски француз крейсери «Жюль Фламбо» йўлга чиқди. Кейинроқ, ишонтириб айтишларича, крейсер ўз ташрифи билан ҳам маҳаллий аҳолини, ҳам самандарларни тинчлантириш учунгина юборилган. «Жюль Фламбо» Бас-Кутанс кўрфазидан бир ярим миля нарида тўхтади, тун киргач, крейсер командири осойишталик таассуротини кучайтириш учун рангли ракета отишни буюрди. Бу гўзал манзарани томоша қилиш учун қирғоққа жуда кўп одам йиғилди. Шу пайт қаттиқ пишиллаш овози эшитилиб, кема тумшугидан улкан сув устунни кўтарилди; кема оғиб, ўша заҳотиёқ даҳшатли портлаш юз берди. Крейсернинг чўкаётгани шубҳасиз эди. Орадан чорак соат ўтмай, қўшни портлардан қайиқлар ёрдамга етиб келди, бироқ энди уларнинг ҳожати йўқ эди, экипажнинг портлаш пайти ҳалок бўлган уч аъзосидан бошқа ҳамма қирғоққа ўзи чиқиб олди; «Жюль Фламбо» кемасининг командири охири: «Иложимиз қанча», деган унутилмас сўзларни айтиб, кемани ташлаб кетди. Орадан беш минут ўтар-ўтмас кема чўкди.

Ўша кеча эълон қилинган расмий хабарда: «эскиргани туфайли яқин ҳафталар ичида рўйхатдан ўчирилмоқчи бўлиб турган «Жюль Фламбо» крейсери тунги сузиш пайтида сув ости қояларига урилиб, қозонларининг портлаши натижасида чўкди», дейилди; бироқ газеталар бу билан қаноатланмади; ярим официоз матбуот кема гўё яқинда қўйиб кетилган немис минасига дуч келиб қолди деса, оппозициячи матбуот ва шунингдек, чет эл газеталари бу воқеага қуйидагича узундан-узоқ сарлавҳалар қўйишарди:

Француз кемасига самандарлар торпеда отиши
Норманд соҳилларидаги сирли воқеа
Самандарлар қўзғолони

«Биз самандарларни одамларга қарши қуроллантирган, француз деҳқонларини ҳамда ўйнаб юрган бегуноҳ болаларни ўлдиришлари учун уларнинг қўлларига граната тутқазганларни, истаган пайтларида француз кемаларини чўктиришлари учун бу денгиз махлуқларини энг замонавий торпедалар билан таъминлаганларни жавобгарликка тортишимиз керак, — дея қатъий талаб билан чиқди депутат Бартеlemi ўзининг очиқ хатида. — Қайта айтаман: биз уларни жавобгарликка тортилишларини талаб қиламиз; улар қотилликда айблансин, ватанга хиёнат қилганлари учун ҳарбий судга берилсин, цивилизациялашган кемачиликка қарши денгиз алвастиларини қуроллантирганлар тергов қилиниб, қурол фабрикантларидан қандай пора олганликлари аниқлансин!» ва ҳоказолар.

Ҳаммани ваҳима босди; одамлар кўчаларда тўда-тўда бўлиб туришар, баъзи жойларда баррикадалар қура бошлашган эди; Париж бульварларида милтиқларини айрига ўрнатган сенегаль ўқчилари туришар, шаҳар атрофида эса броневик ва танклар навбатчилик қилар эди.

Худди шу кунлардан бирида депутатлар палатасида денгиз министри Франсуа Понсо жойидан туриб ранги ўчган, бироқ қатъий бир қиёфада шундай деди: «Ҳукумат француз қирғоқларидаги самандарларни милтиқ, сув ости пулемётлари, тўплар ва торпеда аппаратлари билан қуроллантиргани учун жавобгарликни ўз зиммасига олади. Агар француз самандарларида фақатгина кичик калибрли тўплар бўлса, немис самандарлари ўттиз икки сантиметрли сув ости калта стволли тўплар билан ҳам қуроллантирилган; агар француз қирғоқларида ҳар йигирма тўрт километрга бир торпеда, қўл гранаталари ва портловчи моддалар омборхонаси тўғри келса, Италия қирғоқларида ўрта ҳисобда ҳар йигирма километрга, Германия қирғоқларида эса ҳар

ўн саккиз километрга битта сув ости қурол-яроғ омборхо-наси тўғри келади. Франция ўз қирғоқларини ҳимоясиз қолдира олмайди ва қолдирмайди ҳам».

Шундан кейин министр норманд қирғоқларидаги машъум англашилмовчиликнинг айбдорини аниқлаш мақсадида жиддий тергов олиб боришга фармон берганини айтди. Афтидан, самандарлар рангли ракетааларни жанговар ҳаракатлари учун сигнал деб билиб, ўзларини ҳимоя қилмоқчи бўлишган. «Жюль Пламбо» крейсерининг командири ва шербур префекти ишдан олинди. Махсус комиссия сув иншоотлари маъмуриятининг самандарларга қандай муомала қилаётганини аниқлаш бўйича иш бошлади; келажакда бу масалада қатъий назорат йўлга қўйилади. Ҳукумат қурбон бўлганлар учун чуқур қайту билдиради: ёш миллий қаҳрамонлар Пьер Кажюс, Марсель Берар ва Луи Кермадеклар ўлимидан сўнг орденлар билан мукофотланади ва давлат ҳисобидан дафн этилади, уларнинг ота-оналарига фаҳрий нафақа тайинланади. Олий ҳарбий-денгиз қўмондонлигида муҳим ўзгаришлар бўлади. Ҳукумат бирмунча аниқ маълумотлар бериш имкониятига эга бўлгач, ишонч масаласи парламентда муҳокама қилинади.

Шундан кийин кабинетнинг узлуксиз мажлиси эълон қилинди.

Шу ўртада газеталар (ўзларининг сиёсий характерларига кўра) самандарларга қарши жазо, қиргин, мустамлакчилик ёки салб юришларини, умумий иш ташлаш, ҳукумат истеъфоси, самандар эгаларининг қамоққа олиниши, коммунист раҳбарлар ва тарғиботчиларни қамаш, шунга ўхшаш эҳтиёт чоралар кўрилишини талаб қилди. Портлар ва денгиз чегараларининг бекилиб қолиши мумкинлиги ҳақидаги мишмишлар муносабаги билан одамлар зўр бериб озик-овқат гамлай бошлади, товарларнинг нархи тез су-ратлар билан кўтарилиб борди; саноат марказларида қим-матчилик оқибатида ғалаёнлар бошланиб кетди; биржа уч кунга ёпиб қўйилди. Қисқаси, булар кейинги уч-тўрт ой ичидаги энг ташвишли, огир дамлар бўлди.

Лекин деҳқончилик министри Монти¹ бу ишга ўз вақтида аралашди: у француз қирғоқларида ҳафтасига икки марта давлат ҳисобидан денгизга юз вагонлаб олма ағдаришга кўрсатма берди. Бу тadbир самандарларга жуда қўл келди. Нормандия ҳамда бошқа жойлардаги боғбонлар хотиржам бўлди. Аммо Монти бу билан ҳам тинчимоди: моли касодга учраган еионочилик районларидаги норозиликларнинг ўсиши ҳукуматни анчадан бери ташвишга солиб келарди. Шунинг учун деҳқончилик министри самандарларга давлат ёрдами тариқасида ҳар куни ярим литрдан оқ вино берилишига кўрсатма берди. Аввалига самандарлар бу винони нима қилишни билмай бошлари қотди, чунки уни ичса, қаттиқ ичкетар касалига мубтало бўлишарди. Шундай қилиб, винони денгизга ағдарилди. Бироқ аста-секин винога ҳам кўникиб қолгандек бўлишди; шу пайтдан бошлаб француз самандарларининг пушти кескин камайиб кетган бўлса-да, тез-тез жуфтлашадиган бўлиб қолишди. Бирваракайига ҳам аграр масала, ҳам самандарлар можароси ҳал қилинди; ваҳима босилди. Шу воқеадан кейин кўп ўтмай мадам Тэллер² иши атрофида қўзғалган молиявий жанжал муносабати билан янги ҳукумат кризиси бошланди: эпчил ва уддабурон Монти янги кабинетда денгиз министри портфелини олди.

¹ Бу француз жамоат ишлари министри Пьер Этьен Фланден (1889 йилда туғилган)га ишора бор. У узум савдосидаги кризисни бартараф қилиш мақсадида ёмон навли гибрид тоқларни йўқ қилиш ҳақида декрет чиқарди; бу чора йирик ер эгаларининг манфаатларини кўзлаб қилинганди; чунки ёмон навли тоқлар камбағал деҳқонлардагина бор эди.

² Францияда 30-йилларнинг бошларида авжига чиққан бир қатор сиёсий ва молиявий жанжалларга, хусусан, авантюрачи А. Стависский ишига ишора. У ҳукумат доиралари кўмагида етти юз миллион франкка сохта акциялар чиқариб, минглаб майда акционерларни хонавайрон қилди. Стависскийнинг бу иши узоқ давом этган ҳукумат кризисига сабабчи бўлди.

3. ЛАМАНШДАГИ МОЖАРО

Бу воқеалардан бирмунча вақт ўтгач Белгия пассажир пароходи «Уденбург» Остендедан Рэмсгейтга йўл олди. Паде-Каленинг ярим йўлига етганда навбатчи офицер одадаги курсдан ярим миля жанубда «сувда нимадир бўлаётганини» сезиб қолди. У ерда нима ҳодиса бўлаётганини (биронта одам чўкканми), яхши кўролмади. Шунинг учун кемани сув тўлқинланиб, биқирлаб турган жойга қараб буришни буюрди. Икки юзга яқин йўловчи кеманинг шамол эсаётган томонидаги бортида ғалати манзарани кузатиб туришарди: ҳар ер-ҳар ерда фонтанлар отиларди, у ер-бу ердан қора танага ўхшаш алланарсалар отилиб чиқиб турарди; шу алфозда уч юз метрга яқин юзада денгиз суви сиқирлаб, гирдобларди; денгиз тубида эса момақалдироқ гумбурлашига ўхшаш ҳамда даҳшагли шовқин эшитиларди. «Сув остидан вулқон отилаётгандай эди». «Уденбург» бу ерга секин-аста яқинлашиб келаётганда унинг бушпритидан ўн метрлар чамаси нарида тўсатдан жуда катта пўртана кўтарилиб, даҳшатли портлаш рўй берди. Пароход бир кўтарилиб тушди, палубага эса иссиқ, деярли қайнаб турган сув тўлқини селдек оқиб кирди; шу пайт палубанинг тумшук қисмига қақшаб, оғриқдан қаттиқ чинқириб каттакон қора тана шалоплаб тушди; бу яраланган ва парт бўлган самандар экан. Навбатчи офицер кема сув қайнаб турган жойга кириб қолмасин учун орқага қайтишни буюрди; шу пайт бошқа томонларда ҳам портлашлар бошланди, денгиз бети самандарларнинг парча-пурча таналарига тўлиб кетди. Ниҳоят, кемани орқага қайтаришга муваффақ бўлишди ва «Уденбург» шитоб билан шимол томонга қараб йўлга тушди. Худди шу пайт кеманинг қуйруқ томонида — тахминан олти юз метрча орқада — жуда ҳам даҳшатли бир портлаш юз берди ва денгиздан улкан сув, буғ устунни кўкка кўтарилди. «Уденбург» Гарвич томонга қараб йўл олди ва ҳамма ёққа қуйидаги мазмунда радиogramма юборди. «Диққат, диққат, диққат! Остенде—Рэмсгейт линиясида

фавқулудда хавfli сув ости портлашлари рўй бeряпти. Нима гаплигини билмаймиз. Барча кемаларга бу ердан узоқлашишларини маслаҳат бeрамиз!» Ҳали ҳам шовқин-сурон, гумбурлашлар эшитилиб турарди — гўё денгиз маневрлари пайтидагига ўхшарди; бироқ сув ва буғ фонтанларидан ҳеч нимани кўриб бўлмасди. Дувр ва Каледан эса бу ерга миноносецлар, қирувчи ҳарбий самолёт эскадрилялари ўқдай учиб келди; аммо улар етиб келганда, денгиз сатҳини сариқ мох ва қарахт балиқлар, тилка-тилка бўлган самандарлар қоплаб ётганини кўришди, холос.

Аввалига бўғоздаги аллақандай миналарнинг портлагани ҳақида гапиршди, бироқ Па-де-Каленинг иккала қиргоғи ҳам қўшин билан ўраб олиниб, инглиз премьер (инсоният тарихида тўртинчи маротаба) шанба оқшомида ўзининг «Уик-энд»ини тўхтатиб, зудлик билан Лондонга қайтганида, одамлар гап муҳим халқаро аҳамиятга эга бўлган воқеа устида бораётганига тушуниб қолишди. Газеталар жуда ҳам ташвишли мишмишлар тарқатарди, бироқ бу сафар, таажжубки, ҳақиқатдан жуда ҳам узоқлашиб кетишди. Мана шу бир неча оғир кунлар давомида Европа, у билан бирга бутун дунё урушдан бир бахягина берида турганига ҳеч ким шубҳаланмади. Ўша пайтдаги британ кабинетининг аъзоси сэр Томас Мэлбери бир неча йиллардан кейин парламентга бўлган сайловларда муваффақиятсизликка учрагани сабабли ўзининг сиёсий мемуарларини нашр қилдирганидагина халқ ўша пайти нима воқеа юз берганини билиш имкониятига эга бўлди; бироқ эндиликда бу гаплар ҳеч кимни қизиқтирмай қўйганди.

Қисқаси, иш қуйидагича тугади. Англия ҳам, Франция ҳам уруш бўлиб қолгундай бўлса, бўғозни бутунлай ёпиб қўйиш ниятида Ламаншда ҳар қайсиси ўз томонида сув ости самандарлар қалъалари қуришга киришди; ҳар иккала давлат кейин, албатта, бу ишда бир-бирларини айблашди; ҳар қайсиси: сизлар бошладинглар, деб ишонтиришга интилар эди; эҳтимол, қўшни дўст мамлакатнинг ўзидан ўзиб кетишидан қўрқиб, ҳарбий истеҳкомлар қуриш ишини

улар иккови ҳам баробар бошлашгандир. Хулласи калом, бӯғознинг сокин суви остида оғир қурооллар, торпеда аппаратлағи, миналаштирилган майдонлар ва умуман, шу пайтгача ҳарбий санъат соҳасидаги инсон тараққиёти эришган барча ютуқлар билан бекаму кўст жиҳозланган улкан бетон қалъалар қад кўтариб турарди; инглизлар томонидаги қалъада икки дивизия йирик самандарлар ва тахминан, ўттиз минг ишчи самандарлар, француз томонида эса уч дивизия аъло даражадаги ҳарбий самандарлар бор эди.

Афтидан, кунлардан бир кун денгиз тагида британ ишчи самандарлар колоннаси француз самандарларига дуч келиб, улар ўртасида қандайдир бир англашилмовчилик юз берган. Француз томонининг айтишича, британ самандарлари тинчгина ишлаб турган француз самандарларини ҳайдаб, улар устига ҳужум қилган; шу билан бирга, қуроолланган британ самандарлари бир неча француз самандарларини ушлаб, олиб кетмоқчи бўлган; табиийки, улар қаршилик кўрсатишган. Шунда британ ҳарбий самандарлари француз ишчи самандарларига қўл гранаталари иргитиб, уларни миномётдан ўққа тутган; шундан кейин француз самандарларига ҳам қурооллардан фойдаланишдан бўлак чора қолмаган. Шунинг учун француз ҳукумати британ аъло ҳазратларининг ҳукуматидан бутун жавобгарликни бўйнига олиб, жанжалли сув ости участкасини бўшатиб қўйишга, шунингдек, келажакда бундай можаролар бошқа қайтарилмаслигига кафолат талаб қилди.

Британ ҳукумати, шунинг аксича, Франция республикаси ҳукуматига махсус нота юбориб, француз ҳарбий самандарлари бӯғознинг Англияга тегишли қисмига ўтиб, у ерга миналар қўйганини маълум қилди. Британ самандарлари уларга бу ер инглиз ишлаб чиқариш территорияси эканини айтди; тиш-тирноғигача қуроолланган француз самандарлари бу гапга қўл гранаталари улоқтириш билан жавоб қайтарди, бунинг устига бир неча британ самандарларини ўлдирди. Аъло ҳазратлари ҳукумати Сениҳоя афсусланиб, Франция республикаси ҳукуматидан тўла жа-

вобгарлик ҳақида ва француз ҳарбий самандарлари бундан буён бўғознинг инглизларга қарашли қисмига суқилиб кирмасликлари учун кафолат талаб қилишга ўзини мажбур деб ҳисоблади.

Бунга жавобан француз ҳукумати бундан буён қўшни давлатнинг бевосита француз қирғоқлари яқинида сув ости қалъаси қурилшига ортиқ йўл қўя олмаслигини маълум қилди. Кўрфаз суви остидаги англашилмовчиликка келганда, республика ҳукумати Лондон битимига биноан бу жанжалли масалани ҳал қилиш учун уни Гаага арбитражига оширишни таклиф қилди.

Британ ҳукумати бунга эътироз билдириб, Англия қандай бўлмасин бегона ташкилотнинг қарори, деб британ қирғоқларини хавф остида қолдиролмайди ва қолдирмоқчи ҳам эмас, деди. Англия душман ҳужумига учраган давлат сифатида ундан узр сўрашларини, кўрган зарарини тўлашларини ва келажакка кафилликни янада қаттиқ туриб талаб қилди. Шу билан бир пайтда Мальта ороли яқинида турган инглиз Ўрта ер денгизи эскадраси шитоб билан ғарб томон интилди, Атлантика океанидаги эскадра эса Портсмут ва Ярмут яқинида тўпланиш учун буйруқ олди.

Француз ҳукумати ҳарбий флотнинг беш чақирув ёшидаги матрос ва офицерларини сафарбар қилиш ҳақида фармон чиқарди.

Гўё бу икки давлатдан биронтаси ҳам бўш келмайдиганга ўхшарди; ниҳоят, гап шунчаки бутун кўрфазга ҳукмронлик қилиш устида бораётгани маълум бўлди. Шундай оғир бир пайтда сэр Томас Мэльбери бир ажойиб фактни аниқлади. Чунончи, инглиз томонида ҳеч қандай ҳарбий ёки ишчи самандарлар йўқ экан. Чунки бир пайтлар Сэмюэль Мендевилль замонида чиқарилган, Британия ороллари сувларида ва қирғоқларида (қандай мақсадларда бўлмасин) бирорта ҳам самандарлардан фойдаланишини тақиқловчи қонун ҳали ҳам ўз кучини йўқотмаган экан, шунга кўра британ ҳукуматининг француз самандарлари инглиз самандарларига ҳужум қилди, дейишига ҳеч қандай

расмий асос йўқ эди. Барча иш француз самандарларининг (қасдданми ёки билмасданми) Англияга қарашли сув остига ўтиб қолганлиги масаласига бориб тақаларди. Франция республикаси раҳбарлари бу ишни кўриб чиқишга ваъда беришди, Англия ҳукумати эса бу жанжални Гаага халқаро суди муҳокамасига оширишни таклиф ҳам қилмади. Кейин британ ва француз денгиз бошқармалари кўрфаздаги сув ости истеҳкомлари орасида беш километрли бетараф зона ташкил этиш ҳақида битимга келдилар. Бу эса иккала давлат ўртасидаги дўстликни беқиёс даражада мустаҳкамлади.

4. DER NORDMOZON¹

Шимолӣ ва Болтиқ денгизларида дастлабки самандар колониялари пайдо бўлганидан бир неча йил кейин немис тадқиқотчиси д-р Ганс Тюринг болтиқ самандарининг (эҳтимол муҳит таъсиридадир) баъзи бир ўзига хос табиӣй аломатлари билан бошқа самандарлардан ажралиб туришини аниқлади: у гўё бирмунча оқиш бўлиб, тикроқ юради, френологик жиҳатига қараганда, бош суяги бошқа самандарларникига қараганда анча хипча ва чўзиқроқ. Самандарларнинг бу хили *der Nordmolch* ёки *der Edelmolch*² (*Andrias Scheuchzeri varietas nobilis erecta Trüringi*³) деган ном олди.

Шундан кейин Германия матбуоти ҳам зўр бериб болтиқ самандари масаласи устида шуғуллана бошлади. Чиндан ҳам немис муҳитининг таъсири остида бу самандар ўзига алоҳида олий ирқ даражасига етишиб, табиат ҳам, шубҳасиз, бошқа барча самандарлардан уларни юқори қўйгани

¹ Шимолӣ самандар [нем.].

² Асл самандар [нем.].

³ *Andrias Scheuchzeri*—Тюрингнинг тик юрувчи асл тури [лот.]

махсус таъкидланди. Германия матбуоти жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан зоти бузилган Ўрта ер денгизи самандарлари, ёввойи тропик самандарлар ва умуман, бошқа миллатларнинг паст ваҳший, ҳамда ҳайвонсифат самандарлари ҳақида нафратланиб ёзарди. Ўша пайтда «Улкан самандарлардан — немис олий самандарига», деган баландпарвоз шиор кенг ёйилганди. Янги давр самандарларининг дастлабки ватани немис тупроғи эмасми, ахир? Немис олими д-р Иоганн Якоб Шейхцер миоцен қатламларида улкан изларини топган ўша Энинген тошлоғи самандарларнинг бешиги эмасми? Ибтидоий Andrias Scheuchzeri нинг қадимий геологик эралардан илгари немис тупроғида пайдо бўлганига ҳеч бир шубҳа йўқ; агар у кейинчалик бошқа денгиз ва иқлим зоналарига тарқалган бўлса, бу қилмиши туфайли зоти айниган ва тараққиётида турғунликка учраган, бироқ ўзининг қадимий ватанига қайтиши билан яна бир вақтлардаги самандарларга айланган: яъни, асл шимоллий шейхцер самандарига-оқиш рангли, қадди-қомати келишган, бош суяги чўзиқ самандарга айланди. Демак, самандарлар фақат немис тупроғидагина ўзларининг соф олий турига — яъни, буюк Иоганн Якоб Шейхцер Эненген тошлоғида изларини топган кўринишга қайта олар экан. Барча немис сувларида ирқи тоза, ибтидоий немис самандарларининг янги авлодлари кўпайиши учун Германияга янги, кенг, улкан қирғоқлар, янги мустамлакалар, очиқ денгизлар керак. «Бизга самандарларимиз учун янги яшаш шароитлари керак», деб ёзишарди немис газеталари. Германия халқи бу заруриятни эсидан чиқармаслиги учун Берлинда Иоганн Якоб Шейхцерга ҳашаматли ҳайкал қўйишди. Буюк олим кўлида қалин, улкан китоб тутгани ҳолда тасвирланган эди; унинг оёғи тагида асл шимол самандари қаддини тик тутган ҳолда узоққа—дунё океанининг бепоеи қирғоқларига тикилганича ўтирарди.

Бу миллий ҳайкалнинг очилиш маросимида, албатта, дунё матбуотининг бутун эътиборини жалб қиладиган тантанали нутқлар сўзланди. «Германия яна таҳдид соляпти,—

деб таъкидланарди, хусусан, инглиз баёнотларида.— Тўғри, биз бу қилиқларга аллақачон кўникиб қолганмиз, бироқ расмий тантанада ҳам Германияга яқин уч йил мобайнида беш минг километрлик денгиз қирғоқлари керак, дейдиган бўлсалар, биз мана бундай аниқ-тиниқ жавоб беришга мажбурмиз: «Хўш, нима бўлибди? Британ қирғоқларига келсак, тишингиз ўтмайди. Биз тайёрмиз, уч йил ичида яна ҳам яхшироқ тайёрланамиз. Англия қитъадаги иккита энг қудратли давлатларнинг кемалари билан сон жиҳатидан баробар флотга эга бўлиши керак ва бўлади ҳам; кучларнинг бундай нисбати доимий равишда ана шундай мустақкам қолиши керак. Агар сизлар денгиз флоти бўйича қурулланиш пойгасини йўлга қўймоқчи бўлсангиз, марҳамат; лоақал бир қадам бўлса-да, орқада қолишимизга бирорта британиялик ҳам чидаб турулмайди».

«Биз Герман чақириғини қабул қиламиз,— деди адмиралтействанинг биринчи лорди сэр Прэнсис Дрейк парламентда ҳукумат номидан.— Кимки (қандай бўлмасин) бирорта денгизга кўз олайтирадиган бўлса, кемаларимиз зирхига урилиб пачоқ бўлади. Буюк Британия ўзининг ороллари ва ўз доминионлари ҳамда мустамлакаларининг қирғоқларига уюштирилган ҳар қандай ҳужумни қайтаришга қурби етади. Тўлқинлари британ қирғоқларини, лоақал, энг арзимас бир бўллагини ювиб турган ҳар қандай денгизда янги қитъалар, ороллар, истеҳкомлар ҳамда авиация базаларининг қурилишини агрессия деб ҳисоблаймиз. Мана шулар денгиз қирғоқларимизнинг лоақал бир ярдига кўз олайтирмоқчи бўлган ҳар қандай кимсага огоҳлантириш бўлсин».

Мазкур нутқдан сўнг у янги ҳарбий кемалар қуришга рухсат берди ва шу мақсадлар учун дастлабки ажратилган беш юз миллион фунт стерлинг маблағни тасдиқлади. Бу, чиндан ҳам Берлинда Иоганн Якоб Шейхцерга ифвогарона ҳайкал қўйилишига салобатли жавоб бўлди; шуниси ҳам борки, бу ҳайкал бор-йўғи ўн икки минг герман маркасига тушди.

Ажойиб француз журналисти маркиз де Сад¹ доимо ҳамма нарсалардан хабардор киши сифатида, бу барча на-
мойишкорона ишларга шундай жавоб берди: «Британия
адмиралтействаси лорди: Буюк Британия ҳар қандай та-
содифларга тайёр, деб айтди. Жуда соз! Бироқ Германия
Солтиқ самандарлари деганда, сув ёки қуруқликда дарҳол
жангга солиш мумкин беш миллион жанговар — профес-
сионал самандарлардан иборат мунтазам қуролланган ар-
мияни назарда тутаётгани олий мартабали лордга маълум-
микин? Бунга яна техника ҳамда фронт орқасидаги ишлар
учун мўлжалланган ва исталган вақтда резерв ёки оккупа-
цион армия сифатида хизматга тайёр турувчи ўн беш милли-
он самандарни ҳам қўшиб қўйинг. Ҳозир болтиқ самандари
дунёда энг яхши самандар ҳисобланади: булар маънавий
жиҳатдан мукамал тарбия топган, урушнй ўзларининг
чинакам олий вазифаси деб билади; у уруш деса жонини
жабборга беришга тайёр, қўлида одам ўлдирадиган техника
бўлса бўлгани, шунда у чинакам прусс самандарининг ме-
тин интизоми билан жангга кираверади.

Германия ҳар бири бир йўла бутун бошли ҳарбий саман-
дарлар бригадасини олиб юра оладиган транспорт кема-
лари қураётганидан британ адмиралтействаси лордининг
хабари бормикин? Германия экипажи фақат болтиқ саман-
даридан иборат бўладиган, уч мингдан беш минг кило-
метр гача узоқликларда ишлай оладиган юзлаб ўртача катта-
ликдаги сув ости кемалари қураётганини у билармикин?
Германия океанининг турли ерларида ёқилғи учун улкан
сув ости резервуарлари барпо этаётгани-чи? Биз яна бир
бор сўраймиз: буюк мамлакатнинг чиндан ҳам ҳар қандай
тасодифларга яхши тайёргарлик кўраётганига британ граж-
данининг ишончи комилми?

¹ Бу ерда Чапек ўз персонажи учун шафқатсизлик ва ахлоқсиз-
лик билан шуҳрат қозонган француз парнографик ёзувчиси Донасьен
Альфонса-франсуа, граф де Сад [таҳаллуси—маркиз де Сад] |1740—1814/
нинг номини танлаб олган.

Яқинда бўладиган урушда соҳилларни қамал қилиш масаласида сув ости миномётлари ва торпедалари билан қуролланган самандарлар қандай роль ўйнашини тасаввур қилиш қийин эмас; шон-шарафла қасамёд қиламанки, дунё тарихида биринчи марта Англиянинг оролдаги «зўр вазиятга» ҳеч ким ҳавас қилмайдиган бўлади. Саволлар беришни бошлаган эканмиз, яна бир нарсани билиб қўяйлик: британ адмиралтействаси болтиқ самандарларининг қўлида, умуман, «пневматик парма» деган тинч давр ишлаб чиқариш қуроли борлигини билармикин? Техниканинг охириги ютуғи ҳисобланган бу парма энг мустаҳкам швед гранитини бир соатда ўн метр чуқурликкача, инглиз бўр жинсларини эса элликдан олтиш метргача ўйиб кира олиши мумкин. (Буни ўтган ойнинг 11, 12, 13 числоларида Англиянинг Гайт ва Фолкстон ўрталаридаги қирғоғида, яъни Дувр қалъасининг шундоққина рўпарасида немис техник разведкаси томонидан кечалари яширинча олиб борилган тажриба ишлари исботлади.) Кент ёки Эссексни сув остида бир бўлак пишлоқдек тешиб ўтиш учун неча ҳафта керак бўлишини ҳисоблаб чиқишни Ламаншнинг у томонидаги дўстларимизнинг ўзларига ҳавола қиламиз. Британия оролидагилар шу пайтгача гўзал шаҳарлари, банклари ва абадий ям-яшил, шинам коттежларига таҳдид солувчи хатар фақат ўша ёқдан келиши мумкин, деган ташвишда кўкка тикилишар эди. энди, яхшиси, улар болалари ўйнаб юрган ер қаърига қулоқ тутсин; шунда самандарларнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада даҳшатли портловчи моддаларга йўл очаётган, чарчаш деган нарсани билмайдиган пармасининг рижирлашини, борган сари чуқурлашиб боришини эшитишлари мумкин. Асримиздаги энг янги гап энди ҳаводаги уруш эмас, балки сув остидаги урушдир. Биз магрур Альбионнинг капитан кўприкчасида туриб айтган ваҳимали гапларини эшитдик; ҳа, бу ҳозирча тўлқинлар узра юқори кўтарилиб, улар устидан ҳукмронлик қилаётган қудратли кема; бироқ, вақти келиб парчаланган бир аҳволда тўлқинлар қаърига фарқ бўлади. Хатарни олдиндан даф

қилган маъқул эмасми. Уч йилдан кейин анча кеч бўлади!»

Машҳур француз журналистининг бу огоҳлантириши Англияда фавқулодда ваҳима уйғотди; барча расмий раддияларга қарамасдан одамлар Англиянинг турли ерларида самандар пармаларининг ғижирлашини эшитгандек бўлишарди. Немис расмий доиралари, албатта, биз парча келтирган мақоладаги таҳдидларни қатъиян инкор этди. Бу гапларни бошдан-оёқ ғаразли фикрлар ҳамда душман тарғиботи, деб эълон қилди; худди шу пайти Болтиқ денгизда герман флоти, қуруқликдаги қуроли кучлар ва ҳарбий самандарларнинг қўшма манёврлари бўлаётган эди. Бу манёврларда самандарларнинг мина роталари хорижий ҳарбий атташелар гувоҳлигида Рюгенвальде районида олти квадрат километрдан иборат ости пармаланган қум уюмларини портлатдилар. Бу ажойиб бир манзара бўлди: тупроқ даҳшатли гулдурос билан «худди ёрилаётган муз парчасидек» осмону фалакка отилди, фақат шундан кейингина тутун, қум ва тошларнинг улкан устун кўкка ўрлади; атрофни қоронғилик босди; портлаш натижасида кўтарилган чанг-тўзон деярли юз километр атрофга ёйилиб бир неча кундан кейин Варшавага қум ёғилди. Бу ажойиб портлашдан сўнг ер атмосфераси, майда қум тўзонга шунақанги ҳам тўйиниб олдики, натижада бутун Европада кун ботиши йил охиригача фавқулодда гўзал манзара касб этиб турди; бунақа лаққа чўғ каби қирмизи тусга кирувчи оқшом бу кенгликларда шу пайтгача сира кузатилган эмасди.

Қирғоқнинг портлатилган қисмида ҳосил бўлган денгиз кейинчалик «Шейхперов денгизи» деган ном олди ва:

**Solche Erfolge erreichen
nur Deutsche Molche.¹**

¹ Бундай жасорат фақат немис самандарларига хос [нем.].

деган машҳур самандарлар гимнини айтиб юрувчи немис болаларининг беҳисоб мактаб экскурсиялари ва походлари уюштириладиган жойга айланди.

5. ВОЛЬФ МЕЙНЕРТ АСАР ЁЗАДИ

Кенигсберглик дарвиш — файласуф Вольф Мейнертнинг «Untergang der Menschheit»¹ номли улкан асарининг яратилишида муаллифни илҳомлантирган нарса ҳам ҳозиргина биз тасвирлаган ана шу фожиавий гўзал кунботиш манзараси бўлган бўлса ажаб эмас. Биз уни бошяланг бир аҳволда қирмизи рангга кирган кунботарга ҳаяжон-латикилиб турганча тасаввур қилишимиз мумкин. «Ҳа, — дея пичирлайди у жўшиб, — инсоният тарихига хотима ёзиш пайти келди!» у худди шундай қилди ҳам.

Ҳозирги пайтда инсон наслининг фожиавий томошаси ўйнаб тугалланмоқда, деб бошлади Вольф Мейнерт. Унинг ҳаддан зиёд сергайратлигига ва техник ютуқларига учмай-миз; бу ўлим тамғаси босилган жонзод танасидаги жонсиз, ўткинчи ҳаёт нишонасидан бошқа нарса эмас. Инсоният ҳеч қачон ҳозиргидек юксак ҳаётий шароитга эришган эмас; бироқ бахтиёр бўлган бирорта одамни менга кўрсатинг-чи; ўзича мамнун синф ёки ўз ҳаётидан хавфланмайдиган бирорта миллатни топиб кўринг-чи. Цивилизациянинг барча ноз-неъматлари, ҳаддан зиёд маънавий ва моддий бойликлар бизни қатъиятсиз, безовта қилиб қўяди. Шундан кейин Вольф Мейнерт ҳозирги дунёнинг аҳволи руҳиятини, қоришиб кетган даҳшат ва нафратни, ишончсизлик ва манманликни, сурбетлик ва қўрқоқликни шафқатсизларча очиб ташлади. Хулласи калом — умидсизлик, — дея лўндагина қилиб хулоса чиқарди Вольф Мейнерт, — интиҳонинг ўзига хос аломатларидир, маънавий жон талвасасидир. Шундай савол туғилади: инсон бахтли бўлишга қодирми ва бирор пайт у шунга қодир бўлганми?

¹ Инсоният оқшоми [нем.].

Инсон, шубҳасиз, тирик мавжудотларнинг биттаси сифатида бу қудратга эга: бироқ инсоният — бундан маҳрум. Инсоннинг жами бахтсизлиги шундаки, унинг пешанасига инсоният сифатида бирлашиш битилган; ёки у ниҳоятда кечиккан бир аҳволда — миллатлар, ирқлар, ақидалар, табақа ва синфларга, бой ва қашшоқларга, маданиятли ва маданиятсизларга, эзувчи ва эзилувчиларга аллақачон тузатиб бўлмайдиган даражада ажралиб бўлганидан кейингина инсоният сифатида бирлашган. Отлар, бўрилар, қўйлар, мушуклар, тулкилар, айиқлар ва эчкилардан иборат бир пода тузиб кўринг-чи; уларни бир ерга қамаб, сиз Жамият деб атайдиган ғайриоддий бир уюшмада яшашга ва ҳамма учун умумий бўлган ҳаёт қондаларини бажаришга мажбур қилиб кўринг-чи; бу худонинг биротта махлуқи ҳам ўзини бемалол ҳис эта олмайдиган бадбахт, норози ва тарқоқ пода бўлади. Мана сизга инсоният деб аталмиш улкан ва ишончсиз, турли-туман поданинг жуда аниқ қиёфаси. Миллатлар, табақалар ҳамда синфлар бир-бирини ранжитмай, бир-биридан тўла нафратланидиган даражагача ёмонлик кўрмай узоқ яшай олмайди; улар ё бир-биридан абадий ажралган ҳолда (бу улар учун дунё анчагина кенг пайтида мумкин эди) ёки бир-бири билан доимо курашиб, шунда ҳам ҳаёт учун эмас, ўлим учун курашиб яшашлари мумкин. Инсониятнинг ирқ, миллат ёки синф каби биологик гуруҳларининг бир хиллигига ҳеч бир путур етказмайдиган саодатли ҳаёт сари бирдан-бир табиий йўли мавжуд: у ҳам бўлса бошқа ҳаммани қириб ташлаб ўзи учун жой очишдан иборат. Бу — инсон насли ўз вақтида амалга оширишга улгурмаган ишнинг худди ўзгинасидир. Энди бу ишга кечикди. Биз «бошқалардан қутулиш ўрнига уларни муҳофаза қиладиган кўпдан-кўп доктриналар ва мажбуриятларга эга бўлдик; ахлоқ кодекси, инсон ҳуқуқи, шартномалар, қонунлар, тенглик, инсонпарварлик ва ҳоказоларни ўйлаб чиқардик; инсониятнинг аллақандай уйдирмасини — биз ва «бошқалар»ни ҳаёлий «олий бирдамлик»ка бирлаштирувчи бир тушунчани тўқиб чиқардик. Қандай машъум

хато! Ахлоқий қонунни биологик қонундан юқори қўйдик. Биз ҳар қандай умумийликнинг улуғ табиий шарт-шароитини буздик; фақат бир хилдаги жамиятгина бахтли бўла олади. Мана шу бемалол эришса бўладиган эзгуликни буюк, бироқ амалга ошириб бўлмайдиган орзуга — ягона инсоният вужудга келтириш, барча миллат, синф, турмуш даражасидаги кишилари учун ягона тузум тузишдек мақсадга қурбон қилиб юбордик. Бу бир олижаноб бемаънилик эди. Бу инсоннинг юқорироқ кўтарилишига бўлган ягона ҳурматга лойиқ уриниши эди. Мана энди инсон насли ўзининг бу энг юксак идеализми учун ҳозир инқирозга юз тутиб турибди.

Инсон инсоният сифатида бирлашишга интилаётган жараённинг ўзи, цивилизация, дастлабки қонунлар ва ибтидоий жамоа каби жуда қадимий жараёндир; инсоният минг йиллардан кейин ҳозиргидек ирқлар, миллатлар, синфлар ва дунёқарашлар ўртасидаги шу қадар чуқур, тубсиз жарлик билан ажралиб қолган экан, энди барча кишиларни аллақандай инсониятга бирлаштиришнинг бемаъни тарихий уриниши буткул ва фожиали ҳалокатга юз тутгани ҳақидаги ҳақиқатдан кўз юммаса ҳам бўлади. Охири келиб, биз бу нарсани тушуна бошладик; шунинг оқибатида инсон жамиятини бошқача — битта миллат, битта синф ёки битта динга бирлаштириш каби режа тузишлари пайдо бўлди. Табақаланиш дарди бедавосининг микроблари бизга қанчалик чуқур ўрнашиб олганини ким инкор этади? . . . Ҳар қандай сохта бирдамлик эртами-кечми, муқаррар равишда партия, табақа ва бошқаларнинг, ё бир-бирини қайта эзиши, ёки бирга бўлишларидан жабр кўриши натижасида қарама-қарши манфаатлар йиғиндисига айланиб, қайта парчаланиб кетади. Бундан қутулишнинг ҳеч бир иложи йўқ. Биз сеҳрланган доира бўйлаб ҳаракат қиламиз; бироқ тараққиёт бир жойда абадий айланиб тура олмайди. Дунёдан самандарларга жой ажратиб бериб, табиатнинг ўзи бунинг ғамини еган. . .

. . . Биз Вольф Мейнертнинг қарашларини қисқар-

тирилган ҳолда баён этдик; шу нарса маълумки, бир вақтлар бутун Европани ана шу фалсафий қарашлар билан гипноз қилиб юрганлар ҳам топилар эди. Инсон наслнинг инқирози ва яқинлашиб келаётган интиҳосига ҳаяжон билан ишонган ёшлар ҳам бор эди. Тўғри айрим сиёсатчилар Германия ҳукуматини гижгижлаб «буюк пессимист»нинг таълимотини тақиқлаб қўйишга эришдилар, натижада Вольф Мейнерт Швейцарияга қочиб, яширинишга мажбур бўлди. Шундай бўлса-да, бутун маданий дунё Мейнертнинг инсоният ҳалокати ҳақидаги назариясини қониқиш билан кутиб олди. Унинг (632 саҳифадан иборат) китоби барча тилларга таржима қилиниб, кўп миллионлаб нусхаларда, ҳатто самандарлар ўртасида ҳам тарқалди.

6. ИКС ОГОҲЛАНТИРАДИ

Эҳтимол, Мейнертнинг пайғамбарона китоби таъсири натижасида бўлса керак, ҳар ҳолда, маданий марказлардаги адабий ва бадиий фикр эгалари: «Биздан кейин, лоақал, самандарлар бор-ку!» деган шиор кўтариб чиқишди. Қалажак самандарларники, Самандарлар — бу маданий тўнтариш демакдир. Уларнинг ўз санъати бўлмаса ҳам майли. Шунда улар бемаъни идеаллар, қотиб қолган анъаналар ва ўша поэзия, музика, архитектура, фалсафа ёки умуман, маданият деб аталмиш эскириб кетган, жонга теккан бачкана лаш-лушлар юкини елкада кўтариб юришмайди-ку. Буларнинг ҳаммаси эшитса кўнгил айнийдиган эски гаплар-да. Самандарлар ҳали умрини ўтаб бўлган инсон санъатига берилганларича йўқ — шуниси ҳам маъқул; биз уларга янгисини яратиб берамиз. Биз ёшлар келажакдаги бутун дунё самандаризмига йўл очиб берамиз; биринчи самандарлар бўлишни истаймиз, биз эртанги куннинг самандарларимиз!

Шундай қилиб, поэзияда «ёш самандарианлар» оқими пайдо бўлди, тритоник (уч оҳангли) музика ҳамда медуза,

денгиз юлдузлари ва маржонлардан илҳомланган пелагик тасвирий санъат вужудга келди. Самандарларнинг қирғоқларни тартибга солиш соҳасида олиб борган ишлари янги гўзаллик ва ҳашамдорлик манбаи деб эълон қилинди. Биз табиатдан жуда тўйиб кетганмиз, деган гаплар қулоққа чалинадиган бўлиб қолди; қадимги хушманзара қоя тошлар ўрнини силлиқ бетон қирғоқлар эгаллайверсин! Романтика ўлди. Келажакдаги қитъалар тўғри чизиқлар билан белги-ланиб, сферик учбурчаклар ва ромблар кўринишини олади; қадимий геологик дунё геометрик дунёга ўрнини бўшатиб бериши керак. Хулласи калом — бу янги, футуристик бир нарса бўлиб, маънавий ҳаётдаги янги шов-шув ва янги маданият манифестлари эди. Келажак самандаризм йўлига ўз вақтида ўтиб олишга улгурмаганлар байроқдан ортда қолганларини алам билан ҳис қилиб туришар, шунинг учун соф «инсонийлик»ни, инсонликка, табиатга қайтишни ва бошқа шунга ўхшаган реакцияон формулаларни тарғиб қилиб, ўч олган бўлишарди. Венада тритоник музикаларни концерт шинавандалари ҳуштакбозлик қилиб рад этишди. Париждаги Эркин расомлар саломида номаълум бир жиноятчи Cariccio en bleu¹ деган ном билан тақдим этилган пелагик суратни бурдалаб кетди. Қисқаси, самандаризм шитоб билан, ғолибона олға борарди.

Бироқ ўша пайтларда айтишганидек, «самандарлашиш»-га қарши қаратилган реакцияон чиқишлар ҳеч бир кам-кўст-сиз давом этарди. Булар ичидаги энг жиддийси «ИКС»огоҳ-лантиради» деган ном билан босилиб чиққан, муаллифи сир тутилган инглиз памфлети эди. Бу китобча жуда яхши тарқалди, бироқ муаллифнинг шахсияти номаълумлигича қолаверди; кўпчилик бу китобни черков князларидан бирортаси ёзган бўлса керак, деб тахмин қиларди, чунки икс («Х») ҳарфи инглиз тилида Христос номининг қисқартирилган кўриниши эди.

Памфлетнинг биринчи бобида муаллиф келтирилган

¹ Мовий инжиқлик [италь. ва франц.].

рақамларнинг аниқ эмаслигидан уэр сўраган ҳолда самандарлар статистикасини беришга уриниб кўрди. Ҳатто тахминий ҳисобга кўра, деди у, ҳозирги пайтда самандарлар ер юзидаги одамларнинг умумий сонига қараганда етти-йигирма марта кўпроқдир. Шунингдек, сув остида самандарларнинг қанча-қанча фабрикалари, нефть қудуқлари, сув ўти плантациялари, илонбалиқ урчитиш фермалари, сув энергиясидан фойдаланиш қурилмалари ва бошқа табиий энергетик ресурслари борлиги ҳақида ҳам шунчалик ноаниқ маълумотларга эгамиз; бизда самандарлар саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш қудрати ҳақида ҳатто тахминий маълумотлар ҳам йўқ; самандарларни қуроолантириш ишларининг аҳволдан ҳам ниҳоятда кам хабардормиз. Тўғри, металллар, машина қисмлари, портловчи моддалар ва кўлгина химик моддалар олиш жиҳатидан самандарлар одамларга қарам; бироқ ҳар бир давлат ўз самандарларига қандай қурооллар ва бошқа маҳсулотлардан қанча етказиб бериб турганларини сир тутадилар, шу билан бирга, самандарлар одамлардан сотиб олаётган ярим фабрикат ва хом ашёлардан денгиз тубида нималар тайёрлашаётгани ҳақида ниҳоятда кам хабардормиз. Фақат бир нарса аниққи, бизнинг бу ишлардан саноат бўлиб қолишимизни самандарлар мутлақо исташмайди; кейинги йилларда ғаввослар шунақаям кўп чўкиб ёки ўлиб кетишяптики, уларнинг нобуд бўлишини оддий тасодифга йўйишнинг ҳеч бир иложи йўқ. Бу саноат нуқтаи назаридан ҳам, ҳарбий нуқтаи назардан ҳам ташвишли аломат эканлиги шубҳасиз.

Турган гапки, дея давом этади Икс кейинги бобларда, самандарлар одамлардан нимани талаб қила олишларини ёки қилмоқчиликларини тасаввур қилиш қийин. Улар қуруқликда яшай олмайди, биз бўлсак, уларнинг сув остидаги яшаш услубига мутлақо тўсқинлик қила олмаймиз. Уларнинг ҳаёт тарзи билан бизники бир-биридан кескин фарқ қилади. Тўғри, биз улардан баъзи бир хил ишларни бажаришни талаб қиламиз. Бироқ бунинг эвазига уларнинг кўпчилигини боқяпмиз, уларга ўзлари умуман топа олмай-

диган хом ашё ва бошқа маҳсулотлар, масалан — металллар етказиб бериб турамыз. Биз билан самандарлар ўртасида бирор қарама-қаршиликка, ҳатто, амалий сабаблар бўлмаса ҳам, мен метафизик зиддият мавжуд деган бўлардим; чуқурликда яшовчи мавжудотларга ер юзида яшовчи мавжудотлар, тунгиларига — кундузгилари, сувнинг зимистон қаърига қуруқ ва ёруғ ер қарама-қарши туради. Ер билан сув ўртасидаги чегара ҳозир ҳар қачонгидан ҳам аниқроқ ажратиб қўйилган; бизнинг еримиз уларнинг сувига тақалиб турибди. Биз доимо бир-биримиздан йироқда, фақатгина маълум бир маҳсулот ва иш-юмушлар алмашиб, жуда яхши яшашимиз мумкин эди; бироқ бунинг иложи бўлармкин, деб иккиланасан доим. Хўш, нима учун шундай? Мен бунга бирорта аниқ далил келтира олмайман; бироқ су туйғу сира йўқолмайди; бу қандайдир олдиндан сезишлек гап бўлиб, бир кун келиб ким кимни енгади, деган масалани ҳал қилиш учун сувнинг ўзи ерга қарши бош кўтаради. Тан оламан, менинг қилаётган ваҳимам бир оз ақлга тўғри келмайди, дея ёзишда давом этади, Икс; самандарлар одамларга қарши бирорта даъво билан чиқишса ҳам майли эди, кўнглим таскин топарди. У ҳолда самандарлар билан лоақал келишиб олиш, турли битимлар, шартнома ва компрамислар тузиш мумкин бўларди. Бироқ уларнинг сукут сақлаши — даҳшат. Мен уларнинг тушуниб бўлмайдиган вазминлигидан кўрқаман. Улар, масалан, ўзларига маълум бир сиёсий ҳуқуқлар талаб қилишлари мумкин эди; очигини айтганда, барча мамлакатлардаги самандарлар учун чиқарилган қонунлар бир оз эскибмиқдор жиҳатидан шунчалик қудратли, шунчалик маданийлашган мавжудотлар учун нолайиқ бўлиб қолди. Самандарларнинг турмуш шароитини бирмунча яхшилаш мақсадида улар учун янги ҳуқуқ ва мажбуриятлар ишлаб чиқилса яхши бўларди; самандарлар учун маълум даражада мухторият бериш ҳақида ўйлаш керак; иш шартноmalari яхшиланса, маҳнатлари сахийлик билан тақдирланса, адолатдан бўларди. Шундай қилиб улар қисма-

тини кўп жиҳатдан енгиллаштириш мумкин эди; улар фақат шу нарсаларни талаб қилганда ҳам айрим соҳаларда компенсацион шартномалар тузиб, уларнинг фойдасига ён беришимиз мумкин бўларди; шунда жуда бўлмаганда вақтдан бир неча йил ютган бўлардик. Бироқ самандарлар ҳеч нарса талаб қилмаяпти; улар фақат меҳнат унумдорликларини ошириб, буюртмаларни кўпайтиряптилар; аммо бу аҳвол қачонгача давом этиши мумкин.

Бир пайтлар сариқ, қора ёки қизил хавф ҳақида гапиришарди; бироқ уларнинг ҳаммаси инсонлар эди, биз эса улар истагини унча-мунча тасаввур қила олишимиз мумкин. Ҳали инсоният қандай ва нимага қарши мудофаага ўтиши лозимлигини билмасак ҳам, бир нарсани аниқ тушунишимиз керак: агар самандарлар бир тараф бўлса, бутун инсоният иккинчи тараф бўлади.

Инсоният самандарларга қарши! Ниҳоят, бу вазиятни шакллантириш пайти етди. Ахир ҳар қандай одам ҳам самандарларни кўрганда юрагини ҳовучлаб, кўнглида беихтиёр нафрат сезади, улардан жирканади ва... қўрқади. Бутун инсоният устига аллақандай совуқ даҳшат шарпа ташлади. Ҳозирги одамларни қамраб олган бу бемаъни шаҳвоний ҳирсми, роҳат ва ҳузур-ҳаловат ташналигини, айш-ишратларни қандай тушунтириш мумкин? Ахлоқнинг бундай таназзулини биз Рим империясига қарши варварлар ҳужумга тайёрланган замонлардан бери кўрмаган эдик. Булар моддий фаровонлик самараларигина эмас, балки инқироз ва ҳалокатни даф қилишга бемаъни уринишдир. Ётиб қолгунча отиб қол! Қандай ақлсизлик, қандай шармандалик! Гўё худонинг ўзи шиддат билан тубанлашиб бораётган миллатлар ва синфларга қарияларга хос бўшанглик ато қилаётгандек эди. Айш-ишрат қилаётган инсоният бетига даҳшат-ла ёзилмиш «мене-текел-ферес»¹ дан иборат машъум сўзларни ўқишни истайсизми? Айш-ишрат ва бу-

¹ Библия ривоятларига кўра, бу сирли оташ ёзуви шоҳ Вавилоннинг айш-ишрат базми пайтида унинг деворида пайдо бўлган ва у Вавилон салтанатининг ҳалокатини башорат қилган.

зуқлик маконларига кираверишдаги тун бўйи ёниб тура-
диган нурафшон ёзувларга бир назар ташланг. Бу жиҳатдан
биз — одамлар аллақачон самандарларга яқинлашиб бор-
яшмиз: ҳаётимиз кундузгидан кўра кўпроқ тунда авжга
минади.

Самандарлар бунчалик ўртамиёна зот бўлмаганда ҳам
майли эди! — деди Икс алам билан хитоб қилиб.— Ҳа,
улар унча-мунча маълумотли; бироқ бу нарса уларни бир
қадар чеклаб қўяди; чунки улар инсон цивилизациясидан
стандартни, фойдали механик ҳаракатининг амалда тадбиқ
қилиб бўладиган томонларинигина ўзлаштирганлар. Улар
инсоният олдида гўё Вагнер Фауст қаршисида тургандек
турибдилар. Бироқ улар шунга ҳам қаноатланадилар ва
ҳеч қандай шубҳага бормайдилар. Энг даҳшатлиси, бу
идрокли, тентакнамо ва ўртача цивилизацияга эришган
нусханинг миллионлаб ва миллиардлаб бир хил кўринишда
тарқалганидир. Йўғ-е, мен янглишдим: ҳаммасидан даҳ-
шатлиси, уларнинг бунчалик муваффақиятларга эришган-
ликларидадир. Улар машиналардан ва арифметикадан фой-
даланишни ўрганиб олдилар ва уларга ҳокими мутлақлик
учун шунинг ўзи етарли бўлиб чиқди. Улар инсон мадания-
тидан бевосита фойдадан холи бўлган барча нарсаларни,
ҳар қандай ўйин-кулги, фантазия, қадимий панд-насиҳат-
ларни улоқтириб ташладилар, бу билан улар маданийлик-
нинг барча инсоний томонларини йўқотиб, фақат яланғоч —
амалий нафи тегадиган техник томонларинигина қолдирди-
лар. Инсон цивилизациясининг бу аянчли карикатураси
ҳайрон қоларли даражада гуллаб-яшнаяпти; у техник
мўъжизалар яратяпти, қадимий сайёрамизни қайтадан
бичиб тикияпти ва қўйинг-чи, инсониятнинг ўзини гипноз
қилияпти. Фауст муваффақият қозониш ўртамиёналик сир-
ларини ҳам ўз шогирди ва хизматчисидан ўрганеди! Икки-
дан бири: ё одамзод самандарлар билан ҳаёт-мамот жангги
қилади, ёки бўлмаса ҳеч бир оғишмай самандарлашади.
Менга келсак, дея ҳазинлик билан тугаллайди Икс биринчи
ҳолни афзал кўрадим.

Мана, Икс сизни огоҳлантиряпти, деб давом этади номаълум муаллиф. Ҳали ҳам атрофимизни ўраб турган бу совуқ ва шиллиқ ҳалқани суриб ташлашимиз мумкин. Биз самандарлардан қутулмоғимиз лозим. Улар жуда ҳам кўпайиб кетди. Улар қурулланишган, бизга қарши номаълум даражадаги қудратга эга бўлган ҳарбий кучларни ишга солишлари мумкин. Бироқ биз — одамлар учун энг даҳшатлиси уларнинг кўплиги ва кучи эмас, балки ҳамманинг устидан тантана қилаётган норасолигидир. Мен нимадан кўпроқ қўрқишимиз кераклигини билмайман; уларнинг инсонларга хос цивилизацияга эришганлариданми ёки маккор, совуқ, ҳайвоний шафқатсизликлариданми? Аммо бу ҳар иккала жиҳати уйғунлашса борми, ақл бовар қилмайдиган даражада даҳшатли, деярли чидаб бўлмас бир нарса вужудга келади. Маданият учун, христианлик ва инсоният учун биз самандарлардан озод бўлишимиз керак. Номаълум апостол¹ ана шундай даъват қилди:

Тентаклар, самандарларни боқишни бас қилсаларинг-чи!

Уларга иш беришни бас қилинг, уларнинг хизматидан юз ўгириг, алоқани узинг, истаган томонига — барча сув жониворлари қатори ўзлари қорин тўйғиза оладиган жойларга кетишаверсин. Шунда ортиқча самандарларни табиатнинг ўзи саранжом қилади: фақат одамлар, инсоний цивилизация ва инсоний тарих самандарлар учун ишлашни бас қилса бўлгани!

Самандарларга қурол етказиб беришни ҳам бас қилинг!

Уларни металллар ва портловчи моддалар билан таъминлашни тақиқланг, уларга машиналар, буюмлар юборманг! Сиз ахир йўлбарсларни тиш, илонларни заҳар билан таъминлаб турмайсиз-ку, алангаи оташ уфураётган вулқонни қиздирмайсиз ёки сув боссин учун тўғонни бузмайсиз-ку! Мол етказиб бериш барча денгизларда тақиқлансин, са-

¹ Инсонинг ўн икки шогирдидан бири [тарж.].

мандарлар қонундан ташқари деб эълон қилинсин, улар лаънатланиб, бизнинг дунёдан қувғин қилинсин.

Самандарларга қарши миллатлар Лигаси ташкил этилсин!

Барча инсоният қўлига қурол олиб, ўзини ҳимоя қилишга тайёр турмоғи лозим. Миллатлар Лигаси, швед қироли ёки Рим папаси ташаббуси билан цивилизацияга эришган барча давлатларнинг бутун дунё конференцияси чақирилсин ва самандарларга қарши Дунё иттифоқи ёки Лоақал Христиан миллатлари иттифоқи ташкил қилинсин! Даҳшатли самандарлар хавфи ва одамлардаги масъулият таъйиқи остида, эҳтимол, беҳисоб қурбонлар берилганига қарамасдан жаҳон уруши амалга оширолмаган ишларни амалга оширадиган пайт келгандир. Дунё қўшма Штатлари таъсис этилса кошки эди! Агар шу иш амалга ошса, демак, самандарларнинг пайдо бўлиши бежиз эмас. Демак, улар илоҳий қурол сифатида яратилган.

Одамни ҳаяжонга соладиган бу памфлет кенг жамоатчилик орасида зўр шов-шувга сабаб бўлди. Кексайиб қолган хонимлар, буни ахлоқ-одобнинг мисли кўрилмаган инқирози, деб билдилар. Аксинча, газеталардаги иқтисодий ахборотларда: самандарларга етказиб турилган маҳсулотларни чеклаш мумкин эмас, чунки бундай қилинса, ишлаб чиқаришни кескин қисқартиришга тўғри келиб, саноатнинг кўпгина соҳаларида оғир кризисларга сабаб бўлади, деб тўғри фикрлар айтишди. Ҳатто қишлоқ хўжалиги ҳам, деб ёзишди улар, самандарлар учун овқат ҳисобланган жўхори, картошка ва бошқа маҳсулотларнинг яхши кетаётганига умид боглайди; агар самандарлар сони камайиб кетса, бозорда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи кескин тушиб кетиб, ер эгалари хонавайрон бўладилар. «Самандарларга қарши миллатлар Лигаси «масаласига келсак, умум-масъул сиёсий ташкилотларнинг ҳеч бир ҳожати йўқ, — деб эътироз билдирди газеталар. — Биринчидан, Миллатлар Лигаси деган нарса аллақачон ташкил этилган, иккинчидан денгиз бўйи давлатлари ўз самандарларини оғир қу-

роллар билан таъминламаслик мажбурияти бўйича Лондон битими бор. Шуни ҳам айтиш керакки, бошқа бирор денгиз бўйи давлати ўз самандарларини яширинча қуроллантирмаётгани ва бу билан қўшнилари зарарига ўзининг ҳарбий имкониятларини оширмаётганига тўла ишонмаган давлатлардан қуролланишнинг бу хилдаги чекланишини талаб қилиш осон иш эмас. Худди шунингдек, бирорта давлат ёки бирорта қитъа ўз самандарларини бошқа бирорта жойга жўнашга мажбур қила олмайди. Чунки бу қилмиши билан у бошқа давлатлар ёки қитъаларнинг бир томондан, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сотилиши ва иккинчи томондан, ҳарбий қудратнинг ўсиб кетишини ўйлайди. Ҳар қандай эс-ҳуши жойида одам маъқуллайдиган бу хилдаги эътирозлар кўплаб келтирилди.

Шунга қарамасдан, «Икс огоҳлантиради» памфлети одамларда чуқур таассурот қолдирди ва маълум даражада натижа берди. Деярли барча малакатларда самандарларга қарши ҳаракатлар авж ола борди, самандарларни қириш иттифоқлари, «самандарларга қаршилик» клуби, «инсониятни муҳофаза қилиш комитетлари» ва бошқа кўпгина шу хилдаги ташкилотлар тузилди. Женева делегатлари Самандарлар Масаласини ўрганиш комиссиясининг 1213-мажлисига йиғилишганда самандарлардан ҳақорат эшитишди. Денгиз соҳиллари бўйлаб чўзилган деворларда «Самандарларга ўлим», «Йўқолсин самандар» ва ҳоказолар сингари таҳдид солувчи ёзувлар пайдо бўлди. Кўпгина самандарларни тошбўрон қилишди; кундузлари сувдан бош чиқаришга бирорта самандар ҳам журъат эта олмайдиган бўлиб қолди. Шунга қарамасдан улар томонидан бирорта норозилик ҳаракатлари бўлмади. Улар кўринмай қолди, жилак қурса кундуз кунлари. Уларга деворлардан мўралаган кишилар хотиржам шовуллаб турган денгизнинг бепоён сатҳинигина кўришарди. «Вой, аблаҳлар-е, — дейишарди одамлар нафрат билан, — ҳатто кўринишмайди ҳам».

Ана шу сукунат ичра бирдан ваҳима бўлиб қолди:

Луизианада зилзила

7. ЛУИЗИАНАДА ЗИЛЗИЛА

11 ноябрь тунги соат бирда Нью-Орлеан аҳолиси кучли ер ости силкинишининг гувоҳи бўлди; негр кварталларида бир неча уй вайрон бўлди; одамлар қўрқиб кўчаларга чиқиб кетди, бироқ силкиниш бошқа такрорланмади. Қаттиқ шамолнинг гувиллашидай шиддатли бир тўлқин ўтиб, негр кўчаларида дераза ойналарини синдириб, томларни учириб кетди; ўнлаб кишилар ҳалок бўлди; шундан кейин шаҳарга лой ёмғир бўлиб ёғилди.

Нью-Орлеан ўт ўчирувчилари кўпроқ зарар кўрган районларга шошилиш ёрдамга етиб келгунга қадар, телеграф тиқирлаб Морган-Сити, Плэкмайн, Батон-Руж ва Лафайет шаҳарларини ёрдамга чақирди: «SOS! Қутқарув отрядлари юборинг! Зилзила билан циклон шахримизнинг ярмига яқинини олиб кетди; Миссисипидаги тўғонларнинг ағдарилиб кетиш хавфи бор; дарҳол сапёрлар, санитар отрядлари ва барча ишга яроқли эркакларни жўнатинг». Форт-Ливингстондан қисқагина расмий хабар келди: «Алло, сизларда ҳам кутилмаган ҳодисаларми?» Кейин Лафайетдан телеграмма олинди: «Диққат! Диққат! Нью-Иберия ҳаммадан кўп зарар кўрди. Афтидан, Нью-Иберия билан Морган-Сити ўртасидаги алоқа узилиб қолганга ўхшайди. У ерга ёрдам беринг!» Кўп ўтмай Морган-Ситидан телефон қилишди: «Нью-Иберия билан алоқамиз, йўқ. Автомобиль йўли ва темир йўл линияси зарар кўрганга ўхшайди. Вермильон кўрфазига самолёт ва пароходлар юборинг! Бизга бошқа ҳеч нарса керак эмас. Бизда ўттизга яқин ҳалок бўлганлар ва юзта ярадор бор». Шундан кейин Батон-Руждан телеграмма келди:

БИЗДАГИ МАЪЛУМОТЛАРГА ҚАРАГАНДА ЭНГ ОҒИР АҲВОЛДА ҚОЛГАН ЖОЙ НЬЮ-ИБЕРИЯ БУТУН ЭЪТИБОР НЬЮ-ИБЕРИЯГА ҚАРАТИЛСИН БИЗГА ИШЧИЛАР ЮБОРСАНГИЗ БЎЛДИ ФАҚАТ ТЕЗРОҚ АКС ҲОЛДА ТЎҒОНЛАРИМИЗ ҚУЛАБ ТУШАДИ ҚЎЛИМИЗДАН КЕЛГАН ЧОРАЛАРНИ КЎРЯЙМИЗ

Бошқа бир телеграмма:

*АЛЛО АЛЛО ШРИВПОРТ НЕЙЧИТОКС АЛЕКСАНДРИЯ НЬЮ-ИБЕРИЯГА
ҚУТҚАРУВ ПОЕЗДЛАРИ ЮБОРДИ АЛЛО МЕМФИС ВИНОНА ЖЕКСОН НЬЮ-
ОРЛЕАНГА ПОЕЗД ЮБОРИШДИ БАРЧА АВТОТРАНСПОРТ САФАРБАР ҚИЛИН-
ГАН ОДАМЛАРНИ БАТОН-РУЖ ТУҒОНЛАРИГА ТАШИМОҚДА*

Яна биттаси:

*АЛЛО ПАСКАГУЛА ГАПИРАДИ БИЗДА БИР НЕГТАСИ ҲАЛОҚ БЎЛДИ
СИЗЛАРГА ЕРДАМ КЕРАКМИ*

Бу орада ўт ўчирувчи командалар, санитар машиналари ва қутқарувчи поездлар аллақачон Морган-Сити — Паттерсон — Франклин томон шамолдек учиб борарди. Эрталабки соат бешдагина бирмунча аниқ маълумотлар олинди: «Франклин билан Нью-Иберия ўртасидаги темир йўл линииси Франклиндан етти километрча ғарброқда сув босиши натижасида ишдан чиққан: у ерда, афтидан, зилзила натижасида Вермильон кўрфазидан бошлаб чуқур ёриқ ҳосил бўлди ва бу ёриқ зумда денгиз суви билан тўлди. Ҳозиргача олинган маълумотларга кўра, бу ёриқ Вермильон кўрфазидан шарқ-шимолга шарқ томондан бориб, Франклин яқинида шимолга бурилади-да, катта кўлга кириб боради, кейин шимолга Плэкмайн-Лафайет линиисигача давом этиб бориб, эски кўл ҳавзасида тугайди. Катта кўлни унинг ғарбидаги Наполеонвиль кўли билан туташтирди. Ёрилган жойнинг умумий узунлиги саксон километрга яқин, эни эса икки километрдан ўн бир километргача. Афтидан, бу ер зилзила маркази бўлганга ўхшайди. Бу ёриқнинг аҳоли яшайдиган бирмунча йирик пунктларни четлаб ўтганининг ўзини катта бахт десак бўлади. Шунга қарамасдан қурбон бўлганлар анчагина бор. Франклинда олтимиш, Паттерсонда қирқ беш сантиметр лой ёмғири ёғди. Ачафалайя кўрфази қирғоқларида яшовчи аҳолининг айтишича, зилзила пайтида денгиз тахминан уч километрча орқага чекинган, кейин эса баландлиги ўттиз метрлик тўлқин ҳолида қирғоққа ёпирилган. Денгиз ёқасида кўп одам ўлмадимикин, деб хавотир олишяпти. Ҳали ҳам Нью-Иберия билан алоқа йўқ».

Нью-Иберияга гарбдан — Нейчитоксдан йўлга чиққан поезд биринчи бўлиб етиб келди; Лафайет ва Батон-Руж орқали айланма йўл билан етиб келган хабарлар нақадар даҳшатли. Нью-Иберияга бир неча километр қолганда поезд тўхташга мажбур бўлди; темир йўл лой остида қолиб кетган эди. Қочоқларнинг айтишича, шаҳардан икки километр шарқда «лой вулқони» отила бошлабди. Бу вулқондан бир зумда қанча-қанча муздек лой отилиб чиқаётган эмиш. Уларнинг гапига қараганда, Нью-Иберия лой остида қолиб кетибди. Қоронғида ва тинимсиз қуйиб турган ёмғирда поезднинг олға силжиши ниҳоятда мушкул. Ҳали ҳам Нью-Иберия билан алоқа йўқ.

Айни вақтда Батон-Руждан ҳам ахборот олинди:

*МИССИСИПИ ТУҒОНЛАРИДА БИР НЕЧА МИНГ КИШИ ИШ БОШЛАДИ
НҚТ ЕМҒИР ТИНА ҚОЛСА ЭДИ НҚТ ЧУКИЧ БЕЛКУРАК ЮК МАШИНАЛАРИ
ОДАМЛАР КЕРАК НҚТ ПЛЭКМАЙНГА ЕРДАМ ЮБОРЯПМИЗ НҚТ БУ ЛАП-
ШАНГЛАР ЎЗЛАРИ ЭПЛАЙ ОЛИШМАЙДИ*

Форт-Жексондан келган телеграмма:

*ЭРТАЛАБ СОАТ БИР ЯРИМДА ДЕНГИЗ ТЎЛҚИНИ ЎТТИЗТА УЙНИ ЮБИБ
КЕТДИ НИМА ГАПЛИГИДАН ХАБАРИМИЗ ЙЎҚ ТОШҚИНДАН КЕЙИН ЭН
ЕТТИ ОДАМ ЙЎҚОЛДИ АППАРАТНИ ҲОЗИРГИНА ТУЗАТДИМ ПОЧТА КОН-
ТОРАСИНИ ҲАМ ОҚИЗИБ КЕТДИ АЛЛО БУ ТЕЛЕГРАФЧИ ФРЕД ДАЛЬТОН
ЭКАНИНИ ТЕЗРОҚ МАЪЛУМ ҚИЛИНГ АЛЛО МИННИ ЛАКОСТГА АЙТИНГ
МЕНГА ҲЕЧ НИМА ҚИЛГАНИ ЙЎҚ ФАҚАТ ҚЎЛИМ СИНГАН ВА НАРСА-
ЛАРИМИНИ СУВ ОҚИЗИБ КЕТГАН БИРОҚ АСОСИЙСИ АППАРАТ ЯНА ИШЛА-
ЯПТИ О КЭЙ ФРЕД*

Порт-Идсдан энг қисқа хабар келди:

ҚУРБОНЛАР БОР БЕРИВУДНИ ДЕНГИЗ БУТУНЛАЙ ЮБИБ КЕТДИ

Бу пайтга келиб, эрталаб соат саккизлар атрофида зарар кўрган районларга юборилган дастлабки самолётлар қайтиб кела бошлади. Учувчилар мана бундай ҳикоя қилишарди: Порт-Артурдан (Техас штати) то Мобилегача (Алабама штати) бўлган бутун қирғоқ тунда улкан тўлқин қаърида қолибди; ҳамма ёқда вайрон бўлган, зарарланган

уйлар кўзга ташланади. Чарльз Кўли, Александрия-Нейчиз йўлидан бошлаб Луизиананинг жануби-шарқий қисми ва Миссисипининг жанубий қисми (Жексон—Хэтисбург—Паскагула линиясигача) лой остида қолган. Вермильон кўрфазиди қуруқлик томонга қараб эни уч километрдан ўн километргача келадиган янги қўлтиқ пайдо бўлибди. Бу қўлтиқ узун фьорд шаклида то Плэкмайнгача кириб боради. Нью-Иберия катта талафот кўрганга ўхшайди. Бироқ уйлар ва йўлларни кўмиб қўйган лойларни титкилаб юрган жуда кўп одамларни кўрдик. Қўнишнинг иложи бўлмади. Одамлар орасида ҳалок бўлганлар кўп, соҳилга яқин жойларда янада кўпроқ. Пойнт-оф-Эра яқинида пароход чўкаётган экан, Мексиканикига ўхшайди. Шанделур ороллари яқинида денгиз парча-пурча нарсалар билан тўла. Ҳамма ерда ёмғир тинди. Кўриниш яхши.

Нью-Орлеан газеталарининг биринчи шошилинич сони эрталаб соат бешда чиқди: тонг ёришган сайин янги талафотлар ҳақидаги янги сонлари кетма-кет чиқаверди, эрталаб соат саккизларга бориб газеталарда зарар кўрган районларнинг фотосуратлари ва янги қўлтиқнинг харитаси пайдо бўлди. Соат саккиз яримда Луизианадаги зилзила сабаблари ҳақида Мемфисе университетининг буюк сейсмологи — д-р Уилбур Р. Броунеллнинг интервьюси босилиб чиқди.

Ҳали қатъий хулосалар чиқаришга вақт бор, деди машҳур олим. Бироқ, афтидан, бу зилзила худди зарар кўрган район қаршисидаги Марказий Мексиканинг ҳали ҳам фаол бўлган вулқон отилиш жараёни билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бугунги зилзила кўпроқ тектоник сабабларга кўра, яъни тоғ массаларининг босими остида юз берган. Бир томондан, Қояли тоғлар ва Сьерра-Мадре, иккинчи томондан, Аппалач яси тоғининг Мексика қўлтиғи ҳамда унинг давоми ҳисобланган Миссисипи дарёси қўйи оқимидаги кенг пастликка бўлган босим остида рўй берган. Вермильон кўрфазидан бошланган ёриқ янги ва нисбатан аҳамиятсиз дарзидир; у бир вақтлардаги геологик чўкишнинг кичик бир

эпизодидан бошқа нарса эмас. Мексика қўлтиғи ва Караиб денгизи билан Катта ва Кичик Антиль ороллари ҳалқаси ҳам бир вақтлардаги худди шундай геологик чўкиш вақтида бу ердаги тоғ тизмаларининг қолдиқларидан ҳосил бўлган. Марказий Америкада ер сатҳининг чўкиши янгидан-янги ер силкинишлари, ажралиш ва дарз кетишлар натижасида юз беради. Вермильон ёриғининг маркази Мексика қўлтиғида ётган актив тектоник жараённинг фақат ибтидоси бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас; у ҳолда биз Қўшма Штатлар территориясининг деярли бешдан бир қисми денгиз тубига айланадиган улкан геологик фожианинг шоҳиди бўлишимиз мумкин. Бу ҳол юз берган тақдирда ҳам Антиль ороллари яқинида ёки яна ҳам шарқроқда (қадимги афсоналарга кўра гарқ бўлган Атлантида яқинида) денгиз тубининг кўтарилиши сифатида амалга ошиши мумкин.

Шу билан бирга,— дея давом эттирди ажойиб олим одамларни хотиржам қилиш мақсадида,— зарар кўрган районда вулқон жараёнининг пайдо бўлишидан жиддий ташвишланишга асос йўқ; Вермильон ёриқлигидан лой отилиши эса шунчаки ваҳима бўлиб, у ботқоқ газининг портлашидан бошқа нарса эмас. Агар Миссисипи қумлоқларида улкан ер ости газ пуфаклари ҳосил бўлиб, ҳаво билан қўшилиш натижасида портлаш вужудга келиб, юзлаб, минглаб тонна лой ва сувни кўтариб ташласа, бунинг ҳеч бир ҳайрон қоларли жойи йўқ. Шуниси ҳам борки, дея такрорлади д-р. У. Р. Броунелл, фожиани узил-кесил тушунтириш учун янги тадқиқотлар олиб бориш керак бўлади.

Броунеллнинг геологик фожиалар ҳақидаги мулоҳазалари ротацион машиналардан ўтаётган бир пайтда Луизиана штатининг губернатори Форт-Жексондан қуйидаги мазмунда телеграмма олди:

ҲАЛОҚ БЎЛГАН КИШИЛАРГА АЧИНАМИЗ НҲТ БИЗ ШАҲРИНГИЗНИ ЧЕТЛАБ ЎТМОҚЧИ ҲАМ БЎЛДИК БИРОҚ ПОРТЛАШ ПАЙТИДА ДЕНГИЗ СУВИНИНГ ҚАЙТИШИНИ ВА ҚАЙТА ЗАРБАСИНИ ҲИСОБГА ОЛМАГАН ЭКАНИМИЗ НҲТ БУТУН ҚИРҒОҚ БЎЙЛАБ УЧ ЮЗ ҚИРҚ ОЛТИТА ҲАЛОҚ БЎЛГАН КИШИНИ ТОПДИК НҲТ ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРАМИЗ НҲТ БОШ

САМАНДАР НҲТ АЛЛО АЛЛО АППАРАТ ОЛДИДА ФРЕД ДАЛЬТОН ПОЧТА КОНТОРАСИ ҲОЗИРГИНА БУ ЕРДАН УЧТА САМАНДАР ЧИҚИБ КЕТДИ УЛАР ПОЧТАГА КЕЛИШГАНИГА УН МИНУТ БЎЛГАН ЭДИ ТЕЛЕГРАММА БЕРИШДА МЕНГА РЕВОЛЬВЕР УҚТАЛИБ ТУРИШДИ АММО ҲОЗИР КЕТИБ ҚОЛИШДИ ЖИРКАНЧ МАХЛУҚЛАР ПУЛНИ ТЎЛАБ СУВГА ШҲНГИШДИ УЛАРНИ АПТЕКАЧИНИНГ ИТИ ҚУВИБ КЕТДИ УЛАРГА ШАҲАРДА ЮРИШГА КИМ ҲУҚУҚ БЕРДИ БОШҚА ЯНГИЛИК ЙҲҚ МИННИ ЛАКОСТГА АЙТИНГ МЕН УНИ УПИБ ҚОЛАМАН ТЕЛЕГРАФЧИ ФРЕД ДАЛЬТОН

Луизиана штатининг губернатори бу телеграмма устида узоқ вақт бош чайқаб турди. Бу Фред Дальтон жуда ҳазилкаш бўлса керак, деган қарорга келди у, ниҳоят. Бу телеграммани, яхшиси, газеталарга бермаган маъқул.

8. БОШ САМАНДАР ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Луизианадаги зилзиладан уч кун кейин янги геологик фожиа (бу сафар Хитойда) рўй бергани ҳақидаги хабарлар тарқалди. Кучли гулдурос шовқин билан келган ер ости силкиниши Цзянсу вилояти Нанкиндан шимолроқда, деярли Янцзининг қуйилиш жойи билан Хуанхэнинг эски ўзани ўртасида денгиз қирқоғини қоқ иккига бўлиб юборди; ҳосил бўлган ёриққа денгиз суви бостириб кирди; Хуанган билан Фучжан шаҳарлари ўртасида Банью ва Хунцзу кўллари бир-бирига туташди. Бу зилзила натижасида Янцзи дарёси Нанкин яқинидаги ўзининг эски ўзанини тарк этиб, йўналишини Тай кўлига, ундан Ханьчжоуга томон буриб юборди, деган маълумотлар бор. Ҳозирча ҳалок бўлганлар сонини ҳатто тахминан бўлса-да, аниқлаб бўлмади. Юз минглаб одамлар шимолий ва жанубий вилоятларга қочяпти. Япон ҳарбий кемалари зарар кўрган қирғоқ томон йўлга чиқиш ҳақида буйруқ олди.

Цзянсудаги зилзила ўз миқёси билан Луизианадаги офатдан анча катта бўлган бўлса ҳам, бу ҳодисага умуман кам эътибор беришди. Сабаби, дунё Хитойдаги фожиаларга ўрганиб қолган эди. Маълум бўлишича, у ерда миллионларча инсон ҳаёти назар-писанд қилинмайди; бунинг устига, илмий нуқтан назардан қараганда, бу ерда гап Рюкюва Филлиппин ороллари яқинида океан тубидаги чуқурлик-

нинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлган оддий тектоник зилзила ҳақида бораётганди.

Бироқ яна уч кундан кейин Европа сейсмографлари маркази қаердадир Яшил бурун ороллари яқинида бўлган янги ер ости силкинишларини қайд этишди. Бирмунча батафсил ахборотларга кўра, кучли зилзиладан Сен-Луидан жанубдаги Сенегамбия қирғоқлари анчагина зарар кўрган. Лампул ва Мборо шаҳарлари орасида чуқур ёриқ ҳосил бўлиб у ерга дарҳол денгиз суви тўлган: бу ёриқ Мерианаган йўналишида Вади Димаргача чўзилиб борган. Ўз кўзи билан кўрганларнинг гапига қараганда, ер остидан қаттиқ гумбурлаш бўлиб, олов ва буғ отилиб чиқиб, қум ва тошларни узоқ-узоқларга супуриб кетган; кейин ҳосил бўлган чуқурликка ёпирилиб кетаётган денгиз сувининг шовуллаши эшитилган. Одам кам ўлган.

Бу ҳисоб бўйича учинчи зилзила бўлиб, одамларни анчагина ваҳимага солиб қўйди. Тонгги газеталар:

ЭХТИМОЛ ЕРНИНГ ВУЛҚОН ФАОЛИЯТИ ЖОНЛАНАЁТГАНДИР

деган саволни ўртага ташлашди. Кечки газеталар бўлса: **ЕР ҚОБИҒИ ЁРИЛА БОШЛАДИ—**

деган гапларни айтишди. Мутахассислар Сенегамбия ёриги (Яшил бурун оролларида бири) Фога оролидаги Пико вулқони билан боғлиқ бўлган вулқон «томири»нинг очилиб кетиши натижасида юзага келган, деган тахминни ўртага ташладилар; бу вулқон 1847 йилгача отилиб турган, ўшандан бери сўнган ҳисобланарди. Шундай қилиб, Ғарбий Африка зилзиласининг соф тектоник характердаги Луизиана ва Цзянсу сейсмик ҳодисалари билан ҳеч бир умумий томони йўқ. Бироқ одамларга, афтидан, ер тектоник сабабларга кўра ёриладими ёки вулқон сабаб бўлибми, барибирга ўхшайди. Нима бўлганда ҳам шу кун ичра барча черковлар ибодатчиларга тўлиб кетди. Баъзи мамлакатларда ибодатхоналарни тунда ҳам очиқ қолдиришга тўғри келди.

Йигирманчи ноябрь куни тунги соат бирга яқин Евро-панинг кўпгина шаҳарларида радио эшитувчилар қандайдир янги ғайритабиий қудратга эга бўлган станция ишлай бошлагандек эфирда ҳалақит берувчи кучли сигналларни эшитиб қолишди. Улар бу станцияни икки юз уч метрли тўлқинда тутишди: ундан машиналар шовқини ёки денгиз тўлқинига ўхшаш аллақандай гувиллаш эшитилди; бу чўзиқ, тинимсиз гувиллаш орасида бирдан даҳшатли чийилдоқ овоз пайдо бўлди; бу овозни ҳамма бир хилда таърифлади: бўғиқ, вақирлаган, гўё сунъий товушга ўхшарди, бунинг устига мегафон ёрдамида кучайтирилган эди; бу қурбақасимон овоз ҳовлиқиб бақирарди:

— Hallo, hallo, hallo! Chief Salamander speaking! Hallo, Chief Salamander speaking! Stop all broadcasting, you man! Stop your broadcasting!

Hallo, Chief Salamander speaking¹.

Шундан кейин ғалати бир бўғиқ овоз сўради:

— Ready?²

— Ready!

Переключатель ёқилганига ўхшаш чирсиллаган овоз эшитилди: ғайритабиий бўғиқ овоз гап бошлади:

— Attention! Attention! Attention! Hallo! Now!³

Шунда тун сукунати қўйнида ҳирқироқ, ҳорғин, бироқ, ҳар ҳолда, буйруқ оҳангидаги овоз эшитилди:

— Алло, одамлар! Луизиана гапиряпти. Цзянсу гапиряпти. Сенегаambia гапиряпти. Қурбон бўлганларга ачинамиз. Биз сизларга беҳуда зарар етказишни истамаймиз. Биз кўрсатган ерлардан денгиз қирғогидагиларни кўчириб кетсангиз бўлгани. Агар гапимизга қулоқ солсангиз, қай-гули фалокатларнинг олдини олган бўласиз. Бундан кейин денгизларимизни қайси ерда кенгайтирмоқчи бўлсак, икки

¹ Алло, алло, алло! Бош самандар гапиряпти! Алло, Бош самандар гапиряпти! Одамлар, ҳар қандай радио эшитиришларни тўхтатинг! Алло, Бош самандар гапиряпти! (Ингл.)

² Тайёрми? [ингл.]

³ Диққат! Диққат! Диққат! Алло! Бошлаймиз! [Ингл.]

ҳафта илгари сизларга маълум қилиб қўямиз. Биз шу пайтгача техник тажрибалар ўтказаяётган эдик. Сизлар берган портловчи моддалар ўзини тўла оқлади. Улар учун раҳмат.

Алло, одамлар! Осойишталикни сақланг. Сизларга нисбатан душманлик режаларимиз йўқ. Бироқ яшашимиз учун кўпроқ сув, кўпроқ қирғоқлар ва кўпроқ саёзликлар керак. Биз жуда кўпайиб кетганмиз. Бизларга энди қирғоқларингизда жой етишмай қоляпти. Шунинг учун қитъаларингизни бўлак-бўлак қилишимиз керак. Биз бу қитъаларни орол ва кўрфазларга айлантирамиз. Шу йўл билан бутун дунёдаги қирғоқларнинг узунлиги беш марта кўпаяди. Биз янги саёзликлар бунёд этамиз. Биз чуқур сувларда яшай олмаймиз. Сизларнинг қитъангиз бизга чуқур ерларни тўлатиш учун керак бўлади. Сизларга нисбатан ҳеч қандай ғаразимиз йўқ, бироқ биз жуда кўпайиб кетганмиз. Сизлар ҳозирча қуруқлик ичкарасига кириб туришингиз мумкин. Тоғларга яширинсангиз ҳам бўлади. Тоғларни энг кейин бузамиз.

Бизларнинг кўпайишимизга хоҳиш-истак билдиргансиз. Бизларни бутун дунёга ўзингиз тарқатгансиз. Ўзингиз пиширган ошни энди ўзингиз ичинг. Биз яхшиликча иш битирмоқчимиз. Сизлар парма ва чўкичларимиз учун пўлат, портловчи моддалар, торпедалар етказиб берасиз. Биз учун ишлайсиз. Сизларсиз қадимий қитъаларни бўлакларга ажратолмаймиз, Алло, одамлар! Бош Самандар дунёнинг барча самандарлари номидан сизларга ҳамкорлик таклиф қилади. Биз билан биргаликда ўз дунёингизни вайрон этасиз. Сизлардан миннатдоримиз.

Ҳорғин, ҳирқироқ овоз тинди, яна машиналарними, денгизними шовқини эшитила бошлади.

— Алло, алло, одамлар,— деди яна чийилдоқ овоз,— сизлар учун граммафон ёзувларингизда енгил куйлардан концерт эшиттирамиз. Ҳозир «Посейдон» фильмидан тригонлар Марши ижро этилади.

Газеталар: бу тунги эшиттириш бирорта нолегал радиостанция томонидан уюштирилган «қўпол, бемаъни туҳмат»

деб эълон қилди, албатта. Шунга ҳам қарамай, эртаси тунни билан миллионлаб одамлар приёмиликлари олдида кечаги даҳшатли, чийилдоқ овоз қайта эшитилиб қолмасмикин, деб пойлаб ўтирди. Кечаси соат роппа-роса бирда кучли гувиллаш билан яна ўша овоз эшитилди.

— Good evening, you people!¹— дея қувонч билан вақиллай бошлади у овоз.— Эшиттиришимиз бошида эйтиборингизга граммафон пластинкасида «Галатея» опереттангиздан самандарлар рақсини ҳавола қиламиз.

Гулдираган бемаъни музика тингач, худди ўша даҳшатли, гўё нимадандир хурсанд овоз яна чийиллай бошлади:

— Алло, одамлар! Ҳозиргина Атлантик океандаги овоз тарқатувчи станциямизни йўқотишга интилган инглиз канонеркаси «Эребус» торпеда ёрдамида чўктириб юборилди. Кемадагилар ҳалок бўлди. Алло, инглиз ҳукуматини чақирамиз. Порт-Саиддан келган «Аменхотеп» пароходи Макаллаху портимизда биз буюртирган портловчи моддаларни топширишдан бош тортди. Пароход гўё бундан кейин портловчи моддалар етказиб беришни тўхтатиб туриш ҳақида буйруқ олганмиш. Пароход чўктириб юборилди. Инглиз ҳукуматига радио орқали ўз буйругини эртага соат ўн иккидан қолмай бекор қилишини маслаҳат берамиз; акс ҳолда, Канададан Ливерпулга бугдой ортиб келаётган «Виннипег», «Манитоба», «Онтарио» ва «Квебек» пароходлари чўктириб юборилади. Алло! Француз ҳукуматига мурожаат қиламиз. Сенегамбияга кетаётган крейсерларни чақириб олинг. Биз у ерда янги ҳосил бўлган кўрфазни яна кенгайтирмоқчимиз. Бош Самандар бу иккала ҳукумат билан дўстона муносабатлар ўрнатишга қатъий қарор қилганини уларга етказишни буюрди. Ахборотимиз тугади. Граммофонга ёзилган «Самандария» (эротик вальс) романсингизни эшиттирамиз.

Эртаси кун тушга яқин Мизен-Хеддан жануби-ғарбда «Виннипег» «Манитоба», «Онтарио», ва «Квебек» пароходла-

¹ Салом, одамлар! [Ингл.]

ри чўктириб юборилди. Бутун дунё ваҳима бўлиб кетди. Кечкурун британ радиоси ҳазрати олийларининг ҳукумати самандарларга барча турдаги маҳсулотлар — озиқ-овқат, химикат, машиналар, қуроллар ва металллар етказиб беришни тақиқлаганини маълум қилди. Тунги соат бирда эфирда ҳаяжонли овоз хириллай бошлади.

— Hallo, hallo, hallo! Chief Salamander speaking!
Hallo, Chief Salamander is going to speak!¹

Шундан кейин ҳорғин, ҳирқироқ ва ғазабнок овоз янгради.

— Алло, одамлар! Алло, одамлар! Алло, одамлар! Бизларни очликдан силласи қуриydi, деб ўйлаяпсизларми? Бу бемаъни ишларни бас қилинг! Булар ўзингизга зарар келтиради. Дунё самандарлари номидан Буюк Британияга мурожаат қиламан. Ҳозирдан эътиборан Буюк Британия оролларига ялпи қамал эълон қиламиз. Озод Ирланд давлати бундан мустасно.² Ламаншни ёпиб қўяман. Сувайш каналини ёпиб қўяман. Гибралтар бўғозини барча кемалар учун ёпиб қўяман. Барча британ портлари қамал қилинди. Дунё денгизларидаги бутун кемалари чўктириб юборилади. Алло, Германияга мурожаат қиламан. Портловчи моддаларга берган заказимизни ўн баробар ошираман. Бу нарсаларни дарҳол Скагерракдаги асосий омборимизга жўнатилинг. Алло, Францияга мурожаат қиламан! Буюрган торпедларни тезда СЗ, БФФ ва Фарб- 5 сув ости қалъаларида ясанг. Алло, одамлар! Сизларни огоҳлантираман. Агар бизга етказиб берилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини чеклайдиган бўлсангиз, уларни пароходларингиздан ўзим тушириб оламан. Сизни яна бир бор огоҳлантираман.— Ҳорғин овоз бўғилиш даражасига, деярли тушуниб бўлмайдиган хириллашгача пасайиб қолди.

¹ Бош самандар гапиради! [Ингл.]

² Чапек буларни башорат қилган эди, ҳақ бўлиб чиқди. 30-йилларнинг бошиданоқ фашистик сиёсат олиб борган Озод Ирланд буржуа ҳукумати иккинчи жаҳон уруши пайтида «бетарафлик» ниқоби остида Гитлер Германиясини тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлади.

— Алло, Италияга мурожаат қиламан. Венеция, Падудя, Удина вилоятларини кўчиришга тайёрланинг. Сизларни охириги марта огоҳлантираман, одамлар. Бемаънигарчиликни бас қилинг.

Узоқ жимлик чўкди, фақат тунги совуқ денгизнинг шовуллашига ўхшаш овоз эшитиларди. Шундан кейин яна қувноқ вақиллашлар эшитилди:

—Энди граммофон ёзувингиздан ҳозирда мода бўлган «Тритон-тrott»ни эшиттирамиз.

9. ВАДУЗДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ

Агар буни, умуман, уруш деб аташ мумкин бўлса, ғалати уруш эди; гап шундаки, расмий равишда уруш эълон қилай деса, ҳеч қандай самандар давлати ёки дунё таниган самандар ҳукуматининг ўзи мавжуд эмасди. Самандарлар билан уруш ҳолатига тушиб қолган дастлабки давлат Буюк Британия бўлди. Уруш ҳаракатлари бошланиши биланоқ самандарлар портларда турган деярли барча британ кемаларини чўктириб юборди; бу ишнинг олдини олишнинг сира иложи бўлмади. Ўша пайтда фақат очиқ денгизнинг чуқур жойларида турган кемаларгина бирмунча хавфдан ҳоли эди; британ ҳарбий флотининг бир қисми самандарлар қамалини Мальта ороллари яқинида ёриб ўтиб, Иона денгизи чуқурликларида тўпланди ва шу йўл билан бир оз жон сақлаб қолди; аммо бу кемалар ҳам самандарларнинг кичик-кичик сув ости кемалари томонидан таъқиб этилиб, бирин-кетин чўктирила бошланди. Олти ҳафта мобайнида Буюк Британия барча кемаларининг бешдан тўрт қисмидан ажради.

Тарих Жон Буллога қайсарлик қилиб, ўзини-ўзи бадном қилиши учун яна бир имконият яратиб берди. Ҳазрати олийларининг ҳукумати самандарлар билан музокарага киришмади ва уларга маҳсулот етказиб беришни таъқиқловчи қорорни бекор қилмади.

«Британия жентльмени,— деди Англия бош министри бутун миллат номидан, — жониворларга ҳомийлик қилади, бироқ улар билан битим тузмайди».

Британия ороллари бир ҳафта ўтар-ўтмас озиқ-овқат танқислигининг фожиаи ҳолатини ҳис қилиб қолди. Болаларгагина кунига бир бўлак нон ва бир неча қошиқ чой ёки сут беришарди; инглиз халқи ўзининг пойгачи отларини сўйиб ейиш даражасига бориб қолган бўлса-да, бу муҳтожликларга мислсиз матонат билан бардош берди. Шаҳзода Уэльс Лондон етимхоналари учун сабзи экишга қарор қилинган Роял-Гольф-клуб стадионида ўз қўли билан биринчи жўякни тортди. Уимблдондаги теннис майдончаларига картошка экишди. Аскотдаги отчопарга буғдой сепишди.

— Биз катта-катта қурбонларга ҳам тайёрмиз,— деди парламентда консерватив партия йўлбошчиси,— аммо Британия шаънига иснод келтирмаймиз.

Британия қирғоқлари бутунлай қамалда қолгани сабабли таъминот масалалари ва мустамлакалар билан алоқа қилиб туриш учун Англия олдида ягона йўл, у ҳам бўлса ҳаво йўли қолганди. «Бизга Юз минг Самолёт керак»¹, деди авиация министри. Қўл-оёғи бутун ҳар бир жонзот шу шиорни амалга оширишга киришди; кунига мингтадан самолёт ишлаб чиқариш учун шошилиш чоралар кўриларди; бироқ бу масалага Европадаги бошқа давлатларнинг ҳукуматлари аралашиб, ҳаводаги кучлар мувозанатининг бундай бузилишига қарши кескин норозилик билдиришди; Британия ҳукумати ўзининг авиация қурилиши программасидан воз кечишга ва йигирма мингдан ошиқ самолёт ишлаб чиқармасликка мажбур бўлди; ҳатто бу ҳам беш йилга мўлжалланди. Англия илгаригидек оч ўтиришга ёки бошқа давлатларнинг самолётларида етказиб бериладиган озиқ-овқатларга ҳаддан ташқари юқори баҳоларда пул тўлашга мажбур эди; бир фунт ноннинг нархи ўн шиллинг эди; бир жуфт каламуш — бир гинейя, бир қути икра йигирма беш

¹ Англия бош министри Стэнли Болдуин [1867—1947] Германиянинг қурулганиш пойгасига жавобан Буюк Британия ҳарбий ҳаво кучларининг дабдабали программасини эълон қилган пайтлардаги [1934 йил] воқеаларга ишора.

фунт стерлинг. Бу — қитъа савдоси, саноати ва қишлоқ хўжалиги учун олтин баҳосидаги пуллар деган гап эди. Инглиз ҳарбий флоти урушнинг биринчи соатларидаёқ яксон қилинганлиги учун самандарларга қарши операциялар фақат қуруқдан ва ҳаводан олиб бориларди. Қуруқликдаги қўшинлар сувга тўп ва пулемётлардан ўқ ёғдирар, бироқ, афтидан, самандарларга катта талафот етказа олмас эдилар; самолётлардан денгизларга ташланган бомбалар бирмунча яхши натижа берарди. Самандарлар ўз навбатида британ портларини сув ости тўпларидан ўққа тутиб, кулини кўкка совурди. Темза дарёсининг қуйилиш жойидан туриб ҳатто Лондонни бобардимон қила бошлашди; шунда ҳарбий қўмондонлик Темза ва баъзи бир кўрфазларни бактериялар, керосин ҳамда ишқор моддалари билан заҳарлашга уриниб кўрди. Самандарлар бунга жавобан инглиз қирғоқларига юз километр масофадан туриб заҳарли газлар булутини ҳайдади. Булар самандарлар ҳунарининг бир намоиши бўлиб, бошқа қайтаришнинг ҳожати ҳам йўқ эди; британ ҳукумати тарихда биринчи марта газ урушнинг таъқиқланганлиги баҳонасида бошқа давлатларни ёрдамга чақиришга мажбур бўлди.

Эртаси тунда радиодан Бош Самандарнинг ҳирқироқ, даргазаб овози эшитилди:

— Алло, одамлар! Англия эсини йиғиб олсин! Агар сизлар сувимизни заҳарласанглар, биз ҳавони заҳарлаймиз. Биз сизлар берган қуроллардан фойдаланаяпмиз. Биз ваҳшийлар эмасмиз. Биз одамларга қарши жанг қилишни истамаймиз. Биз яшаш имкониятига эга бўлмоқчимиз, холос. Сулҳ таклиф қиламиз. Бизларга маҳсулот етказиб бериб турасиз ва қитъаларингизни сотасизлар. Бу қитъаларга биз катта пул тўлашга тайёрмиз. Биз бир дунё бойлик таклиф қиляпмиз. Сизларга савдо таклиф қиляпмиз. Қуруқликларингиз учун олтин таклиф этияпмиз. Алло, Буюк Британия ҳукуматига мурожаат қиламан. Уш кўрфазидаги Линкольнширнинг жанубий қисми учун ўз нархингизни менга хабар қилинг. Ўйлаб

олишингиз учун уч кун муҳлат бераман. Бу вақт ичида қамалдан бошқа барча ҳарбий ҳаракатларни тўхтатаман.

Шу заҳотиёқ инглиз қирғоқларидаги сув ости командасининг гумбурлаши тинди. Қуруқликдаги тўплар ҳам жимиб қолди. Ғалати, деярли ваҳимали сукунат чўкди. Британ ҳукумати парламентда самандарлар билан музокара бошлаш нияти йўқлигини маълум қилди. Уэш кўрфази ва Линд-Дип районларида яшовчи аҳоли устига самандарларнинг кучли ҳужуми кутилади, шу сабабга кўра қирғоқ яқинидаги мамлакат ичкарисига кўчгани маъқул деб огоҳлантиришди, бироқ бу ишларга мўлжалланган поезд, автомобиль ва автобуслар фақат болаларни ва аёлларнинг бир қисминигина олиб кетишга улгурди. Эркаклар ўз жойида қолди, улар инглиз кишиси ўз территориясидан ажраб қолиши мумкинлигини ақлларига ҳам сиғдира олмасдилар. Уч кунлик вақтинча сулҳ муддатидан бир минут ўтгач, биринчи ўқ садоси эшитилди; бу ўқни қиролнинг Шимолий-Ланкашир полки тўпи «Қизил атиргул» полк марши садоси остида узганди. Бунинг кетидан даҳшатли портлаш юз берди. Нен дарёсининг қуйилиш жойи Уисбекгача ўпирилиб, ўрнини Уэш кўрфазидаги денгиз суви тўлдирди. Буларни қўяверингу, Уисбек аббатлигининг машҳур харобалари, Голланд-Касль қўрғони, «Авлиё Георгий ва аждаҳо» ошхонаси ҳамда бошқа тарихий ёдгорликлар сув остида қолиб кетди.

Эртаси куни инглиз ҳукумати парламентда расмий саволга жавоб бериб, британ қирғоқларини ҳарбий жиҳатдан мудофаа қилиш учун қўлдан келган барча чоралар кўрилди, британ тупроғига янги, бунинг устига жуда кучли ҳужумлар қилиниши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас, ҳазрати олийларининг ҳукумати, шунга ҳам қарамай, тинч аҳолига, ҳатто хотинларга шафқат қилмаган душман билан музокара олиб боролмайди, деди. (*Маъқуллаш хитоблари.*) Ҳозир гап фақат Англиянинг тақдири устида эмас, балки цивилизацияга эришган бутун дунё халқлари устида боряпти. Буюк Британия бутун инсониятга таҳдид солувчи бу ваҳшиёна даҳшатли ҳужумларга маълум бир чек қўядиган халқаро

гарантиялар ҳақидаги масалани муҳокама қилишга тайёр.

Шундан бир неча ҳафта кейин Вадузда бутун дунё конференцияси йиғилди.

Самандарлар баланд Альп тоғларига ҳеч бир хавф тугдирмаганлари учун ва у ерда денгиз бўйи мамлакатларининг кўпчилиги эътиборли кишилари ҳамда кўзга кўринган арбоблари яшириниб ётгани учун ҳам бу конференция Вадузда чақирилди. Барчанинг тан олишича, бу конференция дунё аҳамиятига эга бўлган жамики актуал масалаларни ҳал қилишга катта ғайрат билан киришди. Аввало, барча мамлакатлар (Швейцария, Ҳабашистон, Афғонистон, Боливия ва дегиш қирғоқлари бўлмаган бошқа давлатлар бундан мустасно) самандарларни мустақил урушувчи томон, деб тан олишдан қатъий бош тортдилар; бу воқеалар натижасида ушбу давлат қирғоқларида яшаётган самандарлар ҳам ўзларини самандарлар давлатининг фуқароси, деб эълон қилишларидан қўрқиб шундай қилишди; агар уларни алоҳида давлат деб тан олинса, самандар давлати самандарлар яшаётган барча сув ва қирғоқларни ўз суверенитетига олишни ихтиёр қилиб қолиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас эди. Бундан шундай хулоса чиқадики, самандарларга уруш эълон қилиш ёки бошқа бирор усул билан юридик ва амалий жиҳатдан халқаро сиқувга олиш мумкин эмас; ҳар бир давлат ўз самандарларигагина қарши чиқиш ҳуқуқига эга; бу мутлақо ички ишдир. Шунинг учун ҳам самандарларга қарши биргаллашиб дипломатик ёки ҳарбий демарш¹ уюштириш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Самандарлар ҳужумига учраган давлатларга халқаро ёрдам сифатида фақатгина мудофаа эҳтиёжлари учун чет эл заёмлари берилиши мумкин.

Шунда Англия: барча давлатлар самандарларга лоақал қурол-яроқ ва портловчи моддалар етказиб беришни тўх-

¹ Бир ҳукуматнинг иккинчи бир ҳукуматга ўз вакили орқали хат билан ёки оғзаки мувожаат қилиши.

татиш мажбуриятини олсин, деган таклифни киритди. Пухта ўйлаб кўрилгач, бундай мажбурият, аввало, Лондон битимидаёқ қабул қилингани назарда тутилиб, рад этилди; иккинчидан, бирорта давлатга ўз самандарларини «фақат шахсий эҳтиёжлар учун» техник жиҳозлар ва «ўз қирғоқларининг мудофааси учун» қурооллар билан таъминлашни тақиқлашнинг сира иложи йўқ эди; учинчидан, денгиз бўйи давлатлари, «табiiйки, денгиз фуқаролари билан дўстона муносабатларни сақлаб қолишдан манфаатдордирлар», шунинг учун «самандарлар жазо чоралари деб ҳисоблаши мумкин бўлган ҳар қандай тадбирлардан вақтинча ўзини тутишни» мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашади; бироқ барча давлатлар, шунингдек, самандарлар ҳужумига учраган давлатлар учун ҳам қурол-яроқ ва портловчи моддалар етказиб бериб туришни ваъда қилади, дейилди.

Ёпиқ мажлисда Колумбиянинг самандарлар билан жуда бўлмаганда ғайрирасмий музокаралар бошлаш ҳақидаги таклифи қабул қилинди. Бош Самандарга конференцияда қатнашиш учун ўз вакилларини юбориш таклиф қилинди. Буёқ Британия вакили самандарлар билан мажлисда бирга ўтиришдан бош тортиб, бу таклифга қатъий эътироз билдирди: охирида у «соғлиғини тиклаш учун» вақтинча Энгадинга кетишга қарор қилди. Уша тундаёқ барча денгиз бўйи мамлакатларининг ҳукумат радиостанциялари Бош Самандар ҳазрати олийларига ўз вакилларини тайинлаб, уларни Валузга юборишни таклиф этдилар. Бунга жавобан қуйидаги хирқироқ сўзлар эшитилди. «Майли, бу сафар биз яна сизларнинг олдингизга борамиз; келажакда сизларнинг вакилингиз сув остига — менинг олдимга келишади». Шундан кейин расмий ахборот эшитилди. «Ваколат берилган самандарлар индинга кечқурун Шарқий экспресс билан Букстанциясига бориб туришади».

Самандарларни кутиб олиш учун фавқулодда катта тайёргарликлар кўрила бошланди: Валузда ҳашаматли чўмилиш жойлари ташкил этилди, поезд шошилишч равишда

самандар делегатлари учун цистерналарда денгиз суви олиб келди. Буксадаги вокзалда, шунчаки, ғайрирасмий учрашув, деган нарса бўлиб ўтиши керак эди; у ерда делегацияларнинг котиблари, маҳаллий ҳокимият намояндалари ва икки юзга яқин журналистлар, фотографлар ҳамда кинооператорлар ҳозир бўлишди. Соат роппа-роса олтию йигирма беш минутда Шарқий экспресс станцияга кириб келди. Салон-вагондан баланд бўйли, келишган учта жаноб, уларнинг кетидан интизомга яхшилаб ўргатилган, қаппайган портфеллар кўтарган бир нечта олифта котиблар қизил ғиламга тушиб келишди.

— Самандарлар қани? — деди кимдир астагина.

Уч-тўртта расмий шахслар келган жанобларга иккила-ниб пешвоз чиқишди; жанобларнинг биринчиси секин ва шошилибгина:

— Биз самандарлар вакилимиз, — деди. — Мен гаага-лик профессор д-р Ван Доттман. Бу киши: Мэтр Росо Кастелли — парижлик адвокат. Жаноблари: Доктор-Маноэль Карвало — лиссабонлик адвокат бўладилар.

Ҳозир бўлганлар таъзим қилиб бир-бирларига ўзларини танитишди.

— Демак, сизлар самандар эмассиз, — деди енгил тортиб француз котиби.

— Йўқ, албатта, — деди д-р Росо Кастелли, — биз уларнинг адвокатимиз. Пардон, бу жаноблар бизни кинога олишмоқчи шекилли.

Шундан кейин самандарларнинг жилмайиб турган вакилларини зўр шижоат билан кино ва газеталар учун су-ратга тушира бошлашди. Учрашувда қатнашаётган делегация котиблари ўз мамнуниятларини яшириб ўтиришмади. Самандарлар ўз вакиллари сифатида оддий одамларни юборгани жуда оқилона ва бамаъни иш бўлибди. Одамлар билан суҳбатлашиш осонроқ. Энг асосийси, дунёвий ха-рактердаги айрим кўнгилсиз қийинчиликларга ўрин қол-майди.

Уша кечадаёқ самандар вакиллари иштирокида биринчи қўшма мажлис бўлди. Кун тартибида: самандарлар билан Буюк Британия ўртасида қандай қилиб тезроқ тинчликни тиклаш мумкин, деган масала турарди. Профессор ван Дотт сўз олди.

— Шуниси шубҳасизки, — деди у, — самандарлар Буюк Британия ҳужумига учради; британ канонеркаси «Эребус» очик денгизда самандарларнинг радиопередатчиги бўлган кемага ҳужум қилди; британ олий ҳарбий денгиз бошқармаси «Аменхотеп» пароходига буюртма бўйича келаётган портловчи моддаларни тушуришга рухсат бермай, самандарлар билан тинч савдо алоқаларини бузди. Ниҳоят, британ ҳукумати ҳар қандай молларнинг келишини тақиқлаб қўйиб, самандарларни қамал қила бошлади. Самандарлар бундай душманлик ҳаракатлари устидан Гаагага шикоят қила олмасди, чунки Лондон битими самандарларга шикоят қилиш ҳуқуқини берган эмас; Женевага арз қилай деса, улар Миллатлар лигасининг аъзоси эмас; шунинг учун ҳам уларнинг ўз-ўзларини мудофаа қилишдан бошқа чоралари қолмади. Шунга қарамасдан, Бош Самандар ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга рози, фақат қўйидаги шартларга риоя қилинса бас: 1. Буюк Британия юқорида зикр этилган гуноҳлари учун самандарлардан узр сўрасин. 2. Буюк Британия самандарларга мол етказиб беришни тақиқловчи барча қарорларини бекор қилсин. 3. Панжобдаги дарёларнинг қуйи оқими районларини, у ерда янги қирғоқ ва денгиз кўрфазлари вужудга келтириш учун самандарларга тўланадиган товон сифатида текинга бўшатиб берсин.

Конференция раиси бу шартларни ҳозир мажлисда қатнаша олмаётган, ўзининг ҳурматли дўсти бўлмиш Буюк Британия вакилига етказиб қўйишини айтди; бироқ бу шартлар уларга маъқул бўлмай қоладими, деган хавотирдаман; шундай бўлса ҳам бу шартлар кейинги музокаралар учун асос бўлиб хизмат қилади, деган умиддаман, деди.

Кун тартибидаги кейинги масала: самандарлар портлатган француз мустамлакачилик империясига тегишли Сене-

гамбия соҳиллари борасидаги Франциянинг шикоятлари эди. Сўзга самандарлар вакили — парижлик машҳур адвокат д-р Жюльен Россо Кастелли чиқди.

— Бу гапингизни исботланг! — дея хитоб қилди у. — Сейсмография соҳасининг дунёга машҳур кишилари Сенегамбиядаги зилзила вулқон характерида бўлиб, Фого оролидаги Пико вулқонининг янгитдан активлашиши билан боғлиқ, дейишяпти. Мана бу ерда, — дея гапида давом этди д-р Россо Кастелли кафти билан портфелини уриб қўйиб, — уларнинг илмий хулосалари бор. Агар Сенегамбиядаги зилзиладан менинг мижозларим ҳаракатининг оқибати эканлигини исботловчи далилларингиз бўлса, марҳамат, қулоғим сизда.

Бельгия вакили Крё. Бош Самандарларингизнинг ўзи, бу ишни самандарлар қилган деди!

Профессор ван Дотт. Унинг сўзга чиқиши гайрирасмий эди.

Мэтр Россо Кастелли. Биз мазкур чиқишни рад этгани вакил қилинганмиз. Мен ер қобиғида сунъий равишда олтмиш етти километр узунликда ёриқ ҳосил қилиш мумкинлиги ҳақидаги масала бўйича техник экспертларни талаб қиламан. Мана шу миқёсида амалий тажриба ўтказиб кўришларини таклиф қиламан. Ҳозирча бундай далиллар йўқ экан, жаноблар, бу ҳодисани вулқоннинг иши деб ҳисоблаймиз. Шундай бўлса ҳам, Бош Самандар Сенегамбия ёриқлигида ҳосил бўлган денгиз кўрфазини француз ҳукуматидан сотиб олишга тайёр. Бу ер самандарларни жойлаштириш учун мутлақо яроқлидир. Француз ҳукумати билан у ернинг нархи ҳақида келишиб олиш учун бизга ваколат берилган.

Франция вакили министр Девальё. Агар бу масалага етказилган зарарни қоплаш деб қарайдиган бўлсак, биз музокара бошлашга тайёрмиз.

Мэтр Россо Кастелли. Жуда соз! Шунга қарамай, самандарлар ҳукумати қаттиқ туриб талаб қилдиким, тегишли олди-сотди шартномаси Ланд округида олти

минг етти юз йигирма квадрат километр ерни эгаллаб ётган Жиронданинг қуйилиш жойидан Байоннагача бўлган майдонни ҳам ўз ичига олсин. Бошқача қилиб айтганда, самандарлар ҳукумати Франциядан мана шу Жанубингизнинг бир бўлагини сотиб олишга тайёр.

М и н и с т р Д е в а л ь. (*Асли байонналик, Байоннанинг депутати.*) Бу ишдан мақсад, самандарингиз Франциянинг бир қисмини денгиз тубига айлантиришми? Ҳеч қачон бундай бўлмади.

Д - р Р о с с о К а с т е л л и. Франция бу сўзлар учун ҳали афсус қилади, мисъе. Ҳозирча гап харид нархи ҳақида боряпти.

Шу билан мажлис тўхтатилди.

Кейинги мажлисда аҳолиси зич кўҳна, қитъаларга шикаст етказиш ўрнига самандарлар ўзлари учун янги қирғоқ ва ороллар қуриб олишсин, деган умумий халқаро таклиф юзасидан музокаралар бўлди. Шундай тақдирда, уларга катта қарзлар берилиб, кейин янги қитъа ва оролларни уларнинг мустақил суверен давлати территорияси деб тан олинади, дейилди.

Д - р М а н о э л ь К а р в а л о (*Лиссабоннинг энг йирик юристларидан*). Конференцияга бу таклиф учун миннатдорчилик билдирди ва ушбуни самандарлар ҳукуматига етказажани айтди. «Шундай бўлса ҳам, ҳатто ҳар қандай ёш болага ҳам маълумки, — деди у, — янги қитъалар қурилиши эски қуруқликни ёришга қараганда анча кўп вақт ва катта сарф-харажатлар талаб қилади. Янги қирғоқ ва кўрфазлар мижозларимизга яқин орада керак бўлади; бу улар учун ҳаёт-мамот масаласи. Дунёни зўравонлик билан тортиб олиш ўрнига ҳозирча одамлардан сотиб олишга тайёр бўлган Бош Самандарнинг қимматли таклифини қабул қилганимиз маъкул эди. Мижозларимиз денгиз сувидаги олтинни ажратиб олиш усулини топишган; шунинг учун ҳам уларнинг ихтиёрида деярли чекланмаган воситалар маъжуд; улар дунёингизга тузуккина, ҳатто ақлга-сиғмайдиган даражада катта пул тўлашлари мумкин. Шунини ҳам ҳисобга

олингки, вақт ўтиши билан дунёнинг нархи пасайиб боради; айниқса шу пайтгача сиз шоҳиди бўлган фожиалардан — кучи жиҳатидан катта, янги вулқон ва тектоник тўнтаришлар юз берса ва бунинг натижасида қитъаларнинг майдони кескин камайиб кетса, ана шундай бўлиши муқаррар. Ҳозирча дунёни шу туришида сотиш имконияти бор, бироқ қиъалар қанқайиб турувчи тоғ вайроналаридан иборат бўлиб қолганда биров уни уч пулга ҳам олмайди. Мен бу ерга самандарларнинг намоёндаси ва юрисконсулти сифатида келдим, — хитоб қилди д-р Карвало. — Шунинг учун уларнинг манфаатини ҳимоя қилишга мажбурман; бироқ мен ҳам худди сизларга ўхшаш бир одамман; жаноблар, одамларнинг хотиржамлиги мени ҳам сиздан кўра кам қизиқтирмайди. Шунинг учун мен сизларга маслаҳат бераман, ҳатто ёлбораман: кеч бўлмасидан қитъаларни сотиб юборинг! Уларни бир йўла кўтарасига ёки алоҳида мамлакатлар кўринишида сотишингиз мумкин. Илғор фикр эгаси бўлган, мурувватли Бош Самандар ер юзининг келажақдаги зарур бўлмиш барча ўзгаришлари давомида инсонга иложи борица шафқат қилишга ваъда беради; қитъаларнинг гарқ қилиниши аста-секин ва ортиқча ваҳима ҳамда фожиаларга йўл қўйилмагани ҳолда амалга оширилади. Бизнинг ҳам бутун дунё фахрий конференцияси ва шунингдек, алоҳида давлатлар билан музокаралар олиб боришга ваколатимиз бор. Профессор ван Дотт ёки мэтр Жюльен Россо Кастеллидек машҳур юристларнинг бу ерда ҳозир бўлиши сизларга қафолат бериши мумкинми, шундай бўлса, биз мижоз самандарларимизнинг ҳаққоний талабларини ҳимоя қилиш билан бирга, сизлар билан қўлни қўлга бериб, ҳаммамиз учун энг қимматли бўлган нарсани ҳимоя қиламиз; бу инсон маданияти ва бутун инсоният бахт-саодатидир».

Шундан кейин конференция бирмунча тушкун руҳ билан янги таклифнинг муҳокамасига ўтди: яъни, Хитойнинг марказий қисмини чуқктириш масаласини самандарларга топшириш; Бунинг эвазига самандарлар Европа давлатлари ва

уларнинг мустамлақаси қирғоқларининг даҳлсизлигини абадий муддатга таъминлаши лозим бўлади.

Д-р Россо Кастелли. Абадий муддатга—бу, менимча, жуда узоқ бўлиб кетса керак. Айтайлик ўн икки йилга.

Профессор ван Дотт. Марказий Хитой жуда ҳам камлик қилса керак. Айтайлик — Аньхуэй, Хэнань, Цзянсу, Хэбэй ва Фуцзянь¹ вилоятлари-чи?

Япония вакили Япония манфаатлари доирасида бўлгани учун Фуцзянь вилоятини бериб юборишга рози бўлишларига қарши норозилик билдирди. Хитой вакили сўзга чиқди, бироқ, афсуски, унинг гапларини ҳеч ким тушунмасди. Мажлислар залида нотинчлик кучая борди; соат миллари тунги бирни кўрсатиб турарди.

Шу пайт Италия делегациясининг котиби кириб келди ва Италия вакили граф Тостининг қулоғига бир нималарни шивирлади. Граф Тостининг ранги ўчиб кетди, ўрнидан туриб, ҳали ҳам алланарсалар деб гапираётган д-р Тига парво ҳам қилмай, хирқироқ овозда хитоб қилди:

— Жаноби раис, сўз беришингизни сўрайман! Ҳозиргина маълумот олинди. Самандарлар Венеция вилоятимизнинг бир қисми — Портогруаро томонга сув бостиришибди!

Орага кўнғилсиз жимлик чўкди, Хитой делегатигина тушуниб бўлмайдиган нутқини давом эттирарди.

— Бош Самандар сизларни аллақачон огоҳлантирган-ди,— дея тўнғиллади д-р Карвало.

Профессор ван Дотт ўтирган ўрнида бетоқатланиб қўл кўтарди.

— Жаноби раис, кун тартибига қайтсак яхши бўларди. Навбатдаги масала — Фуцзянь вилояти. Биз бу вилоят учун Япония ҳукуматига олтин ҳисобида мукофот таклиф этишга вакил қилинганмиз. Бироқ шундай савол туғилади:

¹ 1935 йили Япон императори томонидан Хитойнинг бешта Шимолий вилоятига «Мухторият» бериш проекти ишлаб чиқилди. Аслида эса Япония бу районларни босиб олишни кўзда тутарди. Чанек бу ўринда шу воқеаларга ишора қилади.

манфатдор давлатлар Хитойни йўқотганлари учун бизнинг мижозларимизга қандай ҳақ таклиф этидилар?

Худди шу пайт радио эшитувчилар самандарларнинг тунги эшиттиришини тинглаб ўтирарди.

— Сиз ҳозир грамофон ёзувида «Гофман эргаклари» даги қайиқчилар қўшиғини эшитдингиз, — чийиллади диктор. — Алло, алло, энди биз Венецияни улаймиз.

Эфирда гапирилиб келаётган сувнинг шовуллашига ўхшаш бўғиқ ва даҳшатли овоз эшитиларди. . .

10. ПАН ПОВОНДРА АЙБИ УЗ БЎЙНИГА ОЛАДИ

Қанча йиллар ўтиб, қанча сувлар оқиб кетди. Мана, бизнинг пан Повондра ҳам эндиликда Г. Х. Бонди хонадонидан швейцарлик қилмайди; энди у, узоқ ва серташвиш ҳаётининг пенсия кўринишларидаги арзимас мевасидан хотиржам бахраманд бўлиши мумкин бўлган, ҳурматли кекса; Сироқ ҳозирги ҳарбий қимматчилик даврида бу икки-учта юзталиқ тирикчиликка етармиди! Яхшиямки, баъзан бириккита балиқ тутиб қоласан, — мана, пан Повондра ҳам қайиқда қармоқ ушлаганича бир нуқтага тикилиб ўтирарди: — бир кунда бу сув демагани қанчадан-қанча оқиб ўтади — шунча сув қаёқдан келаркин. Қармоққа чавақ балиқ илинадиган пайтлари ҳам бўлади, баъзида эса олабуға ҳам илиниб қолади; умуман, балиқ кўпайиб кетган, тўғри-да, дарёлар қанча қисқарган, ахир. Олабуға ҳам чакки нарса эмас: тўғри, унинг суяклари кўп, аммо гўшти мазали, бир оза бодом иси келиб туради. Онаси ҳам пиширишни қойиллатади-да! . . . Онаси унинг олабуғаларини пиширадиган қозон тагига олов ёқишда у бир вақтлар йиғиб, қутиларга саралаб қўйган газета парчаларини тутантириқ қилишини пан Повондра хаёлига ҳам келтирмаганди. Тўғри, пан Повондра пенсияга чиққач, коллекция йиғиш одатини тарк этди; аммо у аквариум сотиб олди; у ерда олтин балиқчалар билан бир қаторда, жимит тритонлар ва самандарлар ҳам сақларди; у соатлаб бу жониворларнинг сувда қимир

этмай ётиши ёки улар учун тошдан ясаб қўйган қирғоқларга чиқишини томоша қилиб ўтирарди; кейин бош чайқаб шундай дерди: «Бундай бўлишини ким билибди дейсан, онаси!» Бироқ ҳадеб томоша қилиб ўтиравериш ҳам зерикарли; мана, пан Повондра ҳам балиқчилик билан шуғуллана бошлади. Нима қилсин, эркак киши деган бирор иш билан машғул бўлмаса бўлмайди, деб ўйларди она Повондрова мурувват юзасидан. Пивахоналарда санқиб, сиёсатбозлик қилгандан кўра шуниси ҳам маъқул.

Ҳа, тўғри, кўп, жуда кўп сувлар оқиб кетди. Мана, Франтик эндиликда географияни ўрганаётган мактаб ўқувчиси ҳам эмас, бекорчи кўнгилхушликлар кетидан қувиб, пайпоқ йиртадиган ҳавойи йигит ҳам эмас. Энди у ҳам одам қаторига кириб қолган, почтада кимсан кичик амалдор бўлиб хизмаг қилади. Демак, у географияни бекорга қунт билан ўрганмаган экан. «Аста-секин жиддий тортиб, вазминлашиб боряпти,— деб ўйлади пан Повондра қайиғида Легионерлар кўприги томон сузиб бораркан.— Бугун менинг олдимга келиши керак, якшанба кунлари у хизматдан бўш. Уни қайиққа ўтқазиб, юқорига — Стршелец ороли томонларга борамиз; у ерда балиқ кўп илинади; Франтик менга газеталардаги янгиликлардан гапириб беради. Шундан кейин уйга, Вишеградга кетамиз, келиним иккала боласини олиб келади. . .» Пан Повондра бир зум осуда, бахтиёр қариллик сурурига берилди. «Ҳа, бир йилдан кейин Маржёнка мактабга боради, — дея хаёл сурарди у, — набирам кичик Франтикнинг вазни ўттиз килоча бор. . .» Пан Повондрани ҳамма нарса жойида, ажойиб ва кўнгилдагидек, деган кучли, асосли туйғу қамраб олди.

Ана, ўгли сув бўйида туриб, унга қараб қўл силкимоқда. Пан Повондра қайиғини қирғоққа томон бурди.

— Ахир келар экансан-ку, — деди у ўпкалаб.— Эҳтиёт бўл, сувга тушиб кетма!

— Илияптимми? — сўради ўгли.

— Яхши илинмаяпти, — тўнғиллади қария.— Юқорига чиқсакмикин-а?

Ажойиб якшанба бўлди-да! Ҳали ҳар хил дангаса, тентакларнинг футбол ва бошқа бемаънигарчиликлардан кейин тўда-тўда бўлиб уйга қайтадиган пайти бўлгани йўқ. Прага бўшаб, зим-зиё бўлиб қолди; қирғоқ бўйи ёки кўприкда онда-сонда учраб қоладиган ўткинчилар ҳам ҳеч қасрга шошилишмайди, одоб сақлаб, сиполик билан қадам ташлашади. Булар яхши ва ақлли кишилар. Улар кўприк панжараси олдида тўдаланишмайди, Влтава дарёсида балиқ тутаётганлардан кулишмайди.

Ота Повондра кўнгилли осуда турмушидан мамнуи бўлиб кўйди.

— Газеталарда қандай янгиликлар бор? — сўради у оталарча жиддийлик билан.

— Умуман, ҳеч гап йўқ, дада, — деди ўғли. — Фақат ҳозиргина ўқидим самандарлар Дрезденгача ковлаб келиб қолишганмиш.

— Демак, немис тамом бўлибди-да, — деди таъкидлаб кекса Повондра. — Биласанми, Франтик, бу немислар ғалати халқ бўлади. Маданиятли, аммо ғалати. Фабрикада шофёр бўлиб ишлайдиган бир немисни билардим: шунақанги бир кўпол одам эдики у немис! Бироқ машинасини шунақа ҳам яхши тутардики, асти қўяверасан. . . Буни қара-я, демак, энди Германия ҳам ер юзидан йўқ бўлиб кетибди-да, — фикрлашда давом этди Повондра. — Қанчалар шовқин кўтармадилар! Даҳшат солишдан бошқа нарса эмас, уларда ҳамма нарса армия, ҳамма одам солдат. . . Йўғ-э, самандарларга немис ҳам дош беролмайди. Бу самандарларни яхши биламан. Эсингдами, уларни сенга кўрсатган эдим, мана шундоқлигингда?

— Қаранг, дада, қимирляпти, — деди ўғли.

— Ҳа, бу шунчаки, янги тухумдан чиққани, — гўлди ради қария қармоқни сал тортиб кўяр экан.

«Ана холос, демак, Германия ҳам ўша ёқда-ку, — ўйларди у. — Ҳа, энди буларнинг ҳайрон қоладиган ери йўқ. Бир вақтлар самандарлар бирорта мамлакатни ғарқ қилса, қанчалар шовқин-сурон кўтаришарди-я? У қандайдир бир

Месопотамиями ёки Хитойми, бари бир, барча газеталар фақат шу ҳақда ёзишарди. Ҳозир-ку, энди анча тинчиб қолган, — маънос бир аҳволда хаёлидан ўтказди Повондра, қармоғига қараб қўйиб. — Инсон кўникавераркан, нима ҳам қилардик. Бизгача етиб келгани йўқ, шунинсига ҳам шукур: ишқилиб, қимматчилик бўлмаса бўлди! Мисол учун бугун маънави кофега қанча сўрашаётганини олайлик. Тўғри, Бразилия ҳам сув тўлқинлари остида қолиб кетди. Ернинг бир қисми фарқ қилинса ҳам, ҳар ҳолда, бозорга таъсири бўлар экан!»

Пан Повондра қармоғининг пўкаги кучсиз тўлқинларда енгил чайқалиб турарди. Қария бўлса, қанча-қанча мамлакатларни самандарлар чўктириб юборганини ўйларди. Миср ҳам сув тагида, Ҳиндистон ҳам, Хитой ҳам. Ўйлаб кўринг-а, Қора денгиз эндиликда Шимолий қутб доирасигача етади, тавба, сувнинг кўплигини-чи! Ҳа, нима бўлганда ҳам бу махлуқлар қуруқликларимизни бир қадар кемириб қўйди. Яхшиямки, ишлари дурустгина юришмаяпти.

— Шундай қилиб, самандарлар аллақачон Дрезден яқинига келиб қолган дегин? — орадаги сукунатни бузди ота Повондра.

— Ун олти километр нарида. Саксония деярли сув остида қолди.

— Мен бир сафар у ерга пан Бонди билан борган эдим, — деди Повондра. — Энг бадавлат жойлардан, Франтик, у ерда яхши овқатланишади, деб бўлмасди. Умуман, халқи яхши, прусслардан кўра анча дурустроқ. Ҳатто уларга таққослаб ҳам бўлмайди.

— Энди Пруссия ҳам йўқ.

— Бунинг ажабланадиган ери йўқ, — деди гердаиб қария. — Прусларни ёқтирмайман. Немисларнинг бўлмагани, қайтага французларга яхши бўлибди. Энди эркин нафас олишади.

— Унчалик эмас, дада, — эътироз билдирди Франтик. — Яқинда газеталарда ёзишди: Франциянинг учдан бир қисми сув остида эмиш.

— Ҳў, ҳў, — дея хўрсиниб қўйди қария. — Бизда, яъни пан Бондида, бир француз хизматкор бор эди. Уни Жан дейишарди. Ҳтакетган хотинбоз эди. Бу иш, биласанми, яхшиликка олиб бормайди; бу бемаъни иш.

— Бироқ Париждан ўн километр нарида улар самандарларни тор-мор келтиришибди, — деди франтик. — Айтишларича, ўша ерда уларнинг жуда кўп қазиб қўйган жойлари бор экан, — шуларнинг ҳаммасини портлатиб юборишибди. Самандарларнинг икки корпус армиясини саранжом қилишибди.

— Буниси тўғри, француз ҳамма вақт яхши солдат бўлган, — билимдонларча маъқуллади Повондра. — Бизнинг Жан ҳам бировга омонлик бермасди. Шунча жасоратни қаердан оларди, билмайман: худди атторнинг дўконидек ундан атир-упалар ҳиди анқиб турарди, бироқ муштлашганда унга тенг келадигани бўлмасди. Самандарларнинг икки корпуси—бу ҳали оз, — ўйлаб қолди ота Повондра. — Гапнинг очиғини айтганда, одамлар одамлар билан урушишни қойиллатишади. Шунда бунчалик узоққа чўзилмаган бўларди. Самандарлар билан эса ўн икки йилдан бери овора бўлишади, ҳали ҳам бир жойда, ҳали ҳам қулай вазият тайёрлашади. . .

Менинг ёшлик пайтимда қанақанги жанглар бўларди! Айтайлик, бу ерда уч миллион солдат ва у ерда уч миллион солдат, — қария бу манзарани шунчалик ҳаракатлар билан кўрсатдики, ҳатто қайиқ қаттиқ чайқалиб кетди, — шундан кейин бирдан бир-бирларига ташланиб қолишардики! Ҳозиргиси эса ҳатто урушга ҳам ўхшамайди, — деди ғазаб билан Повондра. — Қаёққа қарама, бетон тўсиқлар, найзани қаёққа қаратишингни ҳам билмайсан.

— Одамлар самандарлар билан юзма-юз жанг қила олмайдилар-да, дада, — деди уруш олиб боришнинг ҳозирги замон усулини ҳимоя қилиб ёш Повондра. — Сув остида найзабозлик жангги қилиб бўлмайди-ку!

— Ҳамма гап шунда-да, — нафрат билан гўлдиради қария. — Бир-бирларига ўқ отиб етказиша олмайди. Одамлар-

ни бир-бирига қарши қўйиб кўр-чи, уларнинг қилаётган ишларини кўриб, оғзинг очилиб қолади! Уруш масаласида сизлар нимани ҳам билардингиз! . . .

— Ишқилиб, уруши бу ерга етиб келмаса бўлгани, — деди Франтик бирмунча кутилмаган тарзда. — Биласизми, бола-чақалик бўлганингдан кейин. . .

— Бу ерга, деганинг нимаси? — деярли газаб билан хитоб қилди қария. — Бу ерга, Прагагами?

— Умуман, бизга, Чехияга, — ташвишланиб ўз фикрини тузатди ўғил Повондра. — Менимча, агар улар Дрезден остонасига келиб қолган бўлсалар. . .

— Сени қара-ю, билимдон! — таъна қилди унга отаси. — Биз томонларга қандай келсин? Тоғлар ошиб келадими?

— Жуда бўлмаганда Лаба орқали. . . Ундан кейин Влтава орқали. . .

Ота Повондра жаҳл билан тўнғирлаб қўйди.

— Гапини-чи, Лабадан эмиш! Нар и борса Подмоклгача чиқишар, ундан нари ўтишолмайди. У ерда, биродар, ҳамма ёқ тоғу тош. Мен у ерда бўлганман. Йўқ, бу ёққа самандарлар келолмайди, бизнинг аҳволимиз дуруст. Швейцарияликники ҳам чакки эмас. Биласанми, бизларда ҳеч қандай денгизнинг йўқлиги жуда ҳам яхши бўлди-я! Ҳозир кимнинг денгизи бўлса, ўша бахтсиз.

— Ахир денгиз ҳозир Дрезденгача етиб келган-ку. . .

— У ерда немислар, — ўғлининг гапини бўлди Повондра. — Бу энди уларнинг иши. Биз томонларга эса, самандарлар кела олмайди, албатта. Бунинг учун улар анави тоғларни йўлдан олиб ташлашга мажбур бўлишарди; бу ишнинг нақадар оғир эканини сен хаёлингга ҳам келтира олмайсан!

— Ол-а, иш эмиш. . . — эътироз билдирди ёш Повондра хўмрайиб. — Бу ишларни уларнинг ойдинда оёқлари бажариб қўяди! Ўзингиз биласиз-ку, улар Гватемалала бутун бошли тоғ тизмаларини чўктириб юборишган.

— У бошқа гап,— деди қатъий оҳангда қария.— Бўлмаган гапларни қўй Франтик! У Гватемалада эди, бу эса бизда. Бу ерда бутунлай бошқача шароитлар.

Ёш Повондра хўрсиниб қўйди.

— Майли, дада, сиз айтганча бўла қолсин. Бу махлуқлар аллақачон ернинг бешдан бир қисмига яқинини гарқ қилиб бўлишганига нима дейсиз.

— Фақат денгиз бўйларида шундай қилишган, тентак, бошқа ҳеч қаерда бунақа эмас. Сиёсатга ақлинг етмайди. Денгиз бўйидаги мамлакатлар улар билан уруш олиб боришяпти, биз урушяпганимиз йўқ. Биз — бетараф давлатимиз, улар қандай қилиб бизга ҳужум қилишсин? Тушундингми? Ундан кўра жим ўтир, сени деб ҳеч нарса тутолмаяпман.

Дарё сокин эди. Влтава сатҳига Стршелец оролидаги дарахтлар узун-узун кўланка ташлаганди. Кўприкда трамвай қўнғироқ чалди, қирғоқ бўйлаб коляска тутган энагалар ва якшанба кунига хос кийинган хушахлоқ одамлар сайр қилиб юришарди.

— Дада. . . — қандайдир болаларча шивирлади ёш Повондра.

— Нима дейсан?

— Анави лаққабалиқ эмасми?

— Қани?

Худди Миллий театр қаршисида оқимга қарши аста-секин сузиб бораётган каттакон қора бош кўринди.

— Лаққабалиқми? — деди қайтадан ёш Повондра.

Қариянинг қармоғи қўлидан тушиб кетди.

— Ануми? — дея ғўлдиради у қалтираётган бармоғи билан ўша томонни кўрсатиб.— Анавими?

— У лаққабалиқ эмас, Франтик,— деди қария аллақандай бегона овозда.— Уйга кетдик, иш тамом.

— Нимаси тамом?

— Самандар. Демак, улар етиб келишибди. Уйга кетдик. . . — деди яна бўшашган қўллари билан қармоғини йиғиштирган.— Демак, тамом бўлди.

— Титраб кетяпсиз, сизга нима бўлди? — қўрқув аралаш сўради Франтик.

— Уйга кетдик, — ҳаяжон билан гўлдиради қария, унинг иягига қадар титрарди. — Совуқ қотяпман. . . Совуқ қотяпман. . . Фақат шуниси етмай турувди! Тушуняпсанми, энди тамом бўлди. Демак, улар бу ерга ҳам етиб келишибди. Худойим-эй, намунча совуқ! Уйга кетишим керак. . .

Ёш Повондра унга тикилиб туриб эшкакларни қўлига олди.

— Мен сизни кузатиб қўяман, дада, — деди у қандайдир бегона товуш билан, эшкакларни қаттиқ-қаттиқ эшик қайиқни орол томон суриб кетар экан. — Қўяверинг, қайиқни ўзим боғлаб қўяман.

— Нега бунчалик совуқ? — ҳайрон бўлди чол тишларини такиллаб.

— Ўзим қўлтигингиздан суяб бораман, юраверинг, дада, — деди ўгли уни ушлаб, — эҳтимол, дарёда шамоллаб қолгандирсиз. Қўрганингиз чириган тўнка бўлса керак.

Чол дағ-дағ титрарди.

— Ҳа, чириган тўнка экан шекилли. Гапиравер! Самандарларнинг нималигини мен яхши биламан. Қўйиб юбор мени!

Ёш Повондра умрида бирон марта ҳам қилмаган ишни қилди, у такси чақирди.

— Вишеградга, — деди у отасини машинага амаллаб чиқараркан. — Мен сизни олиб бориб қўяман, дада. Кеч бўлиб қолди.

— Кеч бўлганида қандоқ, — деди тишини такиллаганча ота Повондра. — Жуда ҳам кеч бўлиб кетди. Тамом, Франтик. Ҳалиги айтганинг чирик тўнка эмасди. Ушалар эди.

Уйга етишганида ёш Повондра отасини зинадан қўлида олиб чиқди.

— Ойи, ўрин солиб беринг, — дея шивирлади у уйга кираётиб. — Дадамни ётқизишимиз керак, мазалари қочиб қолди.

Мана, ота Повондра пар кўрпага ўраниб ётибди; бурни аллақандай танқайиб қолган, лаблари эса алланарсаларни тамцанар, пичирлар эди, ҳозир кўринишидан жуда қариб қолган эди. Мана энди бир оз тинчиди. . .

— Тузукмисиз, дада?

Хастанинг оёқ томонида она Повондрава йиғлаб, пиқиллаб ўтирибди; келини печга ўт ёқяпти, Франтик ва Марженкалар эса бобосига жим тикилиб туришибди.

— Доктор чақиртирсакмикин, дада?

Ота Повондра болаларга қараб, нималардир деб шивирлади; шунда унинг кўзларида ёш қалқиди.

— Сизга бирон нарсга керак эмасми, дада?

— Бу мен, бу мен, — шивирлади чол. — Буни бир билиб қўй, ҳаммасига мен айбдорман. Агар мен ўшанда капитанни пан Бондининг олдига киритмаганимда, бу гаплар бўлмас эди. . .

— Ахир ҳеч нима бўлгани йўқ-ку, дада, — деб унга тасалли берарди ёш Повондра.

— Сен тушунмайсан, — хириллади чол, — ахир шў билан ҳаммаси тамом, билдингми? Қиёмат-қойим. Самандарларки шу ерга етиб келибдими, энди ҳамма ёқни сув босиб, денгизга айланади. . . Буларнинг ҳаммасига мен сабабчман, капитанни киритмаслик керак эди. . . Вақти келиб одамлар билиб қўйсин, бунинг ҳаммасига ким айбдорлигини. . .

— Бекор гап, — одобсизлик билан эътироз билдирди ўғил. — Буни хаёлингиздан чиқариб ташланг, дада. Бунга ҳамма айбдор. Бунга кўпгина давлатлар, капитан айбдор. Ҳаммалари кўпроқ самандарга эга бўлмоқчи бўлишди. Улар ёрдамида бойиб олмоқчи бўлишганди. Биз ҳам уларга қурооллар ва шунга ўхшаш нарсалар юбориб турдик. . . Биз ҳаммамиз айбдормиз.

Ота Повондра безовталаниб тўлғанди.

— Илгари ҳам бутун дунё денгиздан иборат экан. Яна аслига қайтди. Бу рўзи-қиёмат деган гап. Менга бир пайтлар бир одам айтганди, мана шу ерлар ҳам, Праганинг за-

мини ҳам денгиз бўлган экан. . . Эҳтимол, ўшанда ҳам бу ишларга самандарлар сабабчи бўлгандир. Ҳа, капитаннинг келгани ҳақида хабар бермаслигим керак эди. Нимадир кўнглимга келиб: «Хабар берма», дегандек эди. . . Бироқ ўзимча, балки капитан чой-чақа берар, деб ўйлагандим. . . Бергани ҳам йўқ. Ана шундай қилиб, оддийгина: ҳормабор бўл учун бир одам бутун дунёни балога гирифтор қилиб ўтирибди. . . — Чол ютиниб қўйди. — Биладан, жуда яхши биладан, кунимиз битди. Шунинг ҳам биламанки, буларнинг ҳаммасига мен айбдорман. . .

— Бобо, чой ичасизми? — ҳамдардлик билан сўради ёш Повондра.

— Мен бир нарсани билишни истардим, — деб шивирлади чол, — мен фақат болаларим мени кечиришини истардим. . .

11. МУАЛЛИФ ЎЗ-ЎЗИ БИЛАН СУҲБАТДА

— Сен бунинг шундай қолдирмоқчимисан? — муаллифнинг қалб нидоси янгради.

— Нимани айтяпсан? — бирмунча қатъиятсизлик билан сўради ёзувчи.

— Пан Повондра ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ ўлиб кетаядими?

— Кўрмаяпсанми? — деди муаллиф ўзини ҳимоя қилиб. — Бундай бўлишини ўзим ҳам истамасдим, аммо. . . Пан Повондранинг ўзи ҳам озмунча яшагани йўқ; ёши ҳозир, айтайлик, етмишдан анча ошиб кетган. . .

— Уни шунчалар изтироб чекишга мажбур этмоқчимисан? Айтсанг бўлмайдами: бобо, иш сиз ўйлаганингиздек ёмон эмас, дунё самандарлар туфайли йўқ бўлиб кетмайди, инсоният нажот йўлини топади, сиз, фақат бир оз сабр қилинг, ўша кунларгача яшанг, десанг бўлмайдами? Менга қара, сен наҳотки унга бирор ёрдам бера олмасанг?

— Мен унинг олдида доктор юборишим мумкин, холос, —

дея таклиф қилди муаллиф.— Чолнинг, эҳтимол, асаби бузилгандир, унинг ёшида бу касал ўпка шамоллашидан ҳам бўлади, бироқ унинг тузалиб кетишига умид қилиш керак; у ҳали Маржёнкани тиззасида кўтариб ўйнатиб ўтиради, ундан мактабда нималарни ўргатишаётганини суриштиради. . . Кексалик гаштини сурсин, э худо, бу одам кексайган пайти ҳам қувнаб юрсин!

— Қанчалар гаштли! — масхараомуз эътироз билдирди ички садо.— У кексайган қўллари билан гўдагини бағрига босиб, Маржёнка ҳам бир кун келиб, муқаррар равишда бутун дунёни шариллатиб босиб келувчи сувдан қутулиш учун қочишига тўғри келади, деб доим таҳликада юриши керакми; ваҳимага тушиб, бароқ қошларини чимириб: «Буни мен қилганман, Маржёнка, мен. . .» деб шивирлайдими?

— Менга қара, сен чиндан ҳам бутун инсониятнинг ҳалокатига йўл қўйиб бермоқчимисан?

Муаллиф қовоғини солиб олди:

— Менинг кўнглимдагини сўраб ўтирма. Қитъалар менинг иродам билан вайрон бўлиб кетяптими, шундай бўлишини мен истармидим? Бу воқеаларнинг шунчаки мантиқий ривожланиши; мен унга аралаша олармидим? Мен қўлимдан келганини қилдим; одамларни ўз вақтида огоҳлантирдим; ахир Икс — қисман мен эдим-да. Мен самандарларга қурол ва портловчи моддалар берманг, самандарлар билан жирканч битимлар тузишни бас қилинг ва ҳоказолар дедим — нима бўлгани ўзингга маълум. . . Ҳамма бошқача йўл тутиш мумкин эмаслигини исботлаб, минглаб иқтисодий ва сиёсий далиллар келтиришди, албатта. Мен сиёсатчи ҳам, иқтисодчи ҳам эмасман; мен уларни ишонтира олмадим. Нима ҳам қилардик, афтидан, қиёмат-қойим бўлиши шартга ўхшайди; жуда бўлмаганда кўпчилик эътироф қилгандек, иқтисодий ва сиёсий масалаларда шундай бўлар; жуда бўлмаганда, бу нарса фан, техника ва жамоатчилик фикрининг маъқуллаши оқибатида амалга ошар, шунда ҳам бутун инсон кашфиёти ишга солинади. Ҳеч қандай космик фалокат юз бермайди— фақат давлат ва хўжалик манфаат-

лари, обрў эътибор тушунчаси ва ҳоказолар. . . Буларга қарши нима ҳам қилар эдик.

Ички садо бир дақиқагина жим қолди.

— Инсониятга ачинмайсанми?

— Тўхта, шошилма! Бутун инсоният қирилиб кетмайди-ку, ахир. Самандарларнинг яшаши ва тухум қўйишлари учун уларга кўпроқ қирғоқлар керак, холос. Улар қирғоқлар кўпайиши учун қуруқликни, эҳтимол, ковлайвериб галвир қилиб юборишар. Аммо қанчалик қиймаламасин, барибир у ер-бу ерда одамлар қолар, шундай эмасми? Бу одамлар самандарлар учун металллар ва бошқа нарсалар тайёрлаб бериб туришарди. Ахир самандарлар олов олдида ишлай олмайди, билдингми?

— Демак, одамлар самандарларга хизмат қилади.

— Ҳа, истасанг шундай дейишинг мумкин. Улар ҳозиргидек фабрика ва заводларда ишлашади. Уларнинг эгалари ўзгаради, холос. . .

— Шундай ҳам бўла қолсин, аммо инсониятга ачинмайсанми?

— Илтимоc, мени тинч қўй! Мен нима ҳам қила олардим. Ахир одамларнинг ўзи шуни истаган; ҳамма самандарлик бўлишни истаган; бу савдонинг, саноат ва техниканинг истаги, сиёсий арбоблар ва эътиборли ҳарбийларнинг тилаги эди. . . Мана, ёш Повондра айтяпти-ку, ҳаммамиз айбдормиз, деб. Инсониятга ачинганда қандоқ! Бироқ ҳаммасидан ҳам унинг ўзини жар ёқасига бориб қолганини кўрганимда қаттиқ ачинганман. Хўрлигим келиб кетган. Бузилган йўлдан келаётган поездни кўрганимда бақриб қўл силкийсан. Бироқ энди уни тўхтага олмайсан. Самандарлар яна кўпайишади, эски қитъаларни тобора кўпроқ ковлай берадилар. . . Эслаб кўр-чи, Вольф Мейнерт нимани исботлаган эди; у одамлар самандарларга жой бўшатиб беришлари лозим ва фақат самандарларгина бахтиёр, тенг ҳуқуққа асосланган, ягона дунё барпо эта олади, деган эди.

— Топган гапини-чи, Вольф Мейнерт! Вольф Мейнерт!

Вольф Мейнерт — зиёли. Шундай восита билан дунёни қайта қурмоқчи бўлган зиёлида топилмайдиган, етарли даражада фалокатли, даҳшатли ва бемаъни бирор нарса бормикин? Хўп, майли, буни қўя турайлик. Биласанми, Маржёнка ҳозир нима қиляпти?

— Маржёнками? Менимча, Вишеградда ўйнаб юрган бўлса керак. Тўпалон қилмагин, бобонг ухляпти, дейишган унга. Шунинг учун у нима қилишини билмайди, жуда зерикиб кетяпти. . .

— Хўш, у нима қиляпти?

— Билмасам. Аниқроғи, тилининг учини бурнининг учига етказишга уринаётган бўлса керак.

— Мана кўрдингми! Сен шунда ҳам дунёнинг янги тўфони сингари бир нарсага йўл қўйишга тайёرمىсан?

— Мени ўз ҳолимга қўй! Нима, мен мўъжиза яратардим? Нима бўлса бўлди. Воқеалар ўз йўриғи билан давом эта берсин! Бунда ҳатто айрим таскин берувчи жиҳатлар ҳам бор: рўй берадиган ҳар бир нарса ички зарурият ва қонуният асосида бўлади.

— Самандарларни тўхтатишнинг иложи йўқми?

— Мутлақо. Улар жуда ҳам кўп. Уларнинг яшаши учун жой керак.

— Бирор сабаб бўлиб қирилиб кетмасмикин? Айтайлик, улар орасида, қандайдир эпидемия ёки зоти айниш бошланиб қолса. . .

— Бунчалик осон, деб ўйлама, дўстим. Одамлар бузган ишни ҳадеб табиат тўғрилайверадими? Демак, уларнинг ўзига-ўзи ёрдам бериши мумкинлигига ишонмайсанми? Мана кўрдингми! Сизлар доим кимдир ёки нимадир келиб, бизни қутқарар, деган умидда юрасизлар! Сенга бир нарсани айтиб қўяй. Европанинг бешдан бир қисми фарқ қилинган бир пайтда ҳам самандарларга портловчи моддалар, торпеда ва пармаларни ким етказиб турганини биласанми? Дунёни парча-парча қилишга мўлжалланган янада яхшироқ машиналар ва моддалар кашф қилиш учун лабораторияларда кеча-кундуз зўр бериб ишлаётганларнинг ким эка-

нини биласанми? Самандарларга ким қарз берапти, Рўзи Қиёматни янги дунё тўфонини молниявий жиҳатдан ким таъминлаб турибди, биласанми?

— Биламан. Барча саноат корхоналари. Барча банклар. Барча давлатлар.

— Худди шундай. Самандарларгина инсонга қарши бўлса қошки эди, у ҳолда, эҳтимол, бирор чорасини топса бўларди; бироқ одамларнинг ўзлари одамларга қарши бўлганда бунинг иложи йўқ, биродар.

— Тўхта-чи!. . . Одамлар одамларга қарши. . . Миямга бир фикр келиб қолди. Бинобарин, самандарлар ҳам самандарларга қарши бўлиши мумкин-ку, ахир!

— Самандарлар самандарларга қарши? Буни қандай тасаввур қиласан?

— Айтайлик. . . самандарлар жуда ҳам кўпайиб кетадиган бўлса, улар бир бўлтак қирғоқ, кўрфаз ёки шу хилдаги яна бирор нарсани талашиб, ўзаро урушиб қолиши мумкин; кейин борган сари кўпроқ ва янада кўпроқ қирғоқлар можаро сабабчиси бўлади; охири бориб, уларнинг барча денгиз қирғоқлари устидан ҳукмронлик қилиш учун бир-бири билан урушишларига тўғри келади. Шундай эмасми? Самандарлар самандарларга қарши! Ўзинг айт-чи, ахир бу тарих нуқтаи назаридан тўғри эмасми?

— . . . Йўғ-э, бўлмайди. Самандарлар самандарларга қарши кураша олмайди. Бу табиатга зид. Ахир самандарлар бир наслдан-ку.

— Одамлар ҳам бир наслдан. Кўриб турибсан-ку, бу нарса уларга ҳеч бир монелик қилмайди. Бир наслдан бўлса ҳам, қара — нималарни баҳона қилиб урушишмайди! Улар ҳатто қуёш остидаги ер учун эмас, қудрат учун, эътибор учун, шон-шараф учун, нуфуз учун, бозорлар ва ким билади дейсан, яна нима балолар учун жанг қилишмайди! Шундай экан, нега энди самандарлар, айтайлик, нуфуз учун ўзаро уруш бошлашмас экан?

— Бунинг уларга нима ҳожати бор? Қани, ўзинг айт-чи, бу билан улар нимага эришишади?

— Ҳеч нимага, баъзилари вақтинча кўпроқ қирғоқлар орттириб бошқалардан қудратлироқ бўлиб олади, холос. Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин, аксинча. . .

— Уларга бу қудратнинг нима кераги бор? Ҳаммаси бир хил-ку, ҳаммаси — самандарлар-ку; ҳаммасида бир хил склет, ҳаммаси бир хилда жирканч, нима бўлганда ҳам самандарлар-да; улар бир-бирини ўлдириб нима қилади? Ўзинг айт-чи, улар қандай мақсадда ўзаро курашадилар?

— Улар билан ишинг бўлмасин, бирор сабаб топилиб қолади; бир томондан европалик самандарлар, иккинчи томондан эса африкалик самандарлар; вақти келиб бири иккинчисидан бирон жиҳатдан устун бўлиб олишига нима халақит берарди дейсан! Цивилизация учун, территория учун ёки бошқа бирон нарса учун ўз устунлигини пеш қила бошлашади; бир қирғоқнинг самандарлари, албатта, бошқа қирғоқнинг самандарларини бўғизлашга тушадиган бирор-та ғоявий, сиёсий сабаб доим топилади. Самандарлар ҳам бизчалик цивилизацияга эришган ва уларнинг сиёсий, иқтисодий, юридик, маданий ва бошқа ҳар хил далил-исботлари етарли бўлади.

— Уларда қурол бор! Уларнинг тиш-тирногига қадар қуролланганини унутма.

— Ҳа, уларнинг қуроллари ошиб тошиб ётибди. Кўрдингми! Наҳотки, тарих яратишни улар одамлардан ўрганиша олмаса?

— Тўхта, шошма-чи! (Муаллиф ўрнидан сакраб туриб, хонада у ёқ-бу ёққа юра бошлайди.) Тўғри айтасан! Агар бу нарса уларнинг хаёлига келмаса, жуда ғалати бўлар эди! Энди тушундим. Дунё харитасига бир қараб қўйсанг, ҳаммаси тушунарли. . . Бирорта дунё харитасини қаердан топсам экан?

— Харита кўз олдимда турибди.

— Яхши. Демак, мана бу ерда Ўрта ер денгизи ва Шимолий денгизлар билан Атлантика океани. Бу ерда Европа, мана буниси — Америка. . . Бу маданият ва ҳозирги замон

цивилизациясининг бешиги. Қаердадир манави жойда қадимий Атлантида фарқ бўлган.

— Энди бўлса самандарлар янгисини фарқ қилишяпти:

— Тўғри. Мана бу ерда эса Тинч ва Ҳинд океанлари. Қадимий ва сирли Шарқ. Айтишганидек, инсоният бешиги: Мана бу ерларда — қаердадир, Африкадан Шарқда мифик Лемурия сув остида қолиб кетган. Мана Суматра, бир оз фарброқда.

— Танамаса оролчаси. Самандарлар бешиги.

— Ҳа. У ерда самандарларнинг маънавий доҳийси Қирол Самандар ҳукмронлик қилади. У ерда ҳали ҳам капитан ван Тохнинг тара-boys лари, азалдан Тинч океанлик, ярим ёввойи самандарлар яшашади. Хуллас, бу уларнинг Шарқи, тушундингми? Бу томоннинг ҳаммаси энди Лемурия деб аталади, нариги цивилизацияга эришган, европалашган ва америкалашган, замонавий ва техник жиҳатдан етук иккинчи томони эса Атлантида. У ерда энди буюк фотиҳ, техник ва солдат, самандарлар Чингизхон ва қитъалар Бош Самандари диктаторлик қилади. Жуда ҳам қизиқ шахс.

(— Менга қара, у чиндан ҳам самандарми?)

(— Йўқ. Бош Самандар инсон. Унинг ҳақиқий номи Андреас Шульце, жаҳон уруши пайтида қаердадир фельд-фебел¹ бўлган экан.)

(— Ҳа, бундай дегин! .)

(— Ҳа, шундай. Худди шундай.) Шундай қилиб, демак, Атлантида ва Лемурия. Бундай бўлиниш географик, маъмурий ва маданий сабаблар билан изоҳланади. . .

— Шунингдек, миллий сабаблар ҳам. Миллий сабабларни ёдингдан чиқарма: Лемурия самандарлари «пижин-инглиш»да, атлант самандарлари эса «бэзик-инглиш»да гаплашади.

— Ҳа, майли. Вақт ўтиши билан атлантлар собиқ Сувайш канали орқали Ҳинд океанига ўта беришади. . .

¹ Адольф Гитлернинг биринчи жаҳон урушида ефрейтор бўлганига ишора.

— Бу табиий. Шарққа олиб борадиган классик йўл шу.

— Тўғри. Лемур самандарлари, аксинча, Яхши Умид бурнини айланиб ўтиб, собиқ Африканинг ғарбий қирғоқларига интилишади. Улар бутун Африкани Лемуриянинг таркибий қисми, деб даъво қилишади.

— Турган гап.

— Шундай шиор юзага келади: «Лемурия — лемурларга! Йўқолсин бегоналар!» — ва ҳоказолар. Атлант ва лемурлар ўртасида ўзаро ишончсизлик жарлиги ва авлоддан авлодга ўтувчи адоват чуқурлаша боради. Ашаддий душманлик кучая боради.

— Бошқача қилиб айтганда, улар Миллатларга айланишади.

— Ҳа, атлантлар лемурлардан ҳазар қилиб, уларни «исқирт ёввойилар», деб аташади; лемурлар эса атлант самандарларига мутаассибларча нафрат билан қарашади ва улар тимсолида қадимий, пок, асл самандарликни булғатувчиларни кўришади. Бош Самандар гўё экспорт ва цивилизация манфаатлари учун лемур қирғоқларини ижарага олмақчи бўлиб шилқимлик қилади. Олижаноб қария — Қирол Самандар истаса-истамаса кўнишга мажбур; гап шундаки, уларда қуролланиш чатоқроқ. Тигр қўлтигида, қачонлардир Бағдод жойлашган ерга яқин жойда тўқнашув юз беради; ерлик лемурлар атлант ижарагоҳига ҳужум қилиб, гўё лемурларнинг миллий иззат-нафсини ҳақорат қилган икки офицерни ўлдиришади. Натижада...

— Уруш бошланиб кетади. Турган гап.

— Ҳа, самандарлар самандарларга қарши чиқиб, жаҳон уруши бошланиб кетади.

— Маданият ва ҳуқуқ учун.

— Чинакам самандарлик учун. Миллий ифтихор ва улуғворлик учун. Шиор шундай бўлади: «Биз ёки улар». Малайя каламушлари ва йогларнинг ханжарлари билан қуролланган лемурлар Лемурияга келиб қолган атлантларни шафқатсиз равишда бўғизлашга тушадилар; бунга жавобан бирмунча илғор, европача маълумот олган атлантлар

лемур денгизларини кимёий заҳарлар ва қирғин келтирадиган бактериялар билан, бунинг устига бутун дунё океанига татийдиган даражада заҳарлашади. Денгизлар сунъий урчийдиган жабра ўлати билан заҳарланади. Бу эса, бироқ дар, тамом деган гап. Самандарлар қирилиб кетади.

— Ҳаммасими?

— Ҳаммаси, битта ҳам қолмайди. Бу қирилиб кетган насл бўлади. Улардан фақат Andrias Scheuchzeri нинг эски энинген изларигина қолади.

— Одамлар нима бўлади?

— Одамларми? Ҳа, айтгандай. . . Одамлар. . . Ҳа, улар тоғлардан бирин-кетин қирғоқларга қайта бошлашади; бироқ океан яна узоқ вақтлар давомида самандарларнинг сасиган жасадларидан бадбўй таратиб туради. Дарё оқизиқлари туфайли қитъалар яна аста-секин катталаша боради; денгиз қадам-бақадам чекина боради ва ҳамма нарса деярли илгариги ҳолига қайтади. Инсонларнинг гувоҳи учун худо томонидан юборилган дунё тўфони ҳақида янги афсона пайдо бўлади. Гўё инсон маданиятининг бешиги бўлган, эндиликда сув остида қолган мамлакатлар ҳақида афсоналар тўқилади; масалан, аллақандай Англия, Франция ёки Германия ҳақида ривоятлар юзага келади.

— Кейин-чи?

— Бунисини энди мен билмайман.

МУНДАРИЖА

<i>Биринчи китоб. Andrias schevchzeri</i>	3
<i>Иккинчи китоб. Цивилизация босқичлари сари</i>	139
<i>Учинчи китоб. Самандарлар билан жанг</i>	219

На ўзбекском языке

Карел Чапек

ВОЙНА С САЛАМАНДРАМИ

Р о м а н

Перевод с издания издательства «Карта молдовеняскэ»,
Кишинев 1974

Редактор У. Шамсимуҳамедов

Рассом Я. Жирков

Расмлар редактори А. Кива

Техн. редактор Т. Смирнова

Корректор М. Абдусаломова

ИБ № 740

Восмаҳонага оерилиди 10.10.78. Босишга руҳсат этилди 22.11.79. Форма 70X108^{1/32}. Босмаҳона қоғози № 3. Адабий гарнитураси. Юқори босма. Шарт босма л. 12,95. Нащр л. 13,94. Тиражи 30 000. Заказ № 173э. Баҳоси 1с. 30 т. Ғаф Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 700129. Навоий кўчаси.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат Қом тетининг Тошкент «Матбуот» типографияси ишлаб чиқариш бирлашмасида тайланган матрицадан 1-босмаҳонада босилди. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21.

Чапек Карел.

Самандарлар билан жанг: /Роман. Русчадан Алимулла Ҳабибуллаев тарж./—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. 296 б.

Машҳур чех ёзувчиси Карел Чапек ўзининг «Самандарлар билан жанг» романи да 30-йиллардаги халқаро сиёсатни, шу жумладан, Германияда бош кўтарган фашизмни қаттиқ ҳажв қилган. Романига гўё Индонезия оролларида биринчи учраган ақлли махлуқ — самандарларни «одамийлаштириш» ҳақидаги фантастик уйдирасос қилиб олинган.

Улкан фойда олиш учун ҳар қандай қабиҳликдан қайтмайдиган саноатчи самандарлардан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланадилар. Самандарлар эса ўз навбатида буржуа жамиятининг барча иллатларини ўзлаштириб олиб, одамлар билан рақобат қила бошлайдилар. Самандарлар ҳаётини тасвирлар экан, ёзувчи капиталистик дунёнинг сатирик манзарасини чиқиб беради.

Чапек Карел. Война с саламандрами. Роман.

ББК 84. 4 Че
И(Че)